

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ
МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАФКУРА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ

ОХУНЖОН САФАРОВ
МЭЛС МАҲМУДОВ

ОИЛА МАЪНАВИЯТИ

ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 2009

Оила — жамиятнинг асосини ташкил этувчи қўрғон. У кишилик жамиятида инсоний орият ва номусни англаш, шу туйғуларни шараф ва гурур қадар идрок этишнинг ҳосиласи. Шундай бўлгач, оила қанча мустаҳкам бўлса, жамият ҳам, ватан эрки ва истиқлолнинг пойдевори ҳам шунча мустаҳкам бўлади. Оиланинг мустаҳкамлиги эса нафақат ижтимоий-иқтисодий, баъки маънавий-ахлоқий омилларга ҳам чамбарчас боғлиқдир. Линобарин, ўзбек оилалари маънавиятининг тарихий асосларини оила ва жамият, оилада маънавий муҳитнинг соғломлиги, унда фарзанд тарбияси муаммоларини ҳал этишда оилавий анъаналарнинг аҳамияти масаласини истиқлол мафкураси нуқтаи назаридан қараб чиқиш ва баҳолаш гоят мароқлидир. Китоб ана шу масалалардан баҳс этади.

Китоб кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Т а қ р и з ч и л а р:

Х. И. Иброҳимов, педагогика фанлари доктори, профессор;
Ш. Р. Бароттов, психология фанлари доктори, профессор;
Д. С. Ўраева, филология фанлари доктори.

С 34

Сафаров, Охунжон.

Оила маънавияти/ О. Сафаров, М. Маҳмудов; —
Тошкент: Маънавият, 2009 — 248 б.

ББК 74.90
66.0

С 4702620204-4
М25(04)-09

ISBN 978-9943-04-089-2

© «Маънавият», 2009



Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас Ватан саналган. Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳамжаҳатликка эришилади. Бинобарин, маҳалла-юрт мустаҳкам бўлсагина, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради. Зеро, оила фаровонлиги — миллий фаровонлик асосидир.

Ислом Каримов





Ушбу битигимизни бизларга яшаш илмини ўргатган устозларимиз Сафарбой Тўраев ва Ҳасан Маҳмудовларнинг порлоқ хотираларига бағишлаймиз.

Муаллифлар

МУАЛЛИФЛАРДАН

Азиз ўқувчи, қўлингиздаги рисола илк бор Оила йили шарофати билан 1998 йилда нашр этилган эди. Шундан бери роппа-роса ўн йил ўтди. Албатта, ўзбек оиласининг неча-неча минг йиллик тарихи олдида бу жуда қисқа муддат, лекин оиланинг жамият асоси сифатидаги мавқеини мустаҳкамлаш, ижтимоий ролини кучайтириш, иқтисодий фаровонлигини таъминлаш, маънавий-маданий савиясини юксалтириш соҳасида амалга оширилган гоят самарали чора-тадбирлар ўзбек оилашунослиги тарихининг алоҳида зарварақларини ташкил этади. Шу қисқа муддатнинг яна бир хосияти шундаки, мамлакатимизда оила тақдири давлат аҳамиятига молик сиёсий-ижтимоий ҳодиса даражасига кўтарилди ва оила муаммолари соҳасида изчил амалий сиёсат юргизила бошланди. Ана шу ҳолат мазкур рисола қайта кўздан кечиришни, шу даврда оилага оид юргизилган сиёсат моҳияти билан уни тўйинтиришни тақозо этди. Шу мантиқ асосида рисоланинг барча қисмлари кейинги ўн йил давомида оила, она ва болалик муҳофазаси, маҳалла бошқарувини такомиллаштиришга доир қабул қилинган қонунлар, қарорлар ва бошқа директив ҳужжатлар асосида қайта назардан ўтказилиб, имкон қадар янги далиллар, янги мулоҳаза ва кузатишлар натижалари билан тўлдирилди. Бунда илгариги нашрда ўзбек оиласи маънавияти асосларини умумлаштиришда, асосан, Ўзбекистоннинг жанубий воҳалари – Бухоро,

Самарқанд, қисман Қашқадарё ва Сурхондарёда яшовчи оилалар турмушига хос материалларга суянган бўлсак, бу нашрда оила географиясини имкон қадар кенгроқ олишга ҳаракат қилинди, Хоразм воҳаси ва Фарғона водийсида яшовчи оилалар турмуш тарзига тааллуқли материаллардан ҳам маълум даражада фойдаланишга уриндик. Бунини махсус таъкидлаётганимиз боиси шундаки, Республикаимизнинг ҳар бир гўшасида шаклланган оилавий-маънавий анъаналарда қатор муштаракликлар борлигига қарамай, бир-биридан фарқ қилувчи ранг-баранг хусусиятлар ҳам мавжуд. Шунга қарамай бир рисола доирасида уларнинг барчаси ҳақида мулоҳаза ва муҳокама юритишнинг имконияти чегараланганлиги ўз-ўзидан аёнлир.

Ҳазрат Шайх Саъдий айтган эканлар:

Як гули мақсуд дар ин бўстон,
Чидан нашуд бе мадади дўстон, —

яъни бу бўстондаги мақсад гулини дўстлар мададисиз териб бўлмагай. Шундай экан, рисолаининг тўлдирилган ва қайта ишланган ушбу нашрини тайёрлашда аввалги нашр юзасидан билдирилган истак ва мулоҳазалар ҳам ҳисобга олинди. Албатта, мукамалликка ҳар қанча интилайлик, у чексиз ҳодисадир, унга етмоқ осон иш эмас. Бинобарин, оила маънавиятидек мураккаб ва кўп қиррали мавзунини ёритишда дўстлар маслаҳатига интиқмиз, рисолаини мазмунан такомиллаштиришга оид ҳар қандай таклифни ва истакни мамнуният билан қабул қиламиз ва олдиндан миннатдорчилик билдирамыз.

МУҚАДДИМА

Президентимиз Ислон Каримов томонидан мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг беш йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда 1998 йилнинг «Оила йили» деб эълон этилганига ҳам ўн йилдан ошди. Аслида «Инсон манфаатлари йили» шиори остида яқунланган 1997 йилнинг 9 декабрида шу ҳақда қабул қилинган Фармойиши ва ҳар бир оила муаммоларига дахлдорлиги билан кечган 1999 йил — «Аёллар йили», 2000 йил — «Соғлом авлод йили», 2001 йил — «Оналар ва болалар йили», 2002 йил — «Қарияларни қадрлаш йили», 2003 йил — «Обод маҳалла йили», 2004 йил — «Меҳр-мурувват йили», 2005 йил — «Сиҳат-саломатлик йили», 2006 йил — «Ҳомийлар ва шифокорлар йили», 2007 йил — «Ижтимоий ҳимоя йили» ва ниҳоят 2008 йил — «Ёшлар йили»даги қатор расмий ҳужжатлар асосида амалга оширилган тадбирлар, хусусан, Олий Мажлиснинг XI сессиясида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг оила кодекси»дан тортиб то Олий Мажлис Сенатининг 2007 йил 1 декабрида маъқулланган «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунгача — барчаси, айтиш мумкинки, ўз мавридида англаб етилган ижтимоий ҳақиқатнинг эътирофи ва ёрқин ифодаси бўлди. Негаки, истиқлол йўлига қадам қўйилган дастлабки кунданоқ мамлакатимизда бунга маънавий-моддий замин яратиб келинаётган эди. Тараққиётнинг ўзига мос ва ўзига хос йўлини танлаган мамлакатимиз бу соҳада ҳам ўзига мос ва ўзига хос йўл танлай олган эди. Юртбошимизнинг доно сиёсати туфайли ўшандаёқ ишни соғлом авлодни тарбиялашдан бошламоқ зарурияти кун тартибига қўйилган эди. Шу мақсадда аввал жаҳоннинг бирорта мамлакатаида бўлмаган юксак мукофот — «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис қилинганлиги, сўнгра шу номда махсус жамғарманинг ҳамда бирин-кетин «Камо-

лот», «Маҳалла» жамгармаларининг ҳамда «Оила» илмий-амалий марказининг ташкил этилганлиги, қолаверса, «Мактабгача тарбия», «Тарбия», «Бошланғич таълим», «Соғлом авлод учун», шунингдек, фақат болаларга мўлжалланган «Билимдон», «Бойчечак», «Бекинмачоқ», «2×2», «Знайка» ва «Доноворд» сингари қувноқ журналларнинг чиқа бошлаганлиги, ниҳоят, 1994 йилнинг 1 октябрида «Кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш чоратadbирлари тўғрисида» ва 1997 йилнинг 1 январидида «Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тўғрисида» сингари қатор тadbирларнинг амалга оширилганлиги, фармон ва қарорларнинг қабул қилиниб ҳаётга татбиқ қилинганлиги, қолаверса, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши тўғрисида», «Таълим тўғрисида»ги Қонунлар ва «Миллий кадрлар тайёрлаш дастури» ҳам пировард-оқибатда оила қадриятини англаш, уни ижтимоий муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлигини таъминлаш йўлидаги мислсиз ишлар эди. Сирасини айтганда, 1997 йилнинг инсон манфаатлари йили тарзида нишонланганлиги оилани муқаддас қадрият сифатида эъзозлашда бир пиллапоя вазифасини ўтади. Кўринаётирки, мамлакатимиз истиқлолнинг еттинчи йилини — Оила йили сифатида нишонлаш шунчаки тантанавор шоирбозлик аломати бўлмай, балки буюк келажакни кўзлаб соғлом демократик жамиятни яратиш йўлида огишмай амалга оширилаётган изчил ижтимоий-маънавий сиёсатнинг мантиқий натижасига айланди.

Зеро, соғлом демократик жамиятни яратишнинг муҳим шартларидан бири, аввало, ҳар жиҳатдан соғлом, маънавияти юксак, мустақил фикрловчи янги авлодни тарбиялашдан иборатдир. Чунки ҳар бир ота-она ўз фарзандлари тимсолида эзгу орзу-умидларининг рўёбини, порлоқ келажакни тасаввур қилади. Президент Ислон Каримов таъкидлаганидек: «Бола тарбиясида соғлом насл масаласи ҳам муҳим роль ўйнашини инкор этиб бўлмайди. Ақли расо ҳар қайси инсон яхши англайдики, бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди»¹.

¹ **Ислон Каримов.** Юксак маънавият — енгилмас куч. Т., «Маънавият», 2008, 56-бет.

Оила ижтимоий ҳодиса сифатида инсониятнинг улут кашфиёти саналади. Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек: «Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас Ватан саналган. Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади. Бинобарин, маҳалла-юрт мустаҳкам бўлсагина, давлатда озоишталик ва барқарорлик ҳукм суради. Зеро, оила фаровонлиги — миллий фаровонлик асосидир».

Шу боисдан кишилиқ жамиятида оиланинг пайдо бўлиш тарихини, ижтимоий моҳиятини, ахлоқий-тарбиявий ролини ва бошқа хусусиятларини ўрганиш гоят мароқлидир. Бу соҳада оилашунослиқ ижтимоий фанларда алоҳида бир тармоқ сифатида шаклланган. Аслида «Авесто», Куръони карим ва муқаддас ҳадисларда ўз сарчашмасини олган оилашунослиқ ҳақидаги қарашлар Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Унсурул Маолий Кайковус, Алишер Навоий ва бошқа мутафаккирларнинг асарларида бирмунча ривож топди, улар бу масалани, асосан, ота-она ва фарзанд муносабатлари доирасида талқин қилдилар. Ниҳоят, ижтимоий тафаккур ривожига кўра, XIX асрга келиб жаҳон жамиятшунослигида оилага қизиқиш янги босқичга кўтарилди. Жумладан, Марказий Осиё халқларида оила ва оилавий аъъаналар тарихига назар солувчи эр-хотин В. Наливкин ва М. Наливкиналарнинг «Фарғона водийсида ўтроқлашган маҳаллий аёллар турмуши очерки» (Қозон, 1888), Ризоуддин ибн Фахруддиннинг «Тарбияли бола», «Тарбияли она», «Аҳли аёл», «Тарбияли хотун», «Шогирдлик одоби», «Биринчи насиҳат», «Иккинчи насиҳат», «Учинчи насиҳат», «Одоби таълим» ва «Оила» сингари ўн жилддан иборат «Илми ахлоқ» (Оренбург, 1913), Фахр-ул Банот Сибҳатуллоҳ қизининг «Оила сабоқлари» (1913), Абдурауф Фитратнинг «Оила ёки оила бошқариш тадбирлари» (1914), Л. П. Потаповнинг «Қўнгирот ўзбекларида оилавий қабилачилик муносабатларига доир материаллар» (1930), Л. Я. Штернбергнинг «Шимоли-шарқий Осиё халқларида оила ва уруғ» (Л. 1933), С. П. Толстовнинг «Қадимги Хоразм» (М., 1948), М. О. Косвеннинг «Матриархат» (М., 1948) ва «Оилавий жамоа ва патронимия» (М., 1963), Н. Я. Бичуриннинг «Қадим замонларда Ўрта

Осиёда яшовчи халқлар тўғрисида маълумотлар мажмуаси» (М.–Л., 1950), К. Л. Задихинанинг «Амударё дельтаси ўзбеклари» (1952), Н. П. Лобачеванинг «Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларида оила ва никоҳ тарихи очерклари» (Л., 1959), К. Шониёзовнинг «Қарлуқ – ўзбеклар» (Тошкент, 1964), О. А. Сухареванинг «Бухоро XIX ва XX асрлар бошларида» (М., 1966), А. Т. Бекмуротовнинг «Қорақалпоқлар турмуши ва оиласининг ўтмиши ва ҳозир» (Нукус, 1969), Ф. В. Шоумаров ва Ш. Б. Шоумаровларнинг «Муҳаббат ва оила» (Тошкент, 1994), ушбу сатрлар муаллифларининг «Оила маънавияти» (1997), Эркин Юсуповнинг «Оиланинг маънавий асослари» (Наманган, 1998) ва Ойниса Мусурмонованинг «Оила маънавияти – миллий ғурур» (Тошкент, 2000), Т. Курбоновнинг «Ота бўлиш осонми» (Т., «Маънавият», 2007), М. Куроновнинг «Миллий тарбия» (Т., «Маънавият», 2008) сингари қатор тадқиқотлар юзага келди. Бу ишларнинг ҳар бири ўзига хос фазилатларга эга, бироқ яратилган даври мафкурасидан озикланганлиги боис уларни истиқлол мафкураси манфаатлари нуқтаи назаридан ўрганиш ва баҳолаш, шу асосда ўзбек халқида оиланинг вужудга келиш тарихи, моҳияти ва тадрижини холисона яратиш долзарб илмий муаммога айланиб қолди. Бу беҳад кўп қиррали муаммо бўлиб, жамият тараққиётини белгилашда, маънан баркамол ва жисмонан соғлом авлодни тарбиялашда жиддий аҳамиятга эга. Шунини ҳисобга олиб, Республикамиз ҳукумати, шахсан Юртбошимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 1998 йилнинг 2 феввалида «Республика «Оила» илмий-амалий марказини ташкил этиш тўғрисида» махсус қарор қабул қилинди. Унда «Оилага тааллуқли бой ва сермазмун миллий анъаналарни авайлаб-асраш, уларни умумбашарий қадриятлар билан уйғунлаштириш, оила ва никоҳнинг муқаддаслигини ёш авлод онгига чуқур сингдириш йўли билан оилаларнинг мустақкамлигини таъминлаш, оила аъзоларининг ҳуқуқий саводхонликларини ошириш муаммоларини илмий ўрганишни ва фуқароларга бу масалаларда амалий ёрдам беришни мувофиқлаштириш тадбирлари белгилаб берилди. Энг муҳими, «Оила» илмий-амалий маркази фаолиятининг асосий йўналишлари тарзида тубандагилар белгиланади:

«Оила ва жамият, оила ва маҳалла муносабатлари би-

лан боғлиқ бой миллий анъаналар, сермазмун миллий қадриятларнинг илдизларини, аждодларимиз меросини ўрганиш ва оммалаштириш;

миллий оилавий тарбияда умуминсоний қадриятларнинг ўрнини юксалтириш ва унинг оилада уйғунлашувини таъминлаш;

оиланинг педагогик, психологик, ижтимоий-психологик, этнопедагогик, этнопсихологик муаммоларини ўрганиш ҳамда ривожланиш истиқболлари бўйича таклиф ва тавсиялар тайёрлаш;

оиланинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, демографик хусусиятларини илмий асосда тадқиқ этиш;

оила, аёл ва болаларнинг ижтимоий-иқтисодий маवқеини акс эттирувчи статистик ахборотларни тўплаш ва умумлаштириш;

оилани режалаштиришни, унинг саломатлигининг тиббий-биологик асосларини илмий-амалий тадқиқ этиш, усулий тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга кенг татбиқ этиш;

ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашни яхшилаш мақсадида никоҳ уйлари ва саломатлик марказлари ҳузурида махсус ўқув-тарбиявий курсларни ташкил этиш;

оиланинг ҳуқуқий саводхонлигини тубдан яхшилаш ва ҳимоялаш бўйича илмий-амалий фаолият кўрсатиш;

оилада боланинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоя қилиниши, соғлом ўсиши, мактабга тайёрланишида ота-оналарнинг фаолиятларини такомиллаштириш ҳамда масъулиятларини ошириш юзасидан ўқув-усулий тавсиялар ишлаб чиқиш;

ёш авлодда маънавият, маданият, маърифатни янада юксалтириш орқали оилада баркамол авлодни тарбиялашнинг энг самарали, мақбул усулларини излаш ва ишлаб чиқиш;

оила ва жамият муаммоларига ва уларнинг ечимига оид ўқув-усулий қўлланма, илмий-оммабоп рисоалар яратиш...» Булардан ташқари Республика хотин-қизлар қўмитаси ҳузурида ташкил этилган бу илмий марказ бир қатор ташкилий тадбирларни ҳал қилиш, жумладан, «1998 йилнинг «Оила йили» деб эълон қилиниши муносабати билан белгиланган тадбирлар дастурининг бажарилиши мониторингини олиб бориш» (бунда Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 январда қабул қилган «Оила манфаатларини таъминлаш борасида 1998 йилда амалга ошириладиган тадбирлар давлат дастури тўғрисида»ги қарори кўзда тутилади. — *Муаллифлар*) ҳамда «Оила ва жамият муаммолари соҳасида халқаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш» вазифаларини бажаришга ҳам ўҳдадор қилиб қўйилган.

Шуниси эътиборлики, жаҳоннинг бирорта мамлакатида оила ва унинг муаммоларини бу қадар изчил ва кенг қамровли илмий асосда ўрганиш ва ечишга киришилганлигини тарих билмайди. Президентимиз Ислом Каримов ўзбек халқи оилага, миллий тарбияга азал-азалдан катта масъулият билан қараб келганлигини ва бу масала ҳамиша долзарблигича қолишини таъкидлаб бундай деган эди: «Маълумки, ўзбек халқи азалдан ўзининг болажонлиги, оилапарварлиги билан ажралиб туради. Албатта, фарзандга меҳр қўйиш, уларнинг қорнини тўқ, устини бут қилиш ўз йўли билан, лекин болаларимизни ёшлик чоғидан бошлаб миллий тарбия, ахлоқ-одоб, юксак маънавият асосида вояга етказиш биз учун доимо долзарб аҳамият касб этиб келган»¹.

Фақат ўз эркини қўлга киритиб, ҳурлик нашидасини сура бошлаш жараёнидаёқ оила масъулиятини чуқур ҳис қилаётган Ўзбекистондагина **оила саодати — ватан ва халқ саодати негизи** тарзида тушунилганидан шундай оқилона йўл тутилди. Бунинг дастлабки муждаси, табиийки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XI сессияси томонидан «Ўзбекистон Республикасининг оила кодекси»нинг қабул қилинганлигидир. Бу Қонун демократик давлатда оилавий муносабатларни тўғри ва адолатли ҳал қилишга изн беради, айни замонда ўзбек халқи тарихида оилани мустаҳкамлаш ва унинг манфаатларини азалий миллий анъаналар ҳамда жаҳондаги илғор назарий-ҳуқуқий қарашларнинг ўзаро синтези негизида ҳимоя қилиш асосларини яратувчи илк қонун бўлади, албатта.

Юқорида таъкидланганлардан тубандаги икки хулосага келиш мумкин: Биринчи ва энг муҳими — Ўзбекис-

¹ **Ислом Каримов.** Юксак маънавият — енгилмас куч. Т., «Маънавият», 2008, 55-бет.

тондаги оилани мустаҳкамлаш ва унинг манфаатларини ҳимоя қилишга бу қадар изчил ёндашилаётганлиги ҳамда давлат аҳамиятига эга сиёсат даражасига кўтарилаётганлиги аслида унинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий-маърифий фаолиятини белгилаб берган қонунлар қомуси — Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ифодасини топган «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга» деган 83-моддасига оғишмай амал қилинаётганининг оқибати ҳисобланади. Қолаверса, бу Ўзбекистонда бош Қонунга сатрма-сатр риоя қилиб сиёсат юргизилаётганининг жаҳон афкор оммаси кўзи ўнгидаги шаҳодати ҳамдир.

Ифтихор билан яна шуни қўшиб айтиш жоизки, Ўзбекистонда соғлом ва мустаҳкам жамият пойдевори саналувчи оиланинг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий-маърифий ҳамда биолого-физиологик муаммоларини замон талабларига мувофиқ давлат аҳамиятга молик даражада кун тартибига қўйган Президентимизнинг узоқни кўзловчи сиёсати ҳамдўстлик мамлакатларида ҳам акс садо бера бошлади. Бунини Ўзбекистонда Оила йили деб эълон қилинганидан ўн йил ўтгач, Россияда ҳам 2008 йилнинг «Оила йили» деб эълон қилингани мисолида яққол кўриш мумкин.

Иккинчиси — оиланинг пайдо бўлиш тарихи ва унинг жаҳон тамаддуни (цивилизацияси)га нечоғли таъсир кўрсатилганлигини ўрганишга бағишланган юқорида эслатилган эътирофга арзирли талай жиддий тадқиқотлар юзага келганига қарамай, ҳали бу соҳада анчагина илмий муаммолар қалашиб ётганлигининг дабдурустан аёнлашиб қолганидир. Зеро, Президентимиз Ислом Каримов: «Оила ҳақида гапирар эканмиз, авваламбор, оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканини тан олишимиз даркор», — деганида ҳам аслида шу муаммоларни кўзда тутган эди. Бизлар ҳам шу муаммолар ечимига озми-кўпми хизмат қилишини назарда тутиб, оила маънавияти асосларига халқимиз томонидан яратилиб, асрлар

давомида амал қилиб келинаётган илғор этнологик, этнопедагогик ва этнопсихологик анъаналар негизида ёндашмоққа аҳд қилдик. Шояд бу мулоҳазаларимиз оила кураётган навқирон ёшларга аجدодларимиз турмушида синалган ҳаётий тажрибалардан сабоқ уқишга ва уларнинг оила номусини муқаддас тутиб, оила шаъни ва ғурурини шараф деб билишларига, миллий анъаналар ва урф-одатларда ўзликларига хос хусусиятларни идрок этиб, ўзбек оиласида миллат менталитети инъикосини англашларига асқотса, деган умиддамиз. Бунинг устига, оила маънавияти муаммоларига доир бу кузатишларимизни шу йўналишдаги мулоҳазалар изҳори деб биламиз, бинобарин, уни жиддий бир тадқиқот дейишдан истиҳола қиламиз. Ойнинг ҳам доғи бор деганларидек, унда ҳам сезганингиз кемтикликлар учун олдиндан узр сўраб, сабру бардош билан мутолаа қилганингиздан миннатдорчилигимизни билдира туриб, қай даражададир шу масала юзасидан фикрингизни уйғота олган бўлсак, ўзимизни мақсадимизга эришдик, дея ҳисоблашдан мамнуният сезамиз.

ОИЛА – САОДАТ САРЧАШМАСИ

Оила табиатнинг шоҳ асарларидан биридир.

Ж.Сантаяна

! Оила нима? Бу сўз қандай лугавий маъноларга эга? Асли қайси тилга мансуб? Ижтимоий ҳодиса сифатида нимани англатади? У қандай ва қачон пайдо бўлган? Оила қанақа тарихий-тадрижий йўлни босиб ўтди? Қанақа ижтимоий-маънавий асосларга эга? Қандай кўри-нишга эга? Ўзбек оиласининг ўзига хослиги нимада? Нега истиқлол туфайли Ўзбекистонда бу ҳодисага янгича муносабат кўрғазиш заруриятга айланди? Қаранг-а, жамият қисматига дахлдорлик шу биргина оддий сўзда нақадар кўп ва хилма-хил муаммоларни ифодаловчи маъноларни юклаб қўйибди. Шу долзарб саволлар мағ-зини чақмай туриб, масала моҳиятини англаш қийин. Шу мақсадда дастлаб «оила» сўзи маъносини ойдинлаш-тиришни кўзлаб, бир қанча изоҳли луғатлар ва қомус-ларга мурожаат қилишга тўғри келди.

¶ Оила асли арабча «аёлманд, ниёзманд» маъноларини англатувчи «оил» сўзидан чиққанлиги «Фарҳанги забони тожики»да қайд этилган. Янги тузилган беш жилдлик «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» учинчи китобида ҳам бу сўзнинг арабчалиги таъкидланиб, унинг беш маъноси фарқланади. Дастлабки ва бош маъноси: «Эр-хотин, уларнинг бола-чақалари ва энг яқин туғишганларидан иборат бирга яшовчи кишилар мажмуи, хонадон». Иккинчиси – кўчма маънода: «Бир мақсад, маслак билан бирлашган кўп кишилар, халқлар, мамлакатлар». Учинчи маъноси: «Ўсимликлар ва ҳайвонлар система-тикасида тузилиши жиҳатидан бир-бирига ўхшаш, келиб чиқиш жиҳатидан ҳам ўзаро яқин бир неча уруғни ўз ичига олган гуруҳ: Дуккаклилар оиласи. Ўрдак-тумшуклилар оиласи». Тўртинчи маъноси: «Қардош тил-

лар гуруҳи: Олтой тиллар оиласи. Сом-хом тиллар оиласи». Бешинчи маъноси жонли сўзлашув тилида: «Рафиқа, хотин. Оилам мактабда ўқитувчи»¹. Гарчи дастлабки икки томлик изоҳли луғатда ихчам, кейингисида нисбатан кенг ва батафсилроқ изоҳланган бўлсада, иккала изоҳда ҳам сўздаги маъно юки оналик булогидан сув ичган ҳолда шаклланганлиги етарли ифодаланмаган. Бу жиҳатдан М.Фасмернинг «Рус тилининг этимологик луғати»да бу сўзга берган изоҳи ажралиб туради. У «семья» сўзи украинча «хотин» маъносини англатувчи «Самьца» сўзидан келиб чиққан бўлиб, аслида «урғочи — самец» маъносини англатганини, ниҳоят эр ва хотин қўшиливи асосидаги бирлашувини англата бошлаганини қайд этади². Арабчада хотин «завжа» дейилиб, унинг эркак билан қўшиливидан болачақа дунёга келиб, аёлмандлик юзага келган, бинобарин, оила шаклланган. Афтидан, оиланинг ибтидоий кўринишлари саналувчи қон-қардош оила, ундан кейинги босқичда эса пуналуал оила, яъни бир гуруҳга мансуб опа-сингилларнинг бошқа жамоа гуруҳидаги эрларга хотинлик қиладиган оила дастлаб оилдан иборат демографик бирликнигина англатган кўринади. Кишилик жамиятининг илк ибтидоий босқичидаги полигам оиладан моногам оилага ўтиш жараёнида юзага келган эндогамик никоҳ, яъни ибтидоий уруғчилик тузумида қабила ичидаги гуруҳий никоҳдан — бир қабилага мансуб эркак ва аёл никоҳидан четланиш, аниқроғи, ўзга қабила қизи билан никоҳланишга асосланган экзогамик никоҳга ўтиш инсониятда номус туйғусини англаш нақадар узоқ давом этган жараён бўлганини кўрсатади.

«Оиланинг келиб чиқиши ҳали батамом ойдинлаштирилган эмас, — деб ёзилади «Философия луғати»да. — Мутахассисларнинг аксарияти ибтидоий жамоа тузумининг аввалида тартибсиз жинсий алоқалар ҳукм сурган ва у вақтда оила ҳали бўлмаган, бу алоқалар ўрнини

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. Учинчи жилд, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, Тошкент, 2007, 97-б.

² М. Фасмер. Этимологический словарь русского языка. Том 3. Москва, «Прогресс», 1971, 800-б.

группавий никоҳ эгаллаган, сўнгра эса мазкур жамият оиласининг асосий формаси сифатида жуфт оила пайдо бўлган, деб ҳисоблашда давом этмоқдалар. Янги тадқиқотлар бир қанча олимларни энг аввал-бошдан жуфт оила мавжуд эди, бу оила эр ва хотин уруғи базасида (оталик даври, оналик даври) яшаган ва қариндошликни ота томондан ҳам, она томондан ҳам ҳисоблаб борган, деган хулосага олиб келди»¹. Афтидан бу қараш қай бир нуқтада Одам Ато ва Момо Ҳаволарнинг илк оила бунёдкорлари бўлганликларига оид исломий ақидаларга ҳамоҳанг фикр уйғотади. Бироқ «жамоа ва уруғнинг ривожланиши ва бузилиши жуфт оиланинг аввалида каттакон ота (патриархал) оиласига, кейин эса моногамияга (якка никоҳликка) асосланган кичикроқ ота оиласига ҳам айланишини белгиллаган. Моногамиянинг қарор топиши билан аёллар эркаklar томонидан асоратга олинган. Аёл аста-секин ўз эри — хўжайинининг мулкига, қулига айлана борди. Бойлик орттириш ва уни қонуний ворисларга бериш оиланинг асосий мақсади бўлиб қолади»². Кўринаётирки, оиланинг пайдо бўлишида оналик муҳим роль ўйнаган, худди шу мантиққа асосланиб, оила сўзи юқоридаги изоҳда кўринганидек, хилма-хил маънолар касб эта борган. Айтайлик, набототшуносликка тааллуқли қовоқдошлар, бошоқдошлар, лоладошлар, қоқидошлар ёки зоологияга хос қарғасимонлар, айиқсимонлар, мушуксимонлар, ўрдаксимонлар сингари биологик оилавий гуруҳларни ҳам англата бошлаган. Шу тариқа оила наинки тарихий-ижтимоий категория, балки биологик систематик категорияни англатувчи маъноларни ҳам касб эта борган.

Оила тарихий категория сифатида, қомусий адабиётларда қайд этилганидек, «кишиларнинг табиий-биологик (жинсий муносабатлар, бола туғиш), иқтисодий (мулкий муносабатлар, уй-рўзгорни бошқариш), ҳуқуқий (масалан, никоҳни давлат йўли билан қайд этиш), маънавий (эр-хотин, ота-она ва болалар ўртасидаги меҳр-муҳаббат туйғуси ва бошқалар) муно-

¹ Философия лугати. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти. 1973, 355-б.

² Ўша жойда. 355-б.

сабатларига асосланган ижтимоий бирлиги» бўлиб, унинг хилма-хил шакллари ва кўп қиррали вазифалари мавжуд ишлаб чиқариш ва ижтимоий муносабатларнинг табиатига, жамият маънавияти ва маданий тараққиётининг даражасига боғлиқ ҳолда юзага келган.

Чиндан-да, кишилиқ тараққиётининг илк босқичларида ҳали оила тушунчаси пайдо бўлмаган, лекин жинсий эҳтиёж туфайли эркак ва аёл жуфтлашуви мавжуд эди. Аммо бошда бу жуфтлашув танлов асосида эмасди, ҳатто насл қолдириш мақсадини ҳам кўзламас, шунчаки тасодикий эҳтиёжни қондиришга йўналтирилган эди. Бора-бора эндогамия ва экзогамия муносабатлари қарор топа бориши натижасида дастлаб муайян уруғ ёки қабила аъзолари ўртасидаги гуруҳий никоҳга асосланган эндогамик оила типи юзага келди. Ҳозирга қадар ҳам бундай никоҳнинг изларини инцест, сарорат, левират ва полигамик оилаларда кузатиш мумкин. Чунончи, инцест оила — отанинг ўз қизи ва аксинча, онанинг ўз ўғли билан, сарорат оила — аканинг ўз синглиси ва уканинг ўз опаси билан қурган ғайришаръий оилаларида ҳам, левират оила — бева хотиннинг ўз қайноғасига, яъни вафот этган эрининг акаси ёки укасига ва аксинча ўлган хотиннинг опаси ёки синглисига уйланиш, бошқа бир ҳолда бир аёлга барча ака-укаларнинг эрлик қилиши кўп эрлик негизидаги оила ҳам («Маҳобҳорат»да беш ака-уканинг бир аёлга уйланганлигини эсланг), полигамик оила — бир вақтнинг ўзида 2 тадан юзтагача ва ундан зиёд хотинга эрлик қилиш — кўп хотинликка асосланган оила ҳам, қолаверса, эндогамик оила — муайян уруғ ёки қабила аъзолари ўртасидаги никоҳга асосланган оила ҳамда ибтидоий ўтмишда ўлган хотин ўрнига бегона аёлга уйланиш негизида юзага келган паналуал оила типларида ҳам кўриш мумкин. Ҳолбуки, бу хилдаги ғайришаръий жинсий алоқа ҳаром саналгани боис Қуръони каримнинг «Нисо» сурасидаги 22 ва 23-оятларда шундай шаръий ҳукм буюрилган: «22. Оталарингиз уйланган хотинларни никоҳингизга олманг! Магар илгари ўтган бўлса (уйланган бўлсангиз, Оллоҳ афв этар). Албатта, бу хунук ва жирканч бўлган ёмон қилиқдир. 23. Сизлар учун оналарингиз, қизларингиз, опа-сингилларингиз,

аммаларингиз, холаларингиз, ака-укаларингизнинг қизлари, опа-сингилларингизнинг қизлари, эмишган оналарингиз, эмишган опа-сингилларингиз, қайноналарингиз, жинсий алоқада бўлган хотинларингизнинг тарбиянгизда бўлган қизлари (мана шу санаб ўтилган аёлларга уйланиш ҳаром қилинди) — агар хотинларингиз билан жинсий алоқада бўлмаган бўлсангиз (уларни талоқ қилгандан кейин аввалги эрларидан тугилган қизларга уйлансангиз) сизлар учун гуноҳ йўқдир. Яна ўз пушти камарингиздан бўлган ўғилларингизнинг хотинларига (уйланишингиз) ҳамда опа-сингилни жамлашларингиз (яъни бирини талоқ қилмай туриб бошқасига уйланишларингиз) ҳаром қилинди. Магар илгари ўтган бўлса (Оллоҳ афв этар). Албатта Оллоҳ мағфиратли ва меҳрибон бўлган зотдир»¹. Шунга қарамай, ҳанузгача аҳён-аҳён бўлса-да, учраб турувчи кўшхотинлилик, ака-укалар, опа-сингиллар, ука-опалар, шунингдек, аммалар, холалар, тоға ва амакилар доирасидаги ўзаро қудандачилик замирида эндогам ва экзогам оилага хос асоратлар давом этаётгани ачинарлидир, албатта.

Ў Оила жуфтлик қонуни асосида юзага келади, бир эркакнинг ўзи ёхуд бир аёлнинг ўзи оила бўла олмайди. Бинобарин, оила — аввало, вояга етган ўғлон ва қизнинг биологик-физиологик эҳтиёжларини қондириш йўлидаги бирлигидир. Гарчи ибтидоий оила фақат шу мақсадда юзага келган эса-да, даврлар оша бу мақсад ўзгара борди, насл қолдирмоқ, зурриётни давом эттирмоқ ва шу асосда инсониятнинг давомийлигини таъминламоқдан иборат ижтимоий маънога тўйина борди. Шу аснода қиз ва йигит ўртасидаги жинсий муносабат ўз-ўзидан содир бўлувчи ҳайвоний — инстинктивлик руҳидан қутула бориб, уларнинг бир-бирларини танлаб, севиб-севилиб, бир-бирларига ўзларини бахшида этиш даражасидаги ички маънавий эҳтиёж замиридаги тақдирдошликка айланди.

Табиийки, оила эру хотиндан ташқари яна эрнинг ота-онаси, яъни қайнота ва қайноналар, фарзандлар,

¹ Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. Тошкент, «Чўлпон», 1992, 57-б.

ука ва сингиллардан иборат кўп бўғинли хонадон. Унинг ҳар бир аъзоси ўз мавқеига эга ҳолда шу оиланинг ички интизомига бўйсуниб яшайди. Шу маънода оила жамият ичидаги жамиятдир. Бу жамиятнинг ўз салтанати бор: бунда минглаб тасодифлар жараёнида эр-хотин муҳаббати синовдан ўтади. Шу синов жараёнида улар бир-бирларини чуқурроқ тушуна боради, бир-бирларини қадрлашни ўрнига қўядиган бўлади, бир-бирларига кечиримли бўлишади, эр — отага, хотин — онага айланади, фарзандларни тарбиялаб элга қўшади, орзу-ҳавас кўради. Шу маънода оила инсон ҳаётига тўқислик бахш этади, жамиятнинг муқаддас маскани сифатида садоқат сарчашмасига айланади;

Оила инсон учун муқаддас даргоҳ бўлиб, у инсонларнинг табиий, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва маънавий муносабатлари замирида юзага келган. Оила тақдири унинг расмий тус олиш лаҳзасидан бошланади, шундагина эр хотин олдида, хотин эр олдида, улар ота-она сифатида фарзандлару қавму қариндошлар, маҳаллакўй, қисқаси, жамият олдида, ўз навбатида, фарзандлар ҳам ўз ота-оналари ва эл-юрти олдида масъулият сезадилар ва бурчли эканликларини ҳис қилиб яшайдилар.

Оила жамият ичидаги кишилар бирлиги сифатида шу жамият низомлари асосида яшаса-да, оилавий муносабатлар нисбатан мустақил ҳодисадир, унинг ички ишлари унда яшовчиларнинг ўз шахсий юмушлари ҳисобланади, оила ишларига бировнинг аралашувига ҳаққи йўқ, шу маънода оила жамиятнинг муқаддас ва дахлсиз уйидир ёхуд бошқача қилиб образли ифодалаганда, оила мустақил мухториятдан иборат салтанатдир. Бу салтанатнинг подшоҳи — ота, вазири — онадир. Оила жамият таркибида экан, оилавий муносабатлар ҳам шу жамиятга мансуб ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-мафкуравий ва маънавий-ахлоқий муносабатлар замирида ва таъсирида кечади, шу жараёнга хос ўзгаришлар асосида ўзгариб, ё такомиллашиб, ё маҳдудликка гирифтор бўлган тақдирда таназзулга учраб бораверади.

Оила таназзули, фикримизча, тубандаги беш омилга боғлиқ ҳолда юз беради. *Биринчиси* — эр-хотиннинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан бир-бирига мос келмаганлиги тугайли. *Иккинчиси* — фарзандсизлик оқибатида. Айниқ-

са, ўзбек оилаларида бу мислсиз фожиа тарзида қабул қилинган. *Учинчиси* — шу ҳолатнинг тескариси бўлиб, уч-тўрт хотиндан туғилган кўп фарзандлар орасидаги мерос талашув натижасида. Бу ҳодиса ибтидоий ўтмишда юзага келган пуналуал оила бағрида кўрина бошлаган эди, аниқроғи, бегона аёлнинг оилага кириб келиши оқибатида бу оиладаги фарзандларнинг уни қай йўсинда қабул қилганликлари ёки аксинча, бегона аёлнинг бу фарзандларни қандай қабул қилганлиги айрича роль ўйнай бошлади. Патриархал тузум ақидаларига кўра она-си вафот этган бола хола ва бошқа қариндош аёллар тарбиясида қолган. Улар болани ўз меросхўри санаганлар. Отанинг бегона уруғдаги аёлга уйланиш одати юз бергач эса, бола бу ҳуқуқлардан маҳрум этила бошланган. Отанинг янги хотини, унинг ўғил-қизлари ҳам етим бола учун бегона ҳисобланган. Она учун ҳам эри оиласида дуч келган фарзанд бегона — ўғай она ўртасида душманлик муносабатларининг пайдо бўлишига шарт-шароит туғдирган. Қолаверса, полигам оилада мерос учун кураш натижасида аёллар кўпинча душман кутбга айланиб қолиб, уларнинг ҳар қайсиниси мероснинг кўпроқ қисмига эга бўлишга ҳаракат қилиш асносида меросхўр кундошларини ва уларнинг болаларини ёмон кўрадиган бўлиб қолди. Мерос учун кураш нафақат кундошлар ўртасида, балки ўғай ака-укалару ўғай опа-сингиллар ўртасида ҳам мурасасизликни юзага келтирди ва бирмунча кучайтирди.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, онанинг ўзганинг боласини ўз боласидай қабул қила олмаслиги, баъзан унга ёмонликни раво кўриши аёл — онанинг физиологик-психологик ҳолатларига ҳам боғлиқдир. Негаки, она тўққиз ой мобайнида ўз вужудида янги вужуд яратади, жонсиз танага жон бахш этади, ўз қонидан қон беради. Ўлим билан олишиб, ўз зурриётини дунёга келтиради. Неча-неча тунларни шу мурғак жонга бағишлаб бедор ўтказди. Оқ сут беради. Ўғай боласига-чи, шундай қила олганми? Йўқ! Худди шу омил ўғай онанинг етим болани ёмон кўришига, «бировнинг боласи» ёки «ўзганинг боласи» деб ажратишига ва унга шафқатсиз бўлишига олиб келади. Бировга иккинчи, учинчи ё тўртинчи хотин бўлиб турмушга чиққан аёл доимо, ҳатто вафот этганига

қарамай, кундошини зимдан ёмон кўради, ундан ҳасад қилади, аниқроғи, шу хонадонда уни эслатувчи ҳар бир нарсадан ғашланади, ҳатто эрини рашк қилади, қиз-ғанади. Кундошидан қолган болалар эса унга ҳамиша мухолифини эслатиб туради, бунга ота мероси масаласи кўшилиб, ўғай онанинг ўша етимларни кўргани кўзи бўлмайди. Бу хилдаги ўғайлик иллати нафақат оиланинг, ҳатто бутун бошли салтанатларни ҳам инқирозга олиб келган омил сифатида тарихда фожиали из қолдирганлигига оид анчагина мисоллар бор. Кўринаётирки, ўғайлик ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий-сиёсий, ҳам маънавий-ахлоқий омилларга боғлиқ иллат бўлиб, ҳар қандай соғлом оилага ҳам дарз етказди.

Ниҳоят, *тўртинчиси* — мафкуравий омил бўлиб, бу қизил империя ҳукмронлиги даврида миллий оилавий муносабатларга беписанд қарашда намоён бўлди. Бундай беписанд қараш моҳиятини эътиборли газеталаримиздан бири тўғри таъкидлаганидек, «Ота-онани боқиш ва тарбиялашдек машаққатли ишдан, аёлни уй-рўзгор юмушларидан қутқариб, бу ғоят масъулиятли вазифаларни ижтимоийлаштиришни режалаштирган коммунистлар оила ва оилавий муносабатларнинг дарз кетишига сабабчи бўлдилар. Бундан мақсад битта эди, у ҳам бўлса бола мурғаклигидан бошлаб на ота-онаси, на миллатию ватанини билмасин, ўзлигини англамасин, аниқроғи, Кремлдан туриб берилган ҳар қандай топшириқни мулоҳазасиз бажарадиган манқуртларга айлансин.

Ўз балойи нафсларию қабиҳ мафкураларини ўйлаб иш юргизган «қизил раҳнамолар»нинг узоқни кўзлаб ўтказган сиёсатлари маълум жирканч таъсирини ўтказди. Ўзбекистонда ҳам оиласиз (ҳароми) фарзанд кўрган ҳаёсиз аёлларга давлат томонидан... имтиёзлар бериш қонунлаштирилди. Болаларни етимлар, кекса ота-оналарни ғариблар уйига жойлаштириш ҳоллари кўзга ташлана бошлади. Ёшларнинг ота-оналари хоҳиш-иродасига бўйсунмай турмуш қуришлари рағбатлантирилди. Оқибатда айрим оилаларимиз миллий ўзлигини йўқотди. Ичкиликбозлик, ахлоқсизлик, фаҳш ишларига муккасидан кетиш ҳоллари кўзга ташлана бошлади. Оила шаънини улуғлаш, авлодлар анъаналарини қадрлаб, уларга

содиқ бўлишлик каби миллий фазилатларга «эскилик сарқити» деб қаралди»¹. *Бешинчиси* — тантиқроқ ўсган айрим ёшлар орасида турмуш машаққатларига чидамсизлик, турмушни енгил тушуниш, ўткинчи ҳою ҳаваслар билан яшашга мойиллик иллати. Шундай иллатлар туфайли ҳозирги ўзбек оиласи ҳам маълум даражада талафот кўраётгани ҳеч кимга сир эмас. Бундай ҳолат нафақат жамиятни, балки давлатни ҳам ташвишлантирмаслиги мумкин эмас, албатта. Афтидан, Президентимиз Ислон Каримов ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 5 йиллигида сўзлаган нутқида Олий Қонунимиздаги оила ҳимоясига бағишланган бандни ислоҳ қилиш истагини изоҳлаб айтган тубандаги фикрида ана шу ташвишни кўзда тутган кўринади: «Мен бугун мана шу борадаги бир муҳим масалага эътиборингизни жалб қилмоқчиман. Сўз оила ҳақида, унинг жамиятимизда, ҳаётимиздаги роли, ўрни ҳақида бормоқда.

Ўзбекистон Конституциясида «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга», деб ёзилган.

Мен ҳозир айтардимки, «...ҳуқуқига эга» дегани сал юмшоқроқ айтилган. Унинг ўрнига, оила жамиятнинг асосий бўғинидир. Оила жамиятимиз ва давлатимиз муҳофазасида, ҳимоясида бўлиши шарт, деб ёзардим. Нега деганда, бугунги замон шуни тақозо қиляпти». Чиндан ҳам истиқлол туфайли шу аччиқ ҳақиқатни теран англаш имкони туғилди ва бу эҳтиёжга айланди. Дарҳол жамиятимизни соғломлаштириш учун соғлом оила ва оилавий муносабатларни барқарор этиш давлат сиёсатида муҳим ўрин эгаллай бошлади. «Оила ҳақида гапирар эканмиз, — деган эди Ислон Каримов юқорида эслатилган нутқида, — авваламбор, оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоги эканлигини тан олишимиз керак».)

Шу маънода ҳозирги замондаги ўзбек оиласи бундан

¹ «Адолат» газетаси, 1998, 13 март.

минг, беш юз йил илгари, ҳатто қолаверса, асримиз бошларидаги ўзбек оиласидан бирмунча фарқ қилса-да, лекин ўтмишдаги ўзбек оилаларига дахлдор энг илғор ҳаётий тажрибалару анъаналарни ўзлаштириб, шу жараёнда собиқ шўролар тузуми даврида байналмилал оилавий сиёсат зугумлари таъсирида анчагина ўзгарди. Натижада анъанавий кўп бўғинли ўзбек оиласи билан бирга, асосан, шаҳарларда фақат эр-хотин ва болалардангина иборат нуклеар оилалар ҳам юзага келди. Ота-она, буви-бобо, ўгил-келин, қиз-куёв ва неvara-чеваралардан иборат анъанавий кўп бўғинли ўзбек оилалари нисбатан қишлоқларда кўпчиликни ташкил этади. Ўзбекистон аҳолисининг учдан икки ҳиссасининг қишлоқларда яшаётгани инobatга олинса, халқимизнинг анъанавий кўп бўғинли оила ҳаётига чуқур кўникканлиги янада ойдинлашади.

Оила тарихий-ижтимоий ҳодиса сифатида кишилик жамиятида қатор вазифаларни бажариб, ҳам ўзи, ҳам жамиятимизнинг такомиллашувини таъминлаб келмоқда. Чунonчи, оиланинг *дастлабки* ва *бош вазифаси* — *демографик вазифасидир*. Сирасини айтганда, оила наинки жинсий алоқани тартибга солиш, балки зурриётни давом эттириш эҳтиёжи туфайли юзага келган ижтимоий-биологик ҳодиса ҳисобланади. Куръони каримда ҳам эр-хотиннинг яқинлашувидан асл муддао фарзанд талаб қилиш эканлиги «Бақара» сурасининг 223-оятида махсус таъкидланган: «Хотинларингиз зироатгоҳингиздир. Бас, зироатгоҳингизга хоҳлаган ҳолатингизда яқинлашавринг ва ўзингиз учун яхши амаллар тақдим қилинг!»¹ Зеро, фарзанд эр ва хотин муносабатларини, демакки, оилани мустаҳкамловчи илоҳий неъматдир. Қизларни чиқараётганда кексаларнинг «Илоё этагингдан кўпайгин, ували-жували бўлгин» дея алқашлари ҳам шундан қолган. Фарзанднинг дунёга келиши оиланинггина қувончи эмас, рост, бунда оила аъзолари кўпаяди, аммо ҳаммадан аввал шу фарзанд мансуб бўлган халқ, миллат кўпаяди, жамият тўлишади. Шу маънода оилада қанча бола бўлиши масаласи демографик сиёсат асосини ташкил этади. Ўзбек халқида эса қадимул айёмдан аёл-

¹ Куръони карим. Т., «Чўлпон», 1992, 27-б.

мандлик шараф саналиб келинади. Зеро, зардуштий-ликнинг муқаддас китоби «Авесто»да фарзанд кўрган аёлни алқаш, уни ҳар гал бола туққанида бир туя билан рағбатлантириш қонунийлаштирилган. Аксинча, балогатга етиб, қасддан турмуш қурмаётган қизни қопга солиб 25 дарра уриш ва йигитга тамға босиб, огир занжирни белига боғлаб юриши билан жазолаш буюрилган. Афтидан, бу талаблар изсиз кетмаган, билъакс, халқда кўп фарзандлилика рағбат уйғотган. Натижада «ўнта бўлса — ўрни бошқа, қирқта бўлса — қилиғи» деган ақида ўзбек оиласидаги болапарварлик руҳиятини шакллантирган. Шу боисдан ўзбекларда туғилиш нисбатан кўпроқ экан, бу халқимиздаги болапарварлик анъанасининг ифодаси саналмоғи шарт.

Бироқ шуни таъкидлаш жоизки, жаҳонда айни замонда кечаётган демографик сиёсат ўзбек оиласини ҳам бефарқ қолдирмаётир. Хусусан, истиқлол туфайли кун тартибига қўйилган соғлом авлод учун кураш мақсадлари ишни соғлом оиладан бошлашни тақозо эта бошлади. Бу ҳол оилани режалаштириш масаласини келтириб чиқарди. Оилани режалаштириш бола туғишни тартибга солишни англатса-да, бу масалада жаҳон демографик сиёсатида икки йўналиш ҳукм суриб келаётганини эслатишга тўғри келади:

Биринчи йўналиш — *оилани ихтиёрий усулда режалаштириш*. Бунда қанча фарзанд кўриш масаласини ҳар бир оиланинг ўзи ҳал қилади. Иқтисодий тараққий этган мамлакатларда аёлларнинг маълумотлилики даражаси ўсиб, ишлаб чиқаришда бандликлари ошган, шунингдек, тиббий ҳимояланиш имкониятлари кенгайган вазиятда бир ёки икки фарзанд кўриш билан чекланиш анъанага айланаётир. Бу ҳол, айниқса, Европа мамлакатларида тобора чуқурлашаётир. Аҳвол шу даражага бориб етдики, бу мамлакатларда туғиш беҳад камайиб кетаётган фавқулодда ижтимоий ташвишга айлана бошлади.

Иккинчи йўналиш — *оилани сиёсий йўл билан давлат томонидан режалаштириш*. Бундай демографик сиёсат Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларида XX асрнинг ўрталаридан қўллана бошланди. Зеро, бу даврга келиб, бу мамлакатларда туғилиш шиддатли тус олиб, аҳолини озиқ-овқат, кийим-бош ва иш билан таъ-

минлаш ташвишли муаммо сифатида жиддий тус ола борди. Маълумотларга кўра, 1900—1950 йилларда ривожланаётган давлатларнинг аҳолиси ўртача ҳисобда йилига бир фоиздан кўпайган бўлса, 1950—1965 йилларда 2—3 фоизга кўпайди. «Натижада ривожланаётган давлатлар оилани режалаштиришга — туғилишни чеклашга қаратилган демографик сиёсат олиб боришга мажбур бўлдилар. Демографик сиёсат аҳоли ўртасида турли сиёсий, ижтимоий, тиббий ва иқтисодий тадбирлар ўтказиш йўли билан амалга оширилди»¹.

Оилани режалаштиришга оид ҳаракатлар дастлаб Лотин Америкасининг Бразилия, Венесуэла ва Гватемала сингари мамлакатларида юзага келган эса-да, 1950—1970 йиллар давомида Осиёнинг Хитой, Сингапур, Цейлон, Покистон, Ҳиндистон, Индонезия, Малайзия, Таиланд ҳамда Африканинг Марокаш, Нигерия ва Тунис давлатларида кўрина бошлади. Ҳатто Сингапурда 1945 йилда оилани режалаштириш миллий ассоциацияси тузилиб, «Оқ китоб» чоп этилди. 1965 йилда мамлакат миқёсида оилани режалаштирувчи барча клиникаларга раҳбарлик қилувчи махсус бошқарма фаолият кўрсата бошлади, шу тадбирлар туфайли аҳоли туғилишини 2 фоизга камайтиришга эришилди.

Хитойда туғилиш олдини олишда бошқача йўл тутилди. Бунда, аввало, оила қуриш ёши эркаклар учун 22—24 ва қизлар учун 20—22 ёш қилиб белгиланиб, оила ёши муддати бирмунча узайтирилди. Сўнгра талабалар учун ёшидан қатъи назар ўқишни тугатмагунларича оила қуришлари ман этилди. Қолаверса, оилада биттагина фарзанд кўришга рухсат берилди. Иккинчи фарзанд учун эса жамиятдан рухсат олиш, мабодо шундай розилик олинмай туғилса, катта миқдорда жарима тўлаш қонунлаштирилди. Шундай чоралар оқибатида Хитойда ҳар минг кишига 18 нафар бола туғилишига эришилди. Бундай демографик тадбирлар 1961—1965 йилларда Ҳиндистонда ҳам жорий қилина бошланди. Ҳатто бир қатор мусулмон мамлакатлари, жумладан, Миср, Эрон ва Бирлашган Араб Амирликларида ҳам туғилишни давлат назоратига олиш қарор топа борди. Бунда муаммо моҳиятини диний

¹ «Миллий тикланиш» газетаси, 1997, 23 декабрь.

асосда тушунтиришдан иборат ташвиқот ва тарғибот ишлари муҳим таъсир кўрсатди. Бу жиҳатдан, айниқса, Миср муфтийси Муҳаммад Саъид Тантавий фатволари алоҳида аҳамиятга молик. У қатор маърузаларида оилада болалар кўпайиб уларни едириш, кийинтириш, ўқитиш ва тарбиялаш муаммога айланса, ҳомиладорлик она саломатлигига путур етказса, боланинг соғлом туғилишига асорат кўрсатса, мавжуд тиббий воситалардан фойдаланиш раво эканлиги, она соғлигини ҳимоя этиш Оллоҳ иродасига рост келишини асослаб фатво берди. Натижада мусулмон мамлакатларида ҳам ҳомиладан сақланишнинг тиббий восита ва усулларида фойдаланиш таомилга кира борди.

Мустақил Ўзбекистонда юргизилаётган демографик сиёсатда ҳеч қандай тақиқ кўзда тутилаётгани йўқ. Аксинча, нечта бола кўриш масаласи ҳар бир оиланинг ихтиёрий иши. Бироқ она ва боланинг соғлиғи муаммоси бу сиёсатнинг магзини ташкил этади. Бунда фарзандларни сутма-сут эмас, балки уч йиллик танаффус билан туғиш асосида она ва боланинг соғломлигини таъминлаш асосий муддао ҳисобланади. Зеро, она ва боланинг соғломлиги — оиланинг соғломлиги, демакки, миллат ва жамият соғломлигининг асосидир.

Оиланинг *ижтимоий вазифаси* аслида худди шу заминда, оиланинг жамиятни бунёдга келтирувчи ва соғломлигини таъминловчи бирлик эканлигида зуҳур топгандир. Зеро, оила икки жинсга мансуб кишиларнинг — эркак ва аёлнинг ўзаро тенглиги, муҳаббати, бир-бирларини англаган ҳолда биргаликда яшаш ва кўпайиш истагининг жамиятни тўлдириш, энг муҳими, уни ҳам иқтисодий, ҳам маънавий-ахлоқий жиҳатдан мукаммалаштириш йўлида биргаликда қилинадиган ҳаракатининг ҳосиласидир. Рост, ҳали оила дастлаб юзага кела бошлаган патриархал замонида эркак ва аёлнинг тенглиги, бир-бирини севиши ҳақида гап ҳам бўлмаган. У даврларда аёл ҳуқуқ жиҳатдан чекланган, эркаклар учун мулк саналганидан уни сотиши, совға қилиши ёхуд таҳқирлаши мумкин эди. Ўшанда аёл оила доирасида ҳам, жамият доирасида ҳам эр асоратига гирифтор қилинган эди. Шунга қарамай, оила доирасида бойлик орттириш ва уни қонуний ворислар — фарзандларга бериш мақ-

садининг англаниши ва шу йўлда бошланган саъй-ҳаракатлар оила ва оилавий муносабатлар такомилида муҳим роль ўйнай бошлади. Бу жараённинг чуқурлашуви натижасида оила қуришга муносиб аёлни танлашга, бинобарин, унга бокиралик тўловини тўлашга (махр ва қалин сифатида) ёхуд ота-онасининг мартабаси ва бойлиги даражасида муносабатда бўлишга, хуллас, севиб-севилишга эътибор бериладиган бўлди. Натижада иффат ва номусни шарафловчи никоҳ аъёнага айлана борди. Никоҳ икки жинсдаги кишилар — йигит ва қизнинг эл назарида қарор топган бирга яшашга оид аҳду паймони бўлиб, бундай вазиятда жинсий муносабат шаръан ҳалол саналган ва шундай шаръий никоҳдан туғилган бола жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ҳеч қанақа маломат қилинмаган. Албатта, бундай никоҳнинг бош шарт — иффат ва бокиралик қимматини махр, қалин ва тўй харажатлари эвазига тўлаш бўлган. Афтидан, қадимги туркий тилда «қиз» сўзи бошда жинсни англатмаган, балки иффатли, бокира, нодир ва қимматбаҳо деган маъноларни англатган кўринади. Туркий тиллар оиласига мансуб қўмиқ тилида бу сўз ҳозир ҳам шу маънода қўлланадики, буни тубандаги лирик тўртликда равшанроқ англаш қийин эмас:

Башмағинг қыз, башинг қыз,
Башингдаги чачинг қыз.
Оймағинг қыз, озюнг қыз,
Авзунгдаги сезюинг қыз.

Ўзбекчаси:

Бошмоғинг қиз, бошинг қиз,
Бошингдаги сочинг қиз.
Ўймоғинг қиз, ўзинг қиз,
Оғзингдаги сўзинг қиз.

Филология фанлари доктори А. Аджиев тўртликни шарҳлар экан: «Унда ҳозир турмушга чиқмаган бокира ва иффати ўзида бўлган аёл жинсига мансубликни англатувчи «қиз» сўзи ўзининг энг қадимги илк маънолари бўлмиш «қимматли», «қимматбаҳо» маъноларини сақлаб қолганини алоҳида таъкидлайди. Бу далилнинг аҳамияти шундаки, устига қиммати қўйилган иффат ва бокиралик —

турмушга чиқмаганликни англата бошлагач, жинсий аймани ифодаловчи оттенка касб этди, бу куёвга уза-тилган қизнинг «келин», фарзанд кўргач эса — «она ёки ойи» дейилишини ҳам тасдиқлайди. Шу тариқа қалин, маҳр ва тўй харажатлари қизнинг баҳоси, аниқроғи, ифбат ва бокиралик қиммати тарзида юзага келган. Бундай иқтисодий тўлов оила мустақамлиги гарови вазифасини ўтаган, шу билан бирга эркакнинг оила салтанатидаги мавқеини белгिलाган. Номус туйғусининг шарафланиши ҳам ана шундан бошланган. Шу асосда никоҳ илоҳий аҳдга ва оила муқаддас қароргоҳга айланган. Оилада покиза насл-насаб туйғуси ва у билан фахрланиш — пировард-оқибатда ватанпарварлик, халқпарварлик ифтихорини юзага келтирган. Натижада ўзбек оилаларида ўзаро ҳурмат, қатъий ички интизом асосида барча аъзоларнинг ўз бурч ва вазифаларини адо этишлари, бир-бирларига нисбатан эзгулик ва меҳр-оқибат кўрсатишлари анъанага айлана борган. Ўзбекларда ўз шахсий фаровонлигидан кўра оила шаънининг баланд тутилиши, қариндош-уруғлар ва яқин одамларга, қўни-қўшниларга ғамхўрлик қилишнинг биринчи ўринга қўйилиши — олий даражадаги қадрият бўлиб, ўзбек қалбидаги бу ғавҳарлар оилавий муҳитни самимиятга йўғиришга, оилани ташқи муҳит билан боғлашга ва мустақамлигини таъминлашга хизмат қилади. Оила дастлаб шу асосда иқтисодий-ижтимоий ҳамда маънавий-ҳуқуқий асосларда жамият билан боғлана борди, жамиятнинг негизига айланди, бинобарин, шу жамият бағрида яшаб, унинг интизоми ва қонунларига бўйсунди ва жамият муҳофазасида бўлаётир. Шу заминда оиланинг ўзи ҳам «тартиб-интизомнинг энг зарур мактаби»га айланади. Оила интизоми — жамият ва давлат интизомининг сарчашмаси. Оилада интизом туйғуси шаклланган киши давлат ва жамият ишида ҳам шу туйғу соҳиби сифатида хизмат қилади, давлат қонунларига чап беришни ҳаёлига ҳам келтирмайди, ҳар бир ишни ўз жойида ва ўз вақтида белгили тартиб асосида бажаради. Бундай интизом ва тартиб бутун халқ ва миллатнинг шарафига айланади. Айтайлик, немис ва японларга хос интизомнинг жаҳон миқёсида эътироф этилиш сабаби ҳам ана шунда. Абдурауф Фитрат бундай инти-

зомлиликининг ижтимоий моҳиятини таърифлаб, ўзининг «Оила ва оила бошқариш тартиблари» асарида шундай ёзган эди: «Ҳар бир миллатнинг саодати ва иззати, албатта, шу халқнинг ички интизоми ва тотувлигига боғлиқ. Тинчлик ва тотувлик эса шу миллат оилаларининг интизомига таянади. Қаерда оила муносабати кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва мунтазам бўлади». Ўз-ўзидан равшанлашадики, оилавий тартиб-интизом муаммолари унинг **ҳуқуқий вазифаларини** белгилайди. Бунда, энг муҳими, оиланинг ҳар бир аъзосига хос ички интизом маданияти, ўз бурчи ва масъулиятини англаш даражаси, оилавий муҳитда ўз ўрнини белгилай олиши, оилавий муносабатларни ҳурмат қила билиши, оила иқтисодий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда иш юритиши, оила манфаатдорлигини таъминлашга интилиши, оила шаънини шарафлаши, хуллас, оилада ўз шахсий ҳаловатини ҳис қилмоқ учун ҳалол ва самимий бўлмоққа эришиши зарур.

Президентимиз Ислом Каримов: «Халқимиз тарихига назар ташлайдиган бўлсак, энг қимматли анъаналар: *ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус, шарму ҳаё, меҳроқибат, меҳнатсеварлик каби барча инсоний фазилатлар*, энг аввало, оилада шаклланади», деганида худди шуни назарда тутган эди. Шу боисдан мустақил Ўзбекистон Конституциясида оила ҳақ-ҳуқуқларига алоҳида боб бағишланиб, оиланинг жамият негизи сифатида давлатнинг муҳофазасида эканлиги қонун кучига киритилди. Бозор иқтисоди шароитида оилани мустаҳкамлаш ва иқтисодий қўллаб-қувватлашни таъминлаш мақсадида бюджет ҳисобида яшовчи оилалар маошини муттасил ошириб бориш ҳақидаги, шунингдек, Президентнинг 1990 йилнинг 3 майида қабул қилган «Кўп болали оилаларда нафақа миқдорини кўпайтириш тўғрисида»ги биринчи Фармонидан тортиб, 1994 йилнинг 16 июлидаги иккинчи Фармони, қолаверса, кейинги «Кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» (1994 йил 1 октябрь), «16 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тўғрисида низом» (1996 йил 10 декабрь) ҳамда «Болали оилаларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида» (1997

йил 1 январь,, шунингдек, кейинги йилларда қабул қилинган «Республикада «Оила» илмий-амалий Марказини ташкил этиш тўғрисида», «Никоҳгача тиббий кўриқдан ўтказишга оид йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида» ва ниҳоят, 2007 йилнинг 18 майидаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қатор қарор ва фармойишлари оила қонунчилиги пойдеворини яратди. Қолаверса, бу фармон ва қарорлар оиланинг жамият ва давлат муҳофазасида эканлигини жаҳон жамоатчилиги кўзи ўнгида яққол тасдиқлади. Шу фармон ва қарорлар асосида кўп болали оилаларни, кам таъминланган оилаларни, ёш оилаларни моддий жиҳатдан қўллаш имкониятлари асослаб берилди, ёш авлоднинг камол топиш шароитларини яхшилаш мақсадида оналарга бериладиган нафақалар миқдори кўпайтирилди, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишга айрича эътибор берила бошланди, аёллар ўртасидаги ишсизликни камайтириш мақсадида касаначилик ҳаракати кучайтирилди. Шундай тадбирлар натижасида, айниқса, оналар ва болалар ўлими олдини олишда муҳим натижаларга эришилди.

Бундай юксак натижаларга эришишда, хусусан, никоҳ ва оилага, шунингдек, болалар ҳуқуқларига дахлдор қатор жиддий расмий ҳужжатларнинг қабул қилинганлиги муҳим ижтимоий-ҳуқуқий замин яратди. Бу жиҳатдан, айниқса, «Ўзбекистон Республикасининг оила кодекси» ва «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун айрича аҳамиятга эга бўлди. Дастлабки ҳужжатда «оила» сўзининг «никоҳ» сўзига нисбатан кенгроқ маъно англатиши ҳисобга олинган ҳолда амалда қўлланиб келинган «Никоҳ ва оила» кодексини янгилаш, тўлдириш ва мукаммаллаштириш асосида тартиб берилиб, Олий Мажлиснинг 10-сессиясида биринчи ўқишда тасдиқланиб, умумхалқ муҳокамасига ҳавола этилган эди. Ниҳоят Олий Мажлиснинг 1998 йил 29 майдаги XI сессиясида тушган таклифлар асосида таҳрир этилиб, иккинчи ўқишда қабул қилинди. Унга 2007 йилнинг 1 майигача яна бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Албатта, бу кодекс аввалгисидан ҳам ҳажм, ҳам мазмун жиҳатидан бирмунча фарқ қилади ва қатор афзалликларга эга. Айталик,

«Никоҳ ва оила» кодекси 275 моддани ўз ичига олгани ҳолда олти бўлимдан иборат эса, «Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси» 238 моддани ўз ичига олган саккиз бўлимдан иборат. Унинг мазмунида халқимиз миллий анъаналарига кенгроқ эътибор берилгани диққатни тортади. Чунончи, «Умумий қоидалар» деб аталувчи бўлими икки боб ва 12 моддадан иборат «Асосий қоидалар» деб номланган биринчи бобининг¹ 8-моддаси «Оилавий муносабатларда маҳаллий урф-одат ва анъаналарнинг қўлланилиши» ҳақида бўлиб, жумладан, бу масала шундай ифодаланган: «Қонун ҳужжатларида оилавий муносабатларни тартибга солишга оид тегишли нормалар бўлмаган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тамойилларига оид бўлмаган маҳаллий урф-одат ва анъаналар қўлланилади». Бунда ўзбек халқида келин-куёвга эскича никоҳ ўқитиш, шунингдек, Республикамизда яшовчи бошқа халқлар, жумладан, русларда черковда никоҳ ўқитиш, туркларда эса никоҳ тўйидан кейин ҳурмат белгиси сифатида келин-куёвнинг маълум муддат давомида оила аъзолари билан гаплашмай юришлари сингари анъанавий удумлар кўзда тутилган. Бўлимнинг иккинчи боби «Оилавий ҳуқуқларни амалга ошириш ва ҳимоя қилиш» масалаларига бағишланган Кодекснинг иккинчи бўлими никоҳ масалаларига бағишланган бўлиб, 3, 4, 5, 6, 7, 8-боблардан таркиб топган. Бу бобларнинг барчаси 44 моддани қамраб олган. Уларда никоҳни тузиш тартиби ва шартлари, эр ва хотиннинг шахсий ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, мулкӣ ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, улар мол-мулкнинг шартномавий тартиби, никоҳнинг тугатилиши ва ҳақиқий эмаслиги ҳолатларини акс эттиради. 17-моддада никоҳдан ўтаётганларнинг розиликлари билан тиббий кўрикдан ўтишлари соғлом ва баркамол оила яратишда муҳим эканлиги ўқтирилди, кейинги моддаларда эр-хотиннинг никоҳдан кейин орттирган мулклари — уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланиши, бири уй-рўзғор ишлари ва болалар тарбияси билан банд бўлганда ёки узрли сабабларга кўра моддий

¹ В. Каримова. Семья под защитой государства. «Правда Востока», 2008, 2 февраль.

даромадга эга бўлмаган тақдирда ҳам шу умумий мулкка нисбатан баробар ҳуқуққа эгаликлари ва бошқа оилавий мулккий ҳуқуқлар асослаб берилган. Учинчи бўлимда қон-қариндошлик, қайин-бўйинчилик, қуда-андачилик ва болаларнинг насл-насабини белгилаш, тўртинчи бўлимда эса ота-она ҳамда вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари конституциямизнинг 64–65-моддалари мантиғидан келиб чиққан ҳолда қонунлаштирилган. Шунингдек, унда қариндошлик тушунчасига ҳам алоҳида тўхталиб, инсонларнинг бир-бирларига яқинликлари тўла ва тўла бўлмаган қариндошлик тарзида намоён бўлиши асослаб берилганки, бу, ўз навбатида, мерос масалаларини, шунингдек, қондош ва ўғай ака-ука ҳамда опа-сингиллар муносабатларини тартибга солишда жиддий аҳамиятга эга. Бешинчи бўлимда оила аъзоларининг ва бошқа шахсларнинг алимент хусусидаги мажбуриятлари, олтинчи бўлимда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шартлари, еттинчи бўлимда фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш ва ниҳоят саккизинчи бўлимда чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокида оилавий муносабатларни тартибга солиш муаммоларидан баҳс этади. Умуман, кодексда оила давлатнинг моддий ва маънавий пойдевори, жамият устқурмаларидан бири сифатида қаралиб, жамиятнинг ривожланишида асосий роль уйнашининг қонуний асослари белгилаб берилганлиги билан беқиёс аҳамиятга эга.

«Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас Ватан саналган, — деган эди Президент Ислом Каримов юқорида эслатилган нутқида. — Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади. Бинобарин, маҳалла-юрт мустаҳкам бўлсагина, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради». Бу, ўз навбатида, оилада шаклланган *маънавий-ахлоқий* анъаналар ва шу асосда келиб чиқувчи вазифаларнинг нечоғли адо қилинишига узвий дахлдордир. Сирасини айтганда, оила маънавий-ахлоқий муҳити ўзига хос шаклланиш тарихига эга, у оила тарихи қадар қадимий йўлни босиб ўтган. Бу йўлни Абдулла Қодирий Анвар тилидан Раънога оила қуриш тўғрисидаги таклифни изҳор қилиш жараёнида шундай баён этган эди:

«— Туғилгандан сўнг ўсиш, ўсгандан сўнг икков-икков бўлиб яшаш бор, — деди Анвар ва бир оз тўхталиб олди. — Жуфтлик ёлғиз кишилар орасидагина эмас, ер юзидаги ҳар бир махлуқда ҳам бор... Масалан, тоғлардаги охулар, ўрмонлардаги тўтилар, чамандаги булбуллар ҳам ёлғиз эмас, жуфт яшайдилар... Сенингча, қандай, мен уни билмайман, аммо жуфтланишнинг, менимча, энг муҳим бир шарти борким, ул ҳам ҳар икки тарафнинг муҳаббат занжири билан бир-бирларига қаттиқ боғланишларидир... Биз икков ёшликдан бирга яшаб келамиз, орамизда махфий сирларимиз йўқ ва бизнинг ўзаро сирларимизга воқиф бўлган чет кишилар ҳам йўқ! Шунга биноан сен билан маним ҳар тўғрида ҳам очиқ сўзлашмагимизга ҳеч бир монелик бўлмас, деб ўйлайман... Агар янглишмасам, икковимизнинг бир-биримизга муомалаларимиз самимий ва юракларимизнинг тегиши ҳамоҳангдир! Ёки янглиш сўзладимми, Раъно?»¹ Кўринадики, шунчаки жуфтликнинг мавжудлиги оилани англатавермайди, балки унда жуфтликни юзага келтираётганлар орасида икки тарафнинг бир-бирини тенг кўриши, бир-бири билан севиб-севилган бўлиши, бир-бирини ҳурмат қилиши ва кечира билиши, ўзаро муносабатларидаги сирларни махфий тута билиш ва эъзозлай олишлари, бир-бирларига чексиз самимият кўргаза билишлари, ўзаро рост сўзлаб бир-бирларини алдамасликлари, аяшлари, ғамхўрлик қилишлари, ҳар қандай вазиятларда бир-бирларига суяна олишлари, ишончлари, бардошларидан иборат маънавий-ахлоқий омилсиз оила мўрт, омонат бўлади. Оилани бунёдга келтиришдан кўра уни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашнинг чандон оғирлиги ҳам шунда.

Ўзбек оилаларида муҳаббатга садоқат алоҳида зийнат саналади. Фарбагидай эркин муҳаббат туйғуси ўзбек оиласига ётдир. Шу боисдан ҳам ўзбек оиласи жаҳондаги энг мустаҳкам оилалардан ҳисобланади. Қолаверса, ўзбек оиласида эркак топармон, аёл тутармон, маблағни тежаб-тергаб сарфлашда ўзаро тенглик ва маслаҳату тадбир асосида иш кўришнинг етакчи тамойиллиги ҳам оила мустаҳкамлигининг тамал тошларидандир. Зеро, оила

¹ Абдулла Қодирий. Меҳробдан чаён // Роман. Тошкент, Ўздавнашр, 1959, 96–97-бетлар.

жамгармасини ўйламай-нетмай сарфлайвериш хона-вайронликка олиб келади. Тежам бўлмаса, оила иқтисоди таназзулга юз тутати. Бундай танглик туғилганда ўзгалардан қарз кўтаришнинг уч номақбул томони бор: *биринчиси*, қарз сўрамоқ оила шаънини топтайди, *иккинчиси*, қарзни фойдаси билан тўлаш бешбаттар абгорликка олиб келади: *учинчиси*, ҳар қандай олинган қарзни ўз вақтида қайтара олмаганликнинг маломати ҳам огир! Оила жамгармасини тежаб-тергаб сарфлаш хусусида «Қобуснома»да шундай дейилган: «Жам этгондин сўнг яхши сақлагил ва ҳар ботил¹ иш учун уни қўлдин бермагил, нединким сақламоқ йиғишдин мушкулдур. Агар керак вақтида зарур иш учун олиб харж этсанг, ҳаракат қилиб унинг ўрнини тўлдургил. Агар харж этиб, яна жойини тўлдурмасанг, агар Қоруннинг² ганжидек бўлса ҳам, у бир кунда йўқ бўлур»³.

Шу маънода баъзи бир уй бекаларининг тежам-корлигидан сабоқ олса арзийди, улар ҳатто қувурдан оқаётган сувни-да тежаб сарфлайди, лимон ё апельсин пўчоқларидан конфетлар тайёрлашади, ё чой дамлашда фойдаланишади. Донни йигсанг — хирмон бўлади-да! Рост, эркак қўли баракали, лекин рўзғорни аёл юри-тади, у ақл-идрок билан сарф-харажатни ўрнига қўйса, рўзғорда «узилиш» бўлмайди. Фахр-ул Банот Сибҳатуллоҳ қизи ёзганидек: «Бир хоним уйининг идора қилу-вида исроф этувчи бўлса, эрини ранжитиши маълум, ўзи ҳам торликка тушиб машаққат чекадир. Эр исроф қилувчи бўлганда ҳам хотун уни яхши-тута билувга ўр-гатмоғи, егуликларни ва бошқа нарсаларни режалаб тутмоғи, нарса қўйилатурган жойини бекитиб тутмак керак»⁴. Шундан бўлса керакки, бошинг икки бўлгунча молинг икки бўлмас нақли аёлнинг сариштакорлик

¹ *Ботил* — бузилган, бузуқ.

² *Қорун*. Тавротда Корей деб берилган. У беҳад бой бўлган. Афсоналарда айтилишича, қуфронийлиги учун Қорунни ҳам, барча бойлигини ҳам ер ютган экан.

³ **Кайковус**. Қобуснома. Тошкент, «Ўқитувчи» нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2006, 87-б. (Форсчадан Муҳаммад Ризо Огаҳий таржимаси. С. Долимов ва У. Долимовалар нашрга тайёрлаган).

⁴ **Фахр-ул Банот Сибҳатуллоҳ қизи**. Оила сабоқлари. Тошкент, «Ёзувчи» нашриёти, 1993, 65-б.

баҳосига айланган. Ахир уйни уй қилган эрнинг топишигина эмас, балки хотиннинг «кўрпа иши» ҳам. Аёлнинг сариштаси — рўзгорнинг фариштаси, деб бежиз айтилмайди. Бироқ эрда бўлса — йўрғалайди хотин, эрда бўлмаса — нима қилади хотин? Бундай кезларда Фахрул Банот Сибҳатуллоҳ қизининг тубандаги маслаҳати асқотади: «Баъзан эрларнинг пуллари оз бўлур-да, хонимларнинг сўраган нарсалари олинмас. Бу вақтда хонимлар аччиқ-алам қилмай, чидамликни қўлга олиб, сабр-қаноатли бўлмаклари керак». Чунки халқ мақолида айтганидек, эрга тегиш осон, лекин этик ечари қийин. Ахир «бировнинг ҳолидан ёки эрининг фақирлигидан зорланмак ёки шуларни, албатта, ол деб эрини қистамак катта айбдир». Бинобарин, оила иқтисодий фаолиятини йўлга қўйишда иқтисодий билимлардан хабардорлик ва асосан, режали ҳисоб-китоб юритишда тадбиркор заковатига эга бўлиш оиланинг нафақат маънавий, балки ижтимоий асосларини ҳам мустаҳкамлайди.

Оиладаги маънавий-ахлоқий муҳит моҳиятини белгилашда эр-хотиннинг ўз фарзандларию қайнона ва қайналарига, келин-куёвларига, қайин-бўйинларию кўни-қўшнларига, куда-андаларига муносабатлари, шунингдек, ҳар бирларининг ўз вазифаларини, бурч ва масъулиятларини нечоғлиқ англаб адо этишлари, айниқса, айрича аҳамият касб этади. Худди шу жараёнда ўзбек оилаларида инсонпарварликнинг олий жиолари — болаларга шафқатлилик, кексаларни ҳурмат қилиш, фарзандпарварлик ёки серфарзандлик, кўни-қўшни ёки маҳалла-қўй билан, демакки, жамоатчилик фикри билан ҳисоблашиб яшаш, ёш авлодни аждодларимиз яратган эзгу анъаналар руҳида одобли ва ахлоқли қилиб тарбиялаш, бунда, аввало, уларда меҳнатсеварлик, ҳалоллик, тўғрилиқ, ростгўйлик, камтарлик, самимийлик, ўзгаларга ҳурмат, моддий-маънавий бойликларини асраб-авайлаш, яратиш ва кўпайтиришга рағбат, табиатни севиш ва муҳофаза этишга шайлик тўйгуларини шакллантириш муҳимдир.

Шу мулоҳазалар мантиғидан келиб чиқадиган хулоса шуки, *оила миллат менталитетини шакллантирадиган ва тарбиялайдиган ижтимоий-руҳий ҳодисадир*. Ҳар бир миллатнинг миллийлик фазилатлари, аввало, худди шу оилада унинг бунёдкорлари томонидан фарзандларда

тарбия жараёнида шакллантирилади. Шу асосда оила халқона миллий анъаналар боқийлигини, даврлар оша авлоддан-авлодга ўтиб яшадини таъминловчи маънавий мактабига айланди. Қолаверса, оила — дунёга келтирилган янгидан-янги фарзандларни ажодлар яратган миллий анъаналар руҳида тарбиялаш мактабидир. Зеро, ўзбек оилаларида маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришда кекса авлоднинг шу мактаб муаллимлари вазифасини шараф билан ўтаб келаётганликлари эътиборга лойиқ. Кексалар ажодлар яратган бой маънавий-ахлоқий қадриятларнинг хазинабони, давомчиси ва янги шароитдаги бунёдкори сифатида ёш авлодни тарбияловчи беминнат мураббий саналадилар. Шу боисдан халқимизда «қариси бор уйнинг фариштаси бўлади», «қари билганни пари билмас» сингари мақолларнинг мавжудлиги бежиз эмас. Худди шу кексалар туфайли ўзбек хонадони файзли, тўкин ва меҳрободдир. Улар болаларини жонларидан ортиқ суядилар, айниқса, неварая чевараларидан «данагимнинг мағзи» деб қувватланадилар, уларга эртагу нақллар айтиб ҳаёт сабогини берадилар. Айниқса, отаси ё онаси ҳаётдан эрта кетса, унда улар ўша болаларга ота ё она ўрнини билдирмай, неварам деб эмас, балки болам деб ўкситмай вояга етказишга ҳаракат қиладилар. Бунда уларнинг ҳаётий тажрибалари, аниқроғи, яқин ўтмишда ўзларининг шундай «тарбиялаш синовлари»дан ўтганликлари асқотади. Улар болаларга халқ урф-одатлари, илгор анъаналарини ўргатиш билан чекланиб қолмайдилар, ўз ўрнаклари билан ҳам сабоқ берадилар. Бу ўзбек турмуш тарзи миллийлиги аломати. Шу боис ўзбек болалар адибларининг аксар асарларида болалар ҳаёти кексалар иштирокисиз кечмайди. Афтидан, ўзбек оилаларига хос шу миллий хусусиятни билмаганлиги туфайли М. П. Коршунов 1959 йилнинг 20 февралда Москвада ўзбек болалар адабиёти муҳокамасида сўзга чиқиб: «Кўпгина асарларда мавжуд «навбатчи» чоллар учрайди. Тўғри, Шарқ адабиётида чоллар жуда актив ҳаракат қиладилар. Бироқ баъзи ҳолларда улардан воз кечса ҳам бўлади», — дея таъна қилган эди¹. Бу дашномлар аслида қай даражададир

¹ Маҳорат мактаби. Тошкент, Ўзадабийнашр, 1962, 440-б.

кексаларга европача оила тарзидаги қарашлардан келиб чиққанини пайқамаслик мумкин эмас. Собиқ қизил мафкура таъсирида кексаларга европача оилавий муносабатлар тарзида қараш ўзбек оилаларида ҳам кексалар ва фарзандлар орасидаги муносабатда ўз салбий таъсирини кўрсатди. Қариялар учун гарибхоналар Ўзбекистонда ҳам пайдо бўлли, ўз ҳаловатини ўйлаган айрим ўзбек оилаларида ҳам кексайиб қолган ота-оналарини шундай гарибхоналарга жойлаштирувчилар ҳам топилди, таассуфларки, бундай отабезор фарзандлар эртага ўзларини ҳам шундай қисмат кутаётганини ўйламаётирлар. Улар халқимизнинг «мен ҳам эдим сенингдек, сен ҳам бўласан менингдек» деган аччиқ ҳақиқатни ифодаловчи доно мақолини унутганга ўхшайдилар. Ҳолбуки, ота-оналари кексайганда хизматларини қилиб, дуоларини олмаган фарзанд қарғишга учраши ҳақида махсус ҳадиси шариф бор. Чунончи, Абу Ҳурайра айтдилар: «Расулуллоҳ: «Хор бўлсин, хор бўлсин, хор бўлсин!» — деб ўн мартаба такрор қилдилар. Шунда саҳобалар: «Ё Расулуллоҳ, кимни айтяпсиз?» — деб сўрашди. Расулуллоҳ: «Ота-онасининг иккаласи ёхуд битталари кексайиб қолган вақтларида (уларни рози қилмай) ўзини дўзахга тушишга мубтало кишини», — дедилар¹. Бошқа бир ҳадисда эса: «Ким ота-онасини рози қилса, унга тубо² насиб бўлиб, Аллоҳ таоло унинг умрини ҳам зиёда қилади»³, — дейилган. Шу ҳадислар замирида туғилиб, аجدодларимиз тажрибасида синалган «Ота рози — Худо рози» нақли ҳам кекса авлодни ҳурмат қилиш анъаналарини шакллантиришда айрича хизмат қилган. Бинобарин, кекса авлодни ҳурмат қилиш, эҳтиёткорона авайлаш, эҳтиёжларини таъминлаш ўзбек оилаларининг бетакрор фазилатига айланган. Ўзбекистон Конституциясининг 66-моддасида бу анъанавий миллий қадрият «Вояга етган меҳнатга лаёқатли фарзандлар ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар», — дея қонун

¹ **Имом Исмоил ал-Бухорий.** Ал-адаб ал-муфрад. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1990, 20-б.

² *Тубо* — жаннатлардан бири ёки ундаги дарахтлардан бирининг номи.

³ **Имом Исмоил ал-Бухорий.** Ал-адаб ал-муфрад, 20-б.

кучи билан мустаҳкамланган. Чиндан-да, ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиб, хилма-хил синовларда тобланиб, заковат тимсолига айланган кекса авлоднинг эзгу ўғит-насиҳатлари оилалар маънавий-ахлоқий камолотининг мустаҳкам пойдевори ҳисобланади. Айни чоғда шу маънавий пойдевор қай даражададир жамоатчилик фикрига дахлдорлиги билан ҳам бениҳоя қимматлидир.

Фарзандпарварлик ҳам ўзбек оилаларининг ўзбекона миллий оламини ташкил этувчи бетакрор фазилатидир. Шу фазилатлари туфайли Иккинчи жаҳон уруши йилларида фашистлар вақтинча босиб олган сарҳадлардан эвакуация қилинган 200 мингдан зиёдроқ турли-туман миллатларга мансуб етим-есирларни ўзбек халқи ётсирамай:

Сен етим эмассан,
Тинчлан, жигарим.
Қуёшдай меҳрибон
Ватанинг — онанг.
Заминдай вазмину
Меҳнаткаш мушфиқ,
Истаган нарсангни тайёрлагувчи
Халқ бор — отанг бор,
Чўчима, жигарим¹, —

дея меҳрибонлик билан ўз бағрига олди. Уруш шароити-даги имкониятлари доирасида едирди, кийдирди, соғомон улғайишларини таъминлади, ўқитиб, катта ҳаётга йўллади. «Бу оналик меҳри орқасида пайдо бўлган ватанпарварлик эмас, балки ҳақиқий ватанпарварлик ҳиссидир» — деб эътироф этганди ўша йилларда Тошкентда яшаган рус болалар адиби К. Чуковский 1942 йилда босилган «Ўзбекистон ва болалар» китобида. — Ўшанда ота-онасиз қолган 14 болани ўз бағрига олиб парвариш этган Шоаҳмад Шомаҳмудов ва Баҳри ая Акрамовалар кўрсатган жасорат шунчаки доврўқбозлик аломати эмасди, балки халқимиздаги болапарварлик фазилатининг олий ифодаси бўлиб, ватанпарварликка омукталашган инсонпарварликнинг анъанавий кўриниши эди». Бутун ҳам бу

¹ **Ғафур Ғулом.** Мукаммал асарлар тўплами. Ўн икки томлик. 2-том, Тошкент: «Фан», 1984, 21-б.

анъана оилавий меҳр-оқибат уйларида қанчадан-қанча етим-есирларни бағрига олган ўзбек оилаларида давом этаётир. Халқимиздаги шу олижаноб фазилатни кўзда тутиб Абдулла Авлоний ёзган эди: «Кишини кеча ва кундуз ишлатадурган нарса Ватан ва бола-чақаларининг меҳру муҳаббати эмасму? Маълумки, Ватансиз оила, оиласиз ватан ҳам бўлмайди, жамиятдаги бу икки нарса бир-бири билан узвий боғланади ва бири иккинчисини тўлдиради». Шу маънода оила Ватан ичра Ватан, меҳнат туфайли одоб ва озод мухтор гўша бўлиб, Ватан бағрида, Ватан назари остида, Ватан ҳимоясида барқарорлик касб этади. Бинобарин, оила шу Ватанда амал қилинадиган низомларга итоат қилиб, турмушини йўлга қўяди. Бу эса, ўз навбатида, оиланинг қўшничилик, маҳалладошлик муносабатларида, шунингдек, маҳалла-қўй амал қилаётган тўю маъракаларга қатнашиш, уларга хос расм-русумлар ва урф-одатларга риоя этишни заруриятга айлантиради. Бу жараён чуқурлашгани сайин оила ҳам мустаҳкамлана боради, пировард-оқибатда миллат ёки халққа дахлдор оила ифтихори юзага келади ва шаклланади. Ўзбекларда кўринадиган оилапарварликнинг том маънодаги асослари ана шуларда зуҳур топган. Шуниси қувончлики, 1998 йилнинг Оила йили деб эълон қилиниб, жамият диққат-эътиборини ўзбек миллий оиласини мустаҳкамлашга қаратилганлиги, энг муҳими, шу муносабат билан оилага алоқадор қатор чора-тадбирлар амалга оширилганлиги ҳам аслида худди шу ўзбекона оилапарварлик асосларини ҳар тарафлама ривожлантириш негизида соғлом ва бақувват демократик жамиятни барқарор этиш мақсадини кўзлайди.



ОИЛА САЛТАНАТИ СУЛТОНИ

Бошни фидо айла ато бошига,
Жисмни қил садқа ано қошига.
Тун-кунунга айлагали нур фош,
Бирисин ой англа, бирисин қуёш.

Алишер Навоий

Табиатнинг улуг иноятини қарангки, ўғил бола улғайгач — йигит бўлади; йигит эр тортиб уйлангач — хотинига эр, қайнатаю қайнаналари учун куёвга айланади; фарзанд кўргач эса — ота, неварая эваралар кўрганида — бобо бўлиб умр пиллапояларини босиб ўтади. Бир қараганда 60—90 йиллик умр давомида битта ўғлонга шунча фахрий ном кўпдай кўринади. Ҳолбуки, буларнинг бирортаси ҳукумат фармони билан берилмайди, бироқ бу фахрий номлар эркак зотининг умр довопларини англлатувчи илоҳий унвонларидир. Чиндан-да, ҳар бир ўғил болага қисмат ёр бўлиб, бўз ўғлон, қарчиғай йигит, тадбиркор ота ва ҳикматгўй нуроний бува бўлиб умргузаронлик қилмоғи — боқийлик саодатидир. Бундай саодатга эришмоқ, албатта, эркакнинг жисмонан соғломлиги, маънан фазлу камол соҳиби сифатида шаклланганлигига боғлиқ. Халқ бу жараёни «йигит деган эр бўлур, меҳнат кўрса — шер бўлур» дея таърифлаган.

Сирасини айтганда, йигитнинг эр етиши туфайли янги оилани бунёд этиш тадориғи кўрила бошланади. Бинобарин, бўлажак келин ва куёв учун кийим-кечак, кўрпа-тўшак, уй-жой, рўзғор ашёлари ва ниҳоят, тўй харжи, маҳр харжи тайёрлашга киришилади. Қиз-чи, бўй етгани билан унинг қўлини сўровчи йигит бўлмаса, оила унга ҳавас бўлиб қолаверади. Қизники қийин битар, дейилиши шундан. Бироқ йигитнинг ҳам боши икки бўлмагунча моли икки бўлмас. «Бошни икки қилиш» эса

ўз-ўзидан бўлавермайди. Бунинг учун жиддий иқтисодий тайёргарлик кўрилиб, сўнгра қиз танлашга киришилади. Албатта, қиз танлаш ғоят масъулиятли иш бўлиб, қури-лажак оила барқарорлиги ва мустақиллигининг гарови ҳисобланади. Шу боисдан бобокалонларимиз Кайковусдан тортиб Амир Темургача бу масалага алоҳида эътибор берганлар. Жумладан, Кайковус бу хусусда шундай маслаҳат берган: «Хотин олсанг улуғ салоҳлиг¹ хонадондин хотин талаб қилғил. Ҳар турлук авбошнинг қизин олмагил, нединким, хотинни уйнинг қадбонулиги² учун олурлар, шаҳват учун олмаслар.

Хотин камолга етгон, оқила бўлгон, онасининг қадбонулигин, отасининг қадхудолигин³ кўргон ва билгон бўлсун. Агар бундоқ нозанин қўлингга тушса, уни асло қўлдин чиқармағил ва жаҳд қилиб уни олғил...»⁴ Бунда шуни ҳам назарда тутиш лозимки, беҳадду ҳудуд бойлиги ё ота-онасининг улуғ мартабасига тамагирлик ҳисобидан уйланиш ҳам кутилган натижага олиб келмаслиги мумкин. Шу учун ота-боболаримиз ҳамма замонларда ҳам «қиз берсанг — отасига қараб бер, қиз олсанг — онасига қараб ол» мақолига амал қилиб, «қиз бор — қирғиз қовоқли, қиз бор — қарчиғай қанотли»ларини танлашган. Табиийки, бунда қизнинг соғломлиги, оқилаю покизалиги, пазандалиги, чеварлиги ва соҳибжамоллигига алоҳида эътибор қилинган. Пировард-оқибатда бу жараёнларнинг, асосан, йигит томонидан бажарилиши — оила салтанатида эр учун султонлик мавқеини белгиловчи ҳам иқтисодий, ҳам маънавий омилга айланган. Рост, оила тарихи ва муаммоларига бағишланган сон-саноқсиз тадқиқотлару маълумотларда қайта-қайта таъкидланиб келинаётган моногам оиланинг юзага келиши туфайли хотиннинг эркак қарамлигига ўтганлигига доир яқкаш қарашларнинг генетик илдизлари ҳам шу нуқтага бориб туташмоғи аён. Ҳар қалай, ки-

¹ Салоҳлиғ — яхшилик.

² Қадбонулиғ — уй бекалиги, рўзғорни саришта тутувчи хотин.

³ Қадхудолиғ — рўзғорни бошқарувчилик.

⁴ Кайковус. Қобуснома. 103–104-бетлар.

шилиқ жамияти тараққиётида патриархат қарор топган замондан то ҳозиргача оилада эркакларнинг ҳукмронлик мавқелари устувор бўлиб келаётир. Бу ҳақда пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳам ўз ҳадиси шарифларида шундай буюрганлар: «Эрлар оилада аҳли аёлларига бошлиқдурлар. Аллоҳ таоло уларни оилани ҳимоя қилишга қодир, раҳбар бўлишга муносиб қилиб яратди ҳамда оила қуришга кетадиган сарф-харажатни топишни ва оилани боқишни эрнинг зиммасига юклади». Аёнлашаётирки, эркак ҳамма замонларда ҳам оиланинг таянчи ва бош тиргаги бўлиб келган. Гарчи эл орасида «эркак кўчанинг одами» деган гап юрса-да, оила салтанати эркак изнида бўлади. Негаки, оила муҳитида эркак бажарадиган вазифалар беҳад ва уларни фақат эркак бажара олади. Булар қуйидагилардир:

1. *Йигит уйлангач, унинг зиммасида ўз онаси ва хотини, яъни қайнана ва келин муносабатларида самимиятни қарор топтириш вазифаси туради.* Ҳолбуки, бу жараёни ўринлатмай, янги оилани мустаҳкамлаш душвор кечади. Бунда йигит ўз онасини ҳам, хотинини ҳам тинглай билиши, улар ўртасида ихтилоф чиқишига йўл қўймай, фаросат ва тадбир билан иш кўриши, хотинини ҳам, онасини ҳам ўкситмай, аксинча, ўзаро ҳурмат билан бир-бирларига муносабатда бўлишларини таъминлашга интилиши лозим. Бу ғоят оғир масала, лекин қаловини топсанг — қор ҳам ёнади, деган ҳикматга амал қилинса, ҳаммаси жойига тушиши осон. Бу масаланинг мураккаблиги шундаки, келин янги хонадон муҳитига мослашгунча анча муддат ўтмоги шарт. Бу хонадонда у ўз ота-онасиникидаги эркаликларини қилолмайди, бундаги рўзгор шароити ҳам ўзи кўниккан ота-онаси рўзгори шароитидан фарқ қилади. Айтайлик, кўнгли тусаган нарсани ўз ихтиёри билан олишга ийманади, янги қайниларига муомалада сергак ва эътиборли бўлмаса, орада нохуш гап-сўз чиқиши тайин. Боз устига ҳовлини, уйни тоза ва саранжом тутиш, қозон-товоққа қараш ҳам унинг зиммасига тушади. Қайнана эса бу жараёнларни муттасил кузатади, келинининг ҳар бир хатти-ҳаракатини баҳолаб, изоҳлаб, маслаҳат бериб туради, келин айрим нарсаларда уқувсизроқ бўлса, ўрни-ўрнида қойиб қўйиши мумкин. Келиннинг эса бу хона-

дондаги ягона суянчи — эри, унгагина дардини айта олади, унгагина ёқишга интилади. Эри ҳам уни тушунмай, онасини ёқласа нима бўлади? Халқ: «Эрга тегиш осон, этик ечари қийин» ёки «Эр уйининг арраси бор, аррасининг ғиж-ғижи бор», — дея бежиз айтмаган. Келин турмушга чиқишидан олдин оилавий ҳаётнинг шу муаммоларидан воқиф этилган бўлса, ўзида шу мураккабликларни енгиб ўтиш иммунитетини тайёрласа, эри мададида янги хонадондаги муҳитга тез кўникиб, мослашиб кетади. Бунда унга шариатда буюрилган қуйидаги эрлик бурчларини ўташи муҳим роль ўйнайди:

« — Эр ўз хотинини адолат, тўғрилиқ ва зулм ўтказмай тарбия қилиши;

— эр ўз хотини учун алоҳида бир уйини ажратиб бериши;

— хотинини одатдаги ўртача кийим, таом билан таъминлаши;

— фарзандларини керакли даражада тарбия қилиши;

— хотинига меҳрини чин кўнгилдан бериши;

— хотин-қизларига ҳар соҳада эътибор бериши ва ёрдам қилиши;

— уй-рўзғор ишларида хотини билан бамаслаҳат иш кўриши;

— хотинининг қариндошларини ҳурмат қилиши ва ўзига яқин тутиши;

— сафардан қайтганида оила аъзоларига ва қариндошларига совға олиб келиши;

— хотини қиз туғса — барака умид қилиб суюниши;

— қиз фарзандларига кўпроқ меҳр-шафқатли бўлиши;

— бегона, номаҳрам аёлларнинг юзларига бешаҳват қараши;

— шубҳа қилиб хотини туққан фарзандни мендан эмас, демаслиги;

— хотинига, фарзандларига, хизматчиларига кучлари етмайдиган оғир ишларни буюрмаслиги;

— хотини, фарзандлари, хизматчиларини кичкина айблари учун қаттиқ сўкмаслиги;

— қизини ўзи хоҳлаган кишисига турмушга бериши;

— хотинини ташлаб тўрт ойлик сафарга кетиб қолмаслиги;

— иффатли хотинини зинокор, деб ҳақорат қилмаслиги;

— адолат билан таъминлай олмаса, иккинчи хотинга уйланмаслиги ва бошқалар.

Ҳадисларда ҳам «эркакларнинг ёмони — ўз аҳли аёлига бахиллик ва қизғанчиқлик қиладиганларидир», деб очиқ айтилгани бесабаб эмас»¹.

Шариатда эрнинг ўз хотини ва фарзандлари олдидаги ахлоқий ва ҳуқуқий бурчини англатувчи бу шаръий кодексдан чекиниш Оллоҳ олдида гуноҳ саналган. Шу шаръий кодексга амал қилиш жараёнида эркак зиммасидаги эрлик ва оталик туйғулари ўзаро сингишиб, эр ва ота сиймосидаги мураббий шакллана борган. Зеро, «оталик меҳри оддий бурч, эътиқод эмас, балки инсон қонига, томирларига, ҳужайраларига сингиб кетган илоҳий қудратдир. Оталик меҳри ўз-ўзидан шаклланмайди, балки Оллоҳ томонидан инсон қалбига жо қилинади. Шу сабабли ҳам баъзан оталик меҳрига асос бўлган маънавий омилларнинг туб моҳиятини, сабабларини»² тушуниш қийиндай туюлади. Айтайлик, ўтмишда оилада кетма-кет қиз туғилишидан оталар ранжишган, бу ҳолат ҳозир ҳам гоҳ-гоҳ сезилиб туради. Бироқ «Кимки учта қиз фарзандни ўстириб, тарбиялаб, вояга етказиб, муносиб жойларга узатса, унинг мукофоти жаннатдир» ҳадисида буюрилган амри илоҳий туфайли даврлар оша мазкур қараш сўна борди, натижада оталарнинг қиз фарзандларга меҳри садоқат ва ҳурмат маъносини касб этадиган бўлди, ота қизнинг таянчи, қиз эса отанинг суянчига айланди.

Ўз-ўзидан аёнки, яхши эр хотинига, ҳалол ва меҳнаткаш ота фарзандларига ёмонликни раво кўрмайди, аксинча, у ҳам иши, ҳам сўзи билан хотини ва фарзандларини тарбиялаб, жамият ва фарзандлари олдидаги бурчини ўтайди, ўзидан яхши ном қолдиради. Комил фарзандлар эса унинг шу яхши номини абадиятга бурковчи иккинчи умри бўлиб қолади.

¹ **Эркин Юсупов.** Оиланинг маънавий асослари. Наманган, 1998, 42–43-бетлар.

² **Эркин Юсупов.** Кўрсатилган асар. 42-б.

2. *Эр — оила таъминотчиси, боқувчиси.* Эр оилада давлат боши. Халқда рўзғор — ғор, деган гап бор. Эр ҳалол меҳнати билан топган-тутганини рўзғорим деб таҳиса-ю, хотин уни эплаб сарф этмаса, оқибати нохуш бўлади. Халқ беҳудага «эр қоплар, хотин сақлар» демаган ахир! Шу боисдан ўзбек халқи тажрибасида йигитнинг топиш-тутишини ҳисобга олиб қиз бериш одати ҳамон учрайди. Албатта, бунда севиб-севилмоқ назардан соқит қилинмайди. «Қизинг кимни севса — куёвинг шу» ёки «Қизни ошигига бер» мақоллари бунинг шаҳодати. Бироқ оиланинг иқтисодий бақувватлигини таъминлашда эркак қанчалик уҳдадор бўлса, аёл уни саришталашда шунчалик уҳдадордир. Шу нуқтада эру хотин — қўш ҳўкиз бўлиб, оила жамалғасини тортади. Шундагина топувчан эрнинг хотини тақувчан ва ораста бўлади, қўни-қўшнилари ва эл орасида эътибор қозонади, назарга тушади.

Рост, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида хотинлар орасида топармон-тутармонлар тобора кўпаяётир. Жаҳон матбуоти хабарларига кўра, бу жараён шиддат билан ўсаётир. Вашингтондаги халқаро меҳнат ташкилоти маърузасида қайд қилинишича, ҳозирги шароитда оилани моддий таъминлашда жаҳон миқёсида 30 фоиз аёллар иштирок этаётир, «аҳвол шу тарзда давом этса, яқин келажакда бу рақам 80 фоиз»гача ўсишидан огоҳлантираётир ўша маъруза. Хўш, бу яхшими ёки ёмонми? Қолаверса, аёлнинг топгани нима бўларди, деб бу жараёнга беписанд қаровчилар ҳам бор. Ташвишланарлиси шундаки, бу ҳолат эркакнинг жамиятдаги мавқеига путур етказмоқда. Не ажабки, хотинининг топармонлигидан керилиб, хотини қай усулда топаётганини ўйлаб кўрмай, аксинча, ўз эркаклик ифтихорининг топталишидан орияти кўзгалмай, хотини ҳисобидан ялло қилиб яшаётган номуссиз эркаклар урчигандай кўпаймоқда. Алам қиладиган жойи шундаки, аксар ҳолатларда аёлларнинг пул топиш йўли ишлаб чиқариш жараёнига қатнамоқдан кўра тижорат йўлининг афзал кўрилаётганлигидир. Натижада хотин «уйга безак, эрга кўмак»чилик вазифасини унутаетир, аксинча, эркакдан зиёдроқ топаётгани эвазига эркакшодалик хусусиятини касб этиб, аёлга хос назо-

кату самимиятини, ҳаё ва ибосини йўқотаётир, қўрслашаётир ва шаддоллашаётир. Халқ беҳудага хотин авжиса, эл алжийди, дея огоҳлантирмаган, ахир! Айтайлик, эркаги йўқ нотугал оилаларда аёлнинг бундай топармонлиги моддий эҳтиёжни таъминлаш тақозоси бўлса, эркаги бор тугал оилаларда бу ҳол эр гурурини топтайди, оила муҳотида унинг бурдини кетгизса, фарзандлар тарбиясида таъсирини сусайтиради, бундан ҳам ачинарлиси, эркаки шунчаки бир тирик товонга айлантириб қўяди. Бундай оилаларда эркак на хотини, на бола-чақаси, на қўни-қўшнилари олдида ҳеч қанақа обрўга эга бўлмайди, ишхонасида ҳам унинг ҳурмати шунга яраша бўлади. Бинобарин, унутмайликки, ҳамма замонларда ҳам ўзбек оилалари бюджетига хотинлар баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келганлар, бироқ бу эрнинг топганига қўр ҳисобланиб, эр шаънини улуғлашга хизмат қилган, эр қадрини юксалтирган, эрни эр қилган, қаро ер қилмаган. Оилада эр шаънининг муқаддаслиги оила муқаддаслиги даражасида англаangan. Эрнинг сўзи, маслаҳати хотин ва фарзандлар учун йўриқнома вазифасини ўтаган.

Сирасини айтганда, хотин аслида эр топганига қаноат қилиш билан наинки ўз қадрини оширган, айнаи чоғда эри топганини эҳтиётлаб, саришта-саранжом сақлаши ва эри билан кенгашган ҳолда расамадига қараб рўзғорга сарфлаши асносида оила бошқарувини зимдан қўлга кирита борган, бунда эр ишончига, қайнана ва қайната ишончига эришмоқ алоҳида аҳамиятга эга бўлган, натижада оиладаги соғлом иқтисодий муҳит соғлом ва баркамол маънавий муҳитга пойдевор солган. Шу зайилда ўзбек оиласида эру хотин қўш қанот даражасида қадру қиммат топишган.

3. *Эр — оила мураббийси.* У, аввало, ўзидаги олижаноб фазилатлар билан оила салтанатидаги мавқеини тикламоғи ва шундай ўрнаги билан чинакам тарбиячи ва эл-фасини ўтамоғи даркор. Буни наинки унинг оила олдидаги бурчи, балки маҳалла-қўй ва ватан олдидаги бурч ва масъулияти ҳам тақозо этади. Негаки, оилада эркакнинг сўзи — ҳал қилувчи сўздир. Ҳамма гап ана шу ҳал қилувчи сўзни айта билмоқ мавқеида тура билишда, албатта. Афсуски, бу ҳамма эркакларга ҳам насиб этмаётир.

Эр, аввало, ўз хотинининг, ўз навбатида эса, хотин ҳам ўз эрининг тарбиячисидир. Эр хотинига самимий ҳурмати ва чексиз садоқати, покиза ишончи ва сахий қалби, ростгўйлиги ва тўғрилиги, ҳалоллиги, хотинини камситмай ўзига тенг кўриши, шунчаки хотинмас, балки севгили вафодори ва фарзандларининг меҳрибон онаси, мунис дардкаши ва маслаҳатгўйи даражасида кўра билгандагина ҳақиқий мураббийлик вазифасини ўтай олади. Шундагина оилада эрнинг сўзи сўз ўрнида ўтади, ижроси ҳам қатъийлашади. Эр бунга шунчаки ҳукм-фармолик билан эмас, балки ўз сўзига амал қила билиш даражасидаги намунаси билан эришмоғи даркор. Ҳатто эр оила таъминотчиси сифатидаги хизматини пеш қилиб бунга эришмоқчи бўлса ҳам хато қилади. Негаки, оилани иқтисодий таъминлаш, асосан, эр зиммасидаги Оллоҳ буюрган юмушдир. Эр сўзи амалиётга омухталиги билангина субут ҳосил қилади, хотин олдида, оила олдида эр нуфузини таъминлайди. Шундагина оилада эр — авра, хотин — астарга айланади. Хотин ҳам эрникида ётсирамай, оиланинг тенг ҳуқуқли аъзосигина эмас, балки бунёдкори сифатида ўзини тута бошлайди, оила юкини барабар тортишини шараф деб билади. Бу эса оила ифтихорини юзага келтиради. Шу ифтихорни муқаддас сақлаб, авлодлар анъанасига айлантира билиш жамиятнинг мустаҳкам маънавий асосига қўйиладиган тамал тош ҳисобланади.

Эр хотинининг ота-онасини ўз ота-онасидай эъзозлаши, ака-опаларини, қариндош-уруғларини, дўсту дугоналарини ҳурмат этиш билан ҳам алоҳида мавқе ҳосил қилади. Бунда у хотинини ҳуда-беҳудага рашк қилавермаслиги лозим. Халқнинг «Рашк бор ерда ўзингни эҳтиёт тут», «Рашкнинг кўзи кўр» ва ниҳоят «Рашкнинг зангдан фарқи йўқ, юрагингни емириб тугатар» деган ҳикматларига амал қилмоқни унутмаслик зарур. Эрнинг хотинга ишончи — садоқат гарови, оиладаги осойишталик ва соғлом муҳитнинг чин асоси.

Эр хотини билан интим муносабатларида ҳам ҳаё ва ибо назокатига амал қилмоғи шарт. Акс ҳолда хотин эрийнинг ҳаё доирасига сиғмайдиган хатти-ҳаракатига ўрганиб, ўзи беҳаёликка рағбат пайдо қилиб қўядики,

Кайковус бу масалада 900 йил илгари шундай огоҳлан-тирган эди: «Агар қиз олсанг, уни ҳар қанча яхши кўрсанг ҳам ҳар кеча унинг била ётмағил, ул барчанинг одати ушбудур деб хаёл этар, агар бир вақт сенинг узринг бўлса, ул хотин сенсиз сабр қилур. Агар ҳар кеча унинг била ётмоқни одат қилсанг, ул сенсиз ўзгани орзу қилур ва сабр қилмоқ душвор бўлур»¹. Хотин бошданоқ шундай тutilмаса, эр юзини ерга қаратмоғи муқаррар. Ахир хотин — эрнинг номуси, шарафи, ғурури. Шу ғурур топталса, эр эшикдан келганда, хотин тешикдан чиқса, эрнинг ўлгани. Ғурури паймол бўлган эр эл олдида бошини кўтариб юра олмайди, мижговлашади, чалажон бир жонзотга айланади, холос.

Эрдан — садоқат, хотиндан — итоат, деган гап бор. Бунда эрнинг хотин олгани, хотиннинг эса эрга чиққани андиша посангисини босиб турибди. Хотин шу андиша асосида эрга итоат қилмоғи — Оллоҳнинг амри ҳам, аммо эр ҳадеб мавқеини пеш қилавермаслиги, хотин ҳам итоатини хўрланганлик аломатидай тушунмаслиги даркор. Эр қайнаганда хотин ҳам айниб кетмаслиги лозим. Эрдан хато ўтса, хотиндан узр, бироқ хотиндан хато ўтса, эрдан жазо бор, дейди халқимиз.

Эр хотинининг ҳар бир хатти-ҳаракатини кузатсада, ундан қийиқ қидиравермаслиги, аксинча, маъқулларини рағбатлантириб, номаъқулларидан эҳтиёткорлик билан огоҳлантира билмоғи лозим. Токи бу ишда қайнатанинг аралашуви чуқурлашмасин, акс ҳолда эрда ҳаловат бузилади — ё она, ё хотин ёнига ўтишига тўғри келади. Эрнинг ўзи бу масалани адолат асосида ҳал қила олса — оила фaйзига фaйз қўшилади. Эр хотинининг сарфу харажатларига ҳам зиқналик қилмаслиғи, лекин бу сарф-харажат оила тутуми имкониятларидан чиқмаслигини назорат қилмоғи даркор. Хотинлар борки, ортиқча зебу зийнат ва ҳашамга майлдор, улар бу масалада эрларининг топиш-тутишига кўнмасалар, оилада, албатта, нохушлик юзага келади, аҳвол баъзан катта жанжаллару охири қўйди-чиқдигача бориб етиши мумкин. Эр буни доимо эсида сақлаб, имкониятларидан келиб

¹ Кайковус. Қобуснома. 104-б.

чиққан ҳолда турли муносабатларда совға-саломлар шаклида хотини майлини ҳосил қилиб бормоғи адолатдандир. Хусусан, хотин ҳомилали бўлган кезларда кўнгли тусаган нарсани муҳайё қилиши — нафақат рафикасининг, балки ёруғ дунёга келажак зурриётининг ҳам соғлиғини таъминлашда алоҳида эътибор, ғамхўрлик нишонаси сифатида аҳамиятлидир.

Эр — ўз ота-онасининг фарзанди, хотини ва оила аъзолари олдида уларга алоҳида эҳтиром билан муносабатда бўлмоғи шарт. Зеро, унинг фарзандлик бурчи ва масъулиятни нечоғлиқ ўринлата олиши ўз жигаргўшалари учун ҳам ўрнатилган сабоғидир. Шундай экан, ҳадиси шарифда айтилганидек: «Қайси бир мусулмон фарзанди савоб умиди билан ота-онасини зиёрат қилса, Аллоҳ таоло унга жаннатдан иккита эшик очади. Агар улардан биттасини зиёрат қилса, унга жаннатнинг бир эшигини очади. Бола ота-онасидан қай бирини хафа қилса, уни рози қилмагунча Аллоҳ таоло ундан рози бўлмайди». «Ота рози — Худо рози» мақоли шу асосда туғилган. Ўша ҳадисда таъкидланганидай, ҳатто «Агарда ота-оналар болага зулм қилган» бўлсалар-да, «бола уларни ранжитмаслиги керак»¹. Халқимизда ота ўтирган уйнинг томига боланинг чиқиб ўйнашини тақиқловчи одат бор. Ҳадисда айтилганидек: ота исмини атаб чақириш, ундан олдинда юриш, юқорига ўтиб ўтириш, ота-онага бақириб-чақириб гапириш, уларни сўкиш, таҳқирлаш, уриш гуноҳдир. Ота-она тириклигида улар дуосига мушарраф бўлиш шарофати фарзанд иззатини оширувчи омилдир.

Эркаксиз уй — посбонсиз уй саналганидек, эркаксиз оила ҳам нотугал оила саналади. Бундай оилада фарзандлар ота меҳрини туймай улғаяди, гарчи она ҳам ўзининг, ҳам отанинг ўрнида эса-да, бироқ ота қатъияти, матонати, журъятини ҳис қилиб ўсишига не етсин? «Ота номли буюк шодлик» (Зулфия) етишмайдиган хонадонда мурғаккина қалбларнинг мана бу хилда ўксимаслигига ким ҳам кафолат бера олади?

¹ Имом Исмоил ал-Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад (Адаб дурдоналари). Тошкент, «Ўзбекистон», 1990, 14–15-бетлар.

Отасиз жаҳонда яримсан, кўнгил,
Юртдан айрилсанг-чи, ғарибсан тайин.
Етим қалбдан лочин чиқмоғи мушкул,
Ғарибнинг қарчиғай бўлмоғи қийин...
Отам бўлганида битта ҳайқириб,
Шерни қулатишга қодир бўлардим.
Отам бўлганида шоир эмас, йўқ,
Элимга суянчиқ — ботир бўлардим!

(Ж. Камол)

Шундай, ота — фарзандлар орзу-ҳавасига парвоз бағишлайди, уларни ҳар бир бағрига босганида оламни кучгандай сафоланади, уларга дунёсини, жону жаҳонини бағишлаб едиради, кийдиради, ўқитади, уйлик-жойлик қилади; уларга меҳнат қилишни, касбни ўргатади; ўзгаларни ҳурмат қилиш, ўзгаларга ҳамдардлик сабоғини беради; молларга қараш билан ҳайвонот оламига, экин-тикин ва боғ-роғларга қараш билан наботот оламига муҳаббатини уйғотиб, ҳаётсеварликни, табиатни сева билиш илмини ўргатади; заруриятга яраша саховат ёки талабчанлик кўрғазиб, иродаларини тоблайди; ҳаётнинг огиру енгилига бардошли, қаноатли этиб ўстиради, тарбиялайди.

Отанинг матонати фарзандлар учун жасорат сабоғи. Бу жонажон Ватанимиз — Ўзбекистоннинг мустақиллигини, халқимиз истиқлолини, мамлакатимиз чегараларини ҳимоя қилиш ва дахлсизлигини таъминлашда беқиёс аҳамиятга эга. Жаҳон ҳарбу зарбида Тўмарис, Широқ, Спитамен, Муқанна, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Темур Малик, Мирзо Бобур, Маҳмуд Торобий сингари улуғ саркардаларни етиштирган халқимиз 130 йиллик чор мустамлакаси шароитида ҳарбий истеъдоди ва салоҳиятини сўндириш сиёсати туфайли ҳарбий хизматга рағбати сусайгани сир эмас. Шўролар тузуми даврида аҳвол шу даражага етдики, ота-оналар исталган усул билан фарзандларини ҳарбий хизматдан олиб қолишга уринар, ҳатто бу йўлда пора беришдан ҳам қайтмасдилар. Аксар ҳолатларда ўзбек ўғлонлари қурилиш батальонларида хизматни ўтаб, бутун ҳарбий хизмати давомида қўлида қурол тутмай, уйига қайтар эди. Бундан кузатилган мақсад Амир Темур авлодларида жанговарлик

туйғусини батамом яксон қилиш, пировард-оқибатда эса, уларда юрт эрки ва эли озодлиги учун курашчанлик руҳини сўндириб, муте ва итоаткорлик руҳиятини кўникмага айлантиришдан иборат эди. Шу сабабли Туркистон чор мустамлакасига айлантирилганидан кейин ерли аҳолини ҳарбий хизматга чорлаш ман этилганди, лекин Биринчи жаҳон урушида зўр келгач, бу тақиқ бекор қилиниб, 1916 йилнинг 25 июлида туркистонликлардан 200 минг нафар кишини фронт орқасидаги оғир ишларни бажаришга сафарбар этиш ҳақида фармон чиқаришга мажбур бўлишдики, бу тарихда «мардикорликка чорлаш» тарзида қора бўёқ билан ёзилган. Қизил салтанат ҳукмдорлари ҳам боболари сиёсатига содиқ қолиб, кўп ҳолларда туркистонлик ўғлонлардан ҳарбий қурувчи сифатида фойдаланиш билан чекландилар.

Минг қатла шукурлар бўлсинки, миллий истиқлол ғалабаси туфайли ўзбек ўғлонларида ота-боболари қонида жўш урган ҳарбу зарб туйғуси қайтадан кўрина бошлади. Эндиликда улар мустақил Ўзбекистоннинг миллий армиясида хизмат қилишни шараф билиб, қўшиннинг барча турларида жанговар истеъдодларини намоиш этиш имкониятига эга бўлиб қолдилар. Қолаверса, улар истиқлол муҳофазаси йўлида нималарга қодирликларини Тошкент вилояти ва Сариосиё сарҳадларида қўпоровчиларни йўқотишдаги жанговар амалиётларда кўрсатишга ҳам улгурдилар. Худди шу жасоратлари билан улар мард ва жасур ота-боболарига муносиб ворис эканликларини жаҳон афкор оммаси олдида намоиш эта олдилар ва шу жасоратлари билан мутафаккир шоиримиз Фафур Фулом таърифига ярашиқликларини исботладилар:

Йигитлар халқларнинг мақтови, кўрки,
Наслнинг жавҳари, давлат таянчи.
Юртнинг ободлиги, тўйлар сабаби,
Элнинг гуркираши, файзи, қувончи...

Йигит омон бўлса — хавфу хатар йўқ,
Қалқон бор: қалъа бут, кўргон саломат.
Қизлар кулгусида авжу даромад,
Чоллар уйқусида жаннат, фароғат¹.

¹ **Фафур Фулом.** МАТ. Ўн икки томлик, 2-том, Тошкент, «Фан», 1984, 70-б.

Сирасини айтганда, ўғлонларда ана шундай жанговарлик руҳини оилавий муҳитда тарбиялаш оталар зиммасидаги бурчдир, улар ўз фарзандларида ҳарбий бурчга садоқат туйғусини шакллантиришда ва камолга етказишда масъул саналадилар. Фарзандлар Ватан ва халқнинг умиди, эртаси ҳисобланарканлар, улар қисматига жавобгардирлар. Ҳамма гап ана шу жавобгарлик масъулиятини чуқур ва теран англаган ҳолда болада оиладаёқ ҳарбий ватанпарварлик ҳиссини шакллантиришдадир, бу соҳада мактаб ва жамоатчилик билан ҳамкорликда ягона ва қатъий талаб қўйишда отанинг ўрнаги муҳим аҳамият касб этади. Бу масалага оилада алоҳида эътибор бериш зарурлигини Кайковус ҳам уқтирган эди: «... унга ҳунар ва касб ўргатгайсан, агар сипоҳ аҳлидин¹ бўлсанг, сипоҳ илмин ўргатгайсан. Буларни билгондин сўнг шиноварлик, яъни сувда юзмакни ўргатгил»... «отда юрмоқ, найза урмоқ, завбин отмоқ, чавгон урмоқ, каманд ташламоқ илмин»² ўргатмоқ ҳарбий салоҳиятни, жасорат ва қўрқмасликни, Ватан ва халқ манфаатлари йўлида фидойиликни боланинг қонқонига сингдиради.

Ота учун ўғилдир, қиздир — бари бир фарзанд, оила аъналарининг, зурриётининг давомчиси. Бироқ ўғилга муносабат бир қадар ўзгача. Шу важдан ўғил кўрмоқ алоҳида шарафдай қабул қилинади. Бунинг сабаби шундаки, ўғил ота касбу корининг давомчиси, чирогининг ёқувчиси, меросхўри саналади. Ўтмишда подшолар учун фақат ўғлигина салтанатининг, тожу тахтининг вориси ҳисобланган. Қиз эса бундай ҳуқуққа эга бўлмаган, ўзганинг ҳасми бўлганлигидан тожу тахт, мулк ва салтанат ҳам бегонага ўтиб кетиши кўзда тутилиб, шундай шаръий ҳукмга амал қилиб келинган. Қизнинг меросга ҳуқуқи ҳам ўғилникига нисбатан чекланган, ҳатто оилада қиз туғилиши қай бир замонлар бахтсизлик саналган. Бунинг аломатини ҳозир ҳам баъзида қиз туғилганини «уйингизни ўғри босибди» қабилидаги таъбир билан ифодаланишида кўриш мумкин. «Қиз сақлагунча, бир сиқим туз сақла», «Қиз сақладинг — ўт сақладинг», «Қиз уйнинг чўриси ҳам, ўғриси ҳам», «Қиз чиқарган уй масжидга ўхшаб

¹ Ҳарбий кишилар.

² Кайковус. Қобуснома. 104–105-бетлар.

қолар» каби мақолларда ҳам шу ҳақиқат ўз ифодасини топган. Бироқ отанинг вазифаси «қизга олтиндан тахт эмас, бармоқдай бахт» бера олишида. Зеро, отага меҳрибонликда қизга етари йўқ, унинг ҳусни қалбида. Уни ҳалолу покизаликка, хушхулқликка, озодаликка, саришта-саранжомликка, рўзғор тута билишга ўргатиш, аҳволидан хабардор бўлиб туриш оталик бурчи саналади.

Кўринаётирки, ота кўп қиррали фаолияти билан олижаноб фазилатлар соҳиби сифатида оила салтанатини бошқариб туради, унинг иймони — оиланинг ишончи, унинг виждони — оилага садоқат мезони, унинг обрўси — оила фазлу камоли нишонаси, мақолда айтилганидай: «Ота-бола — бир бог, бири — гул, бири — богбон». Бинобарин, ҳар бир фарзандга отани дил-дилдан сева билиш саодати насиб қилишини истаб, болаларнинг эътиборли шоири Сафар Барноевнинг «Дадамлар» шеърини келтириш билан ота таърифига доир мулоҳазаларни якунлаймиз:

- Ким бизларни бургутим дер?
- Дадамлар!
- Сенга бўлсин бор-қутим дер?
- Дадамлар!
- Ҳалолликка йўллайди ким?
- Дадамлар!
- Доим бизни қўллайди ким?
- Дадамлар!
- Рўзғоримиз ким қилар бут?
- Дадамлар!
- Ким бор, ташвиш тамом унут?
- Дадамлар!
- Биз деб жондан кечади ким?
- Дадамлар!
- Жумбоқларни ечади ким?
- Дадамлар!
- Гуноҳ қилсак кечирар ким?
- Дадамлар!
- Лочин қилиб учирар ким?
- Дадамлар!
- Ким доимо омон бўлсин?
- Дадамлар!
- Ким бизларга посбон бўлсин?
- Дадамлар!



ЭР ВАЗИРИ

Хусни бўлса кўнгилга ёқимли бўлур, яхшилиғи бўлса жон озигидир. Ақлли бўлса — турмуш интизомли ва рўзгор керак яроғи тартибли ва саранжомли бўлади. Ана шундай турмуш ўртоғинг бўлса — ғам-қулфатда сирдош ва ҳамдаминг бўлур, махфий ва яширин дард ва машаққатда ҳамнафас ва ҳамроҳинг бўлур. Турмушдан ҳар жафо етса ҳасратдошинг ул ва осмондан ҳар бир бало келса — қўмакдошинг ул. Кўнглинг ғамидин ул ғам чекади.

Алишер Навоий

Аёл — оила отлиғ ҳаёт иморатининг иккинчи буюк устунидир. Зеро, оила қуриш тараддуси келинликка муносиб қиз танлашдан бошланаркан, оиланинг келажакда мустаҳкам бўлиши бўлажак келиннинг ақлу фаросатига, меҳнаткашлигига, ҳалим-ҳазимлигига, ички оламининг бойлигига, тadbиркорлигига, хулқ-одобига, самимийлигига ва покизалигига, тўғрилиги ва ростгўйлигига, дилбарлиги ва дилкашлигига, пазандалигига, чеварлигига, ҳаё ва ибосига, одамлар билан муносабатига, ҳусну ҳаловатига, меҳру садоқатига алоҳида эътибор берилади. Бунда наслу насабининг тозаллиги, ота-онасининг эл назаридаги эътибори ҳам аҳамиятга эга бўлади. Бу ҳол халқимизнинг «Қиз берсанг — отасига қараб бер, қиз олсанг — онасига қараб ол», «Онасини кўриб қизини ол», «Онаси мақтаган қизни олма, эл мақтаган қиздан қолма» сингари қатор мақолларида ўз аксини топган. Ҳадиси шарифда бу хусусда шундай дейилади: «Келин танлаш вақтида тўртта нарсага, албатта, қизиқилади: молига, жамолига, насабию мансабига, тўрттинчиси динига». Кўринадики, келин танлашга ҳамма замонларда ҳам жиддий қаралган. Чунки келин бўлиб тушадиган қиз, аввало, икки оилани боғловчи ва қудакудағайликни таъминловчилик вазифасини ўтаган. Қу-

дачилик эса минг йилчилик деб қаралиб, икки оиланинг ўзаро қон-қариндошлигини, ҳамкорлигини, мададкорлигини таъминловчи омилгина эмас, балки оилалараро сулоланинг давомийлигига асос солажаги жиҳатидан ҳам муҳимдир. Албатта, бунда танланаётган қуданинг кимлиги ҳам айрича эътиборга лойиқ. Кайковус ўғлига бу хусусда насиҳат бера туриб, шуларни уқтирган: «...агар ўғлингни уйлантирмоқ ва қизингни эрга бермоқ тиласанг, зинҳор ўз қариндошларинг била беришиб-олишмагил. Бегонадин хотин олғил, нединким, ўз қариндошларингдан олмасанг ҳам улар сенинг била гўшт, қондек яқиндурлар. Бошқа қабиладин хотин олғил. Бу билан бир қабилани икки қабила қилмиш бўлғайсан, бегонани ўзингга қариндош қилғайсан, токи бир қувватинг икки бўлғай, икки тарафдин мададинг ва кўмагинг кўпайғай»¹. Гарчи Кайковус «қабила» сўзида ижтимоий маънони ифодалаётгандай туюлса-да, аслида уни уруғ маъносида ҳам тушуниш мумкин. Зеро, бу маънода у наслнинг соғломлигини англатади.

Ҳикматул ислом Имом Ғаззолий (1038–1111) ҳам куёв ва келин танлашда қуйидаги шартларга амал қилиш лозимлигини уқтириб ёзган эди:

«Уйланишда эркак тўрт жиҳатдан аёлдан афзал бўлишида фойда бор:

1. Эркакнинг ёши аёлнинг ёшидан катта бўлиши.
2. Эркакнинг бўйи аёлнинг бўйидан баланд бўлиши.
3. Эр хотинидан бадавлатроқ бўлиши.
4. Эрнинг мавқеи аёлникидан баландроқ бўлиши керак.

Хотин ҳам эрдан тўрт нарсада афзал бўлиши керак:

1. Гўзалликда аёл эркакдан устун бўлиши.
2. Назокат ва зарофатда аёл эркакдан нозикроқ ва маданиятлироқ бўлиши.
3. Аёлнинг феъли эрининг феълидан юмшоқроқ бўлиши.
4. Аёл эридан кўра сабрлироқ бўлиши.

Ёш қиз қари киши билан, қари киши ёш қиз билан турмуш қурмаслиги керак. Ота-оналар фарзандларининг жуфт танлашлари устида зулм қилмасликлари лозим. Уй-

¹ Кайковус. Қобуснома. 108-б.

ланажак жуфтлар бир-бирини кўриб, қарор қилишлари керак»¹.

Гап шундаки, қуда-андачилик муносабатини тиклашда ўғил ҳам, қиз ҳам бир даражада туришса-да, бу масала ечимида қиз танлови ҳал қилувчи роль ўйнайди. Танловда кўп қизлар тилга олиниши, сўраб-суриштирилиши мумкин, албатта, шу муносабат билан уларнинг ота-оналари, ака-сингиллари ва қавму қариндошлари ҳақида ҳам сўраб-суриштирилиши ва билиниши табиий. Лекин шулардан биргина қизга талабгорлик қилинади. Ана шу тўхтам солинажак янги оиланинг пойдевори бўлади. Табиийки, бу пойдеворнинг мустаҳкам бўлишини қиз тараф ҳам истайди, улар ҳам куёвни, ота-онасини обдан ўрганишади, шундан кейингина икки тарафнинг рози-ризалиги масалаларини ҳал қилишга киришилади. Бинобарин, қиз — тўйгача қиз, фотиҳа қилингандан кейин бўлажак эри (куёв)га қаллиқ, унинг ота-онасию қавму қариндошларига келин саналса, тўйдан кейин эса эри учун хотин ҳисобланган. Бу сўзларнинг ҳар бири аёл қисматида дахлдор босқичлару қариндошлик туйғуларини англатиши аён. Чунончи, «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да «қаллиқ» сўзи «бирор йигитга унаштирилган қиз» маъносида тушунтирилса², «келин» сўзи «янги турмушга чиққан ёки чиқаётган қиз», «ўғилнинг хотини (қайната ва қайнанага нисбатан)», «уканинг хотини (ака ёки опага нисбатан)» маъноларини англатиши қайд этилган³. «Хотин» сўзи эса «жинсий жиҳатдан эркак тоифасига зид, туғиш, эмизиш қобилиятига эга одам; «аёл», «бирор эркак никоҳидаги аёл», «турмушга чиққан қиз эмас, жувон» маъноларида изоҳланган⁴. Қуръони каримнинг «Аъроф» сурасининг 189-оятида хотин — жуфтлик, ором-осойишталик, меҳр-муҳаббат ва оқибатни англатувчи маънода қўлланган: «У (Аллоҳ) шундай зотки, сизларни бир жондан (Одамдан) яратди ва ором-

¹ Имом Ғаззолий. Эй фарзанд. («Аҳюҳал валад» асарининг таржимаси) Тошкент, «Мовароуннаҳр», 2005, 106-б.

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки жилдлик. II жилд, Москва, «Рус тили» нашриёти, 1981, 545-б.

³ Ўша асар, I жилд, 377-б.

⁴ Ўша асар, II жилд, 334-б.

осойиш топсин деб, унинг ўзидан жуфтини вужудга келтирди. Унга қўшилганидан кейин у (Ҳавво) енгил юк (ҳомила) билан юкли бўлиб, ўша (юк) билан юрди. Бас, қачонки оғирлашганида (улар) Парвардигорлари бўлмиш Оллоҳга дуо қилдилар: Қасамки, агар бизга солиҳ фарзанд ато қилсанг, албатта, шукур қилувчилардан бўлурмиз»¹. Кўринаётирки, хотин тушунчаси уч муддаонинг жамламасини англатар экан: **Биринчиси** — эркакнинг ором-осойиши, ҳузур-ҳаловати, ҳам маънавий, ҳам жинсий қониқиши, бинобарин, ҳаётдан лаззатланиши хотин туфайли. Зеро, Шайх Саъдий айтганидек: «Лаззати дунё зану дандон бувад. Безану дандон дунё зиндон бувад», яъни дунёнинг лаззати хотин ва тишдандир, хотину тиш бўлмаса дунё бамисли бир зиндондир. Бунда хотиннинг кўрку жамоли, зеболиги, ҳаё ва ибоси, самимийлиги, меҳрибонлиги, ғамхўрлиги ва ғамгусорлиги алоҳида аҳамият касб этганлиги туфайли уни танлашга эътибор кучли бўлган. Ўтмишда бу юмушни ота-оналар бажаришган бўлса, эндиликда уни ёшларнинг ўзлари ҳал қилишаётир. Чунки қовушмоқ — севмоқ ва севилмоқнинг ҳосиласи. Севмоқ ва севилмоқ эса бир-бирини анлаган, бир-бирига ички бир ҳиссиёт ила талпинган, бир-бири билан яшамоқ масъулиятини тушуниб зиммага олган, ўз шахсиятлари ва характерларидаги қусурларни кечирган ҳолда бир-бирларини қабул қилмоқни фарз билган ва энг муҳими, бир-бирларига тан бағишлашдан ҳузурланиш ва фахрланиш қадар келган ҳолатнинг ифодасидир. Янада аниқроқ қилиб немис файласуфи Гегель таърифи билан ифодаласак, севгининг ҳақиқий моҳияти ўз-ўзини тан олишдан воз кечиш, бошқа «мен»да ўзини унутиш ва худди шу йўқолиш ва унутишда ўз-ўзини топиш ва ўз-ўзига эгалик қилишдан иборатдир.

Чиндан-да, севги улуг бир дарддирки, унга мубтало бўлган шахс Мажнундай ўзини, ўзлигини унутади, фақат ва фақат ўз севгилисини — Лайлисини ўйлаб яшашдан ҳузур топади. Севиш ва севилиш инсон учун улуг саодат. У икки қалбнинг бир-бирига роҳатбахш талпи-

¹ Куръони карим. Алоуддин Мансур таржимаси. Тошкент, «Чўлпон» нашриёти, 1992, 114–115-бетлар.

ниши, қолаверса, француз адаби Сент Экзюпери эътиқодича: «Севиш бир-бирига қарашгина эмас, балки биргаликда бир томонга қараш ва қарай билиш бахтидир». Унинг ҳузурбахшлиги шундан. Албатта, йигит бўлсин, қиз бўлсин — бир-бирини топишдан — севишдан илгари ўз севгилиси идеалини яратади ва шу идеални топишга интилади, топишгач эса, висол лаҳзалари билан бир-бирини англашга киришади.

Висол — ишқнинг ўтлиғ ёлқинидан нурланган қалблар замзамаси, аммо унутмайлик, «ишқ ўтида ёниш — ҳамма нарсани унутиш эмас, балки бошқалардан ибрат олиб, ўзида яхши фазилатларни шакллантириш ҳамдир. Бировни севган киши ўзига ўз нуқтаи назаридангина эмас, балки бошқаларнинг эътибори нуқтаи назаридан ҳам қарай бошлайди, яхши, покиза кийинишга, меъёр даражасида ўзига зеб беришга, уй-рўзгор ишларини озода ва покиза олиб боришга, ахлоқ, одоб борасида ҳам кўзга ташланишга ҳаракат қилади»¹. Гарчи «ишқнинг биринчи учқуни ташқи қиёфани кўришдан» бошланса-да, аслида у биологик эҳтиёждан маънавий камолотнинг устуворлигига етаклай олсагина ҳақиқий бахтли оиланинг бунёд этилишига омил бўла олади. Зеро, Афлотун таърифлаганидек, муҳаббат энг етук эътиқод бўлиб, ҳар бир шахс учун маънавий покланиш жараёни ҳисобланади.

Аслида ана шундан кейингина **иккинчи муддао** — жуфтланишга маънавий-биологик эҳтиёж заруриятга айланиб, қўшилув содир бўлади. Бу эр-хотинлик муносабатларининг муҳим шарти, қолаверса, жинсий муносабат ҳам ўзаро мослашув аломати. Шу аломат туфайли оилавий тотувлик замини мустаҳкамланади. Аксинча бўлса, жинсий номутаносиблик оқибати нохушлик келтиради.

Бир-бирини қониқтирмаслик натижасида бепуштлик юзага келади ва не-не умидлар билан қурилган оила бузилиб, ажралишлар содир бўлади. Шундай кўнгилсизликлар олдини олиш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси»да келин-куёвларни тўй олдидан тиббиёт кўригидан ўтказиш ва шу асосда тегишли хулосага келиш кўзда тутилган. Рост, ҳозирча бу назорат мажбурий бўлмай, балки ихтиёрийлик асосида белгиланган.

¹ Э. Юсупов. Кўрсатилган асар, 33-6.

Бинобарин, унинг моҳияти англана борилгани сайин жамият унга ўзини тайёрлаб бориши тайин.

Учинчи муддао эса қўшилмоқ бўлиб, ундан мурод — насл қолдирмоқ, зурриёт яратмоқ ва наслни давом эттириш эвазига сулола узвийлигини таъминлаган ҳолда ўзи мансуб қавм, элат ёки халқнинг тўлишуви ва давомийлигини таъминламоқдан иборат. Тўнғич фарзанднинг дунёга келиши билан хотин — онага, эр — отага айланади. Энди хотин зиммасига оналик, эр зиммасига оталик бурчи ва масъулияти юкланади. Хотинликда фақат эри оламига боғлиқлик устувор бўлса, оналикда бу олам ёнига фарзанди жони олами ҳам қўшилади. Натижада у буюк бунёдкор ва буюк муҳаббат соҳибаси даражасига кўтарилиб, мислсиз бир хилқатга айланади. Шу маънода у, М. Горький таърифлаганидек: «Хилқатнинг онасидир. У фақат бола туғиб, катта қилганлиги учунгина эмас, балки энг муҳими, ҳаётнинг бор шодлиги ва шавқини сингдириб, инсонни тарбиялаганлиги учун ҳам хилқатнинг онасидир». Унинг табассуми ҳаётни яшнатади, унинг меҳридан мурғак қалблар куч олиб улғаяди, унинг садоқатидан ҳар қандай эркакнинг кўксига ғурур ва сурур пўртана уради. Аёлликнинг ўзи — гўзаллик тимсоли бўлса, оналик уни икки карра гўзаллик тимсолига айлантиради. Унинг бутун фаолияти меҳр-муҳаббат фаолиятига айланади ва Она сўзи У. Теккерей таъкидлаганидек, «мурғак болалар тили ва дилидаги худонинг номи» қадар юксалган муқаддас бир маъно касб этади. Негаки, бу даврда ҳеч бир «гўзаллик онанинг ўз дўмбогига қилган ажойиб табассумига» (В. Г. Белинский) тенглаша олмайди. Она шу қадар буюк бунёдкор қудрат соҳибасига айланадики, унинг шу қудратидан инсоният жамияти гуллаб-яшнади. Шунга қарамай, унинг асл вазифаси «эркакнинг қалб шуурини, ундаги олижаноб эҳтиросларни англатиш, бурч туйғуси ва юксаклик ҳамда буюқликка бўлган интилишини қўллаб-қувватлаш» (В. Г. Белинский) бўлиб қолаверади. Шу нуқтада она ва ота зиммасига фарзандни тарбиялаб вояга етказишдан иборат жиддий вазифа юкланади. Бу беҳад масъулиятли ва шарафли вазифа бўлиб, жамият тараққиётига дахлдордир. А. С. Макаренко ҳаққоний таърифлаганидек... «ота-оналар болаларни тарбиялаб ўстириш билан мамлакатимизнинг

келажак тарихини ва демак, дунё тарихини ҳам тарбиялаб етиштирадилар». Шу тариқа улар жамиятнинг муттасил тўлиб, янгилашиб ва ривож топиб боришини таъминлайдилар. Бунда, айниқса, уларнинг ягона тарбиявий талабларга риоя қилишлари муҳим аҳамиятга эга. Фарзандлар тарбиясида эр ва хотин ўртасида ноаҳил муносабат ҳамда ягона талабнинг бўлмаслиги хунук оқибатларга олиб келиши барчага аён.

Ҳар қалай, кишилик жамиятида оила пайдо бўлганидан кейин эр ва хотин ўртасида юзага келган меҳнат тақсимотида бола тарбияси билан кўпроқ шуғулланиш она зиммасига тушганлиги ҳам равшан. Чунки она зурриётни бағрида тўққиз ой кўтаради, ёруғ оламга келтиради, тонгларни шомларга улаб парвариш этади: кўкрак бериб эмизади, алла айтиб ухлатади; чақалоги ёки гўдаги азобини ўзиникидай қабул қилиб эзилади. Бола унинг ақлу ҳушига, жону жаҳонига айланади. Шунда яратувчи она сиймосига мургак жонни ҳимоя қилувчи она сиймоси уйғунлашиб кетади, натижада кишилик жамиятини янги бир комил инсон билан тўлдиришга масъуллиқни зиммасига олган муҳофиз илоҳа бўй кўрсатади. Бола деб у ўзлигидан кечиш қадар журъат соҳибасига айлана олади. Бироқ ўгил бола улғая боргач, аста-секин ота юмушларига қараша бориш асносида унинг таъсирида шаклланиш жараёнига кирса-да, қиз бола она кўмакчиси сифатида аёллик юмушларини ўргана боради. Она, айниқса, қизалогининг келажагини кўпроқ ўйлаб, унга уйда, жамоада ўзини тута билиш, ўзгалар билан самимий ва дилкаш муомала қила билиш, рўзгорни саранжом-саришта тутиш, ҳар бир нарсани расамадига қараб тежаб-тергаб сарфлаш, ранг-баранг таомларни хушхўр қилиб тайёрлаш, тикиш-бичишда укувли бўлиш, чақалоққа бардош билан қарай олиш, эрга, ота-онага, қавму қариндошларига меҳрибон, гамгусор ва дардкаш бўла олиш, ўзини, ҳовли-жойни тоза ва озода тутиш ҳамда мунисалик сингари уй бекалиги сабоқларини беришдан толмайди. У қизига парвона бўлиб, ҳар нарсада ҳаётсеварлик туйғусини жўш урдиран экан, ҳаётнинг барча машаққатларини сабру қаноат билан енгишга, номус ва ғурурини муқаддас тутишга, ҳаё ва ибо билан яшашга ўргатади. Вақти келиб, қизи бўй етиб турмушга узатилаётганда эса, унга оилавий ҳаёт

шарт-шароитларини тушунтириб, шу шарт-шароитларга амал қилганидагина бахтли турмуш кечириш шарафига муяссар бўлишини уқтириб шундай насиҳат қилади. Турк олими Юсуф Товаслий тўплаб нашр этган «Ҳикматлар китоби»да онанинг келин бўлаётган қизига берган насиҳати, жумладан, эътиборни тортади, бинобарин, уни тўла ҳолида кўчириб бериш фойдалидир:

«Болажоним, севикли қизим, мени яхшилаб тингла. Насиҳат ҳар кимга лозимдир, ўғит ҳаммага зарурдир. Насиҳат билмаганга ўргатади, билганни эсга солади. Аллоҳ берган қонунга кўра, ҳаётга қадам қўядиган ҳар бир қиз эрга, ҳар бир эркак аёлга муҳтож бўлади. Эркаклар аёл учун, аёллар эркак учун яратилгандир. Ҳаёт мавжуд экан, бу қонунни ҳеч ким буза олмайди. Шу сабабли сен туғилиб ўсган ва вояга етган уйингдан, яйраб-яшнаб, ўйнаб-кулиб юрган ерингдан чиқиб, ўзинг билмайдиган, нотаниш уйга борасан. Келажакда бу уй сеникидир. Сен эрингга шундай хизмат қилки, ул ҳам сенга қул бўлсин. Сен унга ер бўлгинким, у сенга осмон бўлсин.

Қизим! Энди сенга айтадиган ўн ўтитимга қулоқ сол! Буларни доимо ёдингда тут:

1. Қаноат соҳибаси бўл. Ўз ҳолинга шукур қил. Яъни эринг уйга нимаики олиб келса, у хоҳ ейдиган, хоҳ киядиган нарса бўлсин, хушфёллиқ билан, гўзал одоб билан қабул қилиб ол! Эрингга ташаккур айтиб, хушнудлик кўрсат. Зеро, бахтли ҳаёт кечирмоқнинг бир йўли ўз ҳолига шукур этмоқликдир, ҳолига шукур этмаган, ўз нафсини тиймаган кишида кўнгил ҳузури, қалб роҳати бўлмайди.

2. Эрингга итоат қил, қил деган ишларини қил, қилма деганини қилма. Яъни эринг билан суҳбатлашганда, мулоқотда бўлганингда итоатли бўлишингни, унинг сўзларини одоб билан тинглаб адо этишингни сенинг сўзлашиб, қулоқ солишингдан тушуниб оладиган бўлсин. Шунда Аллоҳ таоло сендан хушнуд ва уйингиз саодат нуридан порлоқ бўлади.

3. Эрингнинг кўзи тушадиган жойларга яхши эътибор бер! Яъни уйинг ичини, ташқарисини ниҳоятда тоза тут, шундай қилки, эрингнинг кўзига бирор чиркин ер кўринмасин.

4. Уст-бошингни тоза тут. Эринг фақат хуш бўйингни сезсин, димоғига ёмон ҳид келмасин. Чунки ёмон ҳид-

лар эринг кўз ўнгида сенинг обрўйингни туширади. Сендан ирганишига сабаб бўлади. Шунини яхши билгилки, тозаллик ва зарифлик энг яхши нарсалардир, инсон кўзига хуш кўринишлик шулар биландир.

5. Овқатни вақтида тайёрла, яъни овқатланиш вақтинини ҳеч қачон кечиктирма. Эринг қачон овқатланишга ўрганган бўлса, ўша пайтда овқатини тайёрлагин. У келиши билан дарҳол дастурхон сол. Шунини яхши билгинки, очлик инсоннинг жаҳлини тез келтиради.

6. Уйқу вақтини, уйғониш пайтини яхши билиб ол! Яъни унинг қачон уйқуга ётиш пайти бўлса, ўрнини тайёрлаб қўй. Зеро, уйқусизлик инсонни хафақон этади. Асабларнинг бузилиши, хафақонлик одамларнинг эҳтиросли муҳаббатини секин-секин сўндиради.

7. Эрингнинг моли ва ашёсига эътиборли бўл! Яъни эрингнинг мол-дунёсини яхши сақла, ашёларини авайла, муҳофаза қил. Чунки унинг мол-дунёси сеникидир. Эрингнинг мол-дунёсини исроф этмаслик — ишни билиш ва қадрига етиш демакдир.

8. Эрингнинг қариндош ва яқинларига ҳурмат кўрсат! Яъни, эринг қариндошлари ва яқинларига ҳурмат унинг эътиборини қозонмоқ демакдир. Уларни ҳурмат қилиш — эрингни ҳурмат қилиш демакдир. Бу эса, қадр ва эътибор қозонишдир.

9. Эрингнинг сирини бошқаларга айтма! Яъни, эрингнинг баъзи сирларини билган вақтингда эҳтиёт бўлиб, уни сақла, бировларга айтиб юрма. Агар айтиб қўйсанг, унинг газабини келтириб қўясан, ишончини йўқотасан. Бунда тузаётган оилангиз бузилади.

10. Эрингнинг динига тўғри келадиган барча буйруқларни адо қил! Ҳеч қачон унга нисбатан итоатсиз бир ҳаракат бўлмасин. Агар биргина шундай ҳаракат бўлса, сенга кин сақлаб, охири душман бўлади. У сенга душманлик йўлини тутса, сен кўп зарар кўрасан ва қўлингдан ҳеч нарса келмайди». Аслида бу ўғитлар она ҳаётий тажрибаларидан туғилган, уларда она ўзи тутган ҳаёт йўли хулосаларини умумлаштирган. Табиийки, она ва қизи ўртасидаги бундай яқинлик туфайли қизи унинг ишончли сирдошига, меҳрибон дардкашига, ҳамқору ҳамдаст дўстига айланиб шаклланади, ҳар қалай у ўғил фарзандига нисбатан кўпроқ онасига яқинроқ мушфиқа бўлиб улғаяди.

Аммо бундан она ўғил фарзандидан йироқ экан-да, деган янглиш хулоса чиқармаслик даркор. Зеро, ўғил фарзанд онанинг куч-мадори, келажакдаги ёруғ кунлари чароғбони тимсоли. Шу боис ўғлининг тўғри ва ҳалол, меҳнаткаш ва бунёдкор, жасур ва матонатли, самимий ва дардкаш бўлиб улғайиши йўлида алоҳида жонбозлик кўрсатади. Она ўғлининг ҳам чинакам инсоний фазилатлар соҳиби бўлиб улғайиши йўлида имқониятида нима-ики бор бўлса — ҳаммасини сарфлашга интилади. Шу маънода — ўғил бўлсин, қиз бўлсин — онанинг бешик тебратиши, халқ эътирофича, дунёни тебратишга тенг кўрилади. Чиндан ҳам жаҳон тамаддунига ҳисса қўшган ҳар бир зот — у улўғлигию кичиклигидан қатъи назар — оналар парваришининг ҳосиласи саналадиларки, бун меҳрнинг оташин куйчиси Миртемир шундай таърифлаган эди:

Алишерга алла айтиб ухлатган
Сен — она.
Оғушида Бобур камолга етган
Сен — она.
Торобийни оғир жангга жўнатган
Сен — она.
Оламини нурида мунаввар этган
Сен — она.
Йигласа, дунёни роса титратган
Сен — она.
Кулгиси саодат парвариш этган
Сен — она.
Доҳийлар бешигин бедор тебратган
Сен — она.
Меҳри баҳорида элни яшнатган
Сен — она.
Ягона ўғлингни жўнатдик жангга,
Бўл бардам, она!
Онадай ошиқ йўқ она — Ватанга,
Муҳтарам она...¹

¹ **Миртемир.** Асарлар. Уч томлик. 1-т. Шеърлар. Тошкент, Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1970, 205-б.

Аслини олганда, оналар ўз фарзандларига қай даражада меҳрибон бўлсалар, ўз самимий муомалаларию меҳрибонликлари, ишончда собитликларию севгида садоқатлари, ёқиб ва ёниб яшашга интилишларию сабру бардошлари билан эрлари тарбиясига шу қадар таъсир кўрсата оладилар.

Ҳар қандай хотин эриникига тушган дастлабки кунданок шунчаки хотин бўлиб қолмайди, қолаверса, хотин олмоқдан фақат шу мақсадгина кўзда тутилмайди. Хотин эрининг тан маҳрамигина эмас, дил ва тил маҳрами ҳам. Қуръони каримда таъкидланганидек: «Улар (хотинлар) сизлар учун либосдир, сиз улар учун либосдирсиз». Бунинг маъноси шуки, либос киши танасидаги қусурларни ёпганидек, хотин ҳам ўз эри айбини ва ўз навбатида, эр ҳам ўз хотини айбини ёпгувчидир. Улар ўзаро сирдош ва дилдош бўлиб, ҳаётнинг оғиру енгил машаққатларига бақамти елка тутмоқлари даркор. Ҳадиси шарифда айтилганидек: «Мўмин банда Аллоҳга бўлган иймонидан сўнг эришган энг яхши нарса — солиҳа хотин бўлиб, унга қараса — хурсанд қилади ва Аллоҳнинг амрини бажаришда ёрдам беради». Шу асосда хотин ўз эрининг виждонига айланиб, уни ёмон одатлардан қайтаради, гуноҳ ишларни қилмасликка ундайди, эзгуликни маҳкам тутишга чоғлайди, ҳар қандай ишда муваффақияти ҳақида умид уйғотади, натижада эрининг жамиятдаги ишларига унум бағишлаб, иззат-икромининг ошувига таъсир кўрсатади. Аксинча, Ж. Милль таъкидлаганидек: «Ўз эрини олга юргизмаган аёл уни, шубҳасиз, орқага» тортувчига айланади.

Имом Абдуҳамид Муҳаммад Ғаззолий «Насиҳат-ул мулук» («Мулк насихати») асарининг «Хотинлар асрори» бўлимида аёлларнинг саккиз сирини шундай тавсифлайди:

«Ўшал аёлки, эрига азиз ва дил дўстидир, қуйидагиларни билмоғи фарздир:

Аввало эрини улуғ билмоғи.

Иккинчидан, хилват ва мужомаат (жимоъ, ётиб-туриш) вақтида ҳамда фойда (суд) ва зиённи эҳтиётлашда итоаткор бўлмоғи.

Учинчидан, ўзига оро бермоғи, уйни саришта-саран-

жом тутмоғи ва фарзандларини меҳр билан парвариш этмоғи ва эри авлодларини хуш кўра билмоғи.

Тўртинчидан, эри олдига яйраб-яшнаб ва ёқимли бўлиб чиқмоғи.

Бешинчидан, эрининг таом емоқ вақтини билмоғи ва у хоҳлаган овқатни очиқ чехра билан тайёрламоқдан хузурланмоғи.

Олтинчидан, ҳожати йўқ ва мумкин бўлмаган нарсаларни истамаслиги ва истехзо қилмаслиги.

Еттинчидан, ётиб-туриши асрорини яшира билмоғи.

Саккизинчидан, эрининг сирларини ҳозир у гойибда ҳам яшира билмоғи».

Хотин учун қаноат энг гўзал фазилат саналади. У эрининг топганига кўникиб, оз демай-кўп демай, тежамкорлик билан сарфламоғи, эрининг бирини икки қилмоққа интилиши лозим. Чунки хотин дўст бўлса — тежар, ёмон бўлса — бузар. Хотин уйга безак, эрга кўмак ва ойна; у саришта бўлса — уйнинг фариштасига айланади. Бироқ унинг чиройини эр очади, мақолда таъкидланганидек, хотин эр орқасидан — хотин, хоним хон орқасидан — хоним.

Хотин — эрининг шарафи, номус-ори, виждони, саодати, гултожи. Унинг гўзаллиги ҳаё ва иффат пардасида ўралганлигида намоён бўлади. Хотиннинг хиёнати эрни бемаврид ўлдиради, эрни қаро ер қилади, эр бағрини пора-пора қилади, эрининг бошини эгдиради. Шу боис хотиннинг садоқати Оллоҳнинг улуғ иноятига тенг. Садоқатли хотин — эр учун вафо илоҳаси ва оқибат маъбудасидир. Бундай хотиннинг нозу истиғноси эрининг умрини узайтиради, кайфиятини чоғ этади, ҳар қандай ишнинг унумли бўлишини таъминлайди.

Эри билан бахтли яшамоқни кўзлаган хотин гап орқасидан қувмайди, гап ташимайди, балки эри билан талашиб-тортишмай, ҳар нарсада унга аччиқланавермай, муаммоларга шошқалоқлик билан ёндашмай, андиша ва виждон амри ила эртага умидворлик кўникмаси билан яшамоғи лозим. Унинг буюк бурчи — эрга итоатдир. Халқимизда хотиннинг итоатига алоҳида эътибор билан қаралади: эрдан — садоқат, хотиндан — итоат. Халқ эътиқодига кўра, хотин эрининг рухсатисиз ҳатто

кўчага чиқмаслиги керак. Бу минг йиллар давомида шаклланган ўзбекларга хос оилавий тарбия ақидаси. Бинобарин, унга амал қилмаслик катта гуноҳ ёхуд хотиннинг густоҳлиги саналган. Халқ ҳикматида айтилганидай, Эрдан хато — хотиндан узр, хотиндан хато — эрдан жазо». Зеро, эр юрса — йўл очилар, хотин юрса — юз очилар. Юзининг пардаси йўқ хотиннинг бети қалин бўлади, унда на ҳаё ва на ибo бўлади! Ҳаёсиз хотинда эса иймон бўлмайди. Бундай хотин билан яшамоқ — тириклигидаёқ дўзах ўтида куйиб яшамоқдай бир гапдир. Ёхуд Ж. Птитсен таъкидлаганидек: «Яхши хотин билан яшаш — ҳаёт бўронларида сенга бир паноҳдай хизмат қилса, ёмон хотин билан яшаш эса — кулбанга кўтарилган бўрондай бир гап». Шу сабабли хотинни бошданоқ тута билмоқ, ўз хонадонининг зийнатидай парвариш этмоқ — эрнинг вазифаси. Эр бошданоқ унинг хатти-ҳаракатини кузатиши, уни тўғрилиқка бошлаши, унга ишониши, вақти-вақтида кўнглини ром этувчи совға-саломлар инъом этиб туриши, илтифот билан қараб, дилига эзгулик уруғларини сочиши, улуғвор умид билан яшашга одатлантира билмоғи лозим. Ўз навбатида, хотин ҳам ўз эрини ишонтирмоғи учун, аввало, ўзи унга чин дилдан ишонмоғи даркор. Шунда ҳуда-беҳуда рашку кўнгилсизликларга ўрин қолмайди. Хотин ҳамиша эрига ёқимли бўлмоқ учун унинг дидига қараб иш тутмоғи, унга ёқадиган кийимларни кийиб юриши, у ёқтирадиган таомларни тайёрлаши, унгагина хуш ёқадиган муомала қилишни канда қилмаслиги шарт. Эри хафа бўлганда кўнглини кўтариши, хасталигида меҳри ва ғамхўрлиги билан маънавий мадад бериши, биринчи кўз очиб кўргани ва фарзандларининг отаси сифатида ҳурматини ўрнига қўя билиши, эри билан яктан маслакдошга айлана олиши лозим. Шундагина у эрининг севикли маҳбубасига, оқила ва тadbиркор маслаҳатчисига, шарафли қисматдошига айланади. Бундай хотин ҳазрат Алишер Навоий «Маҳбуб ул-қулуб»да таърифлаганидек: «...оиланинг бахти ва давлати. Уйнинг озодалиги ундан, уй эгасининг хотиржам ва осойишталиги ундан. Хуснли бўлса — кўнгил озиғи, хушмуомала бўлса — жон озиғидир. Оқила бўлса — рўзғорда тартиб-интизом бўлади, асбоб-анжомлар покиза ва саранжом туради. Киши бу

каби жуфти ҳалол билан қовушса, агар бундай бахтга эришса, ғам ва кулфатда сирдошга, ошкор ва пинҳоний дард-аламда ҳамнафас ва маҳрамга эга бўлади. Турмушда бошингга ҳар қандай жафо тушса — ҳамдардинг у, тескари айланувчи фалакдан бошингга ҳар баҳо келса — кўмакдошинг, хасталик ва заифлик етишса — унинг ҳам жони ҳалак». Бундай хотин — эрнинг фарогати, фарзандларнинг саодати, элда жаннатий аёл деб эъзозланади. Жаннатий хотин эринигина эмас, унинг ота-онасини, қавму қариндошларини, ёру дўстларини «хотин қариндоши — илон боши, эр қариндоши — сават боши» қабилида ажратмайди, балки бир хилда ҳурмат қилади, уларнинг хизматида бўлмоқдан оғринмайди, аксинча, фахрланади.

Меҳмоннавозлик бундай хотинга алоҳида фазилат бағишлайди. У дастурхон тузашда, пазандалиқда айрича маҳоратга эга бўлмоғи даркор. Худо кўрсатмасин-у, шундай кезларда у «уйда ҳеч вақо йўқ» дея қурумсоқлик қилса борми, эрини бир пул қилгани шу. Аслида у эри шаънини ерга уришдан андиша қилмоғи шарт. Ҳолбуки, эрнинг шаъни аслида унинг ҳам ўз шаъни, хонадонининг ҳам шаъни ҳисобланади. Бинобарин, хотин кўлининг очиқлиги — хонадон файзу баракотининг гаровидир. У йўқдан бор қиладиган даражада тадбирли бўлмоғи лозим.

Хотин уй бекаси сиймосида асрлар силсиласида шакланган оилавий анъаналарнинг давомчиси, асровчиси ва ташкилотчиси ҳам. У оилавий анъаналарга дахлдор урф-одатларга амал қила туриб, ўзбек оиласининг миллий табиатини таъминлайди, тўй-маъракаларга бошқош бўлиб, оиланинг жамият бағрида мавжудлигини эътироф эттиради, унинг нуфузини кўтаради, шу асосда фарзандларини миллий оилавий анъаналарни ҳурмат қилиб яшашга ўргатиш билан аجدодлар хотирасига барҳаётлик бағишлайди. Шу аснода у авлодларни авлодларга улайди ва ҳаётини тажрибаларнинг яшовчанлигини таъминлайди. Демак, у шоир Чустий она сиймосида шарафлаганидек:

Она қадри чексиз, она бебаҳо,
Она яхши раҳбар, она раҳнамо.

Она зўр табибу она чин даво,
Она соябону она жон фидо.
Она олийҳиммат, она серсахо,
Она сертилакдир, она сердуо¹.

Хотиннинг эрини ишга табассум билан кузатиб ва ишдан қайтишини хушнуд кутиб олиши ҳам ўзига ярашиқ фазлу камоли нишонаси. Қолаверса, у шу хатти-ҳаракати билан уззукун меҳнат жараёнида ҳорган, турлитуман муаммолардан асаблари толиққан эри чарчоқларини чиқариб юборadi, шу одати туфайли иш тугаши билан эрини уйга ошиқишга, демакки, ўзига кучлироқ ром бўлишга ўргатади, ўз хонадонида ҳаловат топган эр ҳеч қачон беғона аёлга қарамайди, оиласига хиёнат қилмайди, оиласида бахту тахти борлиги, бағри бутунлигини сезгани сайин ўзида янги ижодий имкониятлар туя бошлайди, фаоллиги ошади, иши тобора унумдор бўла боради.

«Нисо» сурасининг 34-оятида: «Эркаклар хотинлари устида раҳбардирлар»², — дейилади. Бу ҳукм асосида эркакларнинг маънавий ва иқтисодий имкониятлари назарда тутилган. Чиндан ҳам эркак оиланинг боқувчиси, иқтисодий таъминотчиси сифатида шундай маънавий ҳуқуққа эга бўлиб келаётир. Хотин эса оила хазинабони, эркак топганини рўзгорга расамади билан сарф этувчи бўлганлигидан оила бюджетини бошқариш унинг изну ихтиёридадир, чунки у рўзгорда нима бор, нима етишмайди, оиланинг қайси аъзосига нима олиш кераклигини наинки кузатади, балки ҳал қилиб боради. Хотин эрда борини тежаб-тергаб бозор қилади, халқда айтилганидек, эри топганини ўйнаб ва оқибатини ўйлаб сарф қилади. Бунда исрофга йўл қўймаслиги, албатта, сарфу харажатларини эри билан маслаҳатлашиб амалга оширмоғи лозим. Ўз навбатида, эр ҳам бундай вазиятда етти ўлчаб бир кесаркан, ҳуда-беҳудага зикналик қилмаслиги, балки хотинининг раъйига қараши, айрим ҳолларда масаланинг муҳим ва номуҳимлигига қараб унга эркин иқтисодий муомала юритишига гайирлик қилмаслиги лозим. Ўрни келганда ҳатто хотинининг иқтисодий тежамкорлиги ва сарфу харажатининг самарадор-

¹ Чустий. Садоқат гуллари. Девон. Тошкент, 1992, 12-б.

² Куръони карим. 59-б.

лигини рағбатлантириб туриши ҳам фойладан холи бўлмайди. Чунки хотиннинг топгани эр топганига қўр бўлади. Хотин ишчан, уддабурон бўлса, оилада тўкинлик барқарор бўлади. Бундай хотин оила салтанатида эр вазирига айланади. Эр вазири қадар юксала олган хотин эса — мўътабар шахс саналишига тўла ҳуқуқлидир. Чунки у жамиятнинг асоси бўлган оиланинг мустақамлигини таъминлаш билан жамиятнинг барқарорлигини таъминлайди, айна чокда баркамол фарзандларни тарбиялаб ўстириб, ўша жамиятни тўлдириб мукаммаллаштиргани билан беҳад баланд қадру қиммат касб этади. Бинобарин, у хотин ва она сиймосида ҳар қандай иззат-икромга муносиб, ҳадиси шарифда айтилганидек: жаннат уларнинг оёқлари остида! Шул сабаб оналарни тавоф қилмоқ улуғ саодатдир. Абдулла Орипов шу саодатнинг барчага насиб этишини тилаб шундай ёзади:

Каъба қопқасида турган эй посбон,
Аввал оналарнинг очгин йўлларин.
Оналар пойига тиз чўк ўшал он,
Тавоф қил, кўзга сурт, ўпгин қўлларин.

Ҳожар онамизнинг нидоси сабаб
Каъбада кўз очган Оби Зам-зам ҳам.
Бир умр талпинмиш онага қараб,
Не-не пайгамбарлар, кўзларида нам.

Қавмимни ранжитиб қўймайин, аммо
Тобут ясаб келган эр зоти доим.
Оналар бағрига фақат бешик жо,
Ҳаётбахш аллалар айтган, мулойим.

Шўрлик одамзотнинг толеи учун
Энг аввал оналар қилсин ибодат.
Зора гуноҳлардан пок бўлгай очун,
Оналар ўтинчи топиб ижобат.

Каъба қопқасида турган эй посбон,
Аввал оналарнинг очгин йўлларин.
Оналар пойига тиз чўк ўшал он,
Тавоф қил, кўзга сурт, ўпгин қўлларин¹.

¹ А. Орипов. Сайланма. Тўрт жилдлик, 2-жилд, Тошкент, Фафур
Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001, 189-б.

БОЛАЛИК УЙ – БОЗОР

Ота-она болани дунёга келтирганлари учун эмас, уни одобли, ахлоқни қилиб вояга етказганлари учунгина олқишга сазовор бўла оладилар.

Арасту

«Ота-она – қирғоқ, бола – кўприк» деган ҳикмат бор халқимизда. Чиндан ҳам шундай. Оила икки устун – эр ва хотиндангина иборат эмас, бу икки устунни бири-бирига пайвандижон этувчи ва шу асосда оила устунларини бир-бирига мустаҳкамроқ боғловчи – фарзанддир. Шу боисдан ҳам янги оила қурилиши билан боғлиқ барча маросимларда келин-куёвларга фарзанд тилаш, ҳатто шу муносабатга алоқадор расм-русумлар, таомилларгача барчасида фарзанд тилагини изҳор қилувчи ирим ва одатларга амал қилинади. Чимилдиқда келин этагига тухум солиш, куёвга ва келинга кийимни серфарзанд ва бир никоҳли киши томонидан кийдириш, келин-куёвга солинган бахт тўшаги устида иккита ҳомилали аёлни кураш тушириш ва бошқа қатор таомилларнинг барчасида шундай рамзий маъно бор.

Бепуштлиқ нафақат аёлга, балки у мансуб бўлган хонадонга ҳам маломат келтирган, бундай вазиятда хонадон «мевасиз дарахт» ёки «нишонасиз уй» саналиб, эл унга паст назар билан қараган. Бу халқнинг «Болалик уй – бозор, боласиз уй – мозор», «Болали хотин – гул хотин, боласиз хотин – тул хотин», «Болали уй – хандон, боласиз уй – зиндон», «Болалининг бели чинор, боласизнинг бели синар», «Болали бош бўлар, боласизда ёш бўлар» сингари ўнлаб мақолларида ўз ифодасини топган. Шу тариқа турмуш шароитида фарзандсизлик нафақат шахсий, балки ижтимоий бахтсизликкача ўсиб борган.

Ана шуларнинг ўзиёқ ўзбек халқига хос болапарварлик табиатини равшан кўрсатиб турибди.

Ўзбек оилаларида қадимул айёмдан бола сони ҳеч қачон чекланмаган, аксинча, «ўнта бўлса — ўрни бошқа, қирқта бўлса — қилиги» қабiliда қаралиб, серфарзандлик шараф деб билинган. Чунки ота-оналар болалари сиймосида ўзларининг кексайган чоғларидаги тирикчиликларининг таъминотчиси, ота-боболари чироқларининг ёқувчиси, демакки, наслларининг давомчиси, ўзларининг моддий ва маънавий мададкори ва келажакларига дахлдор ёруғ умидларини кўрганлар. Шу сабабли ажодлари қалбида болаликка нисбатан оналик меҳру муҳаббати, оталик фахру саховати ҳамиша жўш уриб, асрлар давомида болаликни ҳар қандай таъқиблардан муҳофаза қилувчи асосий қудрат вазифасини ўтаб келди.

Кишилиқ жамияти тарихига назар солинса, болалиқ ҳуқуқини тан олиш осон кечмаганлиги аёнлашади. Қадимги Спартада ногирон туғилган бола тириклайин ўлимга маҳкум қилингани манбалардан маълум. Бадавий арабларда Қуръони карим нозил қилингунига қадар қиз болаларнинг дунёга келиши фожиа саналарди.

Қуръони каримда эса бу қабих одат ман этган бўлса, «Иккита ёки битта қизни тарбия қилган кишининг фазилати ҳақида», «Қизларининг ўлишини орзу қилишнинг макруҳлиги ҳақида»ги қатор ҳадиси шарифлар ўша оятни турли жиҳатдан тўлдирган шарҳлар сифатида қиз болаларнинг яшаш ҳуқуқи, қизларни тарбиялашнинг шарофатли эканлигини шаръан ҳукм этиб, пировардоқибатда аёл зотининг жамиятдаги мавқеини белгилаб берган. Натижада қиз бола ҳам ўғил бола сингари «илоҳий эҳсон» эканлиги асослаб берилган. Қуръони каримда улар тенг кўрилиб, аввало, уларнинг яшаш ҳуқуқи, яшашининг моддий асоси бўлган ейиш, ичиш, кийиш, даволаниш ва меросий ҳақи «Зухруф» сурасининг 17, «Шўро» сурасининг 49, «Бақара» сурасининг 181, «Нисо» сурасининг 11 ва бошқа қатор оятларида шариат ҳукми даражасида амр этилди. Жумладан, «Бақара» сурасининг 233-оятда боланинг эмиш ҳуқуқи шундай буюрилган: «Оналар болаларини тўла икки йил эмиза-

дилар. (Бу ҳукм) эмизишни бенуқсон қилмоқчи бўлган кишилар учундир. Уларни (яъни оналарни) яхшилик билан едириб-кийдириш отанинг зиммасидадир. Ҳеч кимга тоқатидан ташқари нарса таклиф қилинмайди. Болалари сабабли ота ҳам, она ҳам зарар тортмасин»¹. Оятда болаларни соғлом ўстиришда она ва оталарнинг масъулиги шу хилда таъкидланган. Энг муҳими, болаларга берилган ризқ ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатлардан ҳалол ва пок бўлишига алоҳида эътибор берилган.

Қуръони каримда кўтарилган болаликнинг ҳақ-ҳуқуқлари муаммоси ҳадисларда янада чуқурлаштирилган. Чунончи, боланинг оилада тарбияланиши ҳам унинг асосий ҳақи бўлиб, соғлом ва дуркун ўсишининг моддий ва маънавий омили саналган. Бу жиҳатдан бола дунёга келгач, дастлабки ҳақи муносиб яхши исм эканлиги ва шу муносабат билан ақиқа қилиш буюрилганлиги, Иброҳим Халилуллоҳ замонидан бошланиб давом этиб келаётган хатна (суннати) қилиниши, энг муҳими, ўйнаш ва ўқиш ҳақларигача шаръий қонун даражасида ҳукм қилинганлиги эътиборга лойиқ.

Маълумки, ислом таълимотига кўра ҳайкал (санам)-ларга сигиниш ҳаром саналган, лекин болаларнинг ўйинчоқ ва қўғирчоқ ўйнашларини Муҳаммад пайғамбар машруъ ҳисобламаган, бу билан у қўғирчоқларнинг қиз болаларда оналик туйғуларини тарбиялашдаги аҳамиятини кўзда тутган.

Ҳадисларда ҳамманинг, жумладан, болаларнинг ҳам илм олиш ҳақи эътироф этилган: «Барча муслим ва муслималар илм ўрганишлари фарз» ҳадисида илм олишда наинки умуман эркак ва аёлнинг, демакки, уларнинг фарзандлари бўлган ўғил ва қиз болаларнинг ҳам тенг ҳуқуқли эканликлари кўзда тутилган. Илмни умр бўйи муттасил олишга чорлаб: «Бешикдан қабргача илм ўрган» дейилса, бошқа бир ҳадисда илм олиш учун истаган машаққатга тайёр бўлиш, бу йўлда риёзат чекмоқдан озор тортмасликка ундалади: «Илмни, лозим бўлса, Чин-Мочинда ҳам ўрган». Қолаверса, болани тарбиялашда ота-онанинг бурч ва масъулиятлари «Болалар ота-

¹ Қуръони карим. 29-б.

онанинг бахил ва қўрқоқ бўлишларига сабабчидир», «Ёш болани елкага миндириш ҳақида», «Солиҳ бола кўзга шодлик, хурсандчилик келтиришга сабабчидир», «Она меҳр-шафқатли ва раҳмдил бўлади», «Ёш болаларни ўпиш ҳақида», «Ота ўз фарзандларига одоб ўргатиши ва яхшилик қилиши ҳақида», «Етим болани тарбия қилувчининг фазилати ҳақида», «Ёш болалар билан ҳазиллашиш ҳақида», «Ёш болани севиб кучоқлаш ҳақида», «Қизалоқни ўпиш ҳақида», «Бегона болани ўғилчам деса бўладими» ва бошқа қатор ҳадисларда ҳукм қилинган бўлса, аксинча, фарзандларнинг ҳам ота-онаси, қариндош-уруғлари ва умуман катталар ва жамият олдидаги бурч ҳамда масъулиятлари ҳам юзлаб ҳадисларда шаръий низом даражасида талқин қилинган. Жумладан, «Онани рози қилиш ҳақида», «Отани рози қилиш ҳақида», «Ота-она фарзандига зулм қилса ҳам улар ота-онага яхшилик қилавериши кераклиги ҳақида», «Ота-онага мулойим гапириш ҳақида», «Ота-она ҳақини адо қилиш ҳақида», «Ота-она кексайган вақтда хизматларини қилиб дуоларини олмасдан жаннатга кира олмаган киши ҳақида», «Ота-онани сўкмаслик ҳақида», «Ота-онанинг дуоси ҳақида», «Ота-она ўлгандан кейин уларга яхшилик қилиш тўғрисида» ва бошқа қатор ҳадислар мазмун-моҳиятига кўра ҳамон долзарб ижтимоий-ахлоқий қимматини йўқотгани йўқ. Уларда ота-онани самимий севиш, хизматларини беминнат қилиш, ҳар қанақа вазиятларда ҳам ҳурматларини ўрнига қўйиш, айниқса, кексайганларида кўпроқ мурувват кўргазиш, кўпол муомалада бўлмаслик, ҳаловатли яшашларини таъминлаш, ҳатто вафотларидан сўнг ҳам уларнинг сафдошлари, ёр-биродарлари билан муносабатларни канда қилмаслик, хотираларини ёдлаб туришдан иборат бурчлари шаръан тавсифланган. Айтайлик, бир ҳадиси шарифда «Абдуллоҳ ибн Аббосдан ривоят қилинади: «Қайси бир мусулмон фарзанди савоб умиди билан эрталаб ота-онасини зиёрат қилса, Аллоҳ таоло унга жаннатдан иккита эшик очади. Агар улардан биттасини зиёрат қилса, унга жаннатнинг бир эшигини очади. Бола ота-онасидан қайси бирини хафа қилса, уни рози қилмагунча Аллоҳ таоло ундан рози бўлмайди», — дейдилар. Шунда

бир киши: «— Агарда ота-оналар болага зулм қилса, бола нима қилиши керак?» — деб сўрайди. Абдуллоҳ: «— Агар улар болага зулм қилсалар ҳам бола уларни ранжитмаслиги керак», — дейдилар»¹.

Кўринадики, жамиятда боланинг болалик ҳуқуқини англаш ва қарор топиши узоқ жараёни ичига олган курашлар ҳосиласидир. Чиндан ҳам инсоният тарихида, К.Чуковский ҳаққоний қайд этганидек: «Болаларнинг бола бўлиш ҳуқуқларининг катталар томонидан тан олиниши учун юз йиллар давомида курашишга тўғри келди. Болалар ўзларига, ўз ўйинларига, қизиқишлари ва эҳтиёжларига ҳурмат билан қаралишига жуда секинлик билан эришдилар». Ҳар қалай, қанча огринишлар, қанча қийинчиликлар билан бўлмасин, болаларнинг бола бўлиш ҳуқуқи расман тан олина борилди. Бу жиҳатдан БМТнинг 1959 йили қабул қилган «Бола ҳуқуқлари декларацияси» айрича қимматга эга бўлди. Шу декларацияда илк бор «Инсоният ўзида мавжуд бўлган энг яхши нарсаларнинг барчасини болаларга беришга мажбур» дея эълон қилинди, болаларни тарбиялашда жамиятнинг бурчи уқтирилган эди. БМТ Бош Ассамблеяси шу ҳужжатдаги қоидаларни янада ривожлантириб, 1989 йилнинг 20 ноябрида «Бола ҳуқуқлари тўғрисида конвенция»ни қабул қилди. Муқаддима, 3 қисм, 54 моддадан иборат бу ҳужжатда болаларнинг болалик ҳуқуқи, аниқроғи, болаларнинг ахлоқий, ақлий ва руҳий қобилиятларини эркин ривожлантиришлари учун барча имкониятларга эга бўлишлари, жамият бунда масъул эканлиги дунёдаги барча мамлакатлар ижтимоий-сиёсий фаолиятида етакчи тамойил бўлиши қонун кучига киритилган. Қолаверса, конвенцияда дунёдаги барча болалар ирқи, танасининг ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки ижтимоий қарашлари, миллати, этник келиб чиқиши, мулкӣ ҳолати, соғлиги, аҳволи, ота-онаси қарамоғидами ёки васий қарамоғидалигидан қатъи назар тенг ҳуқуққа эга бўлиб, уларни шу хусусиятларига кўра камситиш мумкин эмаслиги асосланган.

Умуман, конвенцияда 18 ёшга тўлмаган ҳар қандай

¹ Имом Исмоил ал-Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад. 14-б.

шахс бола ҳисобланиши, бинобарин, унинг яшаш ва соғлом ривожланиш ҳуқуқига, фарзандликка олишга оид ҳуқуққа, норасо болалар, қочоқ болалар ва ҳуқуқ-бузарликни содир этган болаларнинг ҳуқуқларига доир қоидалар белгилаб берилган. Бу конвенция 1990 йилнинг 2 сентябрида кучга кирди ва жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари томонидан ратификация қилинди. Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини эълон қилгач, бу конвенцияга қўшилди ва уни 1992 йилнинг 9 декабрида ратификация қилди, шундан бери Ўзбекистон Республикаси ушбу конвенцияни қандай бажараётгани хусусида БМТ Бош Ассамблеясига йиллик миллий маъруза бериб туради, бундай миллий маърузаларнинг дастлабкиси 1997 йилда тайёрланган эди. Ниҳоят 1998 йилда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг оила кодекси» III, IV, V ва VI бўлимларида болаларнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари, ота-она ва болаларнинг мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ота-она ҳамда болаларнинг алимент ҳуқуқи ва мажбуриятлари, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш ва жойлаштириш, фарзандликка олиш ва бунда васийлик ҳамда ҳомийлик бурчлари, болаларни оилага тарбия учун олиш масалалари асослаб берилди.

2007 йилнинг 7 январида «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. 4 бобдан иборат бу Қонун 32 моддани ўз ичига олади. «Умумий қоидалар» деб аталувчи биринчи боби 6 моддадан иборат. Унинг 2-моддасида бола ёхуд болалар тушунчаси, «ўн саккиз ёшга тўлгунга (вояга етгунга) қадар бўлган шахс (шахслар) тарзида таърифланиб, боланинг қонуний вакиллари, етим бола, жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган бола сингари ҳуқуқий тушунчалар таърифланса, 4-моддада бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсати асослари, 5-моддада давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг бола ҳуқуқларини таъминлаш бўйича ваколатлари ва 6-моддада бола ҳуқуқларини таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат-нотижорат ташкилотларнинг иштироки масалалари тавсифланган.

Қонуннинг энг салмоқли боби — иккинчи боби бўлиб, унда бола ҳуқуқлари кафолатлари асосланган. Чунончи, 8-моддада боланинг яшаш ҳуқуқи, 9-моддада боланинг индивидуалликка ва уни сақлаб қолишга бўлган ҳуқуқи, 10-моддада боланинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, 11-моддада боланинг ҳимояга бўлган ҳуқуқи, 12-моддада болаларни тарбиялашда оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, 13-моддада боланинг оилавий муҳитга бўлган ҳуқуқи, 14-моддада боланинг ғайриқонуний кўчирилишидан ҳимояланиш ҳуқуқи, 15-моддада боланинг ўз фикрини ифода этиш ҳуқуқи, 16-моддада боланинг ахборот олиш ҳуқуқи, 17-моддада боланинг фикрлаш, сўз, виждон ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқи, 18-моддада боланинг хусусий мулкка бўлган ҳуқуқи, 19-моддада боланинг турар жойга бўлган ҳуқуқи, 20-моддада боланинг меҳнат қилиш ҳуқуқи, 21-моддада боланинг дам олиш ва бўш вақтга бўлган ҳуқуқи, 22 -моддада боланинг соғлиғини сақлаш ҳуқуқи ва ниҳоят, 23-моддада боланинг билим олиш ҳуқуқи асослари кафолатланган.

Қонуннинг 3-боби ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ҳуқуқларининг қўшимча кафолатларига бағишланган. Унда ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг оила муҳитига бўлган ҳуқуқи, жамиятга уйғунлашиш ҳуқуқи, турар жойга бўлган ҳуқуқи, ижтимоий ёрдам олишга бўлган ҳуқуқи, ногирон болалар, жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларнинг тиббий, ижтимоий ёрдам ҳамда билим олиш ҳуқуқи кафолатлари белгиланган.

«Якунловчи қоидалар» дейилган 4-бобида эса, низоларни ҳал қилиш, бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонуний ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик ва қонунни кучга киритиш тартиблари белгилаб берилган.

Сирасини айтганда, бу Қонун халқимизда минг йилликлар давомида шаклланган болапарварликка оид қарашларнинг демократик тамойилларини умумлаштирганлиги билан алоҳида эътиборга лойиқ. Зеро, ўзбек халқининг болапарварлик фазилатлари асрлар давомида болани шарафлаб ўтказиб келинаётган ранг-баранг ва бекиёс маросим ва расм-русумларга бой анъаналарида

ёрқин жилоланиб туради. Чунончи, чақалоқ беш ва тўққиз кунга тўлганда, илк бор чўмилтирилганда, бешикка биринчи марта ва доимий боғланганда ҳамда ечиб олинганда, биринчи марта ота, ака, опа ва бошқа қариндошларига таништирилганда, унинг шаънига исириқ тутатилганда, илк бор тиш чиқарганда, илк бор тирноғи олинганда, биринчи марта мустақил ўтирганида, турганида, оёқ босганида ёки той-тойлаганида, илк бор овқатлантирилганида, илк бор кўйлакча ёки янги кийим кийгизилганда, қизалоқ сочини биринчи марта ювиб-тараганда, ўгил бола сочини биринчи марта тарашлаганда, қолаверса, ном кўйганда, ўгил болани хатна (суннати) қилганда ва ниҳоят, боланинг биринчи мучали нишонланганда, мўйлови сабз уриб уни илк бор қиртишлаганда хилма-хил маросимлар ўтказилганки, буларнинг барчаси фарзандни шарафлаш ва у билан фахрланиш моҳиятига эга бўлган¹. Сирасини айтганда, бола билан алоқадор бундай маросимлар нафақат ўзбекларда, балки Марказий Осиёда қадимдан бери яшаб келаётган барча халқларда кенг тарқалган. Чунончи, ўтмишда чақалоқ туғилгач, дастлабки қирқ кечаю қирқ кундуз чилла даври саналиб, унга дахлдор қатор ирим-сиримларга амал қилинган. Бунда даставвал қўйидаги табуга қатъиян риоя этилган: чақалоқ туғилган хонадонга то чилла даври тугагунга қадар шу хилдаги чилласи бор ҳовлидан, айтайлик, янги чақалоқ туғилган, янги келин тушган, хатна (суннат) тўйи қилинган, тоза ўлик чиққан ва ҳатто бирор ҳайвон туққанда ҳам келиб-кетиш тақиқланган. Эндиликда аёлларга замонавий гинекологик тиббий хизматнинг оммавийлиги, юксак даражада тараққий этганлиги, қолаверса, турмушга чуқур сингганлиги туфайли бу иримларгина эмас, ҳатто эскича доялик хизматида ҳам эҳтиёж қолмади. Натижада чилла давридаги ирим-сиримлар ташкилотчиси ва ижрочиси бўлган доя (энага)лар беҳад камёб бўлиб қо-

¹ Бу ҳақда батафсилроқ қаранг: **О. Сафаров**. Ўзбек болалар поэтик фольклори. Тошкент, «Ўқитувчи», 1985, 44–55-б. Яна: Болаларни эркаловчи ўзбек халқ қўшиқлари. Тошкент, «Фан», 1983, 33–49-б. Яна: «Бойчечак», кўп томлик. Болалар фольклори. Тошкент, 1984.

лишди; борлари эса ўтмишдошлари даражасида профессионаллашмай, у ёки бу маросим иримларини шунчаки бажариш билан чекланишаётир, холос. Шаҳар ва қишлоқларда кенг тармоқ ёйган аёллар маслаҳатхоналари, замонавий тугруқхоналар доялик хизматини турмушдан буткул сиқиб чиқарди.

Бундай ҳолатни чақалоқнинг беш ва тўққиз кунга тўлиши муносабати билан ўтказиладиган маросимларнинг йўқолаётгани мисолида ҳам кузатиш мумкин. Маълумки, ўтмишда бу кунлар чақалоқ ҳаётининг энг хавфли лаҳзалари саналиб, уларни турли-туман инс-жинслар, алвасти ва бошқа зарар етказувчи парилар асорати тегишидан омон сақлаш мақсадида махсус маросимлар уюштирилган. Бундай маросимлар ҳар бир шаҳар ва ҳар бир қишлоқ аҳлининг ўз турмуш анъаналари доирасида бажарилган; шу сабабли уларга алоқадор ирим-сиримлар ҳам турлича. Бу ҳақда Н. Худоёрхон, А. Л. Троцкая, А. А. Семёнов, О. А. Сухаревалар турли замонларда ба тафсилроқ ёзганлар.

Одатда беш ва тўққиз кунликка алоқадор маросимларни узоқ вақт фарзанд кўрмай, ниҳоят ниятига эришган ёки боласи турмайдиган аёллар томонидан ўтказилиши расмийга айланган. Бунга кўра, чақалоғи хавфли саналган дастлабки беш кунни омон-эсон яшағач, кексалар ўша чақалоқни буваси ёки отасининг эски чопонига ўраб, чоли бор чолдеворли ҳовли атрофидан уч марта айлантира туриб, қуйидаги анъанавий айтимни айтганлар:

Бешдан ўтди — тошдан ўтди,
Чолдевор ҳовлидан ўтди,
Чоли бор ҳовлидан ўтди.
Отасининг қўш пичоғи,
Онасининг ош пичоғи.
Бувисининг кўзмунчоғи,
Опасининг овунчоғи.

Бу билан чақалоқнинг ўша чол ва чолдевордай узоқ умр кўришини истаганлар. Албатта, бу маросим учун махсус таом сифатида ҳолвайтар ва угра пиширилиб, бола ҳаётининг ширин бўлиши ва узоқ умр кўриши тиланган.

Беш ва тўққиз кечаларида доя пиёзга қозонкуя суртиб, у билан чақалоқнинг икки юзига ва манглайига, онасининг кўкраги ва пешонасига эмлаган. Пиёзнинг аччиқлиги ва қозонкуянинг инс-жинсларни қувувчи магик кучига ишонилгани туфайли шундай иримга амал қилганлар. Тўққиз кунлигини алқовчи айтимда ҳам чақалоқнинг хатардан омон қолганлигидан шодланиш, эндиликда унинг «шу уйнинг тўраси» бўлиб, болалар сафини тўлдиражаги, унга ҳам «ой ва қуёшни, юлдузларни кўриш, шуларга ҳамроҳ бўлиб яшаш» бахти насиб этганидан қувониш туйғулари изҳор қилинган:

Тўққиздан ўтди бу бача¹,
Эндики ўлмас бу бача.
Боғларни ғўраси бача,
Болалар жўраси бача,
Шу уйни тўраси бача.
Шамсу қамару ситора
Ҳамроҳи шу бача.

Чақалоққа кўйлак кийдириш ҳам чилла давридаги муқаддас маросимлардан саналган. Чақалоқ уч кунга тўлганда биринчи марта унга кўйлакча кийгизиш анъанавий удумдай нишонланган. Бундай кўйлак кийдириш, айниқса, боласи турмайдиган ёки тирноққа зор бўлиб фарзанд кўрганлар учун алоҳида иримларга амал қилинган ҳолда ўтказилган. Одатда, бундай чақалоқларга эски матодан кўйлакча тайёрланиб, «ит кўйлакча» деб аталган. Уни қайчида кесиб бичиш тақиқланган, асосан, қўлда йиртиб бичилган. Бу билан бола умри кесилмасин, деган ният кўзланган. Кўйлакчани кийдириш ҳам қатор иримлар билан боғланган. О. И. Сухарева Самарқандда амалга оширилган шундай бир маросим тафсилотини баён этиб ёзади: «Ит кўйлакчани қўй боғланган михга кийгиза туриб шундай деди: «Кўйдай ювош бўл, қобилгина бўл, тинчлан!»

Кўйлакча иккинчи марта ўғирча-ҳовонча дастасига ёки шу вазифани бажарувчи қайроқтошга кийгизилди. Бунда шундай деди: «Тошдай бўл, қаттиққина бўл».

¹ Бача — бола (*шева*).

Ниҳоят шулардан кейингина — учинчи мартасига кўйлакча чақалоққа кийгизилиб, шундай сўзларни айтди: «Катта бўл, бунинг умри бир йиллик, сеники юз йил, илоҳи қобил бўл, мўмин бўл...ризқу рўзинг билан бўл».

Баъзан агар она туғмайдиган ёки чақалоғи турмайдиган бўлса, ит кўйлакча кучукчага кийгизилган, бунда шундай дейилган: «Кучук бачадай кўпайинглар!» Эртасига ит кўйлакча чинакам янгисига алмаштирилди, бундай алмаштириш маросимсиз кечаверган¹.

Баъзи жойларда шу кўйлакча қирқ қуроқдан тайёрланган, бу билан чилтанлар ҳомийлиги кўзда тутилиб, чақалоққа улардан мадад сўралган. Айрим жойларда эса, кўйлакча ҳовлидаги от боғланадиган қозиққа кийдирилиб, сўнгра чақалоққа кийдирила туриб тубандаги айтим айтилган:

Тепа-тепа тўздирай,
Минган отим ўздирай.
Сан бир йиллик,
Ман минг йиллик.

Шу тариқа чақалоққа отдай чаққон, чопқир бўлиб, узоқ умр кўриш тиланган. Бунда халқимизнинг от тотемига сифинишидан иборат қадимий эътиқоди излари сақланган.

Ўрни келганда шуни ҳам таъкидлаш жоизки, халқимизда чақалоғи турмайдиганларнинг фарзандларига исм танлаш ва қўйишда ҳам алоҳида аҳамият берилган. Аввало, бундай фарзандларнинг боши тошдан иборат бўлсин, ўлмай яшасин деган ниятда ўғил бўлса — Тош, Тошқул, Тошпўлат, Тоштемир, Тошмурод, Тошмат, Тошмуҳаммад, Тошболта, Темир, Теша, Тошали, Тошбек, Тошбой, Тоштилла, Тоштурди, Тоштурсун, Тошқўзи,

¹ О. А. Сухарева. Мать и ребёнок у таджиков. 135—136-бетлар.

Чақалоққа кийдириладиган биринчи кўйлакнинг «ит кўйлак» дейилиши ит тотемига сифиниш оқибати бўлиб, туғмайдиган она кўрган тўнғич фарзандга ёки чақалоғи турмайдиган она фарзандига кийдиришдан илгари кучукчага кийдириш одати шундан келиб чиққан ва анъанага айланган. — *Муаллифлар.*

Тоштурғун, Турди, Ўлмас, Турдимурод, Турдиқул, Турдипўлат, Турдиали, Турдибой, Тўхта, Тўхтаниёз, Тўхтамурод, Тўхтар, Тўхтасин, Тўхтаржон, Тўхтатош, Турсун, Турсунпўлат, Турсунмурод, Турсунназар, Турсунтош, Турсунбой, Болта, Чўян, Метин; қиз бўлса — Тошгул, Тошбиби, Тошхон, Турсуной, Турсунхон, Тўхтагул, Тўхтахон, Ўлмасхон сингари исмларни қўйганлар. Ҳатто фарзанд кўриб, фарзандлари туравермагач, кейинги гал ҳомиладор бўлганида муқаллас қадамжоларни зиёрат қилиб, туғилажак фарзандини «сотиш»га аҳд қилиб, нияти белгиси сифатида унда алоҳида тугунча солиб қўйган. Ниҳоят, ой-куни етиб, фарзанди туғилгач, одатга ва ўша ниятига кўра уч кундан сўнг кўнгли тўлган маҳалласидаги бир никоҳли серфарзанд аёлга элтиб: «Керак бўлса сизга, бўлмаса Худога топширдим», — деб ўз чақалоғини бериб қайтган. Бу фарзандини «сотиш» аҳдининг рамзий ижроси саналган. Чақалоқ аёлникида уч кун тургач, асл ота-онаси унга харидор бўлиб боришган. Улар аёлга қараб: «Сиздан бир нима тилаб келдик, бешта ўғлингиз бор экан, шулардан биргинасини бизга сотсангиз», — дейишади. Аёл бошида бир оз таранг қилса-да, кейинига рози бўлган, улар эса ўз болаларини «сотиб олишган».

Чақалоқ олиб келингач, отаси уни уй остонасига қўйиб, бўғзига пичоқнинг тескари томондан қўйиб: «Э Худо! Шу фарзандимни сенга топширдим!» — деяётганда бирор қариндоши остонага қўчқорни етаклаб келиб чақалоқнинг отасига тутқизган. Шунда ота: «Иброҳим алайҳиссалом ўғли ўрнида қўй қурбон қилган экан, мен ҳам ўғлим учун Худо йўлига шу қўйни атадим», — дер экан. Сўнг чақалоқни онаси кўлига тутқизиб, қўйни бўғизлаб, қурбонлик қилар, лекин чақалоққа ўғил бола бўлса — Сотиболди, Сотимбой, Сотимқул, Сотим; қиз бола бўлса — Сотима, Сотти, Соттигул дея исм қўйиб, қулоғига азон айтиши шарт саналган. Аслида бу АҚИҚА маросими саналган.

Ҳатто бундай болаларга айтиладиган аллалар ҳам умумга айтиладиган аллалардан фарқланиб, Турсуной аллалари сифатида алоҳида туркум шаклини олган. Турсуной аллаларида чақалоққа узоқ умр тилаш етакчи мотивга айланган:

Турмай-турмай турган қизим, алла,
Улгайганда босар изим, алла.
Турсуной деб номинг қўйдик, алла,
Ўйнаб-кулиб ўсгин дедик, алла.

Чақалоқ 10–12 кунга тўлганда уни илк бор чўмилтириш маросими ўтказилган. Бу маросим чақалоқни шунчаки озода тутишнигина кўзламаган, албатта. Балки ундан мурод — чақалоқнинг умр бўйи дард-алам кўрмай, роҳат-фароғатда яшаши орзу қилинган. Буни шу маросимда айтилган тубандаги айтим рамзан аниқ ифода этиб турибди:

Сув — логар, бача — фарбеҳ.
Боланинг танига малҳам бўлсин сув,
Боланинг танидан нопокликни юв.
Ҳамма вақт роҳатда бўлсин шу болам,
Кўрмасин сираям ҳеч дарду алам.

Одатда, чақалоқни серфарзанд кекса аёл чўмилтиришига алоҳида аҳамият берилган. У тоғорачани илиқ сувга тўлдиргач, тагига махсус тикилган юмшоқ пахталик солиб, чақалоқни ўшанинг устига ўтқизган, сўнг ҳовучлаб-ҳовучлаб бола бадани устидан сув сола бошлаган, албатта, ҳар бир ҳовуч сувни қуяётганда айтимнинг бир сатрини айтиб туришни унутмаган.

Қизалоқнинг сочини илк бор ювиб-тараш ҳам оналар учун алоҳида байрам саналган. Зотан, унинг сочининг ўсиб тутамга келиши — бўйи ва кўркининг тўлиша бориши нишонаси ҳисобланган. Бу ҳол, ўз навбатида, оналар қалбида алоҳида ғурур уйғотганидан улар келажакда қизларини муносиб куёвга тўю тантаналар билан узатилишини хаёлан орзу қилишган. Қизининг ойдай тўлишувини, сочларининг эса қуёш нурларидай сержилва ва тутамдор бўлишини истаган она соч тарай туриб, ўз ниятини шундай изҳор қилган:

Ойдай қулоч,
Кундай тутам.
Сенга куёв,
Менга палов.

Халқ эътиқодида соч магик қудратга эга, деб қаралган. Шу боис она қорнидаги вақтда чиққан сочни чақалоқ туғилгандан бир ҳафта ўтгач, олиб ташлаш анъанасига амал қилинган. Шу муносабат билан ҳатто махсус жонлиқ сўйилиб, қурбонлик қилинган. Бу ҳам ақиқанинг бир кўриниши саналган. Боласи турмайдиганлар эса қорин сочини олдирганда махсус кокил қолдириб, бола улғайгандан кейин унинг шарафига алоҳида худойи — кокил тўйи бериб, сўнгра уни қирқиб олишган. Бундай соч табаррук саналиб, бирор мевали дарахт остига кўмиб ташланган. Чақалоқни чўмилтириш кўп ҳолларда бешик тўйига муқаддима бўлиб, аслида бола ана шундан кейингина бешикка солинган.

Болани бешикка боғлаш мустақил маросим сифатида тантанали нишонланади. **Бешиктўйи** деб юритилувчи бу қадимий маросимнинг ўзига хос анъаналари мавжуд, у ҳамон давом этиб келмоқда. Бухоро шаҳрида «гавора бандон» (бешикка боғлаш) деб юритилувчи бу маросим икки хонадоннинг — ҳам чақалоқ отаси хонадони, ҳам онаси хонадонининг қўш тўйи сифатида нишонланади. Чақалоқнинг она томондан бобоси унга бошдан-оёғигача уст-бош (сарпо), янги бешик совға қилади. Ҳар икки томоннинг келишган куни (бу, албатта, душанба ёки жума кунлари)да совға жўнатиш маросими уюштирилади. Бунинг ҳам қатъий тартиби бор. Энг олдинда ёғоч оёққа миниб, қўлда қайроқ билан рақсга тушганлар. Улар кетидан бошларида совға-саломлар солинган дастурхонларни кўтарган аёллар ва орқасида янги бешикни елкасига олган бешикбардор узун сафда тизилишиб, карнай-сурнай наволари остида боришади. Булар борқашлар дейилади.

Борқашлар бешиктўйи ўтказиладиган ҳовлига етиб келганда уй эгалари уларни юзларига ун суртиш билан кутиб олишган. Бу билан чақалоқнинг бахти оппоқ (сафедбахт) бўлишига рамзий ишора қилинади.

Борқашлар шарафига таомлар сузилиб, зиёфат уюштирилади. Рақсга тушилади, қўшиқлар куйланади. Ниҳоят, болани бешикка боғлаш гали келади. Вакила ёки кайвони бикач кўзмунчоқлар, қўнғироқлар, сиёҳдонали туморча тикилган бешикпўш ёптирилган янги бешикни уйнинг ўртасига келтириб қўяди. Бешикпўшларни очиб,

тувак ва тагпўшларни солади, белбоғичини тугади. Бош томонда тагпўш тагига бир бош пиёз ва кичкина қайроқ тош қўяди. Шундан сўнг бешик юғиси устида икки қуббаси ёнида ва ўртада жами уч жойда паға ҳолидаги пахтадан узиб қўйиб, уларга ўт беради ва шиддат билан шу пахта куйиндиларини йигиштириб олади.

Қўр-қўр деб аталувчи шу ирим тугагач, чақалоқни қўлига олиб, даст кўтаради-да, шундай дейди:

Шугина жоним — бир жоним,
Бўйнимдаги маржоним.
Худо берди севсин деб,
Олтин бешикка кирсин деб.

Сўнгра чақалоқни бешикка сола туриб, дастлаб, атайлаб тескари қўйиб шундай дейди:

— Бундай боғлаймизми?

Бешик атрофдагилар бирваракайига жўр бўлишиб:

— Йўқ, йўқ, — дейишади.

Энди чақалоқни ўнг томонга чалқанчасига қўйиб, яна шундай дейди:

— Бундай боғлаймизми?

Яна барчанинг «йўқ, йўқ» деган эътирози жаранглайди. Вакила бу сафар чақалоқни чап томонлама чалқанчасига қўйиб, ўша сўзларини такрорлайди. Яна эътироз эшитилади. Ниҳоят, у чақалоқни тўғри ҳолатда бешикка қўяди ва шундай дейди:

— Бундай боғлаймизми?

Иштирокчилар:

— Ҳа, ҳа!

Шундан кейин вакила айтим-олқишни давом эттиради:

Қоч, қоч, бабаси,
Келди эгаси.
Ота-онанг гапиришса,
Қичқиришса, яна қўрқма.
Опаларинг, акаларинг,
Бақиришса, яна қўрқма.
Олапар ит акилласа,
Қўрқиб қолма!
Моши мушук хурилласа,

Қўрқиб қолма!
Ялтоқ ҳангшар¹ ҳангилласа,
Тагин қўрқма!
Биров баланд овоз солса,
Чақириб қолса,
Тағни қўрқма.

Вакила шу айтим-олқишни чўзиб-чўзиб, оҳанг билан қироат қила туриб, бешик боғичларини боғлаш жараёнини таъминлаётган пайтда бошқа бир аёл ёнғоқ чақа бошлайди. Чақалоқни бешикка боғлаш тугаши билан чақилган ёнғоқ магизлари бешик устидан сочқи қилиб сепилади.

Бунинг икки рамзий маъноси бўлиб, дастлаб тақиллаш овозидан бола чўчимасликка даъват этилса, сўнгра ёнғоқ магзини сепишдан эса боланинг сермағиз — келажакда бола-чақали бўлиши орзу қилинган.

Бола бешикка боғланиб бўлиши биланоқ исириқ² тутатилиб, бешик устида уч марта айлантиради.

Шу жараёнда исириқ тутатувчи қуйидаги айтим-олқишни айтади:

Исириқ, исириқ,
Чатнасин исириқ.
Патласин исириқ,
Бачага кўз тегмасин.
Ким бачага кўз қилса,
Кўзлари оқиб тушсин.

Шу зайлда бешиктўйи маросими интиҳосига етади. Бироқ, бола ҳар сафар бешикка янгидан солинганда ҳар

¹ Эшак.

² Марказий Осиё халқлари урф-одатларида исириқ тутатиш иримининг моҳияти этнографик адабиётларда кенг шарҳланган. *Қаранг: А. Л. Троицкая.* Лечение больных изгнанием злых духов (кучурук) среди оседлого населения Ташкентского уезда. Бюллетень САГУ, вып. 10, Ташкент, 1925; *Яна:* Первые сорок дней ребенка (чилля) среди оседлого населения Ташкента и Чимкентского уезда. —Сбор. «В честь акад. В. В. Бартольда», Ташкент, 1927; *О. А. Сухарева.* Мать и ребенок у таджиков. — Сбор., «Иран». I. III, Ленинград, 1929, 107–154-бетлар ва бошқалар.

бир она бешикка боғлаш айтим-олқишини қайта ва қайта айтади. Бу ўзига хос анъанага айланган. Унда ҳар бир онанинг бадиҳагўйлик салоҳиятидаги гоёвий якдиллик бўртиб туради. Шу сабабли бундай айтим-олқишлар қанча кўп нухали бўлмасин, ҳаммасида бешик хўжайинига жой бўшатиш ва уйқу чақириш мотиви етакчидир:

Кета-кет, бабаси,
Келди эгаси.
Ухлаб дам олсин,
Қувнаб уйғонсин.

Яна:

Бешиги тахта,
Орқаси пахта.
Эгаси келди,
Кучуги, қоч.
Ичида ётганнинг
Баҳрини оч!

Кўринаётирки, айтим-олқишларда «баба», «кучук» образлари мавжуд бўлиб, улар махсус поэтик юк ташийдди. Гарчи бу образлар ҳаётий бўлса-да, аслида ўз замирида кўринмас кучлар — инсу жинсларни англатиб туради.

Магик тасаввурга кўра, улар бўш бешикда ётармишлар, бинобарин, бешикка болани боғлаётганда, албатта, «қоч, қоч, бабаси», — дея уларни қувиш шарт эмиш¹. Чунки улар кўринмас «баба» қиёфасида бешикда бола тўшагида ётаверармиш. Ҳолбуки, шундай айтим-

¹ Ўзбекларда бешикни махсус бешикпўш билан ёпиб қўйиш одати ана шундан келиб чиққан. Самарқанд шаҳри атрофидаги Сачокиболо қишлоғида бешикпўш қирқ қуроқдан тикилиб, фақат она эмизадиган томонидангина очиладиган жойи борки, бу ўша магик кучларнинг бешикка киролмаслигига қарши чора излаш оқибати ҳисобланади. Қирқ қуроқ ҳам ўша илоҳий кучларни қайтарувчи, уларга тўсиқ бўлувчи восита вазифасини ўтайди. Шу билан чилтонлардан мадад кутилган. *Қаранг: Н. С. Андреев. Чильтаны (...) в среднеазиатских верованиях. — Сб. «В честь акад. В. В. Бартольда», Ташкент, 1927, 334–348-бетлар.*

олқишлар ҳам борки, уларда қўрқитувчи восита реал эмас, балки аллақандай мавҳумликдан иборат бўлган магик «бало» образидир:

Алодур, балодур,
Бало-қазо, нарироқ тур.
Эгаси келди,
Сан қоч!

Афтидан бундай олқишлар ғоят қадимий бўлиб, бало-қазо тарзида умумлаштирилган қирғин-барот жанглари, сув тошқинлари, ёнғинлар, ер қимирлаши каби офатлардан болаларни омон сақлаш илинжида илоҳий кучларга сиғиниш оқибатида пайдо бўлганга ўхшайди. Лекин давр ўтиши билан бало образи мавҳумлиги туфайли болаларни чўчитгани ожизлик қила бошлади. Ана шундай бир пайтда Туркистонни Чингиз босқинчилари қонга белади. Мўғул-татарлар тажовузкорлиги олдиға тушадиган даҳшат топилмади. Айниқса, Боту ва Жўжиларнинг номи даҳшат рамзига айланди. Бу ҳолни болапарвар оналар ҳаммадан илгари пайқашди, натижада болаларни чўчитишга ожизлик қилаётган мавҳум бало образини реал Бўжи образига алмаштирди:

Қоч, қоч, қоч, бўжилари,
Келди бешикни(нг) эгаси.
Боламни(нг) ўзи келди,
Алла қилади,
Маза қилади.

Шу тариқа «Бўжи келди» таъбири болаларни қўрқитувчи маъно касб этиб, аллалар ва айтим-олқишларда ишлатила бошланди. Бу фикрни рус аллаларида, Бука ва форс ҳамда турк аллаларида Бўжи образларининг болаларни қўрқитувчи куч сифатида кенг ўрин олганлиги ҳақида А. Ветухов ва В. Жуковский берган маълумотлар ҳам яққол тасдиқлайди¹. Бинобарин, ўзбек оналари ҳам мазкур образдан фойдалана бошлаганлар.

¹ Қаранг: А. Ветухов. Народные колыбельные песни. Москва, 1892, 138–140-бетлар; В. Жуковский. Колыбельные песни и причитания оседлого и кочевого населения Персии. «Журн. мин. нар. просв.», 1889, № 1.

Аммо болалар тасаввурининг аниқлигини ҳис эта бориш тарих қатларида кўмилиб, аста-секин мавҳумлик касб эта бошлаган Бўжи образини ҳам бир қадар кон-кретлаштиришни тақозо этиб келди. Бўжининг ҳам кўр-қитувчи кучи ожизлана бошлади. Ана шунда оналар «баба» образига мурожаат қилишди. Чунки кучук кўрим-лилиги билан бола диққатини тортса, ногаҳоний вовил-лаши билан чўчитиб юбориши табиий эди. Бунинг устига, «бало» ва «баба» сўзлари фонетик жиҳатдан бир-бирига яқин товушлар гармониясига эга. Натижада болаларни бешикка боғлаш айтим-олқишларида «баба» образи кенг ўрин ишғол қила борди. Бунда ит тотемига сиғиниш излари таъсирини ҳам инкор этиб бўлмайди.

Ўзбек оналари болаларни бешикка солаётгандагина алқаб қолмаганлар. Болани бешикдан ечиб олишда ҳам уни, ҳам бешикни алқашдан толмаганлар. Бешик боғич-ларини ечиш биланоқ қўлчаларини қимирлатиб онага талпинган болажонларига термилиб меҳрлари жунбишга келган. Шу меҳр жунбиши ҳали она қўли бешикка банд бўлгани туфайли бешикни эъзозловчи, аслида эса, шу бешик баҳонасида болани алқовчи ички ҳаяжон сифа-тида айтим қўшиқ бўлиб оқаверган:

Тақар-тукур гавораси,
Дарди дили овораси.

Ёки:

Қуввати гавора,
Душманлари овора.

Яна:

Тақ-туқи гавора бўлсин,
Душмани овора бўлсин.
Уйқуси бешикда қолсин,
Душмани эшикда қолсин.

Яна:

Болам орқаси пахта,
Болам бешиги тахта.
Пахтаси юмшоққина,
Шу болам ушоққина.

Бундай айтим-олқишлар тугагунича бешикнинг барча богичлари ечиб бўлинган. Она болани багрига босиб, ҳар гал «Ўс!» дея ўнг қўли билан у ётган ўринни сийпа-лаб, жигаргўшаси орқа белини уқалаган. Бу ҳаракат уч марта такрорланган ва боланинг увишган танасидаги қонни ҳаракатга солувчи гимнастик моҳият касб этган. Сўнгра бола кийинтирилган. Кўринадики, ўзбек оналари меҳрибонликда қай даражада саховатли бўлсалар, жону жаҳонлари бўлган жигаргўшалари бехатарлигини ҳам шу қадар ўйлайдилар. Аммо оналар тасаввурида болага душман бўлган магик кучлар гўё ҳамиша бордай. Худди шу ҳол оналарни мудом ҳар қандай вазиятда безовта қилиб туради. Оналарга ўтмишдан ўтиб келаётган бундай тасаввурлар эндиликда шунчаки инерцион механик кучи билангина яшамоқда, холос.

Марказий Осиё халқларида, жумладан, ўзбек ва тожикларда чақалоқ қирқ кунга тўлмагунича, аниқроғи, чилла муддати тўлмагунича, уни қариндош-уруғларига кўрсатиш тақиқланганлиги юқорида эслатилган этно-график адабиётларда эътироф этилган. Ўтмишга алоқадор ана шу аъъана секин-аста сўнаётир. Эндиликда чақалоқ ва онаси туғруқхонадан келтирилгани заҳоти уларни қариндош-уруғлар муборакбод этадилар ва чилладорлик андишасини йиғиштириб қўядилар.

Шунга қарамай, бола ва онанинг чилладорлигига алоқадор магик эътиқод айрим жойларда ҳамон механик равишда бажарилаётганини инкор этиб бўлмайди. Жумладан, Бухоро шаҳрининг эски қисмида яшовчи аҳоли орасида чақалоқни, асосан, «чилла тугагач», шу муносабат билан ўтказиладиган чилла қувишдан кейин кўрсатиш аъъанасига ҳамон амал қилиб келинмоқда.

«Чилла қувиш» («чиллагурезон») деб аталувчи бу маросим учун нўхат қовурилиб, новвотга аралаштирилиб янчилади. Шу аралашма бола қўлига солинади. Она учун эса сўнгги марта атала тайёрланади.

Чилла қувишда она ювиниш супасида шифтга қараб чўзилади. Иримни амалга ошираётган кайвони ёки доя аёл чақалоқни она қорни устига даст кўтаргани ҳолда унинг устидан қирққача санаб сув томчилатади: сув

махсус обгардонда олинган бўлиб, у «тоси чил калит» (қирқ калитли тос) дейилади¹. Кайвони аёл ёки доя сувни ҳар гал томчилатганида:

«Бачасини чилласи очасига² кетсин», — деб такрорлайверади. Она ҳам ўша қирқ калитли обгардонда бошидан қирқ марта сув қуяди. Шу хилда ювинилгандан сўнг она-бола чиллаларидан қутулган ҳисобланганлар.

Ниҳоят, чилла қувиш маросими чақалоқни қариндош-уруғларига таништириш билан интиҳо топган. Буни ҳам она ва болани ҳаммомда чўмилтириб келган доя (энага) ёки вакила амалга оширган. У чақалоқ ва онасини зиёфат дастурхони атрофида йиғилиб ўтирган қариндош-уруғлар ҳузурига кўтариб киргач, дастлаб йўр-гакдаги чақалоқ юзини очади. Сўнг уни даст кўтарган ҳолда таъзим бажо эттириб:

— Ашшалом! — дейди болага хос чучук тил билан. Ўтирганлар жўр бўлишиб алик олган бўлишади-да, чақалоққа ҳавасланиб қарашади. Шундан кейин таништирувчи аёл юзи очиқ чақалоқни ўтирганларнинг ҳар бирига яқинроқ келтириб кўрсатар экан:

Ҳой-ҳояси борди³ шунинг,
Зап дояси борди шунинг.
Мард отаси борди шунинг,
Жон бувиси борди шунинг,
Зўр акаси борди шунинг,
Жўр опаси борди шунинг.

¹ Бухорода «Тоси чил калит» (қирқ калитли тос) ёки обгардон мис ёхуд бронзадан ясалган. Унинг ичкарасида қуббасимон кичкина гардишли тосча бор бўлиб, шу ички тосча гардишида қирқта калитча осибдиқдир. Бу калитлар раман чилтанларни ифода этади. Тоснинг ичкарасида турли оятлар ёзилган. Сиртида эса чилтанлар ҳаракатини акс эттирган ҳар хил белгилар, чизиқлар мавжуд. Шу важдан бу тос қутлуг саналиб, чилла фақат унда сув қуйилгандагина қувилган ҳисобланган. Оши бибисешанба ва бошқа диний маросимларда, шунингдек, айрим тўй-маъракаларда шу тосда гулоб тутилиб, савобга эришилган.

² Она.

³ Бордир.

Узоқ-узоқ жойларда
Бахшидаси¹ борди шунинг, —

дея даврани айлантириб чиқади. Айлантириш жараёнида чақалоқ кимга яқин келтирилса, ўша киши қўндоқли чақалоқни бағрига олиб, унинг юзини очган, пешона-сидан ўпиб, алқай-алқай қўндоғи этагига у, албатта, баҳоли қудрат кўрмана қўйиб, энагага қайтариб узатган. Чақалоқни шу тахлитда таништириш Бухоро вилоятидаги Қорақўл ва Олот туманларининг айрим қишлоқларида ҳозир ҳам алоҳида тантанали удум тарзида давом этаётир. Шу удумга тааллуқли қуйидаги таништириш айтимини Эшакчи қишлоғида яшовчи олтмиш саккиз яшар Ражаб момо Бешимовадан ёзиб олган эдик:

Қаролидандир бешиги,
Қайрилиб олсин онаси.
Тилло қамишдан бешиги,
Товланиб олсин отаси.
Олма дарахтдан бешиги,
Айланиб олсин бувиси.
Шафтолидандир бешиги,
Шапиллаб ўпсин буваси.
Зардолидандир² бешиги.
Зейралиб³ олсин опаси.
Жийда дарахтдан бешиги,
Кўтара қолсин акаси.

Кўринаётирки, таништирув айтимидаги ҳар бир байт аниқ бир нарсa воситасида ардоқловчи маъно касб этган, бунда товушлар аллитерацияси сайқал берувчи ролини ўтаган.

Чақалоқнинг жисмоний чиниқиши ва ўсиши билан алоқадор ҳар бир ўзгариш ота-онани қувонтирган. Бу ҳол халқимизда шундай ижобий ўзгаришларни шарафловчи анъаналарни юзага келтирган, аслида-чи, ўзгариш баҳонасида боланинг ўзи алқанган. Чунончи, чақалоқнинг илк бор тебрана-тебрана ўтиришидан оналар қувончи оламга сифмаган. Улар дарҳол чақалоқ ёнбош-

¹ Бешиккerti қилиб қўйиш одатига ишора.

² Ўрик.

³ Жовдираб; зейралмоқ-жовдирамоқ.

ларида мадад бўлсин дея ёстиқчалар қўйиб, мурғак жоннинг мустақил ўтиришини машқ қилдира бошлаганлар. Бундай ҳолатда энтика-энтика завқланиб, қуйидаги айтимни чўзиб-чўзиб қироат қилганлар:

Ўтирсин-о, ўтирсин,
Бошини гулдан тўлдирсин.
Шугинани кўрган қизлар
Ўзини осиб ўлдирсин.

Болакайнинг илк бор ўз оёқларида тикка туриши ҳам «туриб турсин-ей, турсин-ей» дея маънан мададлан-тирилса, дастлабки одими ота-онани қанча қувонтирса, шунча эҳтиёткорликка ундаган. Чунки боланинг ногаҳоний йиқилиб тушиши бирор жойини оғритиши ёки болани юрмоқдан чўчитиб қўйиши эҳтимоли шундай йул тутишга чорлаган. Боланинг илк одим ташлаши шундай алқанган:

Адоқ-адоқ юрисин,
Тикон шунга кирмасин.
Кўзи қаттиқ бандалар
Кўзи шунга тегмасин.

Эҳтиёт чораси сифатида дарҳол ис чиқарилиб, исириқ тутатилган. Боланинг оёқ чиқариши махсус маросим сифатида чоршанба ё жума кунларидагина нишонланган. Бунда эндигина тетапоя бўлиб юра бошлаган бола оёғига ипак чилвир солиб тушовланган, бола бошига жуфт кулча тутилиб, маросим иштирокчиларига майда-лаб улашилган. Сўнгра болакай юргизила бошланган, у юрганда ўз бош кийими билан уч марта секин уриб қўйилган. Ҳар урилганда болакайнинг ўз мувозанатини сақлаб қолишига алоҳида эътибор қилинган. Ниҳоят бола етти қадам босгандан кейин унинг орқа томонида туриб, оёғига солинган тушов-чилвир кесиб ташланган. Бу унинг оёғи «очилгани»ни англатган. У каловланиб юаркан, тубандаги айтим билан алқанган:

Югурса — онаси кўрса,
Югурса — отаси кўрса.
Югуриб бозорга борса,
Гўшту биринж кетирса.

Онаси пазанда бўлса,
Боласи хўранда бўлса.

Ёки:

Чопиб-чопиб юрганида,
Чақир ҳам шунга кирмасин.
Югуриб-югуриб юрганида,
Тикон ҳам шунга кирмасин.
Ийик билан мийикка,
Тогда юрган кийикка.

Шуниси ҳам борки, бола тетапоялик чоғида тез-тез қоқилиб йиқилиши табиий. Шундан эҳтиёт қилиш мақсадида унга махсус гавғалтак ясаб беришган; гоҳида эса иккала қўлчасидан тутиб, той-той қилишган. Болани той-тойлаганда қуйидаги айтим айтилган:

Той-той болам, той болам,
Ширин эркатоё болам.
Юмшоқ саримой болам,
Ўзимнинг шу ой болам.

Боланинг барча аъзолари тез ўсади, шаклланади. Тирноқлари ҳам шу хилда ўсиб, ўзи билмагани ҳолда чақалоқ ўз юз-кўзларини тирнай бошлайди, хаста қилади. Шу сабабли унинг тирногини илк бор қирқиш алоҳида иримлар воситасида бажарилган. Бунинг учун дастлаб исчиқарилиб, кўчадаги болакайларга тарқатилган. Сўнгра қиз бола бўлса, бармоқлари супрадаги унга суртилиб, ўсган тирноқлари битта-битта қирқиб олинган, уларни оёқ ости бўлмасин, қизалоқнинг ўзи эса келажакда серфарзанд бўлсин, деган ниятда мевали дарахт остига элтиб кўмганлар. Қизалоққа турмуш фаровонлиги тиланиб, бармоқчасига тилла узукча солиб қўйишни ойин этганлар. Ўғил бола кафтига қанд-қурс солиб, сўнг тирногини олганлар ва уни ҳам мевали дарахт остига кўмганлар.

Болаларнинг илк тиш чиқаришлари ва тиш туширишлари ҳам шундай ўзгача маросим тусини олган. Бола саккиз ва ўн бир ойлик чоғларида сут тишини тушира бошлайди. Оналар бундан беҳад завқланиб, болажонлари тишларининг садафдай оппоқ, бегубор ва бир текисда чиқишини истаб, қўй ёки қўзига миндирадилар. Ҳатто

бола тишларининг тезроқ чиқа қолишини истаб, амма-
си кўйлагининг этаги билан унинг тиш ёраётган милки-
ни эмлай туриб қуйидаги айтимларни айтганлар:

Баҳор келди, қиш келди,
Чақалоққа тиш чиқди.
Кичкинтой деб ўйламанг,
Унга ҳам юмуш чиқди.
Овқатини чайнашга
Ҳар куни бир иш чиқди.

Ёки:

Икки тишингдан айланай,
Қилган ишингдан айланай.
Мадрасанинг қуббасидай
Лўнда бошингдан айланай.

Боланинг 5–7 ёшларида сут тишлари туша бошлайди.
Унинг бу тишларини оёқ остига ташлаш ўз тақиқига эга.
Негаки, тиш — инсон аъзоларидан бири. Тиш оёқ остига
ташланса, гўёки эгаси ҳам оёқ ости бўлармиш, деган
инонч ҳамон халқимизда сақланади. Шу боисдан боланинг
тушган тиши ё мевали дарахт остига кўмилган, ё сичқон
инига ташланган. Бунда тубандаги айтимлар айтилган:

Кемшик, кемшик бўлмайман,
Беданага емшик бўлмайман.
Эски тишимни ўзингга ол,
Менга янги тишимни бер!

Ёки:

Ол эски тишни,
Бер янги тишни.
Товуқ гўштга боқмайман,
Тошдек данак чақмайман.

Тиш тақиқи (табуси) тушда унинг тушишининг хо-
сиятсиз саналишида ҳам кўринади. Тушда тишнинг ту-
шиши — кимнингдир ўлмогидан дарак берармиш дея
таъбирланадики, бунда ҳам тиш инсонга тенг маънони
англатган. Кўринадики, тишга оид ҳар қандай тақиқ
замирида гўдакни, умуман, инсон зотини улуғлаш ло-
зимлиги тўғрисидаги халқона тасаввурлар аксини топган.

Хатна тўйлари. Хатна ёки суннат тўйи фақат ўғил
бола учун ўтказилади. Лекин Африкадаги айрим мамла-

катларда қизлар хатнаси ҳам мавжуд. Хатна халқ ўртасида «суннат», «қўлни ҳалоллаш (поклаш)», «чукрон», «чукбурон», «гулла» каби атамалар билан ҳам юритилади.

Суннат тўйи, одатда, боланинг тоқ ёшларида: уч, беш, етти ёки тўққизга кирганида қилинади. У жуфт ёшда ўтказилса, бахтсизлик келтиради деб ирим қилинади. Ҳозир суннат тўйи бола мактабга боргунга қадар ўтказилади.

Г. П. Снесаревнинг фикрича, хатна тўйининг илдилари қадимги инициацияга, яъни кишиларнинг турли ёш синфларига бўлиниши, бир ёш синфидан иккинчисига ўтиши махсус маросимлар, инициациялар воқитида нишонланиши удумига бориб боғланади.

К. Очилов эътирофича эса, «Ўрта Осиё халқлари ислом дини қабул қилинган вақтгача суннат ва хатна қилиш нима эканлигини билмаганлар. Уларда бундай одат бўлмаган. Араб манбалари билан пухта танишган ва улардан фойдаланган олимлар бу фикрни тасдиқлайдилар. Хусусан, араб тарихшунос олими Табарийнинг материалларига асосланган В. В. Бартольд қуйидагиларни таъкидлайди. Хуросон ноиб Ашрас 728 йилда Мовароуннаҳр аҳолисини мусулмончиликка киритишга ҳаракат қилади. Шу боис ўзининг яқин кишилари, яъни икки дин пешвосига мусулмончиликни қабул қилганлардан солиқ олмаслигини одамларга етказишни амр этади. «Бу амр ижроси туфайли хазинага пул тушмайди... Шунда Ашрас фақат янги мусулмон бўлганлар орасидан кимда-ким суннат қилдирилса, ана шуларни (солиқдан — О.С.) озод этишни буюради»¹. Шу тариқа Мовароуннаҳр аҳли орасида хатна одати секин-аста қарор топа боради ва исломлаштирилиши натижасида суннат номини олади, қолаверса, пайгамбаримиз томонидан бажарилганлиги туфайли бошқа мусулмонлар томонидан ҳам бажарилмоғи шарт саналган қоида тарзида қабул қилинган.

Хоразмда суннат тўйлари бак-бавак маросими деб юритилади, унинг рамзий белгиси сифатида жийда буттоғига турли ширинликлар, рангли ялтироқ безаклар,

¹ **Камол Очилов.** Суннат тўйининг халқ оғзаки ижодида тасвирланишига доир. — УТА, 2004, 5-сон, 65-б.

турли-туман қоқилар солиниб, тўйхона тўридаги баланд жойга осиб қўйилади. Жийда ҳосилдор дарахт бўлган-лигидан тўйболага ҳам серфарзандлик тиланиб, шундай иримга амал қилинади.

Ўзбекистоннинг бошқа жойларидан фарқли ўлароқ Хоразмда суннат тўйини алқовчиларни чаманчилар дейишади. Улар таркибан уч киши — гармончи, доирачи ва раққосдан иборат эркаклар гуруҳи бўлиб, тубандаги анъанавий алқов қўшиғи билан тўйхонага кириб келишади:

Тўй атаман деб элга берди овоза,
Ўтган ойда кунжи берди жувоза,
Баракалло, Одилбекни тўйина.
Орқа ёна гашир-пиёз актирган,
Хирмон жойда олтин қовоқ диктирган,
Баракалло, Одилбекни тўйина.

Шуни таъкидлаш жоизки, чаманчилар тўйбола ва тўйчиларни алқаб куйлашни авж пардага чиқара борадилар. Худди шу жараёнда болани суннат қилиш бошланади. Хатна бошланиши олдидан тўйболанинг онаси бошқа хонада бир қўли бармоғини унга, иккинчи қўли бармоғини ёққа ботириб туриши шарт. Хатна бажарилгач, бола махсус баланд тўшакка — тахтга ётқизиб қўйилади.

Чаманчилар ташқарида хизмат қилишса, халфалар ичкарида — хотин-қизлар базмида хизмат қилишган. Улар репертуарида ҳам хатнани алқовчи айтимлар мавжуд:

Жаҳонда фарзанд аълодур,
Ато этувчи Оллоҳдур.
Болали уй — бозор, дерлар,
Шод бўлинг, тўйлар муборак!

Ўрта Осиё араблар томонидан босиб олингач, шу жойда яшовчи барча халқлар қатори ўзбеклардаги хатна қилиш одати ҳам кучли равишда исломлаштирилган. Ҳатто маросимнинг номи ҳам суннат, яъни пайғамбаримиз томонидан бажарилган ва бошқа мусулмонлар ҳам бажариши шарт саналган қоида сифатида қабул қилинган.

Халқ ўртасида «боланинг қўлини ҳалоллаш» ибораси бежиз айтилмайди. Чунки илгариги замонларда ҳали

суннат қилинмаган болаларнинг катталар билан бир то-
воқдан овқат ейишларига рухсат этилмаган.

Хатна тўйи уч қисмдан иборатдир:

Биринчи қисми — тўйга таёргарлик кўриш қисми. Бу даврда тандир қуриш, нон ёпиш, сўқим сўйиш, масла-хат оши тортиш қабиладар амалга оширилади.

Иккинчи қисми — хатна тўйи ўтказиладиган юмуш-ларни қамраб олади. Бунда меҳмонларни кутиб олиш учун жой ҳозирланади. Дастурхонлар тузалади. Қишлоқ ёки маҳалла аҳлига махсус жарчилар орқали хабар қили-нади (ҳозирда бу иш тўйхат юбориш орқали амалга оширилмоқда).

Суннат тўйида ижро этилувчи *хатна жари* махсус вазифани ташкил этади. Улар тўйга чорлаш вазифасини адо этади. Хатна жарларида тўй эгасининг қозонлар қур-диргани, семиз ва кўп қўй-моллар сўйдиргани, қиммат-баҳо совға-саломлар эвазига кўпқари чоптирмоқчи экан-нини таърифлаш мотиви етакчилик қилади:

Тевали (қашқа) қўйни-ё сўйдирган,
Тўшини менга-ё қўйдирган.
Катта-катта қозонларни қурдирган,
Баракалла-ё, бойвачча-ё, Убайдулло.
О, нортуюга улоғини орттирган,
О, юз эллик сўм пулни қўйиб чоптирган,
Баракалла-ё, бойвачча-ё, Убайдулло.

Жарнинг охирида жарчи енгил юмор воситасида ўз насибаси ҳақида ҳам енгилгина ишора қилиб ўтади:

О, омборчи-ё шўх экан,
О, жарчи боши-ё бўш экан,
О, емишлари-ё тўрт кило гўшт экан,
Баракалла-ё, бойвачча-ё, Убайдулло.

Жар чақирилгандан кейин меҳмонлар бирин-кетин тўйхонага ёғилиб кела бошлайдилар. Улар дастурхондаги ноз-неъматлардан тотишгач, ош тортилади. Ошдан кейин ҳамма тарқалади. Тўй эгалари кечқурун ўтказиладиган базмга тайёргарлик кўрадилар. Кечқурун машшоқ ва хонандалар, айрим жойларда қизиқчи ва дostonчилар иштирокида базм бўлиб ўтади. Эртаси эрталаб болани хатнага ётқизиш учун ҳозирлик кўрилади. Тўйнинг асо-

сий *учинчи қисми* шу хилда бошланади. Бу пайтда баъзи қишлоқлардаги одатга кўра қишлоқ болалари хатна қилинадиган болани бирор-бир хонадонга яширишади. Тўй эгаси уларнинг жўрабошиси талабини қондириб, болаларга зиёфат учун пул ёки масаллиқ бермагунча, бола яширилиб қўйилган хонадон айтилмайди. Берилсагина улар болани тўйхонага олиб келиб берадилар. Бу пайтда тўйхонада ҳар хил ўйин-томошалар ўтказилади. Масалан, Хоразмда «Олтин қовоқ», Андижонда «Қулоқ чўзма», Тошкентда «Бола маст» ёки «Маст бола» каби ўйинлар уюштирилади. Айтайлик, «Маст бола» ўйинида тўйхона ҳовлисининг ўртасида гулхан ёкилиб, унинг атрофини тўйчилар ва меҳмонлар ўраб олишади, карнай-сурнай, чилдирма, ногора чалинади. Тўйболанинг амакиси ёки тоғаси уни опичлаб кўтариб олади-да:

Маест бола, гуд-гуд,
Маст бола, гуд-гуд, —

дея, такрорлаганича, гулхан атрофида айлантиради. Чилдирмачиларга ҳар замонда амма-холалари ҳаводор (назр) берадилар. Шунда йиғилганларнинг барчаси шоду хуррамлик билан қийқириб, «биз ҳам шундай тўйларга етайлик» деган ният билан ўртага назр ташлайдилар. Йиғилган назрларни созчилар ўзаро бўлиб олишган.

Шундан сўнг тўйболага озгина шарбат ёки бошқа ичимлик ичиришган ва хатна қилиш учун тайёрланган махсус хонага олиб киришган. Шундай пайтда Самарқанднинг Булунғур ва Ургут туманларида, Сурхондарёнинг Бойсунида «Чорқарсак» ҳамда «Бешқарсак» деб аталувчи ўйинни ўйнашган. Унда тўй иштирокчилари махсус усулда қарсак чалишиб, айтилаётган лирик қўшиқларнинг нақаротларига жўр бўлиб туришган.

Бойсун атрофларида «Яллама-ёрим», «Якқу-яқ», «Ум-уфў» каби қўшиқлар мисраларининг мусиқавий ижроси махсус усулда чалинадиган тўртқарсак усулига мос келиши кузатилган.

Чорқарсак хатна тўйларининг энг авж ва ҳал қилувчи лаҳзасидир. У бошланиши билан тўй иштирокчилари катта доира шаклида турадилар. Ички қатордагилар эса тиз чўкиб ўтириб олишади. Ўртага бир ёки икки йигит тушиб, чалинаётган қарсак оҳангига мос рақсга туши-

шади. «Яллама ёрим» қўшиғи чорқарсакнинг биринчи бўлимини ташкил этади.

Қўшиқнинг тўрт мисрали бандларини истаган якка-хон айтиши мумкин. Нақаротларда эса барча унга жўр бўлади. Масалан:

Бун-дан бор-дим, ё-тиб-сиз,
Пар ёс-тиқ-қа бо-тиб-сиз,
Пар ёс-тиқ-ни кў-тар-сам,
Гул-дай то-за ё-тиб-сиз.

Нақарот:

Ял-ла-ма, ё-рим, ял-ла-ла,
Ял-ло-ла-шай-лик, ял-ло-ла-шай-лик.

Шундан сўнг ритм тезлашиб, чорқарсакнинг иккинчи бўлими «Яққу-яқ» қўшиғи бошланади. Ўртада ўйнаётган йигитлар ҳам алмашади.

Айлансин, ёр айлансин,
Қошлари қаро, айлансин.
Шафтолизор ичида,
Бодомқовоқ айлансин.

Нақарот:

Яққу-яққу, яққу-яқ.
Яққу-яққу, яққу-яқ.

Бу нақарот қўлни пахса қилиб олган ҳолда ҳамма ўйнаётган йигитларга таҳдидли интилиб, ижро этилган.

Сўнгра «Ум-уфў» қўшиғи бошланади. У тўртқарсакнинг учинчи бўлимини ташкил қилади ва рақс услуби билан ажралиб туради. Тўртқарсакнинг юқоридаги иккинчи қўшиғида йигитлар, асосан, икки ёнга — олдинга ва орқага сакраб ўйнаса, бунда баландга сакраб «катта оёқ»да ўйнайдилар.

Сув келади Моридан,
Моридан ҳам наридан.
Акагинанг айлансин,
Кокилингнинг торидан.

Қўшиқнинг ҳар бир мисрасидан кейин жўр бўлувчилар «ёр-ёр, ёрон-ей», деб, нақаротга эса:

Ум-уфў, ум жақала,
Ум-уфў, ум жақала, —

дея қўшилиб турадилар.

Чорқарсак ўйинидан сўнг бешқарсак ўйини бошлаб юборилади. Бойсун бешқарсаги Денов ва Ургут бешқарсакларидан фарқ қилади. Бу фарқ фақат қарсак ритмида кузатилади. Яъни, Бойсунда бешқарсак 2—1—2 тарзида чалинади.

Бешқарсакда асосий байт яккахон томонидан, нақарот эса кўпчилик томонидан айтилади:

Бир қизил гулни узиб,
Қолдим қиёмат доғида.

Нақарот:

Ҳа-ҳа, ҳо, ҳа-ҳа,
Ҳа-ҳа, ҳо, ҳа-ҳа.

Чорқарсак ва бешқарсак ўйини пайтида болани хатна қилиш интиҳосига етказилган бўлади. Хатнадан сўнг тўй тарқайди.

Орадан 5—6 кун ўтиб, бола соғайиб, оёққа туриб кетгач, «тўшак йиғди» маросими ўтказилган. У тўй интиҳоси саналади. Бола батамом соғайгунига қадар, чиллалари ҳисобланиб, эҳтиётлаб юрилади. Оқ матодан лозим-кўйлак кийдириб қўйилади.

Хуллас, ўзбек хатна тўйлари фольклори жанрий таркиби ҳам ранг-баранг ва ўзига хос бўлиб, маълум тизимни ташкил қилади.

Юқорида айтилганлардан аёнлашаётирки, бола — ўзбек оиласининг қувончи, саодати, унга дахлдор расм-русумлар, ирим-сиримлардан таркиб топган маросимлар туфайли ўзбек хонадони муттасил шодиёналарга тўлиб-тошиб яшаган, бола ташвишида ўтган ҳаёт суруридан ота-оналарнинг умрлари файзу баракотли туюлган, болалари туфайли жамиятда ҳам алоҳида мавқе ҳосил этганлар. Шу зайлда ўзбек оилаларида болага меҳр — инсонга меҳрга ва келажак олдиди масъулликка айланиб қолган.

НИКОҲ ТҶҲИ – ҚИСМАТЛАРНИ ПАЙВАНДЛОВЧИ АҚД

Бир-бирларинг билан қўша қаринглар, ували-жували бўлиб, қариб-қартайгунча бир-бирларингга суяниб яшашдан саодатманд бўлинглар.

Халқона дуо

Ўзбекнинг нимаси кўп – тўйи кўп: ҳовли тўйи, бешиктўйи, хатна (суннат) тўйи, никоҳ тўйи ва ҳоказо. Герман Вамбери айтганидек: «Ўрта Осиё халқлари урф-одатларининг юксак даражадаги мақтовга сазовор томонлари шундаки, уларда ўз миллий характериға эға ажойиб фазилатлар қатъият билан сақланган»¹. Шунданмикин, хонадонда бирор хурсандчилик содир бўлиши билан унга боғлиқ кичик бир йиғин ҳам мавжуд анъаналардан сув ичиб, тўйға айланиб кетиши ҳеч гап эмас. Масалан, янги қурилган ҳовлиға кўчиб ўтиш – ҳовли тўйисиз, маълум ёшни нишонлаш – юбилейсиз, ёш тўйисиз, никоҳда 25 йил ёки ярим аср собит қолиш – кумуш ёки олтин тўйсиз, мамлакат ва жамият олдидаги хизматлари учун ҳукуматнинг юксак тақдирлови, бирор катта ютуқ, хизматдаги муваффақият, бирор кашфиёт муносабати билан зиёфат ёки юртға ош бериш каби тантаналарсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Аммо бу тўйлар силсиласида никоҳ тўйи ажралиб туради, шунданмикин, бу тўй таърифида турлича қарашлар мавжуд. Чунончи, Ю. М. Соколов: «Тўй ҳаммадан аввал хўжаликнинг, маълум уругнинг наслни давом эттириш, оилаға янги аъзо қўшиш актидир»²,

¹ Г. Вамбери. Очерки Средней Азии. М., 1868, 296-б.

² Ю. М. Соколов. Русский фольклор//Учебник. Москва, 1938, 157-б.

деса, М. Алавия: «Тўй икки ёшнинг бошини қовуштириш, келажакда бирга яшаш, умрбод бир-бирларига меҳр-муҳаббат қўйиб, наслини давом эттиришдай аҳд паймонга қўпчилик олдига муҳр босиладиган кун»¹, дея таърифлайди. Чимкент муфтиси Муҳаммадхон эса «тўй» сўзининг луғавий маъносини диний асосда изоҳлашга интилиб, шундай ёзади: «Тўй лафзи луғатда араби ва форси бир калима бўлмасдан, мўғул лисонида жамият ва ижтимоъ маъносида бўлиб, подшоҳлар тарафидан ҳар йил бир ёки икки маротаба ясалур эрди... ёхуд қиз бермоқ ва қиз олмоқ учун хусусий қавм-қариндошлар тарафидан ижро қилинур эдики, бу вақтда тўй, яъни қорин тўйгузмоқ деб аталур эрди»². Демак, тўй сўзи «тўймоқ» сўзидан олинган бўлиб, катта зиёфат маъносини англатган. Бироқ зиёфатнинг қай мақсадда берилишига кўра унинг турлари юзага келган. Никоҳ тўйи ҳам аслида шундай турларидан бири ҳисобланади.

Бинобарин, никоҳ сўзи тўйнинг табиатини белгилар экан, бу арабча сўз «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да «уйланиш, эрга тегиш, эр-хотинлик, эр-хотиннинг қовушуви» маъноларини англатиши таъкидланиб, ҳуқуқий жиҳатдан эса, никоҳ даставвал «эр-хотинликни шариат йўли билан расмийлаштириш маросими ва шу маросимда домумла томонидан ўқиладиган шартнома» маъносига эгалиги қайд этилиб, сўнгра «эр-хотиннинг ўзаро розилиги билан ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилган оилавий иттифоқи» маъносини касб этганлиги таъкидланган³. Қолаверса, бошқа луғатларда ҳам никоҳ «издевож, никоҳ ақди»⁴, «эр-хотинлик», «уйланиш»⁵ маъноларида изоҳланган. «Ўзбекистон миллий энцикло-

¹ М. Алавия. Ўзбек халқ маросим қўшиқлари. Тошкент, «Фан», 1974, 153-б.

² Иқтибос Алавия М. китобидан олинди. Қаранг: Ўзбек халқ маросим қўшиқлари, 154-б.

³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш томлик, 3-том, Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Тошкент, 2007, 38-б.

⁴ Фарҳанги забони тожикий. Жилди I. Москва, «Сов. эн-я», 1962, 854-б.

⁵ Навоий асарлари луғати. Тошкент, Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972, 461-б.

педияси»да ҳам «Никоҳ — икки жинс вакиллариининг ўзаро розилиги асосида тузилган иттифоқ»¹ дея таърифланган. Кўринаётирки, никоҳ қиз ва йигит тақдирини пайванд қилувчи янги оиланинг бунёдга келишини тасдиқловчи ақд, аммо бу ақд тўй шаклида умум назари остида содир этилувчи, умум олдида наслни давом эттириш ва жамият низомлари асосида яшаш аҳдини зиммага олиш, алал оқибат жамиятни тўлдиришни нишонлаш, кўрикдан ўтказиш шодиёнасидир.

Никоҳ оилани вужудга келтиришнинг ягона негизи бўлиб, ахлоқий меъёрларга суянган ҳолда қарор топсада, ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади ва мустаҳкамлигига пойдевор қўйилади, шунга кўра, у ижтимоий муносабатларда содир бўладиган ўзгаришлар таъсирида воқеликка айланиб, турли мамлакатларда турлича ўтказиладиган ижтимоий-ахлоқий ҳодиса сифатида шаклланди, дин ва қонунлар билан мустаҳкамлаб келинди. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, турли динлар никоҳга турлича муносабат кўрғазиб келаётир. Улар ҳатто никоҳланувчилар ёшини ҳам белгилаб қонунийлаштирган. Айтайлик, ислом шариати қизларнинг 9 ва ўғил болаларнинг 15 ёшидан никоҳга киришувига розилик берса, католик черкови қизларга 12 ва ўғил болаларга 14 ёшда турмуш қуришга руҳеат этади. Протестантлар черкови эса ҳар иккала жинсда 14 ёшда оила қуришни раво ҳисоблайди. Шуниси ажабланарлики, будда ва католик эътиқодида руҳонийларнинг уйланишлари қатъий ман этилган. Шундай қилиб, диний эътиқодларга кўра, жаҳон миқёсида турли мамлакатларда турмуш қуриш ёши 9—15дан 21—22гача намоён бўлган эса-да, БМТ ўзига аъзо бўлган мамлакатлар учун 1962 йилда буни 15 ёшдан деб белгилаган. Аслида эса, никоҳ фуқаровий-ҳуқуқий битим ҳисобланади, шу сабабли уни расмийлаштириш оила қонунчилиги билан эмас, балки фуқаро қонунчилиги билан белгиланиши туфайли никоҳ ёши ҳам турли мамлакатларда турлича белгиланган.

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 6-том. Тошкент, Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2003, 305-б.

Масалан, никоҳ ёши Францияда аёллар учун — 15, эркаклар учун — 18; Италияда аёллар учун — 14, эркаклар учун — 16; Германияда аёллар учун — 16, эркаклар учун — 21, АҚШнинг турли штатларида турлича, масалан, 14—18 ёки 15—21 ёш доирасида белгиланган.

Ўзбекистонда эса 1998 йилги «Ўзбекистон Республикаси никоҳ кодекси»нинг 15-моддасига кўра, қизлар учун 17 ва йигитлар учун 18 ёш — никоҳга кириш ёши этиб белгиланди. Бу, шубҳасиз, ўзлигини англаган ва ҳар қандай масъулиятни зиммага олган ҳолда оила қуришни таъминловчи ёшдир. Чунки бу ёшда турмуш қуришни кўзлаган ёшлар маълум ҳаётий тажриба тўплашга улгура оладилар. Бу эса, ўз навбатида, оилаларнинг маънавий-иқтисодий мустаҳкам пойдеворга эга бўлишига таъсир кўрсатади.

Айни замонда жаҳон халқларида никоҳнинг тубандаги уч кўринишига амал қилинмоқда.

Биринчи кўриниши — дунёнинг кенг қисмида қўлланивчи моногам никоҳ бўлиб, асосан, эр ва хотин жуфтлигидан иборат.

Иккинчи кўриниши — полигиния никоҳидир. «Полигиния» юнонча сўз бўлиб, поли — кўпчилик, гиния — хотин сўзларидан тузилган ва бир эркакнинг бир неча хотинни ўз никоҳида тутишини англатади. Ислоом мамлакатларида Куръони каримнинг бу ҳодисага рухсат берганлиги туфайли Саудия Арабистони, Йордания, Кувайт, Марокаш, Бруней, Бирлашган Араб Амирликлари сингари мамлакатларда авж олган бундай никоҳ бошқа мусулмон юртларида учрамайди.

Полигиния никоҳи мусулмон бўлмаган Непал, Таиланд, Свазиленд ва Бутан сингари мамлакатларда ҳам расмий никоҳ саналади.

Учинчи кўриниши — полиандрия никоҳидир. «Полиандрия» ҳам юнонча сўз бўлиб, поли — кўпчилик ва анд-риос — эркак сўзларидан тузилган ва битта аёлнинг бир неча эркак билан никоҳда туришини англатади. Бундай никоҳ будда эътиқодидаги айрим халқларда, чунончи, Ҳиндистон ва Тибетда учровчи расмий никоҳдир.

Рост, кишилиқ жамияти тарихида никоҳ ҳодисасининг ўз тарихий ривожланиш йўли бор. Айтайлик, жуда қадим замонларда ибтидоий аждодаларимиз даврлар

ўтиши билан энг яқин қариндошлар ўртасида бўладиган никоҳдан соғлом авлод туғилмаслигини аста-секин тушуна борган.

Ибтидоий аёл ўз боласига таносил касаллигини юқтирмаслик учун она — ўғил ўртасида, кейинчалик ака — сингил ўртасида никоҳдан воз кеча бошлади.

Бу ҳодисалар эса она уруғининг шаклланишида катта аҳамиятга эга бўлди. Она уруғининг келиб чиқиши даврида кўпгина янги урф-одатлар, шу жумладан, тўп- (группали) никоҳ вужудга келди. Тўп никоҳнинг асосий хусусияти шундан иборат эдики, бир уруғнинг барча аёллари иккинчи уруғнинг эркаклариники, иккинчи уруғ эркаклари эса биринчи уруғ аёллариники бўлди. Ҳаётий тажрибалар бора-бора жуфт никоҳга ўтиш зарурлигини англатди. Натижада уюшган оила типи қарор топди ва ҳозиргача давом этмоқда.

Маълумки, исломга қадар Моварауннаҳрда яшовчи оташпараст элатларнинг кундалик турмушларида хотин-қизларнинг мавқеи баланд эди. Гарчи матриархат даврида шаклланган эркаklar устидан ҳукмронлик қилиш анъанаси моногам никоҳга ўтиш каби муҳим қадамлар туфайли аллақачон бой берилган бўлса-да, оловни сақлаш ва муқаддаслаштирувчи маросимлар, асосан, аёллар — жамоа онабошилари томонидан уюштирилган. Л. Я. Штернбергнинг ёзишича, «ўтов» деган туркий сўзнинг этимологияси «ўт олув» деган иккита мустақил сўзнинг қўшилиши билан боглиқ. Яъни жамоа аъзолари сигинадиган муқаддас оловни ўчоқда ўчирмай ўтирадиган онабоши томонидан янги маконга кўчиб ўтаётган кишилар гуруҳига (ёш оилага) оловнинг бир қисмини тантанали равишда тақдим этади¹.

Олов маъбудига сифиниш оташпараслик динидан қолган бўлиб, унинг баъзи қолдиқлари ҳозиргача сақланиб қолган. Одатда, олов одамни гуноҳлардан тозаловчи сеҳрли хусусиятга эга деб ҳисобланган. «Куёв элтиш» анъанасида машъалалар ёқиш, келин ва куёвни шам муҳофазасида чимилдиққа киритиш, гулхан атрофидан айланиш анъанаси оташпарастлик ақидаларининг бево-

¹ Л. Я. Штернберг. Семья и род у народов Северо-Восточной Азии. Москва, «Наука», 1933, 42-6.

сита таъсири натижасида вужудга келган. Маросимларнинг бу узвлари бугунги кунда шунчаки анъана сифатида қабул қилинган, аслида эса бу аминистик, фетишистик ақидалар қолдиги бўлиб, халқимиз турмушини маълум даражада акс эттиради.

Д. Н. Логофет исломда белгиланган шариат қонун-қоидалари асосида қонунлаштирилган никоҳнинг афзал томонлари ҳақида тўхталиб, европалик халқларга ўрнак қилиб кўрсатади: «Мусулмон олами ноқонуний туғилишни ҳатто билмайди ва тан олмайди, табиат қонунлари асосида туғилганлар ҳамма вақт қонунан туғилган ҳисобланади ва шунинг учун ота ва боболарининг номини олади. Бундан бутунлай бошқача хулосага келиш мумкин, яъники биз европаликлар ҳам осийликларнинг бу тажрибасини ўрганиб, ўзлаштиришимиз керак ва бу ўринда шуни эслаш жоизки, Шарқ ўз боласини ўлдиришни асло билмайди. Европача асослардаги фоҳишабозлик мусулмон давлатларида яқинда пайдо бўлган, у ҳам бўлса, Шарқда европаликларнинг мусулмон давлатларини босиб олишининг оқибати натижасидир»¹.

Никоҳ тўйларини куй ва қўшиқларсиз тасаввур қилиш қийин. Кишилар орасидаги муносабатларни янада яхшилаш, маросим иштирокчиларининг ҳис-туйғуларини чуқурлаштириш, маросимларнинг мазмундорлигини ва таъсирчанлигини кучайтиришнинг муҳим воситалардан бири мусиқадир. Тўй қўшиқларининг мазмуни кишиларнинг шу маросим билан боғлиқ турли кечинмалари, кайфиятлари ва шу тўй сабабчиларига нисбатан муносабатларини акс эттиради. Тўй ўз номи билан яқин дўст-ёр, қариндош-уруғ дийдорига, ширин таомларга, оромбахш куй ва қўшиқларга, курашу кўп-қари томошаларига, қиз ва йигитнинг оила куриш ҳақидаги аҳду паймониға шаҳодатликка йиғилганларнинг кулгу ва қувончларига тўйиш демакдир.

Ўзбек никоҳ тўйи улкан маросим сифатида 20 дан зиёд узвлари билан яхлит олиб қараладиган бўлса, анча узоққа чўзиладиган муддатни ўз ичига олувчи ижтимоий

¹ Д. Н. Логофет. Бухоро тоғлари ва текисликларида, «Саодат» журнали, 1950, 12-сон, 25-бет.

шодиёна саналади. Шу нуқтаи назардан қараганда у уч босқичли таркибий тузилишга эга, деб қаралади¹. Тожик ва рус фольклоршунослигида ҳам никоҳ тўйлари уч босқичга — тўй арафаси (досвадебный период), катта тўй (день бракосочетания) ва тўй хотимаси (после свадебные обряды)га бўлиб ўрганилган².

Ўзбек никоҳ тўйларининг биринчи босқичини шартли равишда тўйга тайёргарлик даври ёки тўй арафаси дейиш мумкин. Профессор Б. Саримсоқов бу босқич қиз танлаш, танланган қизга совчи юборишдан бошланади, деб қайд қилади³. Лекин бу босқич айрим ҳолларда беҳад қадимий анъана сифатида шаклланган бешикқуда ёки бешиккерт (Бухорода гаворабахш) русумидан бошланишини ҳам назардан четда қолдирмаслик керак. Чунки шу русумдан кейиноқ икки оила орасида қуда-андачилик муносабатлари юзага келади: ҳар байраму ҳайитда куёв томон келинни йўқлаб туради. Тўғри, бешиккерт расми, асосан, сўнди, лекин гап умуман, ўзбек никоҳ тўйлари тўғрисида борганда бу русумни ҳисобга олмаслик ҳам мумкин эмас⁴. Чунки унга кўра ўғил бола томон келажакда қуда бўлмоқни ният қилиб, янги тугилган қизалоқ хабарини эшитиб, бориб, унинг пойгаҳини ёки уйи остонасини бўлажак куёв боланинг бош кийими билан супуриб-артиб чиқмоғи ва шу асосда икки тараф қуда-андачиликка аҳд қилмоғини англатувчи қадимий анъанавий русум ҳисобланади.

Биринчи босқич — *никоҳ кунига*ча ўтказиладиган *маросимлар* — бешикқудалик, қиз кўриш ёки қиз танлаш, совчилик, «нон синдириш ёки нон ушатиш», «рўмол берди ёки оқлик бериш», фотиҳа тўйи, қалин олиш ва маслаҳат оши ёки падар оши, «тўққиз жўнатиш», «қиз

¹ Ўзбек фольклори очерклари. Уч томлик, 1-том. Тошкент, «Фан», 1998, 194-б.

² **Ф. Зеҳниева.** Сурудҳои тўй маросими тоҷикон. Душанбе, «Ирфон», 1978; **Г. Маслова.** Народная одежда в восточно-славянских традиционных обрядах и обычаях 19 — начала 20-века. Москва, «Наука», 1984.

³ Ўзбек фольклори очерклари, 1-том, 194-б.

⁴ Бешиккерт — болани бешикқудалигидаёқ унаштириб қўйиш одати.

йиғинди» (қизлар мажлиси, ёки базми, қиз оши ёки Бухорода хинобандон) сингариларни ўз ичига олади. Бу босқичнинг характерли белгилари шундаки, у кўп вақтга чўзилиши мумкин. Бундай ҳолат қудаларнинг қай бир тарафида азадорлик чиқиб қолиши, куёвнинг узоқ сафарга кетиши ва бошқа шунга ўхшаш сабаблар туфайли юз бериши мумкин.

Никоҳ тўйининг иккинчи босқичи — *келинни олиб келиш йўлини очувчи никоҳлашдан* иборат тантанавор ўтадиган кунни ўз ичига олади. Бу босқич моҳиятига кўра никоҳ тўйининг энг олий нуқтаси — кульминацияси саналиб, фольклорий айтимларга сероблиги жиҳатидан ҳам алоҳида ўрин тутати. Худди шу босқичда республикамизнинг турли жойларидаги тўйда «12-қадам», «кам-пир ўлди», «тўшак солди», «тўн ёпди», «бола солди», «соч сийпатар», «пўта ёки пўта тутиш», «йўл тўсиш» каби турли-туман урф-одатлар, ирим-сиримларни хилма-хил қўшиқлар (олқишлар, лапарлар, ёр-ёрлар, келин ўтирсинлар, куёв ўтирсинлар, саломномалар, келин ва куёвни мақтовчи мадҳия қўшиқлар, шарбат ялатар, ойна кўрсатар ва исириқ тутатар айтимлари ва ҳ.к) ижросига сингишиб ўзаро синтезлашган яхлит ижтимоий-эстетик шодиёна шаклини олади.

Учинчи босқич — *келин куёвни кига келтирилгандан кейин, яъни никоҳ кунининг эртасидан бошлаб ўтказиладиган «юз очди», юз кўрсатар, «бет очар» ёки келин салом, куёв салом, тўшак йиғди (жой йиғди ёки Бухорода жойғундорон), чарланди (чарлар ёки Бухорода талбон), ниҳоят, келин кўрди (ёки Бухорода келинбинон), «сеп йиғди» сингари хилма-хил маросимларни ўз ичига олади.*

Б. Саримсоқов ўзбек никоҳ тўйлари «куёв салом» маросими билан яқунланади, деб ҳисоблайди ва ёзади: «тўйдан ўн-ўн беш кун ўтгач, куёв билан келин қайнатасининг уйига салом бергани боради»¹. Ҳолбуки, ўтмишда шакланган анъанага кўра «куёв салом»га фақат куёв борган. Бу маросим никоҳ тўйидан уч кун ўтгач, асосан, куёв ва келин ўзаро қўшилиб улгургач, келиннинг бокиралигига миннатдорчилик билдиргани куёвнинг илк махсус ташрифи сифатида уюштирилган. Худди

¹ Ўзбек фольклори очерклари, 1-том. 206–207-б.

шу маросимда куёв келин томонидаги барча қариндошларга таништирилган, куёвга пояндоз солиниб кутиб олинган, «Хуш келдингиз» қўшиқлари билан алқанган ва «куёвсаломлар» айтилган.

Келин-куёв чилладан чиққач эса, келиннинг ота-онаси қизларини махсус чарлаган ва бу маросим «чарланди» (чарлар, Бухоро шаҳри ва унинг шимолидаги қишлоқларда талбон ёки келинталбон) деб юритилади. Ана шу маросимгача келин бўлган қиз ота-онасиникига бормаган ва бу қатъий ман этилган. Аслида чарланди маросимигача келиннинг ота-оналари, ака-ука ва опасингиллари, қавму қариндошлари илк бор келиб кўришувлари махсус маросим сифатида нишонланган. Бунда қудалар махсус тайёргарлик билан катта зиёфат уюштирганлар, келин томон эса қиз ва куёвларига атаган кўрманаларини худди шу маросимда тортиқ қилганлар. Ана шундан сўнг «чарланди» муддати белгиланган ва айтиш мумкинки, худди шу маросимни ўзбек никоҳ тўйларининг яқунловчи акти санаш мумкин. Зеро, Н. Т. Лобачева ҳам «чарлар» тўй маросимининг хотималовчи узви эканлигини қайд этиб ўтган¹.

Тўйлар кўпинча қадимда қиш фаслида ўтказилган. Чунки бу фаслда деҳқон ва косибнинг қўли кўпроқ бўш бўлган. Қадимда тўйларда ота-боболаримиз биратўласи кураш, кўпкари, аския, масхарабозлик, дор ўйинлари ва бошқа турли томошаларни ўтказишган.

Халқимиз ҳаётида муҳим ўрин тутган никоҳ тўйлари халқ маросими билан халқ шеърояти уйғунлигининг энг ёрқин намунасидир. Тўй қўшиқларида инсоннинг ички ҳис-туйғулари ифодаланди.

Никоҳ тўйларида ижро этиладиган оммавий қўшиқлардан бири *ёр-ёрлардир*. Ёр-ёр айтиш одати ислом дини кириб келган даврдан, аниқроғи, Муҳаммад пайгамбарнинг қизлари Фотима ва Ҳазрат Али тўйлари билан кириб келган:

Ариқларнинг бўйида
Қошиқ ювган, ёр-ёр.

¹ Н. Т. Лобачева. Формирование новой обрядности узбеков. Москва, «Наука», 1975, 38-6.

Пайгамбарнинг қизига,
Ошиқ бўлган, ёр-ёр.
Пайгамбарнинг қизини
Али олган, ёр-ёр.
Ёр-ёр айтмоқ бизларга
Шундан қолган, ёр-ёр.

Буюк мутаффакир Алишер Навоий ҳам маросим қўшиқларининг энг қадимий турларидан бўлган ёр-ёр қўшиқлари ҳақида «Мезонул-авзон» асарида қимматли маълумотларни ёзиб қолдирган. Ёр-ёр қўшиқлари XV асрда «чанги» деб юритилган. «Яна чангидурким, турк улуси зуффоф қиз чиқарур тўйларида ани айтурлар, ул сурудедур бағоят муассир ва икки навъдур. Бир навъи ҳеч вазн била рост келмас ва бир навъида бир байт айтилурким, мунсарихи матвийи мавқуф баҳридур ва «ёр-ёр» лафзини радиф ўрнига мазкур қилурлар, андоқдурким, байт:

Қайси чамандин эсиб келди сабо, ёр-ёр,
Ким домидан тушти ўт жоним аро, ёр-ёр»¹.

Ёр-ёрларда келин-куёвга эзгу тилаклар билдирилади. Тўй қўшиқларининг аксариятида тўй шоҳидёнаси, қутловлар ва келин-куёвнинг ижобий сифатлари куйланади.

Ёр-ёрларнинг ижро аъёналарига назар ташлайдиган бўлсак, уни бир ёки бир неча яккахонлар томонидан айтилиши ва кўпчиликнинг уларга жўр бўлишини кузатамиз. Ижрочилар масофанинг узоқ-яқинлигига кўра қўшиқ ҳажмини белгилаб борадилар. Бу қўшиқлардаги асосий образлар: қиз, она, қайнана, куёв, янгалар, сингил, қудалар, қиз дугоналари ва куёвнинг жўраларидан иборатдир.

Ёр-ёрларда келин-куёв образи асосий қаҳрамон ҳисобланади. Келин образи ой юзли, қора қош, шаҳло кўзли, зулфи сумбул деб таърифланса, куёв серҳиммат, бой боласи, суқсур бўйлик деб таърифланади:

Келин-куёв бирга бўлди,
Тўйлар бўлди, ёр-ёр.

¹ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик, 16-том. Тошкент, «Фан», 2000, 92–93-бетлар.

Бир умрга иккисининг
Кўнгли тўлди, ёр-ёр.
Келин-куёв қошлари
Ёйдан дарак ёр-ёр,
Ушбу замон ёшлари,
Тўй муборақ, ёр-ёр.

Тўй қўшиқларининг яна бир тури — *ўлан* бўлиб, улар ёр-ёрлар ривождаги дастлабки босқич ҳосиласи саналади. Ҳанлар фақат тўйларда эмас, турли йигин-маросимларда ҳам айтилган. Ҳан айтиш, асосан, кўчманчи чорвадор хўжаликларда кенгроқ тарқалган бўлиб, улар тарафма-тараф бўлиб, айтишув сифатида куйланган. Чунончи:

Йигит:

Ўланларнинг аввал боши тамал тоши,
Тўй олдидан тортганим сўқим оши.
Ҳаддинг бўлса, қани келиб ўлан бошла,
Бу элатнинг менман деган кекса-ёши.

Қиз:

Ўлан айтсам ўланам адашмайди,
Ёлғиз айтган ўланам ярашмайди.
Икков-икков айтайлик бирдай бўлиб,
Савоғидан очилган гулдай бўлиб.

Йигит:

Оқ олма, қизил олма, бўйинг толма,
Тўққиз ўғлинг бўлгунча тўйдан қолма.
Тўққиз ўғлинг бўлгунча тўйдан қолсанг,
Яхши-ёмон сўйласам, ёмон олма.

Қиз:

Қўлимдаги беш бармоқ — бирови тоқ,
Охунликдир эл кўнглини хуш айламак.
Авваллари тўйда ўлан айтганим йўқ,
Энди айтиб келаман, не дейди халқ.

Ёр-ёрларда асосий мақсад келин-куёв таърифи, уларга тилак билдириш бўлса, ўланлардаги бош мақсад айтишувда ғолиб чиқишдир. Ўзбек халқининг машҳур «Алпомиш» достонида ҳам Алпомиш ва Бодом бикач айти-

шувларини назарда тутсак, ўланларнинг вужудга келиши жуда қадимий эканлигига амин бўламиз.

Йигит ва қиз ўртасида айтишувда чечанлик мусобақаси шиддат олиб, юксак нуқтасига ета бошларкан, мусобақадорларда ўзаро маънавий яқинлашув зоҳир бўла беради. Шу аснода улар бир-бирларига нисбатан майл ва истак ҳосил қилиб, ўзаро маънан боғлана борадилар. Бу, албатта, бир-бирларига уланишдир. Улан истилоҳи шу ҳодисани ифодаловчи «уланг» ёки «ўлан» буйруқ феълтини истак маъносида қўллаш асосида юзага келган. Бу Алишер Навоийнинг мутақориб баҳрида битилган «Садди Искандарий» достонида Искандарнинг тўйи муносабати билан шоир лирик хотимада соқийга қилган мурожаатни ифодалаган қуйидаги мисраларда яққол аёнлашган:

Муганний тузуб чинга вазнида чанг,
Наво чекки, ҳай-ҳай ўланг, жон ўланг,
Десанг сенки: жон қардошим, ёр-ёр,
Мен айтайки: мунглуғ бошим, ёр-ёр¹.

Демак, Навоийнинг илҳомбахш мисралари халқ шеърияти ва санъатининг замонлар оша яшаб келишини, анъаналарининг янги мазмун ва шакл билан бойиб боришини кўрсатади.

Ўланларнинг бир тури – айтишув бўлиб, келиннинг дугоналари билан куёв жўралари орасида бўлиб ўтади.

Қиз:

Ой олмоққа шул ошиқнинг қўйи етмас,
Қўйи етса етар, аммо ўйи етмас.
Осмон олис, ойи баланд, ушлайман деб,
Унча-мунча интилганнинг бўйи етмас.

Йигит:

Қиз деганинг баҳор бўлса, бўлса ҳам куз,
Бўлса ҳам ой, бўлса-да бир ёруғ юлдуз,
Яхшимасми дўмбирага даъво қилмай,
Ёр-ёр айтиб, чалиб юрса гар чанқовуз.

¹ **Алишер Навоий.** Садди Искандарий. Тошкент, Ф. Фулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991, 352-б.

Қиз:

Эр деганнинг танига куч тўлса яхши,
Кураш тушгач йигитда ор бўлса яхши.
Йўқса зўрдан зўр чиққанда фириб қилиб,
Чалим берганидан кўра ўлса яхши.

Йигит:

Гар айтсам тўлин ойнинг алдамчи сурури бор,
Юзида на андиша, на уят, гурури бор.
Кўп ҳам ҳаволаб кетмай паст тушса яхши эди,
Ахир ёноқларида офтобнинг нури бор.

Никоҳ тўйларида қўшиқлардан ташқари бўй етган қиз-йигитнинг турмуш қуриши билан боғлиқ қадимий, анъанавий одат ва маросимлар ҳам амалга оширилган. Куёв бўлаётган йигитта турли шароитлар қўйилган. Масалан, оддий халқда куёв болага тўнка ёрдириб, ер чоптириб, чавандозлигини, кураш тушишини, косиб-усталигини синаб имтиҳон қилиб кўришган.

Халқда ҳазил аралаш бир гап бор: ўзбек қизи аввал кашта тикишни ўрганган, сўнгра қадам босишни. Бўйи етгач турмушга чиқа туриб, эрининг уйига бир қанча каштали буюмларни ўзи билан бирга олиб борган. Бухоролик чевар келинлар хона деворини безайдиган сўзана-зардевол, кўрпа устига тўшаладиган чойшаб, дастурхон, сандалипўш, ёстиқ қопламаси, рўйжо, тўй сочиғи-қузулунги, туз, чой, чақа-танга ва қўлрўмоллар солиб қўйиладиган халтачалар тўқиганлар, тикканлар. Хотин-қизлар кийим-бошларини турли кашта нақшлари, жумладан, аёллар қўйлагининг ёқасига жияк-пешкурта, лозимга жияк солиб беаганлар.

Бухоро жаҳон маънавий хазинасига бетакрор ва мафтункор, гўзал ва жозибатор санъати, қадимий урф-одатлари билан баракали ҳисса қўшган. Бухоронинг меъморчилик санъатини донишмандлардан бири «кўҳна тарихнинг абадиятга айланган мунгли мусиқа оҳанг»ларига қиёс қилган экан.

Дарҳақиқат, қўшиқ ва куйларимизга, рақс ва ялларимизга, ёр-ёр ва ўланларимизга худди шу меъморчилик санъатининг руҳи, таровати, жозоба ва жилоси сингиб кетгандай.

Ҳар бир жойда бўлгани каби Бухоронинг никоҳ тўй-ларида ҳам халқнинг ўзига хос фазилати, ғайрат-шижоати, қалби акс этади. Никоҳ тўйлари ва у билан боғлиқ маросимлар халқимиз маданиятининг жуда бой ва қадимийлигидан далолат беради.

Никоҳ тўйигача қудалар ўртасида маслаҳат оши берилади. Қиз томон рози бўлса, рўмол берилади. Сўнг унаштириш маросими ўтказилади. Халқ орасида бу одат «нон синдириш» деб ҳам аталади. «Нон синдириш» деб аталишига сабаб, келиннинг тоғаси бир нонни иккига бўлиб, ярмини куёвнинг вакилларига, ярмини келиннинг отасига берган. Улар эса нонни майда бўлақларга бўлиб, йиғилган одамларга улашганлар. Бу икки томоннинг қариндошчилик қилишга розилигининг рамзи бўлган.

Фотиҳа тўйидан кейин келин хонадонига ҳайит, байрам кунлари ҳайитликлар жўнатилади. Келин туширишнинг ўзи катта бир маросим бўлиб, қудалар азалдан амал қилиб келинаётган таомилга риоя қилишган.

Никоҳ тўйидан бир кун олдин «тақо-туқ» дсган маросим ўтказилади. Бу маросим ҳар икки томонда ҳам бўлади, яъни унда тўй дастурхонини тузатишга тайёргарлик кўрилади. Аёллар ҳар хил пишириқлар: чак-чак, бодоми, варақи каби дастурхоннинг кўрки бўладиган тансиқ таомларни пиширадилар. Пишириқлар махсус тоғора, сирли идишларда сақланади.

Никоҳ тўйидан олдин чоршанба ёки жума кунлари куёв томон келинникига тўй юки олиб боришади. Ўша куни мол сўйилади.

Қудалар келгач, ширинликлар сочилади, юзларига ун суртишади. Қудаларга «тўй олар» («тўйгирон») оши сузилади. Шундан сўнг иккита чевар, серфарзанд, бир никоҳли аёл бистар тикади. Бистар ичига тариқ сепилади яъни фарзандларимиз — келин ва куёв серризқ бўлсин, деган маънода; уларнинг умрлари узун бўлсин, деб етти хил ип айлантирилади: ўғил-қизи кўп бўлсин, деб икки дона ошиқ қўядилар. Битта келин томонидан, битта куёв томонидан бўлган икки аёл келиннинг «бахт тахти» ёки «рахти»ни урадилар. Бунда келин ва куёвнинг оналари келинга атаб қавиган кўрпа-тўшакларни сандиқ устига терма қилиб йиғадилар. Сандиқнинг юзи қиблага

қаратилган ҳолда қўйилади. Кўрпалар терилгач, устидан чиройли патдўзи тўрт хил сўзана, палаклар, жойнамоз, такияпўшлар билан ёпиб, сочқилар сочилади. Сўнгра аёллар мухаммас айтиб, ўйин-кулги қилишади. Масалан:

Гул шумо, сумбул шумо,
Тўйҳо муборак ба шумо.
Гул шумо, сумбул шумо,
Ин рахт муборак ба шумо.
Гул шумо, сумбул шумо,
Домод муборак ба шумо.
Гул шумо, сумбул шумо,
Келин муборак ба шумо.

Таржимаси:

Гул — сиз, сумбул — сиз,
Тўйлар муборак сизга.
Гул — сиз, сумбул — сиз,
Бу рахт муборак сизга.
Гул — сиз, сумбул — сиз,
Куёв муборак сизга.
Гул — сиз, сумбул — сиз,
Келин муборак сизга.

Кечга яқин икки аёл ва икки эркак куёвга сарпо олиб борадилар. Сарполар ўралган дастурхон жуфт — иккитадан тўрттагача бўлиши мумкин. Бу келин-куёв жуфт бўлсин, деган маънони билдиради. Сарпо оқ қўйлак, оқ майка, дўппи, бир саллалик оқ дока, шим, белбоғ, чопон, атирдан иборат бўлади. Кийимларнинг ҳаммаси оқ бўлиши шарт. Бу халқнинг ранг билан боглиқ иримидан келиб чиққан эътиқодига кўра оқ — поклик, софлик, бахт рамзи тарзида қабул қилинган.

Ниҳоят, куёвга сарпо кийдирилади. Кўпни кўрган, пиру бадавлат бир никоҳли киши куёвга сарпо кийдиради. Бу маросимда қуйидаги қўшиқ ижро этилади:

Э куёвжон, этагингиз гулларга тўлсин,
Э куёвжон, дасторингиз гуллардан тўлсин.
Сизнинг баланд бўйингиздан айланай ўзим,
Камарчаларингизни ҳам боглагай ўзим.

Сарпо ёхуд тўн кийдириш маросими тугагач, куёв элтиш ёхуд Бухорода домодбари маросими бошланади: куёв ўз уйидан келин хонадони сари отланаркан, «куёв гапирди» ирими амалга оширилган. Иримга кўра, куёв жўралари ва кузатувчилари қуршовида ўз ҳовлисида чиқаётганида онаси уни чақириб қолади. Шунда куёв онаси чорловига жавобан қуршовдан чиқиб, онаси ёнига келиб, унга пул бериб қайтса, демак, у хотини томонга оғмайди, борди-ю эшитмаганга солиб онаси чорловини эътиборсиз қолдирса — бу унинг келин томонга оғишини англатармиш¹. Шунингдек, куёв келин-никига йўл ола туриб барча жўралари ва кузатувчилари билан ўз дарвозаси олдида алоҳида бир тантанаворлик билан чиқаркан, дастлаб жар² удумини бажаришади.

«Жар» сўзи «Ўзбек тилининг изоҳли лугати»да ифодаланганидек, форс-тожик тилида «ернинг чуқур ўйиқ жойи», четлари ўпирилган чуқур сойлик, «чуқурлик» ва араб тилида «баланд овоз билан, очиқ эълон қилиш» маъноларини англатади. Афтидан, арабча ифодасида кўчма маъно мавжуд бўлиб, аслида ибтидоий аждодларимиз ўзаро муносабатларида бирор воқеани ҳайқириб айтиши ёки хавф-хатардан бир-бирларини огоҳлантиришини англатган. Шунданмикинки, бу маънолар тўй ва ўлимга алоқадор ҳозирги айрим удумларда ҳамон ўз акс садосини сақлаб турибди. Чунончи, Бухоро воҳасидаги айрим қишлоқларда майитни тобутга солишдан олдин, аниқроғи, ювилиб бўлгач, тўрт киши тобутни бошлари узра даст кўтариб туради, бошқа уч ёки беш киши бир-бировларининг бўйин-елкалари узра қўл солишиб доира-ҳалқа ҳосил қиладилар-да, ўша тобут остида жазавага тушган ҳолатда «Ув-ҳо-ув, ув-ҳо-ув, ув-ҳо-ув!» дея уч марта гир айланадилар. Ҳар бир «ув-ҳо-ув» дейилганда доира-ҳалқа бир силкиниб, қаддини ростлаб олади-да, яна бараварига ярим эгик ҳолатга тушиб айлангани қадам ташлайди. Бу марҳум билангина

¹ М. Қосимова. Келиннинг ортидан тош отманг. — «Маҳалла» газетаси, 2008, 27 февраль.

² Бу ҳақда қаранг: О. Сафаров, Ф. Ҳайитова. «Куёв элтиш», «Келин элтиш» удумлари ва жарлар. — «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 1991, 6-сон, 35–39-бетлар.

эмас, балки ўз навбатида, унинг ҳам ўз хонадони, оила-
си, қариндош ёр-биродарлари билан абадий хайрлашуви
маъносини англатади.

Қолаверса, Бухоро воҳасидаги талай қишлоқларда
ўтказиладиган никоҳ тўйларида куёвни келинниқига
элтишда, шунингдек, аксинча, келинни куёвниқига олиб
келиниши биланоқ гулхан атрофида уч марта айланиш
ёки учта гулхан атрофида айланиш жараёнида ҳам «Ув-
ҳо-ув» дея жар солиш удуми мавжуд. Бу ўринда «Ув-ҳо-
ув» жари хушхабардан воқиф этувчи маъно касб этса-
да, аслида мазкур сўз Қуръони каримдаги «Хуваллоҳ ҳу»
оятининг жонли сўзлашувда экстаз ҳолатидаги талаф-
фузда шаклан ўзгарган. Фикримизни Ўрдабеклининг
қуйидаги мулоҳазаси яққол тасдиқлайди. У ёзади: «Ҳик-
мат»даги (Аҳмад Яссавий асари кўзда тутилган) мана бу
тўртлик ҳам бизнинг фикримизга далил бўлади:

Тириклик мазаси, жон ҳизоси Ҳу,
Иймон ҳақи ҳам Ҳу, асли ҳам Ҳу.
Қуръон ичра хабар берур Хуваллоҳ Ҳу,
Етиб туруп ушбу улуг оят анга.

«Қуръон ичра хабар берур Хуваллоҳ Ҳу»даги «Хувал-
лоҳ Ҳу»ни «Оллоҳнинг ўзи» деб таржима қилмасдан ўзга
чора йўқ.

Яссавияда, умуман, сўфийликда «Ҳу»нинг Худо
маъносида ёлғиз қўллана олишининг заминиди ҳам
унинг ўз маъноси ётади:

Ҳу деб келди бу жоним, яна Ҳуга боргуси,
Тавфиқ рафиқ бўлубон Ҳудин Ҳуга ўтгуси.

Илмий жамоатчиликка маълум бўлган ва огзаки
адабиётимизда кенг қўлланиб келаётган («Ё Ҳу» муро-
жати ва «Ё Ҳу деб бошни олиб кетди» ибораси) шакл-
лар ҳам буни тасдиқлайди. Шундай қилиб араб тилидаги
«Ҳу» турки (ўзбек) тилидаги «ўз»га муқобил маънога
эга бўлган ва бу, ўз навбатида, турки «Ўз»нинг Яратган
маъносида янада кенг ва конкрет қўлланишига омил
бўлган.

Хуллас, Аҳмад Яссавий даврига келиб «Ўз» сўзи араб
тилидаги «Ҳу»га эквивалент бўла олиши учун ҳамма

маънолар ҳозир эди. Ҳатто «Ўз»да моҳият, руҳ, жон маъноларининг мавжуд бўлиши учун унинг «Ҳу» таъсирсиз ҳам исломий «Яратган» маъносида ишлатилишига имкон берар эди¹. Бинобарин, инсоннинг ёруғ олам билан видолашуви жараёнида «Ув-ҳо-ув» жарида Руҳнинг Оллоҳга қўшилишига ишора маъноси бўлса, куёш сифатида гулханни айлана туриб солинадиган «Ув-ҳо-ув» жарида Оллоҳнинг инояти билан эркаклик бурчини ўташга чоғланаётгани билан қўша қариш саодатини ва эл олдида юзи ёруғ бўлишини сўраш маънолари борлигини пайқаш қийин эмас. Бинобарин, жар солиш усули жаҳрияга хос зикр тури бўлиб, ўзбек никоҳ тўйлари таркибида урф сифатида сақланиб қолган. Афсуски, ҳозирги тўйларда куёв элтишга ёшлар бу ҳодиса моҳиятини тушунмай, «Урра-урра!» дея ҳайқириб борадилар. «Урра» сўзи эса аслида урушга даъват этувчи, жасоратга чорловчи «ур-ҳо-ур» сўзидан ясалган, шу боисдан уни жарда ҳайқириб айтиш мантиқсизликка олиб келади.

Ниҳоят келин-куёв жуфтлиги нишонаси сифатида қўш машъала ёқилиб, сўнгра куёвнўкарлар қуршовида дарвоза бўсағасидан чиқиши билан кексалар куёвга оқ йўл ва бахт тилаб фотиҳа беришгач, шу ернинг ўзида гулхан ёққанлар. Куёвнўкарларидан бир гуруҳи жарчи сифатида олдинга ўтишган ва бир-бирларининг бўйин-елкасири узра қўл солишиб, ҳалқа доира шаклида «Ув-ҳо-ув» ёки «Ув-ва-ув» дея жар сола туриб, гулхан атрофидан уч марта айланишган. Куёв иккинчи гуруҳ нўкарлари қуршовида жарчилар орқасидан гулханни айланган. Бу билан куёвга қаратилган ҳар қандай инс-жинслар, ҳасадлар олди олинадилар, деб эътиқод қилинган.

Куёвни элтишда маълум тартибга риоя қилинган. Олдинда икки машъалани кўтарганлар, улардан кейин жарчилар, ўртароқда эса куёв нўкарлари қуршовида йўлга тушганлар. Айрим жойларда куёв зийнатланган хос отга миндирилган. Бунда келин ҳовлисининг масофаси ҳисобга олинган. Айрим ҳолларда эски тасаввурлар таъсирида кўзикишдан сақланиш мақсадида куёв бошига чопон ёпганлар. Одатда карнай, сурнай ва ногора садо-

¹ Ўрдабекли. Ўз ва Ўзлик. – Ўз АС. 1997, 4 июль.

лари остида йўлга тушилган. Куёвнинг нўкарлари қуршовида юриши, машғалалар ёқилиши, мусиқа остида ўйин-кулги қилиниши нафақат тўй шодиёнасини англаган, балки «ёмон кучлар»дан сақловчи магик восита ҳам саналган. Бу русумларнинг асрий анъана сифатида яшовчанлиги сабаби шу хусусиятидадир.

Куёвнўкарлари йўл бўйи куёвни элтаётганликларини билдириш мақсадида жўшиб-тошиб «Ҳа-ҳа-ҳувва», «Ҳуй-бале» дея устма-уст ҳайқириб жар солиб борганлар. Куёв ва келин уйлари оралиғи узоқ бўлса, йўл-йўлакай «Ҳуй-бале» ва «Анталҳодий» сингари махсус қўшиқларни бақириб-чақириб куйлаб борганлар. Кармана, Тошработ ва Арабсарой қишлоқларида «Ҳуй-бале» қўшиқлари айтилса, Шофиркон туманининг Додбоғни, Қумбосди, Талисафед, Қалъаи Мирараб, Йўхсун сингари бир қатор қишлоқларида «Анталҳодий» қўшиғи куйланади. «Ҳуй-бале» ҳам, «Анталҳодий» ҳам куёвнинг элтилаётганидан бонг уриб дарак бериш вазифасини бажарган. Аммо шу мақсаднинг бақириб-чақириб куйланишида ифодалангани жар солиш асосида акс эттирилгани туфайли жарлар деб юритилади.

Жарларнинг асосий хусусияти шундаки, улар «Куёв элтиш» удуми сюжетиқаси, кечиш тарзи билан деярли боғланмаган, асосан, лирик-ишқий характердалиги билан ажралиб туради. Жарларнинг ижроси ҳам ўзига хос. Куёв нўкарлари орасидан сўзга чечанроғи, аниқроғи, шу қўшиқни биладигани ва куйлай оладигани яккахон тарзида лирик парчани катта ашула услубида ҳеч қанақа мусиқий асбоб жўрлигисиз (айрим ҳоллардагина доира жўрлигида) бор овози билан куйлайди, куёвнинг бошқа нўкарлари эса ҳар банд охирлагач, бараварига «Ҳуй-бале» ёки «Ҳуй-бала-бале» дея жар солишиб жўрлашган.

Яккахон:

Сен қачон гул деб юбординг,
Мен сенга гул бермадим.
Сен қачон шахзода бўлдинг,
Мен сенга қул бўлмадим.
Дуторингни қўлга олиб,
Қоматингдай турмадим.

Куёвнўкарлар:

Хуй-хуй-хуй, хуй-бале!
Хуй-бале-бале, хуй-бале!

Сиртдан қараганда, яккахон ижросидаги олтилик-нинг сўнгги икки сатри дутор детали ва унга ўхшаган ёр қоматини эслатиши туфайли банднинг дастлабки тўрт сатрини ташкил этган риторик сўроқларда ифодаланган ёрга интиқлик мотивига мантиқан боғланмагандай. У кутилмаган ўткинчи таассурот, лекин янги бир таассуротни уйғотишга турткига айланганидан ўз табиий оқимида эканлигини тезда пайқаш осон. Зотан, дутор детали кейинги олтиликдаги мотивнинг қалқиб отилишига мантиқий туртки берган. Шу зайлда бандлараро мотив изчиллигига эришилган ва қўшиқнинг композицион яхлитлиги таъминланган.

Яккахон:

Дуторингни аста чалгин,
Оқ билагинг толмасин.
Оқ билагинг толса-толсин,
Ваъданг ёлғон бўлмасин.
Ваъдадан қайтса куёв,
Асло мусулмон бўлмасин!

Куёвнўкарлар:

Хуй-хуй-хуй, хуй-бале!
Хуй-бале-бале, хуй-бале!

Жарларда бандлар аксаран ошиқ йигитнинг маъшуқага мурожаати, пинҳон дил розлари изҳоридан иборат шаклда таркиб топган.

Яккахон:

Кел энди, раҳбари руҳим,
Эмассан энди бегона.
Эшигингдир мудом роҳим,
Қилиғинг қилди девона.
Насиб этди бугун тақдир,
Менга суҳбатинг жонона.

Куёвнўкарлар:

Хуй-хуй-хуй, хуй-бале!
Хуй-бале-бале, хуй-бале!

Гоҳида олқиш жарнинг умумий руҳига айланади, натижада қўшиқ ифодалаган мотив муқаддаслигининг кучайтирилишига эришилган. Бундай ҳолатда дидактик талқин устуворлик касб этиб, яхшилик ва ёмонлик ахлоқий тушунча сифатида қиёсланиб, эзгуликкагина даъват қилинади.

Яккаҳон:

Қорамуғдай сомониси,
Қорабуғдой сомони бўл.
Ёмоннинг яхшиси бўлмай,
Яхшиларнинг ёмони бўл.
Ҳамиша боғаро яйраб,
Омонларнинг омони бўл.

Куёвнўкарлар:

Хуй-хуй-хуй, хуй-бале!
Хуй-бале-бале, хуй-бале!

Аммо «Анталҳодий»¹ жар қўшигининг ижроси бир-мунча фарқлидир. Яккаҳон ҳар бир сатрни алоҳида Solo тарзида куйлайди. Сўнгра куёвнўкарлари ўзаро жўрликда «Анталҳодий мавлон дўст обло раббано» сатрини нақарот сифатида ҳайқириб куйлашади:

Яккаҳон:

Ховлингизда якка тол-о,

Куёвнўкарлар:

Анталҳодий мавлон дўст обло раббано.

Яккаҳон:

Якка толга пайванд сол-о,

Куёвнўкарлар:

Анталҳодий мавлон дўст обло раббано.

Яккаҳон:

Уйинг куйсин пояки-ё,

Куёвнўкарлар:

Анталҳодий мавлон дўст обло раббано.

¹ Бу қўшиқни Шофиркон туманидаги Додбоғни қишлоғида яшовчи 96 яшар Тоҳир бобо Изроковдан ёзиб олган эдик. — О. С.

Яккахон:

Шу баччага чилим сол-о,

Куёвнўкарлар:

Анталҳодий мавлон дўст обло раббано.

Нақарот вазифасини ўтовчи сатрда диний маъно кучли: Анта-л-Ҳодий — Сен йўлга солувчи, тўғри йўлни кўрсатувчисан, қулингман ўзингга, Раббим. Нақарот сифатида бу сатрининг қайта-қайта такрорланиши жар жававасини кучайтириб борган, шу асосда жарнинг йўл бўйи куйланишига хос ритмик жозибасини таъминлашга хизмат қилган, жар шу тахлитда бадиҳатан усули жаҳ-рияда ижро этилади.

Шуни таъкидлаш ўринлидирки, куёвнўкарлар жар ижроси жараёнида куёв бўлаётган жўраларини келин билан учрашувга руҳан тайёрлаб борганлар. Шу зайлда бир-бирларини сира кўрмаган, танимайдиган киши-ларнинг турмуш қуриш нияти илк учрашувлари учун руҳий вазият яратилган. Бинобарин, «бачча» — қайлиқ образига ишора бўлиб, куёвда унга нисбатан эҳтирос қўзгаш қўзланган. Шу сабабли уни «баччабозлик» таш-виқи ёки қўшиги сифатида талқин қилишга асос йўқ. Буни жарда ифодаланган мотивдан пайқаб олиш мумкин:

Қошинг Қашқар қамиши-ё,

На қ а р о т

Тишинг заргар кумуши-ё,

На қ а р о т

Қайси сойдан келодур-о,

На қ а р о т

Шу баччани (нг) товуши-ё,

На қ а р о т

Ман боғимга бормаيمان-о,

На қ а р о т

Боғбон бўлса юрмайман-о,

На қ а р о т

Энди кирдим ақлимга-ё,

На қ а р о т

Нодон билан юрмайман-о,

На қ а р о т

Қизил гулни (нг) равшани-ё,

На қарот
Айтиб келинг ўшани-ё.
На қарот
Бир ёстиққа ётганни-ё,
На қарот
Билмайдир андишани-ё.

Куёвнўкарлар куёвга, келинни кўргач, нуқул ўша билан бўлиб, жўраларни унутиб юбормасликни эслатишни ҳам ўрнига қўйганлар. Бундай эслатишнинг ўзиёқ «бачча» — бу келин образи эканлигини яна бир бор тасдиқлашга асос бўла олади:

Қизил гул тарам-тарам-о,
На қарот
Давлатим — ёру жўрам-о,
На қарот
Давлат десам топилур-о,
На қарот
Топилмас ёру жўрам-о,
На қарот.

Шуни ҳам айтиш керакки, ҳозирги пайтда «Куёв элтиш» удумида жарларни ижро этиш деярли унутилган, куёвнўкарлари аксар ҳолларда шунчаки «Хуй-бале» ёки «Урра» деган ҳайқиреқлар билан кифояланадилар.

Ўтмишда «Келин элтиш» удумида ҳам жар қўшиқларини ижро этиш анъанаси мавжуд бўлган. Одатда келин куёв уйига яқин келгач, ёр-ёр айтиш тўхтатилиб, келиннинг келганидан хабар бериш мақсадида кўча-қўйни тўлдирувчи жарлар куйлана бошланган. Бундай жарлар «Келин элтиш» удумида айтиладиганларидан фарқли ўлароқ, удум сюжети — воқелиги билан узвий боғлиқлик касб этган. Бундай жарлар мазмун-мундарижасига кўра юмористик ва тавсифий характерга эгадилар.

Юмористик жарлар ҳазил-мутойиба, шўх-шаънлик мазмунига эга бўлиб, асосан, удумнинг қизиқарлилигини, бутун тўй маросимининг эса қувноқ ва хуррам кайфиятда ўтишини таъминлашда хизмат қилган. Уларни ҳам яккахон ва жамоа жўрлиги асосида ижро этишган. Яккахон, албатта, малакали қўшиқчи бўлган. Шуни айтиш керакки, бу хилдаги жарларни ҳам, асосан, келин-

ни кузатиб келаётган йигит-яланглар, аниқроги, келин авлодлари ва куёв нўкарлари ижро этишган.

Яккахон:

Келин келоди лоладай,
Ҳар бир кўзи пиёладай.
Не салому, не алик,
Кўшга қўшган жуғонадай.
Ҳуй-бале!

Ҳамма:

Ҳуй-бале, бале-бале!

Сирасини айтганда, бу шунчаки кулги чиқаришга қаратилган оддийгина қийқириқ эмас, унинг замиридаги ҳазил куёв хонадонига келаётган келинни ахлоқан огоҳлантириш маъносига эга. Янги хонадон аҳли келинни шу хилда таҳқирламасликлари учун у инсоний одоб қоидаларини унутмаслиги лозим. Ўз оиласи, отонаси шаънига доғ туширишдан, уларни хижолатга қўйишдан огоҳлантирувчи пичингомус кесатикдан мақсад — ўша ҳолатни эсдан чиқармасликка ундовдир. Бундай қувноқ юмористик руҳ малол келмаганидан, ўзига хос ҳазилкашлик шаклида кечажагидан келинга оғир ботмайди. Бу ҳол унга янги-янги истакларни билдиришга йўл очган. Инчунун, сабр-тоқатли, андишали бўлиш тилаги унга шу йўсинда изҳор қилинади:

Яккахон:

Кўзи қозоннинг бошида,
Ўзи эгарнинг қошида.
Заррача йўқ бардошдан,
Чивин тушгандай ошига,
Ҳуй-бале!

Ҳамма:

Ҳуй-бале, бале-бале!

Тожик фольклоршуноси Ф.Зеҳниеванинг фикрича, юмористик жарлар келинни ёмон кучлардан, кўзикишдан сақлашдан иборат магик мақсадга ҳам эга. Бу тўғри фикр бўлиб, юмористик характердаги жарларнинг

нисбатан кўплиги сабаби ҳам ана шундадир. Жумладан, куйидаги жар намунасида худди шу кўзлангани яққол сезилиб туради.

Яккахон:

Келинни кўринг, келинни,
Келмай туриб тилини.
Келинни кўрдик — кал экан,
Келинни кўрдик — шал экан.
Ҳуй-бале!

Ҳамма:

Ҳуй-бале, бале-бале!

Бу хилдаги жарлар халқдаги ҳазилкашлик руҳининг нечоғлиқ баланд эканлигинигина эмас, балки ҳазил қила туриб ҳам ўғит — насиҳат қила олишини, ҳазил воситасида ҳимояга ола билишини ёрқин тасдиқлайди.

Тавсифий характердаги жарларда эса келин бўлмиш қизнинг фазилатлари, кўрку жамоли, орасталиги васф қилинади:

Келин келоди лоладай,
Ҳар бир кўзи пиёладай.
Сурма сурган иликдай,
Қоши камон пиликдай.
Ҳуй-бале!

Яна:

Юзлари нақш олмадай,
Белда сочи толмадай.
Келин агар сўзласа,
Ҳар бир сўзи болмидай.
Ҳуй-бале!

Афсуски, бу хилдаги жарлар беҳад кам ёзиб олинганидан уларга дахлдор барча хусусиятлар юзасидан баҳс юритиш имконияти йўқ. Шунга қарамай, юқорида баён этган мулоҳазаларимизнинг ўзиёқ жарлар «куёв элтиш» ва «келин элтиш» сингари азалий ва ғазалий удумларимизнинг узвий қисми сифатида қачонлардир шаклланишини, ўзига хос тараққиёт йўлини кечганини, замонавий тўйларимизга хос янги анъаналар қарор топа бошлаши билан мазкур удум трансформацияга учраб, вербал узвига эҳтиёж қолмаганлигидан бора-бора сўниш

сари юз тутганлигини, бугунги кунда эса рудиментар ҳолда айрим отахонлар ва онахонлар хотирасидагина яшаётганлигини асослаш имконини беради.

Келинникида уларни махсус ажратилган уйга кири-тадилар. Келиннинг вакил отаси ва бошқалар никоҳга тайёргарлик кўриб бўлганларидан кейин куёвни ўртоқ-лари билан мулла ўтирган хонага олиб кирадилар. Никоҳ ўқиш пайтида келин томон ичкарига, куёв томон эса ташқарида турадилар. Мулла одатий никоҳ хутбасини ўқиб, уларнинг розиликларини уч борадан сўраб, сўнг уларнинг бир-бирларига никоҳ қилинганликларини ва шу дамдан эътиборан эр-хотин бўлганликларини эълон қилади. Никоҳ ўқитаётган пайтда дастурхонга нон, қанд, бир косада сув қўйилади. Никоҳдан кейин эса, сувни келин-куёв бир ҳўпламдан ичиб, сўнг бошқаларга уза-тадилар. Нон, қанд, сув қўйилишининг сабаби ёшлар-нинг умри, турмуши ҳамиша тўқлик, тўкинлик билан ширин ўтсин, деган ниятни ифодалайди. Никоҳ ўқила-ётган пайтда куёвнинг онаси ёки жўраси беқасам тўн-нинг елкасидан игна билан ипни ўтказиб туради. Бунинг маъноси шуки, келин-куёв бир-бирига ҳамиша бирикиб юрсин, ажралиб кетмасин; келин-куёвнинг тақдир пешонаси тугилмасин. деб ипнинг учлари тугилмайди. «Ҳамиша бугдойдан сероб бўлсин, бола-чақали бўлсин» деган ниятда куёвнинг бошидан бир ҳовуч бугдой сепи-лади. Никоҳ ўқилаётган хонада фарзандсиз ёки бегона киши кирмаслиги шарт, шунингдек, ҳатто пичоқни фи-лофига солиш ва эшикни занжирлаш ҳам қатъиян ман қилинади. Бу иримлар келин-куёвга бегона кўзлар туш-маслиги, никоҳ бузилмаслиги учун бажарилади.

Шу вақтда келинни ҳам ясантириб туришади. Келин бошида ипак рўмол, юзида оппоқ ҳарир, эгнида беқасам камзул ёки зардўз тўн, пешанасида тиллақош, қулоғида зирак, кўкрагида олтин ё кумуш нишонли зебигардон...

Тўйга келганлар келин-куёвни табриклашади, бош-ларидан сочқилар сочишади. Ҳамма зиёфат дастурхони атрофида жой олишга киришади, бироқ янгалар бунгача келин кирадиган хонага янги урилган рахт қаршисида чимилдиқ ура бошлайдилар. Қоракўл туманидаги Саёт қишлоғида чимилдиқ уриш жараёнида уни таърифлаб қуйидаги қўшиқ қуйланади:

Қироғи, ҳой қироғи,
Куёвбекнинг фироғи.
Ҳилпиллади, ёпилди,
Чимилдиғи қироғи¹.

Чимилдиғи чин кашта,
Келинойим ўн бешда.
Хўп бамаъни келин-да,
Сочи қирқта — санашта.

Чимилдиқ — чўпи чинор,
Етти кунлик сири бор.
Ичида бор бўйи чинор,
Сийнаси алимга² зор.

Ҳилпиллайди чимилдиқ,
Тонг шамоли елганда.
Келинойим сузилар,
Куёвбеки келганда.

Чимилдиғ-о, чимилдиқ,
Ойи бор қуроғида.
Келинойим арийди³,
Куёвбек кучоғида.

Чимилдиғу чимилдиқ,
Чиройингга қоқиндиқ.
Қимтанади нозланиб,
Келинойимча дўндиқ.

Чимилдиқнинг чилбоғи,
Бемаврид узилмасин.
Келинойим кўзига⁴,
Бевақт ёш тизилмасин.

Чимилдиқ, одатда, оқ рангдаги матодан бўлган ёки четларида оқ ҳошия тикилган, жуда бўлмаганда, чимилдиқнинг михга тортиладиган иплари оқ рангда бўлган. Чимилдиқнинг тепасида икки жойда «келин-куёв доим пахтадай очилиб турсин, бахтлари оппоқ бўлсин» деган

¹ Қирғоғи.

² Кўлимга.

³ Эрийди. Шева талаффузиға кўра ёзилди.

⁴ Кўзига.

ниятда икки тутам оқ пахта қўйишган. Чимилдиққа тутилмаган, оҳорли, янги кўрпача ва устига оқ чойшаб солинган. Бу келин-куёвнинг бахт ўриндиғи саналган.

Чимилдиққа дастлаб келин киритилган. Унинг бошига иккита нон қўйилган. Олдинроқда бирор яқин қариндоши (албатта, бир никоҳли серфарзанд аёл танланган) ун тўла баркашда иккита ёниб турган шам билан келин йўлини ёритиб борган. Бунда шамни ёқиш учун ишлатиладиган гугуртнинг куёв томонидан келтирилганлигига ҳам эътибор қилишган. Чимилдиққа келиндан аввал шам киритилган, бунинг сабаби шундаки, шам, умуман, олов нопокликдан (нопок кучлар, нопок ҳислардан) муҳофаза қилади, деган ишончдир. Шунингдек, олов — равшанлик, ёруғлик рамзи, ун эса — поклик рамзи ҳисобланган.

Шу тариқа олдинда шам кўтарган аёл, унинг орқасидан саломномахон, кейинда икки аёл — янга етовида келин, улар атрофида келин дугоналари, янгалар, қудакудайлар секин-секин юриб келишган. Улар атрофида исириқ тутатувчи парвонадай айлана туриб:

Ҳазориспандни донаси,
Келин-куёвни шонаси.
Чашми меш, чашми хеш,
Ҳамсояҳои гирду пеш.
Ҳазориспанд — ҳазор дона,
Ҳазор дардга давойи.
Онасини (нг) кўзи,
Отасини (нг) кўзи
Келин-куёвга тегмасин.
Ким шуларга кўз қилса,
Кўзи елкасидан чиқсин, —

дея тутатиб турган, келинни кузатаётганлар эса исириқ тутунини елпиб-елпиб искаганлар ва баҳоли қудрат садақа ҳақини бериб юборганлар.

Келин қай тахлитда чимилдиққа киритилган бўлса, куёв ҳам худди шу тартибда чимилдиққа киритилган. Бунда шамни куёвнинг бирон-бир яқин қариндоши бир никоҳли серфарзанд аёл ёққан ва олиб юрган. Куёв оёғи остига оқ пояндоз солганлар, бу билан куёв йўли оқ

бўлиши ният қилинган, куёв эса ишининг мудом ўнгдан келишини истаб пояндозни ўнг оёғи билан босган.

Келин-куёвни чимилдиққа олиб киритишаётганда бошларидан ширинликлар, тангалар сочишган, бу билан уларнинг ширин ва фаровон турмуш кечиришлари исталган.

Келин-куёвни чимилдиққа киритиш — аслида бундан кейинги оилавий ҳаётга биргаликда киришувнинг дебочаси, қолаверса, оламнинг бир гўшангасида уни тўлдириб яшашга аҳд-паймон қилган янги бир оила ҳам дунёга келганлигини англатади. Шу боисдан чимилдиқ баъзи жойларда гўшанга деб ҳам юритилади.

Бинобарин, чимилдиққа кириш улуғ бахтгина эмас, балки улуғ масъулият ҳам саналган. Шу масъулиятдан сабоқ бериш мақсадида Бухоро никоҳ тўйларида «Саломнома» ўқиб, келин-куёвни чимилдиққа кузатиш анъанага айланган. Сирасини айтганда, бу вазиятда «Саломнома» қироат қилинган ва келин куёвникига туширилгач, эртасига ўтказиладиган беточар маросимидаги «келинсалом» айтишдан тубдан фарқ қилади.

Саломномахонлик Бухоро никоҳ тўйлари силсила-сида алоҳида ўрин эгаллайди. Ва маросимнинг вербал қисмини ташкил этиб, ижтимоий-ахлоқий мотивга сугорилган қўшиқ сифатида алоҳида аҳамият касб этади. Негаки, унга янги оила қураётган ёшларга оилавий ҳаётнинг муқаддаслигини ифодаловчи маънавий-диний сабоқ бериладигани, бу пировард-оқибатда оила мустақамлигини таъминловчи ахлоқий омил вазифасини ўтайди.

«Саломнома»лар Ўзбекистон ҳудудида Бухоро, Самарқанд, қисман Қашқадарёнинг айрим жойларида тарқалган. Уларни турли регионларда, тўйнинг турли мавридларида ўқишади. Чунончи, Тожикистонда тўйнинг икки мавридида — куёвнинг уйига келиннинг келтирилиши ҳамда «рўйбинон» (беточар) маросимида, Самарқандда эса уч маросимда — юқоридаги икки маврид билан бирга яна келинтуширди (арусталбон) маросимида ҳам ўқишади.

Бухорода эса «Саломнома»лар ҳозирги вақтда тўй-

нинг икки мавридида — моҳият-эйтибори билан бир хилда кечувчи икки маросимда келин-куёвларни келин уйида ҳамда куёв уйида чимилдиққа киритиш пайтларида ўқилади. Рост, бу маросимлардан биринчиси айрим ҳолларда бажарилмай қолган, никоҳдан сўнг куёв дарҳол ўз уйига қайтгани бунга сабаб бўлган. Бундай ҳолларда «Саломнома» бир марта ўқилган, холос.

Кексаларнинг гувоҳликларича, ўтмишда Бухорода «Саломнома»ларни «юзочди» маросимида ҳам ўқишган, бироқ бу расмийат доирасидан аста-секин чиқиб кетган.

Айрим жойларда «Саломнома» ўқилгандан кейин «Ёр-ёр»лар ҳам қуйланган. Н. Т. Лобачева куёвни чимилдиққа келин олдига киритиш ҳақида гапираркан, «Саломнома»лар тўғрисида ҳеч нарса демайди: «Келиннинг ёнидаги аёллар қувни «ҳазор алик» сўзлари билан кутиб олишади», дейди. Бу эса муаллифнинг ушбу маросими фольклори билан таниш эмаслигини кўрсатади¹.

Иккинчи марта «Саломнома», юқорида қайд қилганимиздек, келинни куёв уйига келтиришгач, ўқилади. Бунда, асосан, икки вариант кузатилади: айрим ҳолларда келинни отдан куёв кўтариб туширгандан бошлаб уни гулхан атрофида уч марта айлантриб, шу жойдан чимилдиқ қоқилган уйга боргунга қадар «Саломнома» ўқилган. «Саломнома»нинг ҳар бир банди ўқилгач, келин ҳаммага таъзим қилиб, гўёки салом бажо келтирган. Атрофдаги аёллар баробар «ҳазор алик» — «минг бор алик» деб, гўёки саломга жавоб беришган. Аёллар шу тариқа келинни чимилдиққа киритишган.

Иккинчи ҳолда эса куёв келинни отдан кўтариб тушириб, гулхан атрофидан уч марта айлантриб, чимилдиқ қоқилган уйнинг остонасигача кўтариб элтиб қўйган. Келин уч марта остонани ўпиб, уйга кирган. Шундан сўнг саломномахонлик бошланади: бунда саломномахон олдинда, икки ёнида шам кўтарган икки аёл боришган. Куёв ҳам шу тақлидда чимилдиққа киритилган. Шу тариқа саломномахонлик якунланган.

«Саломнома» тўйнинг анъанавий қўшиқларидан бири бўлиб, ҳажми ҳийла каттароқдир. Шакл жиҳатдан у

¹ Н. Т. Лобачева. Формирование новой обрядности узбеков, с. 36.

адабий мухаммас формасидир. Мукамаллиги, мазмуни ва бадиий пухталиги билан тўй маросимининг бошқа қўшиқлари орасида катта ўрин эгаллайди. Бу хусусиятлари билан «Саломнома»лар китобий услубдаги қўшиқлар туркумига мансубдир.

Бу туркумнинг асосий хусусиятлари нимада? Китобий услубдаги қўшиқлар ҳам оғзаки ижодга, ҳам ёзма адабиётга хос хусусиятларни ўзида мужассамлаштиради. Бу гуруҳ қўшиқларда пухта ва образли ифодалар кўп бўлиб, шеър тузилиши қонун-қоидаларига, адабий тил талабларига риоя қилинади: бандлари мисраларнинг қатъий сони асосида тузилади. Шунингдек, китобий услубдаги қўшиқларга хос яна бир хусусият — индивидуал ижод маҳсули эканлиги, бошқача қилиб айтганда, аксар ҳолларда муаллифи аниқлигидир. Тарқалишига кўра ҳам китобий услубдаги қўшиқлар оғзаки ижод намуналаридан фарқ қилади. Улар оғиздан-оғизга ўтиб сайқалланиб бормайди, ёзма матнга эга бўлади ва шу асосда ўзгаришсиз тарқалади.

Ф. Зеҳниева «Саломнома»лар Ўрта Осиёда бевосита ислом дини ҳукмронлик қилган вақтда юзага келган, деб ҳисоблайди. Эътибор бериб қарасак, маросимнинг кечиш тарзида ислом динидан олдин Турон-Туркистонда кенг тарқалган зардуштийлик (зороастризм, оташпарастлик) ақидалари изларини кўриш мумкин. Бунда келин ҳамда куёвнинг чимилдиққа шам (олов) муҳофазасида киритилиши эпизодини далил қилиб кўрсатиш мумкин. Оловнинг «муҳофаза қилувчи кучи» билан боғлиқ эпизодларни яна куёв жўралари билан келиннинг уйига жуфт машъал ёқиб келиши, гулхан атрофида келин-куёвнинг уч марта айлантририлиши, чимилдиқда шамлар ёқирилиши, келин-куёв хонасига улар чилладан чиққунча 40 кун шам ёқиб қўйиш удумлари ҳам ислом ўзлаштирган анъаналар ҳисобланади. Зотан, зардуштийлар ақидасига кўра, олов нопок кучлардан ҳимоя қилувчи қудратга эга муқаддас нарса саналиб, унга сифинишганлар. Шу зайлда саломномахонлик маросими оташпарастлик удумларини ўзлаштирган ҳолда исломий моҳият касб эта борган, ижтимоий ҳаёт тараққиёти тақозосига кўра маросимнинг вербал қисми исломий

ахлоқий ташвиқот воситасига айланган ҳолда ислом ақидалари, эътиқодларини ўзида акс эттирган, деган хулосага келиши мумкин.

«Саломнома»ларнинг юзага келиши хусусида яна шуни айтиш мумкинки, унинг айрим нусхаларининг пайдо бўлиши маълум ижодкорлар номи билан боғлиқ. Жумладан, самарқандлик Саид Аҳмад Васлий битган «Саломнома» беқиёс шуҳрат топган ва оммалашган.

«Саломнома»лар ижроси ҳам ўзига хос бўлиб, уни, асосан, махсус тайёргарликка эга аёллар қироат билан ўқишади. Баъзида эркаклар ҳам «куёвсалом» маросимидагина «Саломнома» ўқишганлиги ҳақида кексалар хабар берадилар. «Саломнома» ижрочилари Бухорода «биби халфа», «оямулло», «биби оямулло» деб юритилади. Оямуллолар «Саломнома»ни ёддан эмас, араб имлосида ёзилган матнга қараб ўқишган. Матн 1–1,5 метрлик ўрама қоғозда ёзилган бўлиб, қироат жараёнида лентасимон осилиб борган. «Саломнома» ўқиб бўлингач, бибиҳалифалар келин-куёв, уларнинг ота-онаси, қариндош-уруглари, жамики йиғилганлар ҳақида қисқагина дуо ўқийди. Масалан: «Илоҳи биби Фотимаю Зухронинг бахтларини берсин. Ували-жували бўлсинлар. Омин Оллоҳу акбар!» Баъзи ҳолларда бибиҳалфалар «Саломнома» охирида¹ «Ёр-ёр» ёки ўланларни ҳам қўшиб куйлашган.

Хуллас, «Саломнома» ўқилгач, келин ва куёв чимилдиққа олиб кирилади. Сўнг қизнинг ота-онаси навбат билан куёвни ўтиришга таклиф этадилар. Бунда: «Ўтиринг, куёв ўтиринг, давлатимизнинг шеригисиз, қизимизни сизга топширдик, сизни Худога», — деб мурожаат қиладилар. Худди шу тарзда келинга ҳам куёвнинг онаси ёки тоғаси мурожаат қилади. Келин шундан сўнггина куёвнинг ёнига ўтиради. Бу никоҳ тўйи таркибидаги махсус маросим бўлиб, келин ва куёвга алоҳида тавозе қўрсатишни англатишдан ташқари яна уларнинг ўзаро ёндош ўтиришлари маломатли санал-

¹ «Саломнома»лар таҳлили ҳақида қаранг: **О. Сафаров**. «Саломнома»хонлик удуми ва айтими — «Сино» журнали, «Эрон элчихонаси нашри», 2006, 22-сон (ёз), 28–33-бетлар.

маслиги, бунга ҳамма рози эканликларини эл назарида тасдиқлаш маъносини ҳам англатади¹.

«Келин ўтирсин» ва «Куёв ўтирсин» маросимларининг характерли хусусияти шундаки, улар ҳам келин, ҳам куёвнинг уйида ижро этилади. Даставвал келиннинг уйида – келин-куёвни чимилдиққа кириштишгач, «оёқ босди», «кўзгу кўрсатар» ва «исириқ тутатар» расм-русумлари бажарилгач, чимилдиқнинг икки учи кўтарилади ҳамда куёв томон келин-куёвга ўтиргани рухсат берилишини сўрайди. Буни ўтиришга жавоб бериш деб ҳам юритадилар. Келиннинг қариндошлари, дастлаб ота-онаси, сўнг яқин хешу ақраболари бирин-кетинликда келин-куёвга ўтиришга рухсат беришади. Бундай рухсат бўлмагунча келин-куёв ўтиришмаган, бу, ўз навбатида, келин-куёвнинг ўзларини тарбиялаб вояга етказганларга, тўйга йиғилганларга нисбатан ҳурмати ва иззат-икромлари ифодаси ҳисобланади.

Келин-куёвга ўтиришга рухсат берилгач (айнан шу ўринда «Келин ўтирсин» ва «Куёв ўтирсин» айтим-қўшиқлари айтилади, ижро қилинади), чимилдиқ ёпилади. Ниҳоят келин хонадонидаги тўй тантаналари ва унга дахлдор маросим ва расм-русумлар тутагач, келин куёвнинг уйига кузатилади. Одатда, келинни куёвникига кузатиш ҳар маҳал тонготар пайтида амалга оширилган. Бу билан келин-куёв ҳосил қилган янги оилавий ҳаёт тонги махсус нишонланган. Куёвникида ҳам келин-куёвни чимилдиққа киритишиб, келинникида амалга оширилган расм-русумларни айнан такрорлашади: фақат бу сафар «Келин ўтирсин» ва «Куёв ўтирсин» айтимларини куёв томон ижро қилиб, ёшларга ўтиришга рухсат беришади².

Н. П. Лобачева Қўқон никоҳ маросими тўғрисида фикр юритиб, унинг ўзгача бир вариантыни йўл-йўлакай қайд этади: тўйдан бир неча кун олдин келин бўлаётган қиз дугонасиникига кўчиб ўтади. Тўй куни куёв жўралари билан келинникига келади. Шунда у келиннинг ота-онаси «бор мол-мулкимизни сизга бахш қилдик» демагунича

¹ Бу ҳақда қаранг: О. Сафаров. «Келин ўтирсин» ва «Куёв ўтирсин» маросим қўшиқлари – «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 1989, 5-сон, 35–39-бетлар.

² Н. Т. Лобачева. Формирование новой обрядности узбеков. М., «Наука», 1975, с. 39.

ўтирмайди. Кўринаётирки, Қўқон никоҳ тўйида бу маросим алоҳида ижро этилган: келин-куёвни ўтқизишаётган пайтда келин бу ерда (ўз уйида) бўлмайди. Аксинча, келин куёвнигига келтирилгач, унга ўтиришга ижозат берилганда ҳам, бошда у кўнмайди, ниҳоят илтифотли қистовлардан сўнггина ўтиради. Лекин нима учундир муаллиф ушбу маросимни мустақил ҳолда назардан ўтказмайди, унинг вербал узвлари борлиги хусусида маълумот бермайди. Шунга қарамай, бу мулоҳаза «Келин ўтирсин» ва «Куёв ўтирсин» маросимларининг локал характерга эга эмаслигини тасдиқлаш жиҳатидан муҳимдир.

Фикримизча, бугунги кунда янгича руҳ, янгича тантана билан ўтказилаётган тўйларда оқ ҳарир либосдаги келин ҳамда куёвга базм бошланиши чоғида ота-оналарининг фарзандларига яхши тилаклар билдириб, уларни ўтиришга таклиф қилишлари, аслида, ўша «Келин ўтирсин» ва «Куёв ўтирсин» маросимлари таъсири остида юзага келган ва трансформацияга учраб бир қадар ўзгарган анъанавий маросимдир.

«Келин ўтирсин» ва «Куёв ўтирсин» айтимлари маросимга узвий боғлиқ ҳолда ўзига хос ижро хусусиятга эга. Улар жамоа тарзида эмас, балки якка ҳолда ижро қилинади ва айтувчининг бадиҳагўйлик салоҳияти, воқеликка муносабатига боғлиқ ҳолда турлича матнга ва ҳажмга эга бўлиши мумкин. Шунингдек, ёр-ёр, келин-саломлар ижрочилигидан фарқли ўлароқ, бу айтимлар ижроси махсус тайёргарликни талаб қилмайди. Бундай айтимларнинг ижросига хос яна бир хусусияти шундаки, уларнинг ижроси жараёнида қатъий бир тартибга риоя қилинишидир. Жумладан, аввал келиннинг уйида унинг қариндош-уруғлари (улар ҳам маълум тартибда аввал келиннинг отаси, сўнг онаси, бобою бувиси ҳамда яқин авлодлари), сўнг куёвнинг уйида унинг хешу ақраболари (яна қариндошлик рутбасига хос тартиб сақланади) «Келин ўтирсин» ва «Куёв ўтирсин» айтимларини айтиб, уларга ўтиришга розилик беришади.

«Келин ўтирсин» ва «Куёв ўтирсин» айтимлари ўзига хос поэтик системага эга бўлиб, сюжети, динамикаси ўша маросим билан генетик вазифадошлиги жиҳатдан узвий боғлиқ. Улар одатда бармоқ вазнининг енгил ва

ўйноқи услубларида битилиб, ота-оналарининг ўз фарзандларига самимий тилаклари изҳоридан иборат, уларда олқишга хос мотив етакчилик қилади ва ҳамиша келин-куёвларга оқ бахт тиланади.

Ўтиринг, куёв, ўтиринг,
Шу келин ҳам сизники,
Мол-жонимиз ҳам сизники.
Ўтиринг, куёв, ўтиринг,
Худо сизга оқ бахт берсин,
Бир этак ўғил-қиз берсин.

Шунингдек, «агар куёв (ёки келин) ўтирмаса, бор мол-дунёмизни бахш этдик» мазмунидаги насрий айтимлар ҳам кенг тарқалган. Уларда келин-куёвларга келажакда фаровон давлат, тўкин-сочин турмуш тилаш билан бир қаторда хона, ҳовли, боғ-роғ, мол-ҳолларнинг бахш этилганлиги ҳам айтилади. Ф. Зеҳниева қайдича, феодализмнинг таъназули даврига келиб бу хилда мерос «ҳадя қилиш» фақат огиздагина айтиладиган бўлиб қолган, амалда эса «ваъда қилинган» нарсалар имкон доирасидан ташқарида бўлиб, уларни бериш шарт бўлмаган. Жумладан:

Куёвтўра ўтирмаса,
Уйларни бердим.
Қозикда кишнаган
Дулдулни бердим.
Қафасда сайраган
Булбулни бердим.
Ҳовлида очилган
Оқ гулни бердим,
Ўтирсинлар, куёвтўра.

Айтимда тилга олинаётган «ҳовлида очилган оқ гул» — келин бўлаётган қиздир; «Оқ» эпитети орқали унинг покизалиги, маъсумалигига ишора қилиняпти, аслида эса, бу сифатлаш яна келинни эъзозлаш ва ардоқлаш мотивига ҳам эга.

«Келин ўтирсин» айтимларида, одатда, келинпошшанинг хусни, пазандалиги, чеварлиги ва бошқа фазилатлари таърифланади. Унинг туфайли юзага келаётган янги оилага янги истаклар билдирилади. Шу баҳонада келинга тегишиб ҳам олинади:

Аппоқ упадай келиним,
Майдон супадай келиним.
Хусни Самарқанддан келган,
Кўнглимдагидай келиним.
Келинпошшо, ўтирсинлар.

«Келин ўтирсин» айтимларини тўплаш, ўрганиш жараёнида қизиқ бир ҳодиса кузатилди: айрим айтимлар «ёр-ёр»ларга хос мотив ва руҳни ўзига сингдирган, қолаверса, ҳатто «ёр-ёр» таркибидаги айрим анъанавий сатрлар «Келин ўтирсин» айтимларига кўчиб, улардаги истаклар изҳорига хизмат қилган:

Ўтиринг, келин, ўтиринг,
Карнай-сурнай чалинган,
Тўй сизники, ўтиринг.
Остонаси тиллодан
Уй сизники, ўтиринг.
Беқасам тўн кийрилган¹
Ёр сизники, ўтиринг.
Шоҳ кўрпалар ташланган
Тўр сизники, ўтиринг.
Ўтиринг, келин, ўтиринг.

Яна шуни ҳам қайд қилмоқ керакки, «Келин ўтирсин» ва «Куёв ўтирсин» айтимларида лиризмнинг у қадар ривожланмаганлиги, эпиклик, яъни баённинг устунлиги, бошқача қилиб айтганда, эстетик вазифасига қараганда информатив вазифанинг етакчи роль ўйнаши натижасида ҳозирги пайтда шеърий шаклдаги айтимлар йўқолиб бормоқда, уларнинг ўрнини оддий насрий айтимлар эгалламоқда. Бундай айтимлар, масалан, «Ўтиринг, куёв тўра; ўтиринг, келин пошшо. Уйимизнинг тўри, қалбимизнинг кўри сизларга бўлсин, ўтиринглар», дейилиши билан характерланади. Бу хилдаги насрий «Келин ўтирсин» ва «Куёв ўтирсин» айтимларининг кўпчилигида сажъ устувор бўлиб, бу, ўз навбатида, равонлик, оҳангдорликни таъминлашга хизмат қилган.

Ф. Зеҳниева кўрсатиб ўтганидек, Бухоро ва Самарқандда «Хуш омадед» ёки «Хуш келибсиз», «Қиз таъ-

¹ Кийдирилган.

рифи» ёки «Таърифи духтар» сингари қўшиқлар ҳам келинни ўтиргизиш пайтида айтилган, уларнинг асосини келинни таърифу тавсифлаш мотиви ташкил қилади. Шуниси ҳам борки, бундай қўшиқлар фақат куёвнинг уйидагина айтилади. Бу қўшиқлар, шунингдек, «Келин-туширди» (келинбиёри) маросимида ҳам ижро қилинади.

Шуниси диққатга сазоворки, никоҳ тўйларида фақат келинни шарафловчи «Куёвтўра, хуш келдингиз» ҳамда «Куёвтўра таърифи» сингари айтимлар ҳам мавжуд бўлиб, улар аксарият куёв келинни келгач, ҳовлига кира-веришдан олдин, аниқроғи, у ўз шаънига ёқилган гулхан атрофида айланаётган чоғида ижро этилади, уларни айтаётганда куёв устига турли-туман сочқилар сочилади. Шу зайлда унинг келин хонадонига қўйилган илк қутлуғ қадими шарафланади.

«Хуш келибсиз» қўшиқларининг «Келин ўтирсин» айтимларидан фарқи шундаки, улар, асосан, кайвони ходим ёки махсус тайёргарликка эга кишилар (одатда, аёллар) томонидан ижро қилинади; бадийий жиҳатдан пухта ишланган бўлади. Масалан:

Ассалом, янги меҳмон,
Меҳрибон, хуш келдингиз.
Айлайин молим нисору
Дилга жон, хуш келдингиз.
Сарвқад хубларнинг шоҳи,
Шоҳижаҳон, хуш келдингиз.

Хулоса қилиб айтганда, «Келин ўтирсин» ҳамда «Куёв ўтирсин» маросимлари ўзбек никоҳ тўйларининг ажралмас, узвий қисми саналади.

Ниҳоят, келинни кузатув жараёни белгиланади. Бунда дастлаб келин отасининг оёғига уч марта бош уриб, берган нон-тузига розилик сўрайди. Отаси оқ фотиҳа бергач, келин бошқа қариндошлари билан ҳам хайрлашади. Ўзбекона удумларимизга кўра, келинни куёвни келгач олиб келаётганда қиз-жувонлар ёр-ёр айтиб борадилар:

Ёр-ёр айтиб борамиз, кимнинг тўйи, ёр-ёр,
Оқ гул билан қизил гул, қизнинг тўйи, ёр-ёр.
Араванинг тагига сепдим кепак, ёр-ёр,
Келинойим сеплари — бори ипак, ёр-ёр.

Ёр-ёрларда аксаран келинга тасалли бериш, сепларини мақташ, тўйнинг доврўғини тарқатиш мотиви устувордир.

Куёвникига келинни тушириб олиш маросими қизиқарли бўлиб, куёв келинни кўтариб, дарвозага кираверишда ёқилган катта гулхан атрофидан уч марта айлантрииб, сўнг чимилдиқли уй остонасига элтиб қўяди. Бунинг маъноси — оловнинг тафти янги оилани ҳар хил инс-жинслардан, ёмон кўзлардан асрашдир. Иккинчидан, эр киши ўз жуфти ҳалоли, турмуш ҳамроҳи бўлган аёлни ҳамиша иззат-ҳурматда тутажигини — қўлда кўтариб юришини шу хилда рамзий ифодалайди. Келин остонадан ичкарига ўнг оёғи билан кириши шарт, бу билан унинг қадами қутлуг, ҳаёти ўнгидан келиши орзу қилинган.

Чимилдиқни келиннинг уйида ким урган бўлса, куёвнинг уйида ҳам ўша киши уриши шарт. Келиннинг уйидан олиб келинган иккита шам ва бир товоқ ун чимилдиқнинг бурчагига қўйилади. Шамлар инс-жинсларни ҳайдаш, ёмон руҳлардан тозалаш маъносини, яъни келин-куёв шу бир жуфт шамдек умр бўйи бирга ёниб яшасинлар, умрлари ёруғ бўлсин, деган маънони билдиради.

Келин-куёв махсус оҳангда, бошукуҳ, ботамкин қироат қилинган «Саломнома» ижроси остида чимилдиққа олиб кирилади. Шу вақтда куёвнинг онаси куёвга ойна қаратади, яъни йўллари ёруғ, ойнадек бўлсин, ҳаётда ҳеч қачон қоқилмасин деган ниятда; нондай азиз бўлсин, ризқи фаровон ва улуг бўлсин учун елкасига нон тутилади. Келин-куёвга кўз тегмасин, балоларни даф қилсин деган мақсадда исириқ тутатилиб, махсус айтими айтилади. Бу пайтда исириқ тутатувчига садақа тутиш удумига амал қилинган. Чимилдиқли хонага дастурхон солиниб, шарбат келтирилади. Шарбат дастлаб чимилдиқдаги келин ва куёвга тутилади. Турмушимиз ширин бўлсин деган ниятда куёв ўнг қўл чимчилоғи билан келинга шарбат ялатади. Бу «шарбат ялатар» ирими деб номланиб, шарбатли косани куёвга узатаётганда вакила куйидаги тўртликни айтиб, уни алқайди:

Ман санинг ёрингману ўзгага ёр бўлмайман ҳеч,
Ҳам санинг домингдаман, ўзгага ром бўлмайман ҳеч.

Бирга шарбат ичганим шул косага бўлсин қасам,
Ичмагайман ҳеч шароб бошқа бировнинг жомиди.

Бу мисраларда келин ва куёвнинг бир-бирига садоқат ва вафодорликка оид рамзий қасами ўз ифодасини топган.

Бундан ташқари «кампир ўлди» деган ирим ҳам бор. Бу турли жойларда турли хил бажарилади. Келин куёвнинг уйига олиб келингач, куёвнинг онаси «менга хизмат қил, мен энди ўлдим» деб ўзини келиннинг оёғи остига ташлайди. Келин унинг бошини кўтариб, ёстиққа қўяди. Бунинг маъноси: келин энди шу хонадоннинг барча хизматларига тайёр, қайнонасига ёрдамчи, кўмакдош эканлигини ифодалашдир.

Бу маросимнинг бошқа хил кўриниши ҳам бор. Унда куёвнинг онаси ўзини ўлик ҳолатига солиб ётганида, барча аёллар: «Бу ниманинг ҳиди?» деб сўрайдилар. Бошқа аёллар эса: «Бу райҳоннинг ҳиди, кашничнинг ҳиди» деб ҳар тарафдан овоз берадилар. Сўнгра кампирнинг юзига рўмол ёпадилар. Кампир жойидан туриб, рўмолни бошига танғиб, келинига пешвоз чиқиб, уни хушқайфият билан кутиб олади.

Барча маросимлар бажарилгач, дастурхонга чучвара, ширгуруч, ҳалвойтар, палов каби таомлар; ёнғоқ, тухум, новвот, шўрданақ, патир, ширинликлар, сомса, варақилар тортилади. Бу таомларнинг ҳар бири маълум бир маъно ва моҳиятга эгадир. Кайвони келиннинг этагига бола-чақали, ували-жували бўлсин деган мақсадда олтита тухум ташлайди. Келин-куёвнинг ҳаётлари мусаффо, беғубор бўлсин дея ширгуруч, серфарзанд бўлмоқлари ниятида чучвара, турмушлари ширин бўлсин деган ниятда ҳалвойтар келтирилади.

Бухоро никоҳ тўйларида яна бир ажойиб анъана мавжуд: бу тўйда йиғилган аёллар, қариндошларнинг мухаммас ёки байтбарак айтишларидир. Бу ҳам ўзига хос маросим бўлиб, унда аёлларнинг ақл-заковати, зукколиги, топқирлиги, жозибадорлиги ўз ифодасини топади. Мухаммасларда келиннинг ижобий сифатлари тилга олинади ва янги хонадонга келган келин билан куёв томонидагилар орасидаги муносабат янада самимий, серфайз бўлиши кўзда тутилади. Қуйида мухаммаслардан намуналар келтирамиз:

Қошинг билан кўзингни савлати бор,
Сани олган йигитнинг давлати бор.
Сани олган йигит олдим демасми?
Қўлингдан чой ичиб тўйдим демасми?

Яна:

Гул бўлсин-е, гул бўлсин,
Босган изинг нур бўлсин.
Танлаб олган шу ёринг
Доим ҳамроҳинг бўлсин!

Никоҳ тўйининг эртаси куни «юзочар» маросими ўтказилади. Бунда келин куёвнинг қариндошларига та-ништирилади ва улар ўртасида меҳр, самимийлик юзага келишида ёрдам беради. «Келинсалом» анъанасида эса келин эрталаб барвақт «салом»га олиб чиқилади. Келин яқин қариндош-уруғларга, тўйга йигилганларга ҳурмат-эҳтиром рамзи сифатида эгилиб таъзим бажо айлаб салом беради. Келинсаломлар, асосан, услуби содда, шаклан ихчам бўлади. Улар, одатда, бармоқ тизимининг энгил вазнларида яратилади.

Келинсалом дейдилар,
Аввал Худога салом.
Кармонидан пул берган,
Кўча тўла қўй берган
Қайнотасига салом.
Қозон ювишга эринган,
Ўгил туғдим деб керилган
Қайнонасига салом.
Беқасам тўн ярашган,
Тўйларига қарашган
Қайнакаларига салом.

Келинсалом маросими давомида куёв тарафидагилар келинга совгалар беришади, сўнгра қайнона ва вакила келинни ошхонага бошлаб боришади. Келин ўчоққа салом бергач, қайнонаси қўлидан супрани олиб, тавоф қилади, уни ёйиб, оппоқ унни ҳовучлайди, бу билан у қайнонаси қўлидан ошхона юмушларини рамзан олган ҳисобланади. Оқ унни ҳовучлаш билан эса, бахтининг оппоқ бўлиши тиланади. Сўнгра келин қўлига пичоқни беришади ва илк бор қўли ёғли бўлсин деган ниятда

тўйда сўйилган қўчқор қуйруғини тўғраш топширилади. Шу юмушлар тугагач, келин яна салом берган хонага қайтади ва чимилдиқдаги жойини эгаллаб, келинсалом маросими охирлагунча унда иштирок этади.

Никоҳ тўйдан уч кун ўтгач, «куёвсалом» маросими ўтказилади. Б.Саримсоқов ўзбек никоҳ тўйлари «куёвсалом» маросими билан якунланади деб ҳисоблайди¹ ва ушбу маросим ҳақида «тўйдан ўн-ўн беш кун ўтгач, куёв билан келин қайнотасининг уйига салом бергани боъради», — деб ёзади². Ваҳоланки, ўтмишда шаклланган анъанага кўра, «куёвсалом»га фақат куёв борган ва бунда куёвнинг келин ота-онасига, қариндошларига эҳтироми, ҳурмати ифодаланган.

Бу маросимлардан кейин «тўшак йиғди», «чарланди» каби маросимлар ўтказилади. Келиннинг ота-онаси никоҳ тўйи ўтгач, қизларини чақирганлар ва бу маросим «чарланди» деб юритилади. Куёвнинг розилиги билан келин қайнонаси, овсинлари, янгалари билан тайёргарлик кўриб келадилар. Азалий одатга кўра, келинни ва у билан келган кишиларни келин ота-онаси муносиб кутиб олади ва уларга совғалар ҳозирлайди. Бинобарин, худди шу маросимни ўзбек никоҳ тўйларининг якунловчи акти санаш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, ёр-ёр айтилган файзли никоҳ оқшомлари келин-куёвнинг бахтига тамал тоши қўяди. Демак, тўй маросими ва ижро этиладиган қўшиқлар инсон бахти билан ҳамроҳ, танда руҳдир. Умуман, тўй халқ ҳаётининг ёрқин ва гўзал саҳифаларидан бири бўлиб, ҳар бир никоҳ тўйи ўзича қизиқарли ва ўзига хос хусусиятларга эгадир. Уларнинг барчаси инсонни шарафлаш, уни улуғлаш, инсон зотининг қадр-қимматини ошириш ва эъозлашга қаратилган.

Никоҳ тўйларини ўрганиш жараёнида шунга амин бўлдикки, ундаги маросимлар ўз-ўзидан келиб чиқмаган, уларнинг узоқ ўтмиш билан туташиб кетган илдизи ва маъноси бор. Ҳаётда инсон фаолиятига чуқур дахлдор нарсаларнинг бирортаси ўз-ўзидан пайдо

¹ Ўзбек фольклори очерклари. 3 томлик, 1-том, Тошкент, «Фан», 1988, 207-6.

² Ўша асар, 206-6.

бўлмайди, уларнинг, албатта, инкор қилиб бўлмайдиган асослари мавжуд.

Ўзбек никоҳ тўйларининг вербал қисмини ташкил қилувчи фольклор намуналарини этнографик анъаналар билан узвий алоқадорликда ўрганиш тўй маросимининг яхлит тизими сифатида шакланганлигини очишга имкон беради.

Ўзбек никоҳ тўйи маросим фольклори шу қадар бой ва хилма-хилки, уларнинг ҳар бири у ёки бу маросимда узвий алоқадорликда вазифа адо этишдан ташқари, ўзгача ижро ўрни ва ижро усулларига эгалиги билан завқовардир. Уларнинг ҳар бир водий ва воҳадаги ижро усуллари ҳам ўзига хосдир. Ана шу хусусиятларни яхлит ҳолда ўргангандагина ўзбек никоҳ тўйи маросимини бутунлигича тасаввур этиш имконияти туғилади.

Тўй композицион бир бутун ҳодиса сифатида мавжуд бўлиб, уни шу яхлитлигича ўрганмоқ лозим. Никоҳ тўйи маросими узвлари билан яхлит олиб қараладиган бўлса, анча узоққа чўзиладиган муддатни ўз ичига олади.

Тўйлар қайси халқники бўлишидан қатъи назар, урф-одат, расм-русум, таомиллар, анъана ва маросимларга бой мураккаб бир жараёндики, уларнинг бошланиши, давомийлиги ва ниҳояси орасида ўнлаб ўзига хос ва мос удумлар бажарилади. Халқ ижодкорлари томонидан хилма-хил айтимлар, кўшиғу лапарлар ижро этилади. Буларнинг барчаси халқ оғзаки ижодиётининг дурдоналари сифатида бир жойдан бошқа жойга кўчиб, бойиб, сайқалланиб боровчи жанрлар сифатида халқ томонидан яратилиб, халқнинг ўзига сингиб, оғиздан-оғизга кўчиб юради.

Хуллас, никоҳ тўйи ўзбек халқининг энг қадимий, муқаддас маросимларидан биридир. Шундай экан, уларни ҳам этнологик, ҳам фольклоршунослик нуқтаи назаридан узвийликда яхлит ҳолда илмий ўрганиш, тўй маросими кўшиқларини йиғиб тадқиқ ва таҳлил қилиш тадқиқотчиларимиз олдида турган муҳим вазифалардан саналади.



ОИЛА ҲАЁТИДА ХАЛҚ БАЙРАМЛАРИНИНГ ЎРНИ

Ҳар тунунг қадр ўлубон,

Ҳар кунунг ўлсун наврўз.

Алишер Навоий

Баҳор!.. Табиатнинг уйғониш фасли, келинчаги ва йилбоши фасли, халқ эътиқодига дахлдор хилма-хил удум ва анъаналар билан зийнатланган фасли. Шундай анъаналарнинг энг улуғи ва қадимийси — шодлик ва орзулар байрами Наврўзидир.

Наврўз Турон ва Эрон халқларининг зардуштийлик эътиқоди асосида шаклланган шодиёна бўлиб, бугунги кунда Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Туркменистон ва Озарбойжон сингари республикаларда, шунингдек, Эрон, Афғонистон, Туркия, Покистон, Россиянинг Волгабўйи ва Хитойнинг Шинжон Мухтор Вилоятида яшовчи туркийзабон ва форсийзабон халқлар ўртасида байрам сифатида нишонланади. Шу мантиқдан қаралса, жаҳоннинг бирор-бир бошқа халқида бу қадар кўҳна ва навқирон байрам учрамайди.

Гарчи Наврўз байрами ёшини аниқ белгилаш имкондан ташқари бўлса-да, ҳар қалай, муаррих Абу Бакр ибн Жаъфар Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асаридаги бир далил бу масалани ойдинлаштиришда айрича қиммат касб этади. Наршахийнинг маълумотига кўра, Бухоро халқи Сиёвуш хотирасини эъзозлаб, «ҳар йили наврўз кунини куёш чиқишидан олдин ўша жойда биттадан хўроз сўйиб»... «Сиёвуш ўлдирилишига бағишлаб марсия айтиш»лари, сўнгра ўша сўйилган хўрозни қозонга солиб, «қозон тўлди» маросимини ўтказишлари, бинобарин, «бу гаплар бўлиб ўтганига ҳозир уч минг йилдан ортиқроқ вақт ўтгани»га ишонилса, ота-боболаримиз Наврўзни тўрт минг йилдан зиёдроқ муддатдан бери нишонлаб келаётганига гувоҳ бўлиш мумкин¹.

¹ Абу Бакр ибн Жаъфар Наршахий. Бухоро тарихи, Тошкент, 1966, 28-б.

Наврӯз Шарқ халқлари ўртасида ислом қабул қилин-
гунича мавжуд эди. Шу боисдан уни шарқона байрам
сифатида тавсифлаш анъанага айланган. Аслини олганда
Наврӯз деҳқончилик маданияти шаклланиши таъсирида
қарор топган. Абу Райҳон Берунийнинг ёзишича: Наврӯз
«бутун йил унга хизмат қиладиган бир вақтда, яъни ба-
ҳор ёмғирининг биринчи томчиси тушишидан гуллар
очилгунича, дарахтлар гуллашидан мевалар етилгунича,
ҳайвонларда шаҳват қўзғалишидан то насл вужудга келгу-
нича ва ўсимлик униб чиқа бошлашидан такомиллаш-
гунигача давом этган вақтда келади. Шунинг учун Наврӯз
оламнинг бошланиши ва яратилишига далил қилинган»¹.
Ўз-ўзидан аёнлашаётирки, Наврӯз фақат баҳорий кеча ва
кундузнинг тенглашган куни — 21 мартнигина англат-
майди, қолаверса, у бир кундагина нишонланадиган
байрам бўлмай, балки 40 кунгача давом этадиган умум-
халқ шодиёнаси, баҳор ва меҳнат байрами саналган.

Дастлабки 7 кун — унинг биринчи босқичи бўлиб,
байрамнинг кульминацион нуқтаси ҳисобланган. Табар-
рук шу кунлар моҳияти сеҳрли етти рақамида инъикос
топган. Ўтмишда Наврӯз дастурхонида «с» ҳарфи билан
бошланувчи етти хил таомнинг қўйилиши, етти хил
кўкатдан кўк сомса тайёрланиши, етти хил дондан «наврӯз
гўжа» пиширилиши, қолаверса, шу етти кун давомида
камончилар мусобақаси ўтказилиб, еттинчи куни нишон
учун олтин танга қўйилиши, ким ўша тангани уриб олса,
бир кун мамлакатга подшолик қилиш ҳуқуқини қўлга
киритиши каби анъаналарга амал қилинган. Бу анъана-
ларнинг айримлари ҳозир ҳам мавжуд.

Наврӯз «қозон тўлди» маросимидан бошланиб, сума-
лак, «келин кўрди», ҳалим сайли, лола (қизилгул ёки лола-
қизғалдоқ) сайли, бойчечак, бир-бирларининг ҳол-аҳ-
волидан хабар олиш, ҳашар ва шох мойлаш каби ўнлаб
анъаналар билан апрелнинг охири ва ҳатто майнинг
ўрталаригача давом этган. Худди шундай ўзига хослиги
билан узоқ тарихи давомида меҳнаткаш халқнинг ҳам
қувончи, ҳам ташвиши бўлиб келди, не-не таъқибу таҳқир-
ларга учрамади. Шўро сиёсатчилари уни диний байрам дея
тақиқ этди, лекин халқ уни ҳар бир хонадонда ўз байрами

¹ Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. I-жилд, Тошкент,
1968, 253-б.

сифатида нишонлайверди. Шўро мафкурачилари кутган натижаларига эришолмагач, унинг номини ўзгартиришга уринди, уни навбаҳор байрами деб атаб, ўз манфаатига мос келувчи байрамга айлантирмоққа уринди. Лекин халқ бунни ҳам қабул қилмади. Унинг асл номини сақлаб, азалий анъаналарига садоқатини намойиш қилишида давом этди. Истиқлол халқнинг иродасини маъқуллаб, Наврўзнинг миллий байрам сифатида нишонланишига кенг йўл очиб берди. Ва мана салкам йигирма йилдирки, Наврўз истиқлол билан бўй ўлчаб, миллатнинг миллий қиёфаси ва ғурури тимсолига айланди.

Рост, Наврўз неча минг йиллик тарихи давомида қанча таъқибларга учрамасин, авлодларимиз уни нишонлайверди, авлоддан-авлодга ўтгани сайин у нимасинидир йўқотди, нимаси биландир бойиди, хуллас, яшовчанлигини тасдиқлатди. Рост, Наврўзни ўтмишда бойлар ўз ҳолича, камбағаллар ўз ҳолича нишонлаганлар, лекин у умумхалқ байрами характерида бўлган, барчанинг умумий сайли тусини олган: Бухорода Сайли гули сурх, Самарқанд, Тошкент воҳаси ва Фарғона водийсида Лола сайли сингари оммавий шодиёналарга айланган.

Наврўз катта тайёргарлик билан кутиб олинган. Дастлаб ҳовли-жойлар тозаланиб, ахлатлар чиқариб ташланган. Маҳалла-кўй ҳашар йўли билан кўча ва хиёбонларни супуриб-сидиришган, ариқ-зовурларни тозалашган, заруриятга яраша турли-туман мева ва ток кўчатлари экишган. Бу байрамни катталар ҳам, болалар ҳам зўр қувонч билан кутиб олар, алоҳида эътибор билан нишонлар эдилар. Умар Хайём ўз «Наврўзнама»сида ёзганидай: «Кимки Наврўз куни байрам қилса ва қувонса, янаги Наврўзгача ана шундай яйраб, фароғатда яшайди», — деган ақидага асрлар давомида амал қилиниб, турлича удумлар яратилган ва улар халқ онгига сингиб қолган. Чунончи, Янги йилнинг яшноқ ва фаровон бўлиши истагида хонадонларда махсус идишларда буғдой кўкартирилиб, ундан Наврўз таоми сифатида сумалак тайёрланган. Наврўз дастурхонига етти хил таом тортилиб, тўкинчилик орзу қилинган. Наврўзда қўни-қўшнилари бир-бирлариникига ўтишиб, бир-бирларини қутлашган, аразлилар ярашишган. Наврўз дастурхони доим очиқ турган, хуллас, меҳмоннавозлик кайфияти барча хонадонларда ҳукм сурган.

Наврўзда ҳар ким бориға яраша янги кийим кийган. Бухоронинг айрим жойларида Наврўз кунлари ҳовлиларнинг томлари супурилиб, янги кийим кийиб, дастлаб томга чиққанлар ва ўзларини намоиш этганлар. Бу билан баландроқ мартабага эришиш ва гуноҳлардан фориғ бўлиш ҳавас қилинган.

Наврўз кунлари хотин-қизлар ўртасида *ҳалинчак-арғимчоқ* учуш анъанаси кенг тарқалган. Бу анъананинг қандай ва қачон пайдо бўлгани ҳақида манбаларда шундай маълумотлар келтирилади. Жумладан, Абу Райҳон Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида ёзади: «Жамшид ўзига арава ясаттириб олгач, ўша кунни аравага чиқди. Жинлар ва шайтонлар уни ҳавога кўтариб, бир кунда Дунбованддан Бобилга олиб бордилар. Одамлар бу ажойиб воқеани кўргач, ўша кунни ҳайит қилдилар ва Жамшиднинг аравада учушига тақлид қилиб, арғимчоқларда учдилар»¹. Шу тариқа арғимчоқ учуш шодиёналарга хос анъанага айлана борди, ҳатто қизлар ўйини тусини олиб, азалий қадрият тарзида эъозланадиган бўлди. Бу жиҳатдан Маҳмуд Кошгарийнинг ўша замонлар кенг тарқалган «йалнгу» деган ўйин тафсилотиға оид мулоҳазалари эътиборни тортмай қўймайди: «Бу жориялар ўйнайдиган бир хил ўйин номи. Шундайки, арқоннинг икки учи бир дарахтга ёки устунга боғланади, сўнг уларнинг бири арқон ўртасига ўтиради — оёқларини сакратиб, баъзан юқори, баъзан қуйи тушади»². Бинобарин, қизлар Наврўзда арғимчоқ учсалар, йил бўйи гуноҳлардан фориғ бўлишларига ишонганлар. Арғимчоқни ҳаволатиб-ҳаволатиб, дарахтнинг юксакроқ шоҳида эндигина кўкара бошлаган япроқни узиб олишни савоб деб билганлар, бундай япроқни Янги йилдаги орзуларга етишиш рамзи сифатида асраганлар. Айниқса, бўйға етган қизлар арғимчоққа учуш воситасида севгилиларига ўзларини кўрсатиш имконидан фойдаланиб қолганлар. Улар шўх-шаддодлик билан арғимчоқда баландроқ уча туриб, севгилилари нигоҳини ўзларига қаратганлар, ҳатто ҳазил-мutoйиба билан уларга гап отишгача журъат этганлар:

¹ Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. 1-том. Тошкент, 1968, 255-б.

² Маҳмуд Кошгарий. Девону луғатит турк. 3-том. Тошкент, 1963, 390-б.

Ҳалинчагим, ҳалинчак,
Қизлар бўлар куйинчак.
Ҳалинчакда учган қиз,
Чаккангга тақ бойчечак.

Қизгина, ҳо, қизгина,
Уча қол ҳалинчакда.
Уйқунг бузсин ҳар доим,
Ҳамроҳинг беланчакда.

Ҳалинчак, ҳо, ҳалинчак,
Шу қизгина куйинчак.
Эрта-индин уйингни
Тўлдиради беланчак.

Наврӯз деҳқон учун экин-тикиннинг бошланиш палласи. Деҳқон буни қўш маросими билан бошлаб юборган. Анъанага кўра, қўш маросимини бутун қишлоқ аҳли, асосан, «чош бўлсин» деган ниятда чоршанба куни нишонлаган. Далага қўш олиб чиқишдан олдин қишлоқнинг ҳамма хонадонларида ис чиқарилган, ҳатто қўшга қўшиладиган ҳўкизлар учун махсус қотир (кулчасимон юпқа бўлиб, ёғсиз қизитилган қозонда қотирма қилиб олинган хамир таом) тайёрланган, барака уруғлари ҳозирланган. Одатда, барака уруғи янчилмаган буғдой, арпа ва жўхори бошоқлари дастасидан иборат бўлиб, қўш маросими пайтидагина уларни кафтда эзиб, буғдой, арпа, жўхори бошоқларидан ажратиб олинган. Ҳар бир хонадон маросимга ўз дастурхони билан чиққан.

Қишлоқнинг энг кекса, серфарзанд ва табаррук отахони барча йигилганларни қутлаб, бу йилги экин-тикиннинг баракали бўлиши истагини изҳор этгач, қўшга солинадиган ҳўкизлар ёнига борган. Дастлаб кафтларини мойлаб, уларнинг шохларини мойлаган, сўнгра оғизларига қотир сола туриб:

Шохгинанг мулла давоти,
Сенсан деҳқоннинг қуввати.
Сен бўлмасанг деҳқоннинг
Қайрилади-ку қаноти.
Шохгинанг бор шойнадай,
Кўзгинанг бор ойнадай.
Сендан бўлган болалар
Тўти билан майнадай.

Ёхуд:

Хўкизгинам, бўйгинанг эзилди,
Кўзгинангдан ёшлар қатор тизилди.
Бўйинтуруқ билан омоч тортмасанг,
Сенинг билан менга гўрлар қазилди.

Яна:

Қора ерни қоқ ёрган,
Қовун экиб лаб ёрган.
Меҳнатининг зўридан,
Тос тебадан¹ шох ёрган, —

каби қўшиқларни алқаб-алқаб айтган. Шундан кейин барака уруғини хўкизлар устидан сочқилаган ва омочни ерга босиб, хўкизни чуҳлаб юборган. У уч ё етти қадам юргач, ёш-яланглар омочни ўз қўлларига олганлар. Бунгача ерга уруғлик сепиб чиқилган, албатта. Кексалар йилнинг омадли ва фаровон келишига истак билдиришиб, қўш маросими дастурхони атрофига ўтишган. Бунда ҳар ким ўз режасини баҳам кўришган, миришкор деҳқонлар эса ўз тажрибалари билан ўртоқлашганлар, айниқса, қайси экинни қай вақтда қандай экиш, қандай парвариш қилиш ҳақидаги тавсиялар ёшлар учун ўзига хос сабоқ бўлган. Бинобарин, бу анъанага ҳаёт бахш этиш, уни давр руҳига мувофиқлаштирилган ҳолда замонавийлаштириш хусусида ўйлаб кўрмоқ зарур.

Асрлар давомида таркиб топган анъанага кўра, Наврўз маросими ўтганлар хотирасини нишонлаш билан интиҳо топган. Марҳумларнинг қариндош-уруғлари қабристонларга чиқиб, уларни тозалаганлар, қабрлар атрофини супуриб-сидирганлар. Марҳумлар хокипойини зиёрат қилиб, гуллар қўйганлар, шамлар ёққанлар, қабрга ўрнатилган мираки ёхуд сағаналар ёнига қушлар ва қумурсқалар учун дон сепиб, махсус идишларга сув солиб қўйганлар. Бу билан марҳумлар руҳига осойишталик тилаганлар.

Наврўз — халқимизнинг минг йилликлар билан бўй ўлчашадиган миллий маънавий қадрияти. Уни эъзозлаш — халқни эъзозлашдай қутлуғ иш. Ҳа, Наврўзни ҳар йили нишонлаш эвазига ҳаётимизга янгича назар сола-миз, ўтган йилни сарҳисоб айлаб, янги режалар тузамиз,

¹ *Тос теба* — тақир тепалик.

энг муҳими, меҳру оқибатимизни инсонийлик мезонларида тортиб кўрамиз, ўткинчи ҳою ҳаваслардан воз кечиб, эътиқодларимизни теранлаштирамиз, аждодларимиз тажрибаларида синалиб, турмушимизга асқотган ақидаларнинг иймон қадар идрокимизга сингишига, мусаффолинишига ва такомиллашувига йўл очамиз, шу асосда қалбимизни яшартирамиз, ақлимизни пешлаймиз, фикримизни янгилаймиз. Бинобарин, Наврўз — Янги кунгина эмас, балки яшариш ва янгиланиш дегани ҳам.

Йўллариңда гуллар пояндоз. Ўзбек оилаларида гулга ошуфталик ва эътиқод қадимдан шаклланган бўлиб, қатор анъаналарда ҳамон давом этиб келмоқда.

Бу ҳол, хусусан, Наврўз кунларида ўзига хос маросимга айланган бойчечак, лола сайли ва Бухорода амал қилинадиган Сайли гули сурх анъаналарида, шунингдек, Наманганда ҳар йили нишонланиб келинаётган гуллар байрамида ёрқин кўринади. Аждодларимиз гулларга шунчаки муҳаббат рамзи сифатида қараш билан чекланмаган, аксинча, райҳон, ялпизлардан таомпазликда фойдаланса, ширчайгулдан гулоб, настарин ва бошқа бир қатор гуллардан табобатбоб дорилар тайёрлашган. Шодиёналарда бир-бирларига гуллар тортиқ қилишган, бунда, асосан, муаттар ҳидли гуллардан фойдаланишган, келин-куёвлар бошига гулларни сочқи қилишган, оёқларига гуллардан пояндоз солишган.

Халқимизнинг гулларга бу қадар чуқур эътиқодлари илдизи қадимга бориб тақалади. Бу олис ўтмишда аждодларимизнинг илк тасаввурлари билан боғлиқ. Ибтидоий аждодларимиз гулларнинг ёқимли ва ёқимсиз ҳидли бўлишларини аниқлагач, ёқимли ҳидли гулларда яхши руҳлар яшайди деб ҳисоблаб, уларга нисбатан хайрихоҳона муносабатда бўлганлар. Ёқимсиз ҳидли гулларда эса ёмон руҳлар яшайди дея уларни эъзозламаганлар. Улар ёқимли ҳидли гуллардаги яхши руҳлар инсонга доимий ҳомий, ёқимсиз ҳидли гуллардаги ёмон руҳлар эса одамзотга бахтсизлик, турли-туман касалликлару кулфатларни келтиради, табиий офатларга сабабкор бўлади, деб тушунганлар.

Одамнинг пайдо бўлишига алоқадор тасаввурлар гулларга ҳам боғланади. Қадимги ҳинд эпосида ҳикоя қилинганидек, жаҳондаги энг соҳибжамол матбуда Лакшми гулларнинг маликаси — Атиргул гунчасидан пайдо

бўлганмиш¹. Шунга кўра гуллар бевосита қизларга, маъшуқа ёрга қиёсланиб келинади. Гунча эса илоҳий мўъжизалар рамзи сиратида қаралади. Бу қарашлар нафақат халқ оғзаки ижодида, балки ёзма адабиётда ҳам ёрқин ифода этилган. Жумладан, Алишер Навоийнинг тубандаги байти эътиборга лойиқ:

Эй ҳусн аро соҳибгино, хуршид отангдур, ой — ано,
Истар эсанг нисбат ёно: ҳам сарв — оға, гул — сингил².

Шу тариқа халқ ижоди ва ёзма адабиётда гул кўпинча аёл, келин, суюкли ёр, она тимсолида келса, гунча балогатга етган қиз, фарзанд рамзини ифодаловчи маъно касб этади. Гул тимсолининг аёл тушунчасига кўчирилишининг бошланғич сабаби қадимги инсонларнинг одам пайдо бўлишига алоқадор тасаввур-тушунчалари бўлса, иккиламчи, гул ва аёлга ҳос хусусиятлар — нозикниҳоллик, гўзаллик, ёқимлилиқ, жозибадорлик, мафтункорлик ҳамда муҳаббат туйғуси билан боғланишлари, шу муштаракликлари асосида ўзаро ўхшашликларида ҳам зуҳур топган. Шунданмикин, қизларга ном қўйишда ҳам гул номлари асосида исм бериш анъанага айланган. Чунончи, Райҳон, Раъно, Наргис, Нилуфар, Гунча, Лола, Гулраъно, Оқгул, Сарвигул, Гулчиroy, Гуландом, Гулчеҳра, Моҳигул, Гулбаданбегим, Бахтигул, Бинафша ва бошқа юзлаб шундай исмларни учратиш мумкин.

Аждодларимиз одатда гуллар рангида ҳам хилма-хил рамзий мажозий маъноларни берганлар ва шу рангдаги рамзий маънога алоҳида эътибор қаратганлар. Жумладан, қизил ранг — қизга, аёлга, эзгуликка, муҳаббат рамзига нисбат берилганидан қизил гулга ҳам худди шу маъноларни рамзан юклаганлар. Сариқ ранг — ҳижрон, жудолик маъносини ифодаллагани сабабли сариқ гулга шундай рамзий маънони нисбат берганлар. Бундай рамзийликни ҳатто гулдаста тайёрлашда ҳам қўлланганлар. Айтайлик, тоқ сонли гуллардан тайёрланган гулдаста тирик инсон учун, жуфт сонли гуллардан тайёрланган гулдаста марҳум учун белгиланган. Тирикларга 3, 5, 7, 9 доналик гули бор дасталар инъом ёки тортиқ

¹ Б. М. Аминов. Этнография оламига саёҳат. Тошкент, «Фан», 1988, 29–35-бетлар.

² Алишер Навоий. Топмадим // Ғазаллар. Тошкент, Ғ. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988, 417-б.

қилинса, марҳумлар қабрига 2, 4, 6, 8 ва 10 дондан иборат гулдаста қўйишга одатланилган. Бу тушунчанинг ҳам генетик илдизи бор: ибтидоий аجدодларимиз тирик одамнинг руҳи тирик гул билан боғлиқ, бинобарин, бу яккашликда зуҳур топади, борди-ю инсон ва гуллар ёнма-ён бўлишса, уларнинг руҳлари ўзаро қўшилиб, жуфтлик — тугаллик ҳосил қилади. Ўлик инсоннинг руҳи эса тирик гул билан қўшилолмади. Шу ваздан унга бағишланган гулни ёлғизлатиб қўймаслик мақсадида марҳумга ҳамиша жуфт сонли гуллардан дасталанган гулдаста олиб борилган.

Аждодлар эътиқодича, гул муҳаббат рамзи, ошиқнинг маъшуқага дил изҳори воситаси. «Гул берди — кўнгил берди», «Гул баҳона, дийдор ғанимат», «Гул ғунчалигида хордир, очилса — ўзгаларга ёрдир», «Гул ўсса — ернинг кўрки, қиз ўсса — элнинг кўрки» ва «Гул қадрини булбул билар» сингари юзлаб мақолларда шу маънолар жилланган. Шунданмикин, ҳаётда ошиқлар ўз севгисини маъшуқасига гул тўхфа қилиш орқали изҳор қиладилар. Бунда аксаран муҳаббат рамзига айланган қизил гулни танлайдилар. Қизил гулни танлашнинг икки маъноси бор: биринчиси, у аёл тимсолини ифодаласа, иккинчиси, унинг қизил ранги — севги ҳажридан қонга айланган юракни раман ёрқин ифодалашидадир. Гарчи ўзбек қизларида ҳаё ва миллий урфларимиз йўл бермаслигидан қизларнинг муҳаббат изҳор қилишларида чекланиш бор эрса-да, бари бир улар бундай ташаббусни гул воситасида амалга оширишлари гуноҳ саналмаган. Айтишлик, бепарво йигитга улар тоқ сонли оқ гул совга қилиш билан ўз мойилликларини аниқлатишлари ибодоирасида ҳисобланган. Чунки оқ ранг йигитларга нисбат берилган бўлиб, айти чоқда йигитларга тиланган бахт ва изҳор қилинган севги-муҳаббат туйғуларини ҳам аниқлатган. Гул ана шундай фазилатларига кўра эъзозланган, шу боис уларни узоқ муддат тирик сақлаш мақсадида олтин гулдонлар ясаганлар, ҳатто гулларга алоқадор махсус маросимлар уюштирганлар.

Бойчечак — ана шундай маросимлардандир¹. Унинг

¹ Бу ҳақда батафсилроқ қаранг: **Охунжон Сафаров**. Ўзбек болалар поэтик фольклори. Тошкент, «Ўқитувчи», 1985, 90—103-бетлар. **Маматкул Жўраев**. Наврўз қўшиқлари. Тошкент, 2007, 55—58-бетлар.

қачон пайдо бўлганлиги ҳақида бирор нарса дейиш қийин. Аммо унинг асл ижодкори ва ижрочиси катталар бўлгани аниқ. Е. М. Пешчерева маълумотига кўра, XX асрнинг 20-йилларида ҳам Яғнобда бу маросимни фақат эркаклар бажаришган¹.

Бироқ шуниси муҳимки, яна ўша Е. М. Пешчерева қайд этганидек, бу маросим ўтган асрнинг худди шу 20-йилларидаёқ Тошкентда «бутун борлигича болаларга ўтиб улгурган». Маросимнинг катталардан болаларга қачон ўта бошлаганини айтиш қийин эса-да, ҳарҳолда бу жараён 20-йиллар охирида тамоман болалар фойдасига ҳал бўлган, дейиш мумкин. Буни ҳозирги 70 ёшдан 80 ёшгача бўлган кексаларнинг аксарияти болаликда «Бойчечак» айтганларини эслашлари факти тасдиқлайди.

Маросим болаларнинг эрта баҳорда очиладиган бойчечакни илк бор кўришлари билан бошланган. Болалар уни биринчи бўлиб кўрганлари учун беҳад қувонганлар ва дарҳол теришга киришиб, хушхабар воситасига айлантиришга шошилганлар. Бойчечакдан гулдасталар ясаганлар, уларни тол хивичларга шодалаб боғлаб, бошларига гулчамбар қилиб кийганлар. Сўнгра 8—9 кишилашиб ҳовлима-ҳовли «Бойчечак» кўшиғини куйлаб бойчечак улашганлар. Бунда болаларнинг бири яккахон бўлиб, кўшиқ матнининг асосий тўртликларини ҳайқириб куйласа, қолганларнинг барчаси жўровозликда нақаротни ҳайқириб ижро этганлар:

Яккахон:

Бойчечаким бойланди,
Қозон тўла айронди.
Айронингдан бермасанг,
Қозонларинг вайронди.

Хор:

Қаттиқ ердан қазалаб чиққан бойчечак,
Юмшоқ ердан юмалаб чиққан бойчечак.

Яккахон:

Бойчечакни тутдилар,
Тут ёғочга осдилар.

¹ Е. М. Пешчерева. Некоторые игры среди оседлого населения Туркестана. Бюллетень САГУ, № 11, Ташкент, 1925, с. 92.

Қилич минан чопдилар,
Бахмал минан ёпдилар.

Хор:

Қаттиқ ердан қазалаб чиққан бойчечак,
Юмшоқ ердан юмалаб чиққан бойчечак.

Қўшиқ тугагач, уй эгалари бойчечакчиларга совға-саломлар беришган. Ниҳоят, болалар шу зайлда йиққан совға-саломларини ўзаро тақсимлаб олганлар ёхуд улардан махсус зиёфат дастурхони тузаб, ўз-ўзларини меҳмон қилганлар. Аммо бойчечакчиларга совға бермай, қулоқларини чўзиб ҳайдаб юборганлар ҳам топилган. Бундай чоқларда болалар ўша оҳангда:

Оғритманг-о, оғритманг,
Болаларни жавратманг, —

дея бошқа ҳовлига қараб қочганлар.

Бойчечак шунчаки эрта баҳор гулигина эмас, рамзий образ ҳам; унда мурғаккина болалик образи тажассум топган. Халқ болани эрта баҳорнинг илк гули тимсолида кўрган; бола шу гулдай нозик, ёқимли, навниҳол ва чиндан ҳам инсоният баҳорининг ғунчаси тарзида эъзозланган. Бу қўшиқдаги «бойчечакни тутдилар, тут ёғочга осдилар» сатрларидаги рамзий ишораларда бўртиб кўриниб турибди. Қўшиқ тадқиқотчилари Е. М. Пешчерева ва Ғ. Жаҳонгировларнинг таъкидлашларича, «қадим Шарқда тут дарахти муқаддас дарахтлардан ҳисобланган. Ўзбекларда мазкур эътиқодларга кўра, дарахтнинг «эгаси бор» ҳисобланади, эҳтиёт қилинади, унинг танасидан аёллар учун тароқ, бола белаидиган бешик қилинади»¹. Бухорода қурт боқиладиган ҳовлида пилла терилгунича тут ёғочини ёқмаслик анъанаси ҳозиргача сақланган.

Ғ. Жаҳонгиров «Бойчечак» қўшиғининг йигирмага яқин варианты мавжудлигини, ҳар бири куйланиш жойига қараб фарқ қилишини, давр руҳига мувофиқлашиб трансформацион жараёнларни кечганини, илк бор 1922 йилда «Армуғон» журналида эълон қилинган вариантнинг қатор ўқиш китобларида қайта-қайта

¹ Ғ. Жаҳонгиров. Ўзбек болалари фольклори. Тошкент, «Ўқитувчи» нашриёти, 1975, 57-6.

босилганини батафсил илмий муҳокамадан ўтказди. Бироқ, самарқандлик болалар куйлаган «Бойчечак»ка «Ё рамазон» байти қориштирилганлигига эътибор қилмай, уни шундай таърифлайди: «Самарқанд болалари бойчечакнинг мутлақо янгича вариантыни айтиб юрадилар:

Бойчечагим аслидир,
Асли самарқандлидир.
Бойчечак,бойчечак.

Таги остона гур-гур мекунад,
Бийекамо тавоқчая пур мекунад.
Бойчечак,бойчечак».

Бу вариант аввалгилардан мазмун жиҳатдан ҳам, шакл жиҳатдан ҳам фарқланади. «Иккинчи байт аслида «Ё рамазон» матнига тааллуқли бўлиб, болалар уни, эҳтимолки, «Бойчечак»нинг тўла матнини билмаганликлари сабабли қўшиб куйлаган бўлишлари мумкин. Бинобарин, бундай янглишув мазкур матнга «янгича вариант» сифатида қарашга ҳуқуқ бермайди. Бунинг устига мазкур байт тожик тилида бўлиб, ҳозир ҳам Бухоро ва Самарқандда куйланадиган «Раббиман» таркибида учрайди ва вазни ҳамда мазмунига кўра дастлабки байтга мос эмас. Бундан «Бойчечак»ни фақат ўзбек болаларигина куйлаганлар, деган хулосага келмаслик лозим». Уни тожик болалари ҳам севиб куйлаганлар. Қизиғи шундаки, тожик болалари ҳам унинг ўзбекча номи айнан сақлаганлар. Шу фактнинг ўзиёқ ўзбек ва тожик халқларининг қон-қариндошлик муносабатлари болаликдан бошланиб камол топишини, улар ҳали болаликларидаёқ бир қўшиқни куйлаб вояга етишларини, бинобарин, руҳий жондошликларининг социал-психологик замини мустаҳкамлигини яққол кўрсатади.

Сайли гули сурх эрта баҳорда лолақизғалдоқлар очилиб, кўзларни яшната бошлагач, Бухорода ўтмишда ўтказилган умумхалқ шодиёнаси.

Кексаларнинг гувоҳлик беришича, октябрь тўнтаришигача бу сайл Наврўзий анъана сифатида апрелнинг бошларидан майнинг ўрталаригача давом этган, лекин дастлабки қизғин даври бошланғич қисмидаги икки ҳафта ҳисобланган. Шаҳар аҳолиси ўша кунларда Намозгоҳ майдонидан то Ширбудуну Баҳоуддингача

сайлга чиқишган. Бутун сайлгоҳ бўйлаб ҳалимпазлик¹, ошпазлик, кабобпазлик, ҳасиппазлик, ҳалисапазлик², сумалагу обинабот расталари хўрандалар ва харандалар сотиб олувчилар ихтиёрида бўлган. Бу, ўз навбатида, Бухоро пазандалигида мавжуд барча таомларни сифатли тайёрлашнинг ўзига хос кўригига айланган. Айтайлик, фақат паловнинг қобили, кўкапалов, софипалов, чалов, қазипалов, хомтоқпалов, халтапалов, нўхатпалов, мошпалов, сўкпалов, бугдойпалов, жўхорипалов, қовурмапалов, кишмишпалов, беданапалов, какликпалов, товукпалов, ситорапалов, қозпалов, туршакпалов, довчапалов сингари юздан зиёд тури тайёрланган³. Бир ёнда хилма-хил шўрвалар қайнаса, бошқа ёнда барча кабоб, қозкабоб, беданакабоб, какликкабоб, товукқовурма, баррабирён, ҳўкиз тили сайл иштирокчилари иштаҳасини қитиқлагани-қитиқлаган. Бухоро ширапазлиги ҳам шундай кўрикдан ўтган. Кекса ширинпазлар маълумотича, ўтмишда Бухорода фақат қандолатнинг 111 хили тайёрланган: ҳолванинг кунжути, пашмак, жиғ-жиғ, жугути, ҳалвойибех, ҳалвойтар, гардишҳолва, булғоби, реш-реш, лавз, обинабот, собуни сингари 40 дан зиёд тури бўлган. Хўрозқандлар узунчоқ шокилалари ранго-ранг туршаклар, хилма-хил бўялган тухумлар, паға-паға пашмаклар болаларнинг оғизларидан сўлакларини оқизса, қўчқорсимон, тойчоқсимон, аждарсимон, илонсимон сирланган сопол ҳуштаклар, муаллақчи, икки гилдиракли аравача, хилма-хил камончалар, гавғалтаклар ва ишти каби ўйинчоқлар, сув солиб пуфланувчи сопол

¹ Бухорода ҳалим бугдой ёрмасининг сутда қайнатмаси асосида тайёрланувчи алоҳида хушхўр таом ҳисобланади. Бунга гўшт солинмайди.

² Ҳалиса Ўзбекистоннинг кўп жойларида тайёрланади. У ҳам бугдой ёрмасининг гўшт билан қайнатмасидир. Бошқа жойларда уни ҳалим дейиш анъанага айланган.

³ Шуниси ажабланарлики, «Ўзбек паловлари» китобида Бухоро паловлари камгўшт ёки гўштсиз бўлади, дея нотўғри маълумот берилган. Ваҳоланки, кекса ошпазларнинг гувоҳликларича, ўтмишда Бухорода паловнинг 127 хили тайёрланган, гўшт ҳам ўша тур эҳтиёжига яраша солинган. 1995 йилги Наврўз кунларида Бухоро шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан Сомонийлар боғида ташкил этилган палов сайлида 63 хили тайёрланди.

булбулчалар уларнинг кўзларини ўйнатган. Баззозлар кўчма дўконларини раста-раста қилиб тикканлар ва ҳар хил матолар билан савдо қилганлар. Бир жойда дорбозлар ўйнашса, иккинчи бир жойда айиқбозлар, яна бир жойда рикобий полвонлар кураш тушса, бошқа бир жойда кўчқор уриштириш, хўроз уриштириш, ит уриштириш, туя уриштириш, варрак учуриш, тухум уриштириш, қўғирчоқ ўйин, муаллақчилик, масхарабозлик ва бошқа хилма-хил мусобақалар уюштирилган.

Бу сайлга қатнашиб, рикобий полвонлар олишувини ўз кўзлари билан кўрган устод Айний «Ширбадан сайли» достонида мазкур манзараларни шундай чизган:

Кураш учун майдон муҳайё бўлди,
Тикилган кўзларга тамошо бўлди.
Неча зўр полвонлар ўктам ва далер,
Қадам ташлаб келар худди наъра шер.
Рустам каби борар гўё жанг сари,
Душманни енгишда Сухроб сингари.
Ҳаммаси чаққону ҳам соҳибхунар,
Ҳунарин кўрсатиб бир-бирин синар.
Дастпеч ва қалмоқи, қоқима йўлин¹,
Ишлатиб, рақибининг паст этар қўлин²...

Қолаверса, Наврўз шодиёналари нишонлаётган турли даврларда шашмақомхонлар бир ёнда, мавригихонлар бошқа ёнда туриб бор маҳоратларини кўрсатиб, хониш қилганлар. Айниқса, Бухоро шаҳрида пайшанба кечасидан жума тонги отгунича бозоришаб (кечки бозор) давом этган, унда одамлар ўз эҳтиёжларига мос хилма-хил озиқ-овқатлар, сархил мевалар, турфа ширинликлар сотиб олишган. Ўша кунларда ҳофизу созандалар беш дастага бўлиниб, пайшанба кеча «бозоришаб базми» маъносида тонг отгунча Арки олий атрофида шашмақомни ижро этганлар. Бунда мақом дасталари қуйидагича таркиб ва тартибда хизмат қилганлар:

Биринчи даста энг катта даста бўлиб, Арки олийнинг дарвозасида ўтирган. Даста таркиби 41 ҳофизу созанда ва аёл овозини беришни таъминловчи бир но-

¹ Бухороча курашда қўлланиладиган усуллар номи.

² Садриддин Айний. Асарлар. Саккиз томлик. 7-том. Тошкент, Бадиий адабиёт нашриёти, 1966, 203–204-бетлар.

расида ўғил боладан иборат бўлган. Бу даста 4,5 соат мақомхонлик қилган.

Иккинчи даста Арки олийнинг ўнг томонида, аниқ-роғи, ўнг гулдастасида жойлашган. Даста таркиби 38 ҳофизу созанда ва аёл овозини бериш учун бир норасида ўғил боладан иборат бўлиб, 3,5 соат мақомхонлик қилган.

Учинчи даста Арки олийнинг чап томонида, аниқ-роғи, сўл гулдастасида санъатини намойиш қилган. Даста таркиби 32 ҳофизу созанда ва аёл овозини берувчи бир норасида ўғил боладан иборат бўлиб, 2,5 соат мақомхонлик қилган.

Тўртинчи даста Арки олийнинг кунгай тарафидаги Гуриён¹ дарвозасининг ўнг гулдастасида навозиш қилган. Бу даста 28 ҳофизу созанда ва аёл овозини берувчи бир норасида ўғил боладан иборат бўлиб, 1,5 соат мақомхонлик қилган.

Бешинчи даста Арки олийнинг Гуриён дарвозасининг сўл гулдастасида маҳоратларини кўрсатишган. Бу даста 20—21 ҳофизу созанда ва аёл овозини берувчи бир норасида ўғил боладан иборат бўлиб, бир соат мақомхонлик қилган.

Барча дасталар учун белгиланган жой ва вақт қатъий бўлган. Мақомхонликнинг эртасига амирлик томонидан шу ҳофизу созандаларнинг ҳар бириникига бир лагандан беданалов, биттадан шойи астарлик тўн, беш тилло тангадан иборат ротиба² юборилган. Бу ҳол «Наврўз», Рамазон ва Қурбон ҳайитлари давомида 4—5 мартача такрорланган.

Бундай мақомхонликларда фақат рикобий хонандаю созандаларгина эмас, балки мамлакатнинг турли воҳаю кентларида яшаётган санъаткорлар ҳам, жумладан, ўша замонларда амирлик доирасида шуҳрат қозонган Соҳибийён қишлоғидан чиққан ғиждувонлик мақомхонлар ҳам қатнашганлар. Мақомхонлик оммани сабру бардошлик, қаноатпешалик ва саховатпешалик руҳида

¹ Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асарида бу ном Гуриён шаклида учрайди. Аслида Сиёвушнинг гўри — қабрига ишора бўлиб, гўрион — унинг қабри маъносини англатади. Халқда бу дарвозани сомонфурушлар ёки бозори алаффурушон дарвозаси деб юритиш ҳамон давом этиб келаётир.

² *Ротиба* — қатъий қилиб белгиланган иш ҳақи, таом нормаси ёки кийимлик. Ўтмишда рикобий полвонлар, ҳофизу созандаларга тўланадиган ҳақ ротиба дейилган.

тарбиялашда¹ кучли таъсир кўрсатган. Бухорои шарифнинг жаҳонда «Шашмақом» ватани сифатида эътироф қилиниши, «Шашмақом»нинг асрлар давомида шу ватанда инкишоф топиб яхлит бир тизимга кириб шаклланишида шу омил беқиёс роль ўйнаган. Хуллас, бундай жўшқин сайлларда, айниқса, ялангтўш йигитлару сарвиноз қизлар беҳад қувнаб-яйраганлар. Йигитлар:

Бухорода катта арқон,
Шоҳрудда оби равон.
Йигитлар сайлга чиқар,
Кийишиб заррин чопон.

Ёхуд:

Ширбудунда мажнунтол,
Мажнунтолга пайванд сол.
Сайлга келган қизларнинг
Сулувини танлаб ол, —

дея қўшиқ айтиб қизларга сўз отишса, қизлар ҳам бўш келмай:

Боғингизда ари бор,
Юрагимнинг зори бор,
Барно йигит, бир қаранг,
Ёнингизда пари бор.

Ёки:

Сўзланг, ака, юракдан,
Олинг, олинг хўракдан.
Қизлар қараб қолишди,
Олиб беринг шўракдан.

Яна:

Чалинди-ку ноғора,
Юр, кўрайлик, Хумора.
Кураш тушар полвонлар,
Бизни ёр ютса зора, —

¹ Бу маълумотларни етти пушти пойабзалдўзлик билан шуғулланган, бобою бобокалонлари амир хонадонидагиларга оёқ кийимлар тикишган ва шу вайдан дарборга яқин бўлиб, ундаги базму тантаналар ҳақида ота-оналаридан эшитган, 1926 йилда туғилиб, ота касбини мукаммал эгаллаган, шу касб билан ҳозиргача тирикчилик қилиб, Бухоро шаҳрининг Фарҳод кўчасидаги 45-уйда истиқомат қилаётган Ҳидой бобо Раҳмон ўғлидан ёзиб олдик. — О. С.

сингари тўртликларни қочиримдор қилиб қуйлашганлар. Шу зайлда йигит-қизлар орасида ҳазил-мутойиба қучайган, қаҳқаҳа авжга минган, шу жараёнда қиз-йигитлар топишганлар, севишганлар, натижада янги оилаларнинг дунёга келишини таъминлаганлар. Шубҳасиз, бунда қизлар даста-даста лолақизғалдоқ териб, қий-қириб бир-бирларининг устларидан сочқи сочганлар, бир-бирларига, ота-оналарига совға қилганлар, энг муҳими, кимга салом берсалар, ўшанга гул тутқизганлар. *Сайли гули сурх*нинг ана шу сурурини йил бўйи эслаб яшаганлар ва меҳнат қилганлар.

Сумалак базми ҳам Наврўзий маросимларнинг энг қадимийси ҳисобланади¹. Халқ эътиқодича, ғойибдан келган ўттиз малак пиширган биби Фотиманинг бу муқаддас оши ўзгача меҳр, ўзгача аҳиллик, ўзгача ҳам-жиҳатлик асосида тайёрланган ва бу ҳодиса асрлар оша давом этиб келаётган анъанага айланган. Фольклоршунос олим М.Жўраевнинг аниқлашича, «ҳатто милоннинг I–II асрларида яшаб ўтган машҳур юнон олими Плутарх мидияликларнинг баҳорий удумлари тўғрисида ёзarkan, улар илк кўкламда буғдойдан махсус таом пиширганларини алоҳида қайд қилиб ўтган. Ўрта Осиёда истиқомат қилган аجدодларимиз ҳам бундан минг йиллар муқаддам кўкламни сумалак пишириш билан кутиб олганликларини XI асрнинг буюк олими Маҳмуд Кошгарий ҳам таъкидлаган эди. У ўзининг «Девону луғатит-турк» асарининг 3-жилди 253-саҳифасида «Сума – ивитилган буғдой номи. У қуришиб қўйилади. Сўнг ундан угра ош ва нон қилинади. Шарбат учун қилинган, ундирилган арпа учун ҳам бу сўз қўлланилади», – деб ёзган.

Демак, «сумалак» лексемаси шарбат учун қилинган, ундирилган арпа ёки буғдой маъносини англатувчи қадимги туркий сўз бўлмиш «сума»дан келиб чиққан, сумалак пишириш удуми эса Ўрта Осиёда яшаган қадимги аجدодларимиз орасида ҳам кенг расм бўлган экан. Озар олими О. Набиев маълумотларига қараганда, Шимолий Ҳиндистонда истиқомат қилган қадимги аҳолининг лаҳжаси – санскрит тилида буғдой маъносини англатувчи «сумани» сўзи бўлган. Демак, тилимиз-

¹ **Маматқул Жўраев.** Наврўз қўшиқлари. Тошкент, 2007, 30–31-бетлар.

даги дони олинган буғдой пояси «сомон» дейилиши ҳам бежиз эмасга ўхшайди.

Инглиз олимаси Мэри Бойснинг ёзишича, қадимги зардуштийлар эрта кўкламда келаётган йилнинг баракали бўлишини ният қилиб, муқаддас ўсимликлардан бирини туйиб, ширасини олганлар ва сувга оқизганлар. Ўша қандай ўсимлик эканлиги ва унинг номи нималиги маълум эмас. Аммо шу ўсимликнинг ширасини қадимги ҳиндлар «сома», «Авесто»нинг битикчилари эса «хаома» деб аташган бўлиб, бу сўз «сиқиб олинган сув» маъносини англатаркан. Бинобарин, тилимиздаги «сиқмоқ» (яъни «бирор нарсани эзиб, сувини чиқармоқ» маъносидаги) сўзи ҳам ана шу ўзакка боғланса ажаб эмас¹.

Хуллас, «сумалак» сўзи ўттиз малак ҳақидаги афсона асосида эмас, балки қадимий туркий тилда «ивитилган дон» маъносини англатувчи «сума» сўзидан келиб чиққан ва беҳад қадимий қадрият сифатида шаклланган. Анъанага кўра, сумалак ният қилинган хонадонда дастлаб уч-тўрт коса буғдой ивителиб, лаълиларга (поднос) ёйилган ҳолда қоронғи ва мўътадил ҳароратли тоза жойда парвариш қилинади, унга вақти-вақтида сув сепиб турилади. Буғдой сабз ургач, етилган саналиб, қўниқўшнилари сумалак базмига хабар қилинган. Хабар қилинган ҳар бир хонадон 2—3 косадан ун ола келиб, улуш қўшган. Сўнг ҳаммалари буғдоймайсани янчиб, шарбатини эса муттасил капкирлар билан навбатманавбат ковлаб афдариб турганлар. Асосан, аёллар иштирокидаги бу юмуш ўзига хос базмга айланган, унда тонг отгунча қўшиқ айтиб, рақсга тушганлар. Яккахон «Сумалак» қўшиғини куйлаганда, бошқалар нақаротига жўр бўлган, раққоса қизлар эса яшнаб-яйраб рақсга тушишган. Бухороликлар орасида куйидаги «Сумалак» қўшиғи бирмунча кенг тарқалган:

Сумалакжон, сумалак,
Яхшиликнинг белгиси.
Наврўзимга эш бўлган,
Сен баҳорнинг элчиси.
Сумалакжон, сумалак,
Сенга етдим жон ҳалак.

¹ Маматқул Жўраев. Наврўз қўшиқлари. 30—31-бетлар.

Сен бўласан буғдойдан,
Мазаликда асалсан.
Сени еса тузалар
Бўлса ҳатто сил касал.
Сумалакжон, сумалак,
Сенга етдик жон ҳалак.

Оловмомо қўйнида
Етиласан, пишасан.
Катта мислик қозонда
Қайнаб-қайнаб тушасан.
Сумалакжон, сумалак,
Сенга етдик жон ҳалак.

Қўшиқда сумалакнинг фақат баҳорда тайёрланиши, наҳорда ичилиши, буғдойдан қилиниши, ширинлиги, элнинг энг яхши таоми сифатида «ҳар дардга дармон»лиги поэтик таърифланади¹. Энг муҳими, қўшиқ шунчаки сумалакнинг бадий таърифигина бўлмай, маросимнинг ижтимоий-эстетик моҳиятини ҳам акс эттиради. Сумалак — жамоа таоми, муқаддас илоҳий таом, унга суронли қиш азиятидан чиққан меҳнат аҳли тўкинлик рамзи сифатида қараган, унга етгани учун шукроналар айтган. Шу хусусиятига кўра, уни шод-хуррамлик билан махсус расм-русумларга амал қилган маросим даражасида нишонлашган.

Мучал ҳам мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқларида Наврўз кунлари нишонланадиган 12 ёшни тўлдириб 13 ёшга қадам қўйган йигит ва қизалоқларимизни алқовчи маросимдир². Мучал ўсмирликни қутлаш маросими бўлиб, нафақат бизда, балки Осиё ва Африка мамлакатларида ҳам кенг тарқалган. Унинг тарихи қадимги Грек-Бақтрияга бориб тақалади. Бухорода бу маросимни

¹ Яккахон кўпинча сумалакпазнинг ўзи бўлган, бошқалар нақаротга жўр бўлишган.

² Бу ҳақда қаранг: **Охунжон Сафаров**. Ўзбек болалар поэтик фольклори. 102–103-бетлар. *Яна*: Илк мучал қувончи. «Гулхан» журнали, 1998, 3-сон, 14-б. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, ўтмишда ҳар йили туғилган кунни нишонлаш анъанаси бўлмаган, балки барча ўз мучалини нишонлашни канда қилмаган. Кишилар ўз ёшларини неча мучал яшаганликлари билан белгилаганлар.

«мўлжар» ёки «мўлжардароён» деб аташади. Ўтмишда бола мучали қайси йилга тўғри келса, феъли ҳам ўшанга мос бўлади, деган ақидага ишонганлар. Маросим учун қизга ҳам, ўғил болага ҳам бошдан-оёқ янги оқ сарпо қилиш анъанага айланган. Бу билан мучали нишонланаётган ўғил ва қиз келажагининг порлоқ ва бахтли бўлиши исталган.

Айниқса, қизалоқларнинг оро-тороларига алоҳида аҳамият берилган: уларни оқ-оппоқ кийинтириб, сочларини қирқ кокил қилиб майда ўриб, учларига баргаклар таққанлар; қўл ва оёқларининг кафтларига, бармоқлари учларига хино қўйганлар, қошларига ўсма тортганлар. Қизалоқлар бундай ясан-тусанлар орқали баҳорнигина эмас, балки қалбларни ҳам яшнатиб юборганлар. Бу билан уларнинг бўйи етганлиги алоҳида кўз-кўз қилинган.

Сўнгра илк мучали нишонланаётганлар шаънига махсус зиёфат дастурхони тузаб, қариндош-уруғлар, боланинг ўртоқлари ёки дугоналари унинг атрофига йигилганлар. Бухоро шаҳрида бундай дастурхонни кўпинча етти ё тўққиз болор¹ уйларда тузалишига алоҳида эътибор берганлар. Гап шундаки, ўша уйнинг қоқ ўртанчи болорига зағома-тарози солдирилган. Зағомалар таги чармдан қопланган икки ё уч ғалвир ҳажмидаги ёғоч идиш бўлиб, улардан осма тарози палласи сифатида фойдаланишган. Кексаларнинг айтишларича, мучали нишонланаётган болакай шу зағома-палладан бирига кириб ўтиргач, иккинчи зағома-паллага каллақанд солаверганлар. Қачонки зағома-палла мувозанатга келгач, шунда унга каллақанд солишни тўхтатганлар. Ва мучали нишонланаётган болани тўрга ўтқазиб қутлаганлар, устидан сочқилар сочганлар. Шундан кейин бола вазни бараваридаги каллақандларни ширин кулчалар устига тақсимлаб қўйиб, давра аҳлига биттадан улашиб чиққанлар. Бунда кулчалар сони қанча кўп бўлса, бола ҳам шунча узоқ умр кўражагига ишониб, уни нафақат давра аҳли, балки қўни-қўшнилари, қариндошларга ҳам етиб ортишига алоҳида эътибор берганлар. Буни улуш деб атаганлар. Ниҳоят, зиёфат дастурхони ейилиб, хурсандчилик қилганлар. Бу ўтмишда ўғил ва

¹ Болор — тўсин.

қиз болаларнинг сўнгги ўзаро очиқ базми саналган. Ана шундан кейин эса қизларнинг ўғил болалар билан очиқ кўришишлари ман этилган. Бунинг асосий сабаби қизлар ҳам, ўғил болалар ҳам бўй этилган деб саналган-лигидандир.

Алоҳида таъкидлаш зарурки, мучалга ҳам эскилик сарқити сифатида қараш анча йиллар давом этди. Шунга қарамай, Бухорода яқунланган асрнинг 50-йилларгача ҳар бир хонадон буни ўз шахсий маросими сифатида нишонлашни тарк этмади. 60-йилларга келиб, мучалга ижтимоий маъно беришга уриниш сезила бошланди. Бунда «Гулхан» журнали алоҳида роль ўйнади. У ўз саҳифаларида «Ўн уч ёшлилар билан суҳбат» туркумида фан ва маданиятимизнинг донг қозонган арбоблари, ишлаб чиқариш илғорлари билан суҳбатлар ташкил этиб, улар ўрнаги воситасида мучални ҳам қўллаб-қувватлагандай бўлди. Натижада мучал ўсмирликни шарафловчи жамоатчилик байрами тусини ола борди. Республика мактаблари жамоалари Наврўз кунларида шу маросимни нишонлашни ҳам ўз фаолиятлари доирасига кирита бошладилар. Асосан, 5-синф ўқувчилари мучал маросимининг сабабчилари ва ташкилотчилари бўлиб қолдилар. Бироқ 80-йилларга келиб, мучални таъқиб этиш қайта бошланди. Истиқлол бу қадимий анъанага яна эрк берди, бу билан аждодларимизнинг ўсмирликни алқаш қадрияти қайта тикланди.

Мучал ўсмирликни алқашгина эмас, балки инсонийлик шарафи ва масъулиятини зиммага ола бошлашга ундовчи мазмунга эгалиги билан ҳам қадрлидир. Бинобарин, унинг ана шундай фазилатига алоҳида эътибор бериб, ёшлар маънавиятини тўлдиришга хизмат қилишига эришмоғимиз даркор. Шундагина илк мучал ёшини нишонлаш шунчаки зиёфатхўрлик ёки совга-салом улашиш базми бўлмай, аксинча, келажаги буюк Ватанимизнинг навқирон авлодини маънан ва жисман соғлом этиб тарбиялашда асқотадиган замонавий қадриятга айланиб қолади.

* * *

Бир мучал даврини қолдирдинг ортда,
Қувончдан кўзларим ёшланди, болам.
Ўсмирлик фаслига кирдинг ҳаётда,

Энг масъул кунларинг бошланди, болам.
Эл ризқи бут бўлса — эр ризқи бутун,
Топганинг *сичқон*дек яширма, болам.
Бир *сигир* — нону ош бир рўзғор учун,
Сигирлар шохига тош урма, болам.
*Йўлбарс*дек қўриқла ҳадду ҳудудинг,
Ғанимга пояндоз тўшама, болам.
Қайроқдек қурч бўлсин руҳинг, вужудинг,
*Товушқон*дек қўрқиб яшама, болам.
Умр дарёсининг қармоқлари мўл,
Ҳар хўракка оғиз солмагин, болам¹.
Гоҳ сахро, гоҳ тоғдан тушар экан йўл,
Ўтганни *илон*дек чалмагин, болам.
Отинг кўкка сапчир асов, сершиддат,
Нурафшон манзиллар узоқмас, болам.
Қўйдек ювош феълинг ўзи бир зийнат,
Андишанинг оти қўрқоқмас, болам.
Ёвларинг ҳолига *маймун* йигласин,
Улардан сен шафқат кутмагин, болам.
Танингга шиддату шаҳдинг сиғмасин,
*Товуқ*дек кул титиб ўтмагин, болам.
Элингга *ит* каби бўлгил вафодор,
Туну кун ғафлатда ётмагин, болам.
Олдинда муқаррар Ҳисоб куни бор,
*Тўнғиз*дек балчиққа ботмагин, болам.
Шу осмон гувоҳдир, гувоҳ шу замин,
Сени ёмонларга ёндаштирмасин,
Оллоҳимнинг ўзи, илоҳо омин,
Ҳидоят йўлидан адаштирмасин.²

¹ *Балиқ* назарда тутилмоқда.

² Шеър О. Сафаров қаламига мансуб.

Ақлга илм бирла бергил кўмак,
Ақл — бу илмга харидор демак.

Носир Хисрав

Ўзбек оилаларида китобга муҳаббат, китобни асраб-авайлаб сақлаш ва китобхонлик қадимий анъаналардан бўлиб, халқимиз маънавий камолотида муҳим ўрин тутиб келаётир. Китобхонлик — маънавий комиллик асосларидан саналаркан, халқимизнинг ўзи қадар қадимий тарихга эга. Буни аждодларимиз томонидан уч ярим минг йил илгари яратилган «Авесто» қисмати яққол тасдиқлайди. Оташпараст аждодларимиз уни тўлатўкис ёд билмоқни, унга амал қилиб яшамоқни эътиқодий бурч деб билганлар. Шу боисдан араблар Туронни босиб олгач, Абу Райҳон Беруний гувоҳлигича, дастлабки қилган ишларидан бири оташпарастларнинг шу муқаддас китобини, бирор намунасини ҳам қолдирмай, ёқиб юбориш бўлган. Улар шу билан кифояланмай, Турон заминидан узоқ ўтмишдан бери истифода этиб келинаётган монавий, сурёний, эфталит, брахма, кхарошти, сўғдий, хоразмий, парфиёний ва бохтарий ёзувларида битилган ҳар қандай ёдгорликни ҳам йўқотишга уриндилар. Шунга қарамай, аждодларимиз ўзининг маънавий обидаларини турли йўллар билан сақлаб қолишга уринган. Чунончи, Абу Райҳон Беруний шаҳодатича, «Авесто» ёқиб юборилганидан кейин орадан икки аср ўтганига қарамай, уни ёдлаганлар хотирасидан қайта ёзиб олинган, бизгача етиб келган ва фанда қисқа ёки кичик «Авесто» номи билан маълум ҳозирги нусхаси ана шу хилда тикланган. Ёхуд яқин ўтмишимиздан яна бир мисол. Туркий халқларнинг илк ёзма обидаларидан саналиб келинаётган Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу

билиг» асарининг Наманган нусхасининг Муҳаммадхожи эшон Лодареш қўлида авайлаб сақлангани ва унинг 1924 йилда Абдурауф Фитрат томонидан илмий истеъмолга олиб кирилгани нечоғлиқ кутлуғ воқеа бўлгани илм аҳлига аён. Бундай кишилар қаторида Амир Темурнинг ўзига мансуб деб қаралаётган «Тузуқлар» китобининг элга ошён этилгани ёхуд бухоролик адабиётшунос олим, профессор С. А. Алиевнинг ўтган асрнинг 50-йиллари арафасида бозор оралаб юрганида бир носфуруш олдида турган эски китобларни қўриб, улар орасида Убайдийнинг ҳал билан битилган ягона девони қўлёзмасини ажратиб сотиб олиб, уни Ўзбекистон Республикаси ФА Шарқшунослик институти жамғармасига топширгани сингари кўпгина далилларни келтириш мумкин. Шуларнинг ўзиёқ халқимиз китобсеварлик фазилати нақадар бой эканлигини ёрқин кўрсатиб турибди.

Китобсеварлик аслини олганда китобхонликдан сув ичган инсоний фазилат, бинобарин, унда инсоннинг маънавий комиллик даражаси акс этиб туради. Халқимизда эса шу фазилат оила муҳотида шаклланган, дастлаб халқ бахшиларини, халқ қиссахонларини оилавий давраларда, тўй-маъракаларда, зиёфат ва гап-гаштакларда куйлаган дostonлари, айтган қиссалари, бобою бувижонларнинг ўз болажонларига айтган эртақларини мароқ билан тинглаш тарзида шаклланган. Демак, тинглаш — ўқилганларни идрок этиш, тушуниб, ўзлаштириб олишнинг асосий шартига айлана борган. Ўз навбатида, тинглаш бутун диққатни марказлаштириш, яъни бир нуқтага жамлашни тақозо этган, пировард-оқибатда инсон фаолиятида уни маънавий камолот сари етакловчи мураккаб бир жараёндан иборат ўқиш ва ўқиш уйғунлиги юзага келган. Китобхонлик асосини эса худди шу ўқиш ва ўқиш заҳмати ташкил эта борган. Шундан бўлса керакки, Алишер Навоий Фарҳодга хос фазилат сифатида:

Ўқиб ўтмак, ўқиб ўтмак шиори,
Қолиб ёдида саҳфа-саҳфа бори, —

дея беҳудага таъкидламаган. Чиндан-да, китобхонлигининг бош шarti — ўқиганни ўқмоқ, англаб, тушуниб,

ўзлаштириб олмоқдир. Бинобарин, ҳар бир китобхон тушуниб, англаб ўқишга эришиш даркорлигини мутта-сил ёдда тутмоғи шарт. Айтайлик, Абу Али ибн Сино ўз замонасида Аристотелнинг «Метафизика» асарини ўзи билмаган тилда ёзилганлиги боис уни қирқ марта қайта-қайта ўқиса-да, ўша асарни тушунмагани, ни-ҳоят, Абу Наср Форобийнинг шу китобга шарҳини ўқиб нечоғли қувонгани бу жиҳатдан айрича ўрناк бўла олади.

Хуллас, исломнинг қабул қилиниши билан ажод-ларимиз маънавий оламида пайдо бўлган Қуръони карим ўқиш ва ўрганишга даъваткор руҳи билан қалб-ларни забт эта бошлади. Жумладан, «Алақ» сурасининг дастлабки оятларида шундай амр мавжуд. «1. (Эй Муҳаммад, барча мавжудотни) яратган зот бўлмиш Парвардигорингиз номи билан (бошлаб) ўқинг. 2. У ин-сонни лахта қондан яратган (зотдир). 3–4. Ўқинг! Сизнинг Парвардигорингиз (инсониятга) қаламни (яъни ёзишни — хатни) ўргатган ўта қарамли зотдир. 5. У зот инсонга унинг билмаган нарсаларини ўргатди»¹. Худди шундай чорловлар туфайли қуръонхонлик муқаддас анъанага айлана борди. Сўнгра бу жараёни Муҳаммад алайҳиссаломнинг муборак ҳадисларини ўқиб-ўрганиш ҳаракати тўлдира борди. Айниқса, ҳар бир мўмин-мус-лимнинг қирқ ҳадисни билмоғи шартлиги хусусидаги марҳаматлари туфайли ҳадисхонлик вақт ўта бориши билан янада такомиллашиб, ҳадислар таъсирида юзага келган диний-ахлоқий ва дидактик характердаги панд-номаларни ўқишга рағбатни кучайтира борди. Натижада «Чорёрлар», «Жангномаи ҳазрати Али», «Жангномаи Або Муслим», «Жангномаи ҳазрати Ҳамза» ва бошқа диний-ахлоқий характердаги қиссаларни ўқиш замирида қиссахонлик, авлиёлар ва валийлар ҳақидаги халқ аф-соналари ва ривоятлари асосидаги битиклар асосида маноқибхонлик, «Қобуснома», «Қутадғу билиг», «Ило-ҳийнома», «Гулистон», «Баҳористон», «Маҳбубул-қулуб», «Футувватномаи султоний» ва бошқа дидактик асар-ларни ўқиш асносида пандномахонлик анъаналарининг

¹ Қуръони карим. 513-6.

юзага келиши таъминланди. Қолаверса, анъаналар шу қадар чуқурлашдики, айрим ҳолларда эътиқодий маросим даражасигача кўтарилди. Кўпинча оилавий диний маросим сифатида қаралиб, қизил мафкура замонида қатагонга учраганига қарамай ҳар бир оила ёки хонадоннинг шахсий эътиқодий маросими сифатида гоҳ хуфия, гоҳ ошкора амал қилиниб келинган ва келинаётган хатми Қуръон, Биби Сешанба, Биби Мушкулкушод, Мавлуд сингари маросимлар замирида ҳам китобхонлик ётади. Бундай маросимларни Қуръони карим тиловатисиз, пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳақидаги қиссаларсиз, шунингдек, «Қиссаи Бибисешанба» ва «Қиссаи Бобомушкулкушод»лар қироатисиз тасаввур қилиш амримаҳол. Лоақал шулардан биргина хатми Қуръон маросимини кўздан кечириш — бу муқаддас китобни ўқишга рағбат ва эътиқоднинг нақадар чуқур илдиз отганлигини кўрсатиш жиҳатидан аҳамиятлидир.

Хатми Қуръон ана шундай эътиқодий оилавий китобхонлик маросимларидан бўлиб, араблар истилосидан кейин амалга оширилган исломлаштириш сиёсати натижаси ўлароқ юзага келган. Дастлаб Қуръони каримнинг илк бор муфассал ўқиб тугалланганлиги шарафига уюштирилган бу маросимда шу муқаддас китобни чиройли қироат қила билиш, оятлар мазмунини шарҳлаш имтиҳон қилинган. Бу ҳол эски мактабларда Ҳафтияк хатми тугагач, хонадонларда хатми китоб маросимининг нишонланишига, қолаверса, бунинг ҳам анъанага айланишига таъсир кўрсатган. Ҳозирги мактабларимизнинг 1-синф ўқувчилари томонидан нишонланадиган «Алифбе байрами» ҳам аслида шу сарчашмадан сув ичган анъана саналади.

Қуръони карим исломий тафаккур асоси сифатида мусулмончилиқни такомиллаштира боргани сайин халқнинг ижтимоий-маиший турмушини бошқаришда ҳам ўзига ҳос илоҳий низомга айлана борди. Натижада, «Фотиҳа» сурасининг 1-оятида буюрилганидай, ҳар бир юмушга киришишдан илгари Оллоҳдан мадад истаб, маънавий тасалли топиш маъносида хатми Қуръон қи-

лиш удумга айлана борди. Айтайлик, яхши ният билан тўй тараддуди бошландими — тўй олди хатми Қуръон ўтказилиб, оқсоқоллар фотиҳаси олингач, тўйда хизмат этувчилар тайинланган. Муқаддас рамазон ойида аҳли рўза ифторликка чақирилиб ўтказилган хатми Қуръонда маҳалла турмуши муаммолари хусусида гапирилиб, ёшларга насиҳатлар қилиниб, шу асосда тўпланганлар иймон-этиқодини мустаҳкамлаш кўзланган. Оилаларда оламдан ўтганлар хотирасини эслаб ўтказиладиган хатми Қуръонларда эса инсон руҳи поки муқаддаслиги шарафланган. Айни чоқда узоқ сафарга чиқиш ёки ундан омон-эсон қайтиш, аскарлик хизматига бориш ё ундан соғ-саломат қайтиш шарафига хатми Қуръон ўтказиш анъанаси ҳанузгача давом этмоқда. Собиқ қизил мафкура шафқатсиз қатағон қилганига қарамай, оилавий этиқодий китобхонлик шаклидаги бу маросимни йўқота олмади. Шу далилнинг ўзиёқ халқимизнинг Қуръони каримга бўлган этиқоди нечоғлиқ мустаҳкам эканлигини, Оллоҳ каломидан шаклланган иймони нечоғли бутунлигини, виждони уйғоқлигини ёрқин кўрсатиб турибди.

Қолаверса, бу маросимлар ҳам, уларнинг бадий ижодга дахлдор қисмлари ҳам фақат ўзаро синтезлашган ҳолда бир бутун китобхонлик ҳодисасини ташкил этади. Шу боисдан уларга фақат диний маросим сифатида қараш етарли эмас, улар — халқимиз маънавий камолотига узоқ асрлар давомида беқиёс таъсир кўрсатиб келаётган оилавий китобхонликнинг маросимий кўринишлари сифатида айрича аҳамиятга эга. Оилавий китобхонлик шаклидаги бундай маросим жаҳондаги бир қатор халқларда умуман учрамайди. Шунинг ўзиёқ мазкур оилавий маросимий китобхонлик анъанасига халқимизнинг бебаҳо қадрияти ва маънавий бойлиги тарзида қараш ва баҳолаш зарурлигини тақозо этади.

Таъкидлаш жоизки, минг йиллар давомида халқимиз маънавий камолотида кишилик бадий тафаккури тараққиётига теран ва беқиёс таъсир кўрсатган улуг аждодларимиз — сўз санъатининг бетимсол султонларидан ҳар бирининг ўз муборак номи ёхуд алоҳида донг

қозонган асари унвони билан изоҳланувчи китобхонлик анъаналари ҳам муҳим роль ўйнаб келаётир. Бу жиҳатдан, айниқса, неча асрлардан буён Абулқосим Фирдавсийнинг буюк «Шоҳнома»си ва Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Деҳлавий, Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоийларнинг мислсиз «Хамса»ларини ўқиш асносида шоҳномахонлик ва хамсахонлик, шунингдек, Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикматлар», шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозийнинг машҳур «Гулистон» ва «Бўстон» асарлари ўтли ғазаллари, исонафас шоир Ҳофиз Шерозийнинг дилларни куйдиргувчи ғазалиёти, сарҳадсиз теран тафаккур соҳиби Умар Хайём рубоиёти, бетакрор бадий тафаккур эгалари Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоийларнинг назокатли лирикаси, гайбул-лисон Абдулқодир Бедил, дарвиштаъб Бобораҳим Машраб, оташин лирик Фузулий, ёрқин мутасаввуфлар Ҳувайдо ва Сўфи Оллоёрлар асарларини оила давраларида сурурли мушоҳада ва муҳокамалар билан мутолаа қилиш замирида яссавийхонлик, саъдийхонлик, ҳофизхонлик, хайёмхонлик, жомийхонлик, фузулийхонлик, навоийхонлик, бедилхонлик, машрабхонлик, ҳувайдохонлик, оллоёрхонлик сингари китобхонлик анъаналари шаклланди. Бу анъаналарга хос яна бир хусусият шундаки, оила давраларида китобхонликнинг қай бир турига амал қилинса, ўша китобхонлик мактабига мансуб издошлар асарларини ўқиб англашга ҳам алоҳида эътибор қилинган. Айтайлик, яссавийхонлик жараёнида унинг асарлари билан бирга издошлари, жумладан, Сулаймон Боқиргоний асарларини ҳам, шунингдек, бедилхонлик асносида фақат Бедил асарлари мутолааси билан чекланишмаган, балки унинг ижодий анъаналарини давом эттирган издошлари асарлари ҳам ўқилиб муҳокама қилинган. Бундай оилавий китобхонликлар қай тартибда амалга ошгани намунасини Абдурауф Фитрат ўзининг «Бедил» рисоласида келтиради. Унда XIX аср охири ва XX аср бошларида Бухоро хонадонларида анъанага айланган бедилхонлик мажлисига доир манзара тафсилоти тўла ва жонли берилганки, ҳозирги авлодда ўтмишдаги китобхонлик, айна ҳолатда эса, бедилхонлик

ҳақида жўяли таассурот уйғотиш мақсадида ўша асардан бир парча келтириш маъқул топилди.

Асарда Рустам ва Москвада таҳсил олиб, оврўпоча кийинган ва оврўпоча тартибларга мувофиқ яшай бошлаган Қутлуғларнинг эскилик ва янгиликка қарашлари баёни тугагач, улар икковлон ўртоқлари Ҳомид уйидаги бедилхонликка йўл оладилар. Шундан кейинги манзара тасвири қуйидагича:

«Қучоқлашиб кўришдилар. Бухоро муллолари орасида форсча гўзал шеърлар ёзмоқ билан машҳур бўлган мулло Қурбон, ёш тараққийпарварлардан Ҳалимбой, Қутлуғнинг эски мактаб ўртоғи бўлиб, бу кунларда Бухорода янги мактаб ўқитувчилари бўлган Шариф билан Эгамберди ҳаммалари Қутлуғ билан кўришдилар. Қутлуғ бу эски танишлари билан кўришиб, сўрашгандан сўнг тубанда қўл қовуштириб турган, ёнларинда узониб тикилиб, ёстонғон танбур, даф, рубобдан чолғувчи эканлари англашилган кишиларга салом берди-да, ўтиб жойига ўтирди.

— Ҳомид, ўртоқ, мен бу кеча сизнинг уйингизда ўзимнинг тарихим билан кўришдим, жуда қувондим. Буларнинг ҳаммалари меним эски танишларим, — деб қўйди.

Ҳомид «Хуш келдингиз» дегандан сўнгра қўноқларга чой берди. Чолғувчиларга қараб:

— Бизнинг қўноқларга биринчи зиёфатни сиз бера-сиз, — дегач, узунча соқоли оқарган, бутун ҳаракатларидан Бухорода мусиқанинг буюк устоларидан бўлгани англашилган бир чол танбурни олди, қўлоқларини юқори-тубан бураб қўйди. Бир икки йўла чертиб-да тинглади. Сўнгра танбурнинг чаноғини тиззасига қўйди-да, кўзларини юмиб, бошини кўкрагига тўғри нуқиб «Ироқ»нинг «Буюк сайқали»ни чала бошлади». Сўнгра даврада Бедилнинг «Нукот» ва «Ирфон» асарлари ўқилиб, уни ким қандай тушунганидан баҳс юритишади, афтидан, Фитрат шу мантиқдан келиб чиқиб асари сарлавҳаси ёнида «Бир мажлисда» иборасини илова қилган. Мана, ўша баҳс манзараси:

«Мулло Қурбон «Ирфон»дан етмиш тўртинчи «тизим»ни топиб ечди. Китобни Қутлуғнинг олдига қўйди.

— Мен сўрар эдим, буни Қутлуғ биродарнинг ўзлари ўқисинлар, — деди. Бошқалар ҳам бу сўзни ёқладилар. Ҳомид туриб лампани Қутлуғга яқин қўйди. Қутлуғ ўртоқларининг сўзларини қайтармади. «Ирфон»нинг етмиш тўртинчи тизимини ўқий бошлади:

Пеш аз андам к-аз ошиёни хаёл,
Шўхи мову ман занад пару бол.
Одам — она тухми мазраъи имкон,
Ришаъи дошт дар риёзи жинон.
Беасар бо хаёл мазад жўш,
Ҳамчу фарёд бар лаби хомўш.
Охир афтон он баҳори фунун,
Чун ниҳол аз тилсими дона бурун.

Рустамнинг тентак товуши Қутлуғни тўхтатди.

— Тўхтанг, ака! Бошингизни кўтармай ўқиб кета берасизми? Энди бизнинг сўзларимизга жавоб берасиз.

— Қани, нима дейсиз?

— Бедил ҳам одамнинг жаннатдан чиққанини сўйлаб ўтди. Бунга сиз нима дейсиз?

— Бедил ундай айтган эмас. Айтса ҳам қабул қилмаймиз. Мен сизга Бедилнинг «ваҳдати вуҷуд»чи «сўфи»лардан бўлганини сўйлаган эдим. «Ваҳдати вуҷуд» фикрини қабул қилган «сўфи»ларнинг ҳеч биртаси «Одам ато» деган бир кишининг бошда жаннатда юрганини, унинг чап қобурғасидан «Ҳавво она» деган бир хотун чиққанини, сўнгра буғдой еб жаннатдан қувилганини қабул қилмайдир. Уларнинг дунё яратилиши тўғрисида «давр» назарияси деган назариялари бор.

«Давр» назариясининг енгил бир бўлагинда унсурларнинг бирлашмагиндан «жомодот» — «жонсиз жисмлар» унган, жомодотнинг юксалиши йўлиндаги тебранишлариндан «наботот» (ўсимликлар) ўсган, уларнинг етишмаги билан «ҳайвонот» (жониворлар) чиққан, уларнинг такаммул этишидан инсонлар пайдо бўлганлиги сўйланадир.

Сўфиларнинг «давр» назарияси билан бу кунги табиат олимларининг «такаммул» назарияси орасинда сирдангина бир турли ўхшаш бор эса ҳам бу икки

назария тубда бир-биридан айричадир. Мен бу ерда «давр» назариясининг ҳақиқатиндан ҳамда унинг «такаммул» назарияси билан бўлган муносабатидан сўйлайман, чунки узундир, бизни узоққа туширадир.

Бедилнинг ўзи ҳам китобида бу «давр» назариясидан узун сўйлайдир. Унсурларнинг тўпланишидан инсонликгача бўлган ҳаракатини мана шу йўлда кўрсатадир:

Жамъ то шуд жамол ном гирифт,
Раст аз он жо набот-у жом гирифт.
Ба равоний расид-у ҳайвон шуд,
Ба сухан лаб кушуд-у инсон шуд.

Бедилга кўра, инсон жаннатдан ерга тушмади. У бу кунги ҳолига кирмасдан бурун ҳайвонлар қаторинда худди шулар каби юргувчи бир ҳайвон, маймун эди. Чунки табиатда ҳар бир шакл «модда»нинг устига тушадир. Шаклдан бурун «модда»нинг бор бўлиши керакдир:

Ҳеч шакла беҳаюло қобили сурат нашуд,
Одамий ҳам пеш аз он к-одам шавад, бузина буд.

Бедилнинг бу тўғридаги фикрлари англаб олдингиз»¹...

Хуллас, шу тахлитдаги баҳсу мунозаралар замирида Бедил ғояларидаги ҳақиқатлар англана борилган, шоир фалсафий қарашлари мағзи чақилиб, Бедил бадий оламига кириб борилган.

Оилавий китобхонликка хос бундай анъаналар XX асрда Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Ойбек ва бошқа сўз санъаткорлари асарларини ўқиш асносида ҳам, қисман бўлса-да, давом этиб, қодирийхонлик, чўлпонхонлик, фитратхонлик ва ойбекхонлик тусида намоён бўлди. Ўтган асрнинг 20–30-йилларида қатагонга учраган ижодкорлар асарларини хуфия ўқиш ва ҳатто ёдлаб олиш рағбати бу жараённинг шаклланишига таъсир кўрсатди. Бу жиҳатдан ўша йилларда «Ўткан кунлар» романини бошидан охиригача ёдлашга муваффақ бўлган китобхонларнинг мавжудлиги эътирофга арзийди.

¹ «Гулистон» журнали, 1994, 4-сон, 62-б. ва 1995, 1-сон, 32-б.

Зеро, китобхонлик — меҳнатдир, инсон маънавия-
тини юксалтирадиган, ақлий меҳнат сифатида катта кунт
ва диққатни, сабр ва бардошни талаб этади, инсон
шуурини ҳаракатга солади. Мушоҳада ва мулоҳаза юри-
тиш иқтидорини шакллантиради, фикрини чархлайди,
теранлаштиради, ҳодисалар моҳиятига хос фарқлар ва
муштарак хусусиятларни идрок қилишга, улардан умум-
лашма хулосалар чиқаришга йўл очади.

Табиийки, оилавий китобхонликда ташаббус ҳамиша
катталар тарафида бўлади. Бунда боболар ёки бувилар-
нинг болаларга эртақгўйлиги ёки ота ва оналарнинг
китобхонлиги айрича аҳамият касб этади. А. С. Пушкин
истеъдодининг куртак отишида бувиси Арина Радио-
новна нечоғли роль ўйнаган бўлса, «болалик кунларида,
уйқусиз тунларида» бувиси сўйлаб берган эртақлар Ҳамид
Олимжонда шоирлик истеъдодининг уйғонишида шу
қадар роль ўйнагани инкор этиб бўлмас ҳақиқатдир. Ёки
Абдулла Қаҳҳорнинг илк адабий таълим олишида отаси
ўқиган китоблар қай даражада таъсир этганини адиб-
нинг куйидаги иқроридан билса бўлади: «Отам китобга
ниҳоятда ишқибоз бўлиб, деярли ҳар куни ишдан кейин
онамга қизиқ китоблар ўқиб берар эди. Бу китоблардан
эсимда қолганлари: ҳар хил жангномалар, «Далла ва
Мухтор», «Баҳори дониш», «Бобо Равшан». Мен сатр-
ларни кузатиб, отамнинг ёнида ўтирар эдим. Отам ҳеч
қачон ҳеч қаерда ўқиган эмас, «Мен тушимда хат тани-
ганман» дер эди. Шундай бўлса ҳам ажаб эмас, лекин
тушида хат танишга ёрдам берган нарсани унинг китобга
ишқибозлиги орқасида, менга ўхшаб, саводли киши
китоб ўқиганида сатрларни кузатгани бўлса керак»¹.

Ҳа, ота-боболаримиз китобни шу қадар улуғ муҳаб-
бат билан ўқиган, асраб-авайлаган, унга чинакам ихлос
қўйиб сифинган, китобдаги сўзни муқаддас билиб эъти-
қодини, иймонини мустаҳкамлаган, китобнинг мўъ-
жизавий қудратига тан бериб, ишониб ва амал қилиб
яшаган. Шу тариқа китобсеварлик ота-боболаримизнинг
қон-қонига сингиган, саводи бор ёки йўқлигидан қатъи

¹ Адабиётимиз автобиографияси, Тошкент, 1973, 184–185-
бетлар.

назар, китобни қўлига олгани заҳоти уни кўзларига суртиб тавоф этган. Шуларнинг ўзиёқ халқимизнинг маънавий оламини зийнатлаш йўлида нечоғли изланганини равшан кўрсатиб туради. Шундай изланишлар туфайли жаҳоншумул тафаккур тараққиётига таъсир кўрсатган ва муносиб ҳисса қўшган Имом Исмоил Бухорий, Имом ат-Термизий, Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Замахшарий, Маҳмуд Кошғарий, Аҳмад Яссавий, Абдухолиқ Фихривоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Хўжа Аҳрор Валий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машраб, Муҳаммад Ризо Оғаҳий, Аҳмад Дониш, Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Ойбек ва Абдулла Қаҳҳор сингари даҳо китобхонлар ва илму адаб устозлари етишиб чиқдики, бу, ўз навбатида, шоир Хуршид Даврон ғоят теран пайқаганидек: «Забун бўлмоқдан аслида кутқариб қолди бизларни!»

Тўғри, ҳозирги ахборотлар беҳад шиддат олаётган бир шароитда оилавий китобхонликда ҳам суръатда, ҳам мазмунда, ҳам шаклда талай ўзгаришлар содир бўлаётир. Эндиликда телевидение ва кино унинг ашаддий рақибига айланиб бораётгани инкор этиб бўлмас ҳақиқатдир, сирасини айтганда, телевидение ҳам, кино ҳам, театр ҳам оммавий китобхонликнинг тезкор ва кўримли шакллари бўлиб, омманинг маънавий камолотига жиддий таъсир кўрсатаётир. Қолаверса, бозор иқтисодиёти шароитида китоблар нархининг бир қадар қимматлаша бораётгани оилавий китобхонликда маълум муаммоларни келтириб чиқараётир. Шундай бир шароитда телевидение, кино ва театр оилавий китобхонлик шаклида оила муҳитига чуқурроқ сингиб бораётган эса-да, бироқ бевосита китобнинг ўзини ўқиш қадар афзаллик касб эта олмаётганидан ҳам кўз юммаслик даркор. Шу вайдан ҳамма замонларда ҳам китоб етти мўъжизанинг бири сифатида китобсевар элимиз маънавиятининг зийнати бўлиб қолаверади.

ОИЛА ҲАЁТИДА МЕЗОНГА АЙЛАНГАН АХЛОҚИЙ НИЗОМЛАР

Коса тагида нимкосаси бор.

Сабаб билан зиёрат,
Балчиқ билан иморат.

Халқ мақоллари

Кишилик жамияти тарихига назар солинса, қадим аجدодларимиз уруғ бўлиб, қабила бўлиб, пировардоқибатда жамоага айланиб уюша бошлаганидан бери уюшма шаклидаги жамоатчилик ҳолатида яшашининг ёзилмаган, лекин риоя қилиниши қатъийлаша борган ўз-ўзини тарбияловчи, ўз-ўзини бошқарувчи ҳаётий низомга зарурият сеза борган ва уни ибтидоий эътиқодлари анимизм, тотемизм, фетишизм ва кейинроқ қарор топа борган хилма-хил диний ақидалари замирида шаклланган амалий тажрибаси жараёнида ишлаб чиқилган. Айтайлик, ҳозир жамият турли-туман қонун ва ҳар бир давлатнинг ўз миллий Конституцияси билан бошқарилса, уруғчилик, қабилачилик замонларида яшаган аجدодларимиз ана шу қонунчилик асосини ўз ҳаётий тажрибаларида синалган ахлоқий-ҳуқуқий қадриятларини сўз магиясига йўғириб, ирим шаклидаги турли-туман тақиқларни, кейинчалик диний эътиқоднинг кучайиши таъсирида увол (ҳаром ҳам унинг таркибидаги ҳодиса) дейилгучи тақиқларни яратганлар ва уларга амал қилиб яшаганлар. Этнопедагогик ва ҳуқуқий моҳиятга эга бу ҳодиса жаҳон халқларининг барчасига хос бўлиб, илмий таомилда полинезча *Tabu* (*ta* – ажратмоқ, *bu* – бутунлай маъноларини англатувчи сўзлардан таркиб топган, термин сифатида «ман қилинган», «тақиқланган» ёки «тақиқ этилган» деган маъно-

ни англатувчи) сўзи билан халқаро миқёсда ифода-
ла-ниб келинмоқда. Шунга қарамай, бу ҳодиса ҳар бир
халқнинг маънавий маданияти, урф-одатлари, маро-
симлари ва диний эътиқоди таъсирида ўзига хослик
касб этиб, ўша халқнинг, аниқроғи, миллий мента-
литетини ифода этувчи моҳият касб этган. Худди шу
хусусияти туфайли босқинчи салафларидан эстафетани
олган қизил мафкура ҳам етмиш йиллик ҳукмронлиги
давомида уни хурофот ва бидъатга йўйиб, халқнинг
маънавий маданияти, таомиллари, маросимлари, диний
эътиқодини ифодаловчи ижобий моҳиятини рад этиб
келди. Бу эса, аслида асрлар давомида халқимиз онгида
сайқалланиб, турмуш кечириш қонуниятига айланган
ва шарқона тарбиявий мазмунга эга эди. Бинобарин, бу
ҳодисани инкор этиш — халқни ўз анъаналаридан, қола-
верса, ўзлигидан воз кечтириш йўли эди. Аслида бу
чуқур ўйланган сиёсат бўлиб, унинг замирида гўёки
ўтмиши қоғоқ кечган халқимизни «ёввойиликдан қутқа-
рувчилик» ёки «маданийлаштирувчилик» даъвосини
халқаро афкор омма олдида оқлаш ниятини пардаловчи
даъво эди. Шундай таъқибларга қарамай, табулар ҳамон
яшаб келмоқда, халқимиз уларга, стихияли тарзда бўлса-
да, амал қилиб яшамоқда. Ва айтиш мумкинки, шу
амалиёти туфайли ҳам ўзлигини, миллий қиёфасини,
қисман бўлса-да, сақлаб қолишга эришди.

Халқимиз турмуш фаолиятида яшаб келаётган айрим
тақиқларнинг келиб чиқиш илдизи кишилик оламининг
ибтидоий даврига бориб тақалади. Маълумки, ибтидоий
~~одам оламини дуалистик тарзда тасаввур этган.~~ Ана шун-
дай қараш ранглар ва йўналишларнинг ҳам рамзий
ифодаланишларида ўз аксини топган. Масалан, ўтмиш-
даноқ оқ ранг — ёруғлик, поклик, эзгуликнинг, қора
ранг эса — ёвузлик, ўлимнинг рамзий ифодаси сифа-
тида талқин этилган. «Ўрта Осиё мифологиясида Ахура
Мазда бошчилигидаги эзгулик олами ёруғлик, оқлик,
бахт билан алоқадор. Ахриман томонидаги қора кучлар
эса исми жисмига монанд ҳолда қора ранг ва ёвузлик
билан боғлиқ.

«Авесто»да қурғоқчилик ва офат келтирувчи ёвуз

илоҳлардан бири Апауша қора от суратида тасвирланган. Унга қарши курашувчи ёгин-сочин ва дарё сувлари «эгаси» Тиштрия эса оқ отдир»¹.

Худди шундай рангларнинг рамзий ифодасига оид дуалистик қараш тақиқларнинг ҳам яратилишига асос бўлган: келин тўй кечаси қора ва сариқ рангдаги кийим киймаслиги лозим, бахти оқ-оппоғу бахтиёр бўлсин, дея унга оқ кийим кийдирадилар. Шунингдек, тўй дастурхони қора матодан тикилмаслиги лозим. Бундай тақиқларга амал қилишнинг ҳам сабаби бор, албатта. «Тўй удумларимизда оқ рангга қатъий амал қилишнинг боиси келин-куёвга бахт, тотли оилавий ҳаёт тилашдир»². Рангларга ўхшаб, йўналишларнинг ҳам маълум рамзий ифодалари мавжуд: «ўриндан чап оёқ билан туриш — ўша кунни кўнгилсиз ўтказишдир», деган ишонч кенг тарқалган. Бу чап ва ўнг томон тушунчаларини яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик тушунчалари билан бирлаштирувчи ғояларнинг оддий ассоциациясининг бир кўринишидир, холос. Худди мана шу ишонч ҳозирги тақиқларимизнинг ҳам моҳиятини ифодалаб беради. Халқимизда кўпинча ўнгни — тўғрилиқ, ростликнинг, чапни эса — эгрилик, адашишнинг рамзий ифодаси сифатида тушуниш одатга айланиб қолган. Шунинг учун келин-куёвнинг ўз уйи остонасига илк қадамини чап оёғидан бошлаши тақиқланган. Ҳаётда доимо тўғри-йўлдан борсин, деган истакда ўнг оёғи билан илк қадамини қўйиши кераклиги уқтирилади. Ёки никоҳ куни келин-куёв узукни чап қўлга ва ўрта бармоққа ўтказмасликлари лозим. Чунки чап қўлга ўтказса — ҳаётда эгри йўлга кириб кетади, ўрта бармоққа эса фақат ўлик ювувчилар узук тақишади, деб ирим қилинади. Бундай тақиқларнинг асосида йўналишларнинг рамзий ифодаси турса-да, улар ҳозирги кунда тўй маросимларида келин-куёвга тилак, ният билдиришнинг бир шакли саналади, холос.

Ибтидоий даврга хос тақиқлар силсиласида тугун билан боғлиқ табулар алоҳида ўрин тутади. Боғич ва

¹ М. Жўраев. «Сеҳрли» рақамлар сири. Тошкент, «Ўзбекистон», 1991, 50-б.

² М. Жўраев. Юқоридаги манба, 57-б.

тугунга алоқадор тақиқларда кишининг иши юришмаслиги, йўлига кўп ғов тушиши ирим қилинади. Э. Тейлор ибтидоий одамнинг олам ҳақидаги мантикий тасаввурини таҳлил қилар экан, уларнинг «бир-бирига ўхшаш нарсаларнинг ҳаракати ҳам ўзаро боғлиқдир», деб тушунганликларини қайд этади. Худди шундай тасаввурлар асосида тугун билан боғлиқ тақиқлар шакллланган. Уларнинг аксарияти тўй маросими ва янги боланинг дунёга келиши жараёнларига алоқадор. Масалан, ҳиндларда шундай тақиқ мавжуд: аёл ҳомиладорлик пайтида кийимига бирор тўғнағич, сочига ҳам бирор боғлайдиган нарса тақмаслиги керак, акс ҳолда боласи дунёга келаётган пайтда қийналади. Суматри оролларида эса чақалоқ туғилаётган пайтда ҳамма ёпиладиган нарсаларнинг оғзини, қопқоғини очиб қўйишаркан¹.

Африка, Европанинг бир қанча давлатларида эса тўй куни бирор жойга қулф урмаслик кераклигини тақиқловчи табулар мавжуддир. Бундай тақиқларнинг вариантлари ҳозирги кунгача халқимизнинг маросимларида сақланиб қолган. Мана, улардан айримлари:

Тўй куни келин кўйлагига тўғнағич қадаш мумкин эмас, акс ҳолда бахти боғланармиш.

Келин-куёв сарполари солинган дастурхонни тугун қилиб боғлаш мумкин эмас, акс ҳолда уларнинг бахти боғланармиш. Шунингдек, никоҳ ўқиладиган пайт на бирор эшикка, на бирор сандиққа, на бошқа бирор нарсага қулф урмаслик лозим. Ҳар учала бу тақиқ моҳият-этибори билан бир хилдир, яъни тугун, боғич — кишининг бахтини боғловчи нарса сифатида тавсифланиб, тақиқ орқали шу бахтсизликнинг олдини олиш кераклиги (ирим воситасида) айтилади. Бу ўринда табулар бирор-бир тарбияловчи вазифа бажармайди, балки одамлар учун ўз ниятларини ифодалашнинг бир кўриниши сифатида намоён бўлади. Ибтидоий даврда уларнинг таъсир кучи одамларнинг ўз мантикий фикр юриштишларига қаттиқ ишончи билан белгиланган бўлса, ҳозирги кунда улар ирим-сиримлар доирасида қолиб кетган бир унсур ҳисобланади, холос.

Соч, тирноқ каби одам вужудига хос узвлар билан

Д. Фрезер. Золотая ветвь. Москва. 1985. 231-б.

боғлиқ тақиқлар ҳам дастлаб ибтидоий даврда шаклланган. Ўтмишда сочни қирқиш, ерга ташлаш тақиқланган, чунки ўша давр кишиларининг тасаввурига кўра, соч одам организмнинг бир қисми ҳисобланган, борди-ю бу нарсалар сеҳргарлар кўлига тушиб қолса, улар бундан соч эгасини таъқиб этишда фойдаланади, дея ишонганлар. Агар соч толаси душман кўлига тушса, у одамларга касаллик ва бахтсизлик келтирармиш, шунинг учун патагонияликлар сочлари душман кўлига тушмаслигини кўзлаб уни куйдирадилар. Немис халқи шунга ишонганки, агар инсон сочининг толасидан сичқон ёки қушлар ўзларига уя яасалар, соч эгаси бошоғриқ бўлиб қоларкан. Сочни қирқиш ҳатто ҳавони ўзгартиришга, дўл ёғилишига сабаб бўлади, деб айтганлар¹. Бу тақиқларнинг турли вариантлари ҳозирги кунгача сақланиб қолган. Масалан, пешона сочи қирқилмайди, акс ҳолда ризқи қирқилишига сабаб бўлармиш. Ёки сочни куйдириш увол, акс ҳолда соч эгаси ўлади ёки азоб чекади, деб ирим қилинади. Буларга ўхшаш тақиқлар қолдиқ сифатида сақланиб, ирим даражасида қолиб кетган. Бироқ яна бир қатор тақиқлар мавжудки, улар ибтидоий тасаввурлар замирида яратилган бўлса-да, маълум бир ахлоқий, гигиеник талабларга риоя этишга ундаши жиҳатидан ҳозирги кунда ҳам аҳамиятлидир. Чунончи, тароқда илашиб қолган сочни ерга ташлаш мумкин эмас, акс ҳолда соч эгаси мудом бошоғриқ бўлармиш. Ўтмишда эса қиз боланинг, аёлнинг бошяланг юриши ман этилган. Бу ҳосиятсиз саналган. Чунки аёл бошидаги рўмол — оила сардорлиги рамзи саналиб, у танғилмаса, оила сардори ўлади, дея ирим қилинган. Кўринадики, юқоридаги тақиқларнинг бузилишидан келиб чиқувчи жараёнлар ирим сифатида талқин қилинган. Гарчи уларнинг айримларига бидъат сифатида қаралиб, амал қилинмаса-да, уларнинг асл моҳияти замирида кишиларни эстетик, гигиеник, маънавий жиҳатдан такомилга етказиш талаби турадики, бу барча даврларда ҳам кишилар турмуш фаолиятида ўз аҳамиятини сақлаб қола олган.

Худди сочга ўхшаб, тирноқни ҳам ибтидоий даврда

¹ Д. Фрезер. Золотая ветвь. 226-б.

одам организмига тегишли ҳисоблаб, уни ерга ташлаш ёки куйдириш ман этилган. Ҳозирги кунга келиб улар ҳам янгича моҳият касб этган. Масалан, бирваракайига ҳам қўл, ҳам оёқ тирноқларини олиш мумкин эмаслиги. Негаки, бу ўлим келтирар эмиш. Ҳеч иложи бўлмаганда эса, етти қадам юриб, кейин бошқа бармоғидаги тирноқни олиш мумкин.

Бировнинг уйида тирноқ олиш мумкин эмас, акс ҳолда бундай киши шу хонадон душмани ҳисобланармиш. Ҳақиқатан ҳам, тирноқни бировнинг уйида олиш ахлоқ нормаларига хилофдир. Баъзан тақиқларда жиддий гигиеник талаб даражасидаги ҳодисаларни кузатиш ҳам мумкин. Чунончи, тирноқ олингач, қўлни ювмасдан туриб бирор нарсага тегизиш мумкин эмас. Бунга ўхшаш тақиқлар кишиларни озодаликка ундаши жиҳатидан аҳамиятлидир.

Баъзан тақиқларда кишилар ибтидоий қарашларининг, диний ишонч-этиқодларининг ифода этилганлигини кузатиш мумкин. Масалан, киши беморлигида тирноғи олинмайди. Акс ҳолда касалнинг жони узилади, дея ирим қилинади. Бу тақиқ ўтмишда тирноқ — организмнинг бир қисми, бинобарин, уни қирқиб ташлаш — ўлимга олиб келиши тўғрисидаги ақида замирида туғилган. Бинобарин, бу хурофий бидъат бўлиб, аслида беморнинг тирноғини олмасликнинг ўзи хатодир. Чунки касални қанча тоза-озода сақлашса, у шунча тез соғая боради.

Диний қарашларга кўра, кечаси ўлган кишиларнинг арвоҳи кезиб юрармиш. Шу сабабли кечаси тирноқ олиш ман этилади. Бунда олинган тирноқ гўё арвоҳларга ташланган, деб ҳисобланармиш. Табуда халқимизнинг ўлган кишиларнинг руҳини эъзозлаш зарурлиги тўғрисидаги қарашлари ўз ифодасини топгандир ва бу маълум тарбиявий аҳамиятга эга эканлиги билан ҳам характерланади.

Кишиларга тегишли нарсалардан сеҳр-жоду воситаси сифатида фойдаланиш мумкинлиги тўғрисидаги ишонч фақатгина соч, тирноққа оид тақиқларда эмас, балки турли предметларга алоқадор тақиқларда ҳам ўз ифодасини топган.

Жанубий Австралиядаги кишилар бирор одам томо-

нидан ейилган овқат, жонивор, балиқларнинг суякларини йўқотишга, куйдиришга ҳаракат қилганлар, гўё шу билан ўзларини таъқиб этувчи душманлари солажак хавфни йўқотмоқчи бўлганлар¹.

Ҳозирда ҳам халқимиз орасида «овқат қолдиғини коса тагида қолдириш увол» деган тақиқ мавжуд. Гарчи бу ибтидоий қарашларда изоҳланмаса-да, бари бир унинг шаклланишида ўтмиш тасаввурларининг таъсири мавжуддир. Иккинчи томондан, ушбу тақиқ кишиларни ноз-неъматларни исроф қилмасликка ундайди.

Юқорида кўриб ўтилган тақиқлар бевосита инсониятнинг илк тасаввурлари, ишончлари асосида яратилган бўлса-да, даврлар ўтиши билан уларнинг характери, турмушдаги ўрни, бажарадиган вазифаси ўзгарган. Дастлаб улар кишилар эътиқодининг бир омили, воситаси саналган. Ҳозирда эса улар гарчи айнан ёки ўзгарган вариантларда учраса-да, тақиқларнинг асл мақсад, моҳият ва вазифаси тамомила ўзгарган. Бу ўзгариш, бир томондан, даврлар ўтиши натижасида кишилар онгида янгича қарашларнинг (масалан, диний-ахлоқий қарашлар) пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, ҳар бир миллат ёки халқнинг ўз урф-одатлари, ахлоқий талабларига мос равишда улардан ўз турмуш фаолиятида фойдаланишларига боғлиқдир. Шу жиҳатдан, ўзбек халқ табуларини характерлайдиган бўлсак, бунда уларга хос муҳим хусусият — тақиқларнинг ирим билан боғлиқлиги масаласига алоҳида эътибор бериш зарурдир. Шу ўринда «Ирим нима?» деган табиий саволга жавоб бериш зарурияти туғилади. «Ислом» справочнигида ирим қуйидагича тавсифланади: «Ирим — юз бераётган кўпгина воқеа-ҳодисалар ғайритабиий кучларнинг кўриниши ва аломати деб тасаввур этиладиган хурофот. Турли динларнинг руҳонийлари одатда диний эътиқоддан бошқа ҳамма нарсани ирим деб билишади. Аслида эса ғайритабиий кучларга эътиқод қилишнинг ўзи иримдир...»². «Ўзбек тилининг изоҳли луғатида эса, ирим «Бирор мақсад, ният билан қилинган хурофий

¹ Д. Фрезер. Золотая ветвь. 195-б.

² Ислом (справочник). Тошкент, ЎСЭ Бош редакцияси, 1989. 134-б.

тадбирлар: Масалан, тўйдан яхши ният билан бирор нарса олиб кетиш, дард-балони қайтариш, зиён-заҳматдан, кўз тегишдан сақлаш учун бирор нарсани бошдан ўгириб ташлаш ва б.»¹ тарзида таърифланади. Иримнинг моҳиятини очишда дастлабки таърифдаги биринчи фикр аҳамиятлироқдир: яъни ҳар бир ирим асосида, ҳақиқатан ҳам, кишиларнинг маълум бир жараёни гайритабиий кучларнинг аломати тарзида тушуниш тўғрисидаги тасаввурлари ётади (дейлик, ранглар ва йўналишларга оид тақиқлардаги рамзий ифодаalar кишиларнинг ёвузлик ва эзгулик кучлари ҳақидаги тасаввурлари асосида юзага келган). Бироқ иримни эътиқод билан тенглаштириш хатодир. Эътиқод — кишининг қалб истаги, руҳий комилликка интилиш истаги асосида Олий Рухга бўлган ишончидир. Гарчи ирим асосида ҳам маълум бир нарсаларга ишонч ётса-да, бироқ бу ишонч ўзгарувчан хусусиятга эгадир. Масалан, кишилар ўз ниятларини ифодалашда иримнинг ранго-ранг вариантларини яратадиларки, баъзан улар бир-бирига зид бўлиб қолади. Иримнинг ўзгарувчанлиги ҳам шунда: дейлик, оқ ранг — ҳам бахтсизлик (ўлим), ҳам бахт рамзи сифатида ҳозирги кунгача мавжуд. Бу зиддият иримларни характерлашда муҳим омил саналади.

Тўй маросимига дахлдор қатор тақиқловчи иримларни кишилар ўз ниятларини ифода этишнинг бир воситаси сифатида характерлаш мумкин. Бу иримлар (умуман тақиқлар) шу маросимнинг маълум бир қонунқоидалари асосида шакллангандир. Урф-одатга, маросим қонунийларига зид жараёнлар тақиқларда ўз ифодасини топади. Демак, тўй маросимида ҳамма нарсанинг жуфт бўлиши қатъий талаб этилади. Шу боисдан келинкуёвга аталган дастурхонда нарсалар тоқ қўйилмаслиги шарт. Улар бирга яшашсин, ажралишмасин, дея доимо жуфт нарса қўйилади. Тўйда бахт ва осудалик, йўли очиқлик тилаш ҳам маросимнинг характерли хусусиятларидан биридир. Ана шу ният ҳам тақиқланувчи иримларда ўз ифодасини топган бўлиб, уларни ижобий

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. Иккинчи жилд. Тошкент, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006, 224-б.

ҳодиса сифатида баҳолашга омил бўла олади: келин сарполарини тескари ўраш мумкин эмас, акс ҳолда унинг бахти қайтармиш. Тўй куни келин уйида рахт¹ урганда устидаги сўзаналарни энига қараб ташлаш мумкин эмас. Йўли очиқ бўлишини истаб, доимо бўйига қараб ташлаш керак.

Кишилар онгида маълум бир ҳодиса, воқеалар ўртасидаги ўхшашлик асосида улар тўғрисида бир хил баҳо бериш, бир хил фикр юритиш ибтидоий даврларданоқ шаклланган, бундай ибтидоий (примитив) фикрлаш ҳозирги кунда ҳам маълумдир. Тақиқларнинг аксариятида мана шу илк тасаввурларнинг кўчиш ҳодисасини айнан уларнинг иримларга боғлиқлик ҳолатида учратиш мумкин. Инчунин, тўй кечаси келиннинг сарполарини осиб қўйиш учун торни бева аёл урмаслиги лозим. Янги келин бева бўлмасин, дея шундай ирим қилинади. Ёки келинчакка никоҳ кийимини бефарзанд аёл кийгизиши тақиқланади. Бунда ҳам янги келинчак зурриётсиз бўлмасин, деган орзу ифодаланган. Бунда киши руҳига, истагига зид ҳодисанинг такрорланмаслигини ифодаловчи мақсад аксини топган. Баъзан нарсалардаги хусусиятлар ва инсон фаолияти ўртасидаги ўхшашликка асосланиб, улардаги кишилар дунёсига мос келмаган хусусиятларни чеклаш негизида ҳам тақиқлар яратилади. Дейлик, янги келин тушган хонадонда келин қўлига илк бор аччиқ нарса берилмайди. Унга илк бор кесгани молнинг қуйруғини берадилар. Бу билан қўли ҳамиша ёғлиқ бўлишини истаб қоладилар. Ёки тўйда келин-куёв хонасига совуқ сув киргизилмайди. Улар орасига совуқлик тушмасин, дея шундай қилинади. Кўринадик, турмушдаги ҳар бир кичик ҳодиса ёки ҳар бир нарса — кишиларнинг фикр юритишларига асос бўлиб қолган ва бундай фикр юритишнинг натижаси ўлароқ, иримларга алоқадор тақиқлар шаклланган. Бунда тақиқловчи

¹ Бухорода никоҳ тўйи таркибида рахтзанон (рахт уриш) деган алоҳида маросим бор. Бунда аёл қуда-андалар келин-никида куёв юборган кийим-кечакларни қавму қариндошлар ўртасида махсус намоёиш этиб, кўрпа-тўшакларни маълум иримлар асосида сандиқ устига териб чиқади. Бу *рахт* дейилади.

иримларнинг вазифаси кишилар эзгу ниятини ифода этишнинг маълум бир воситаси бўлишдан иборатдир.

Иримга дахлдор тақиқларнинг аксарияти оналар ва болалар ўртасидаги, катталар ва болалар ўртасидаги муносабатларга оиддир. Янги тугилган чақалоққа алоқадор тақиқларда кишиларнинг ўз зурриётларини ҳар қандай хавфу хатардан асрашга бўлган интилишлари ифодаланган. Чақалоқ чилласидан чиқмагунча она уни бировникига олиб бормади, акс ҳолда бола учинар эмиш. Шу даврда у якка қолдирилмайди, чақалоқ ётган уйнинг чироғи ўчирилмайди... гўё бу билан болага хавф туғдирувчи инсу жинслардан уни ҳимоя қилмоқчи бўлишади. Бундай тақиқларнинг вужудга келишида ва уларнинг иримларга ўралиб берилишида бирор-бир асос, зарурият мавжудми, деган табиий савол туғилади. Агар ибтидоий даврларда яратилган табуларга эътибор берсак, уларнинг ҳар бирида инсониятнинг илк тафаккур меваларини, ахлоқий-ижтимоий ҳаёт нормаларининг ифодасини кўришимиз мумкин. Фан тараққий этмаган ўтмиш ҳаётда, гарчи маълум бир фаолиятни бажариш мумкинлиги тўғрисида илмий далил-хулосалар мавжуд бўлмаса-да, ҳаёт зарурияти ва кишиларнинг ишонч-эътиқодлари яшаш омилларини, тартибини белгилаб берган, бу табиий жараён ҳисобланади. Шунингдек, юқоридаги тақиқларда ҳам кишиларнинг руҳларга, инсу жинсларга ишонишлари ифодаланиши билан бир қаторда, табулар замирида ҳаёт ҳақиқати, зарурияти ҳам мавжуддир. Дейлик, янги туғилган чақалоқ учун покиза муҳит, тинч ўрин-жой, мўътадил иқлимнинг бўлиши зарурий эҳтиёждир. Ана шу табиий талаб кишиларни унга риоя этишга ундайди. Тақиқлар бу ўринда ана шу зарурий талабларни бажаришда муҳим восита саналади. Улар таркибидаги ирим эса кишиларнинг маълум нарсаларга (инсу жинсларга, париларга) бўлган ишончини кўрсатибгина қолмай, табуларнинг таъсирчанлигини оширишда, уларнинг ҳаёт қонунияти сифатидаги кучини кўрсатишда муҳим восита саналади. Бироқ баъзи тақиқларда ирим кишиларнинг руҳига зид жараёнларни ифодалашнинг бир йўли бўлибгина қолади, холос. Масалан, боланинг бешигини қуруқ тебратмайдилар, акс ҳолда бола ўлган, дея ирим қилинади. Бешикни қу-

руқ, яъни тўшакчаларсиз қўймайдилар, бу хосиятсиз саналади. Бола бешигининг устини очик қўйиш тақиқланади. Гўё бешик усти очик қолса, унга инсу жинслар кириб ётармиш. Шунинг учун гўдакни ёвуз руҳлар таъқибидан асраш мақсадида бешикка — кўрпачасининг остига, албатта, нон ёки пичоқ қўйилади. Бу нарсалар болани хавфу хатардан асровчи магик восита сифатида талқин этилади. Ҳатто шунгача эътибор бериладики, дейлик, болани икки қўлнинг кафтида кўтариш мумкин эмас, чунки ўлган боланигина шу хилда — икки кафтда кўтарадилар. Шунингдек, чақалоқни ёстиқ устига ётқи-зиш тақиқланади. Ўлган чақалоқни ёстиқ устига олиб боришлари сабабли шундай иримга амал қилинади. Кўринадики, бундай тақиқлардаги иримлар — икки жараённинг бир-бирига ўхшашлигига асосланиб фикр юритувчи инсоннинг қарашлари маҳсулидир, холос. Табулар орқали болаларга қаратилган яхши ният ифода-ланади. Баъзан тақиқлардаги иримлар мана шу вазифани бажаришнинг, аниқроғи, кишиларнинг эзгу орзуларини ифодалашнинг муҳим воситаси саналади. Бола ётган уйда чироқнинг ёниб туриши билан унга ёруғ келажак тиланади. Ёки чақалоқнинг қўйлакчаси этагини буклаб тикиш мумкин эмас. Бу билан келажакда чақалоққа йўли очиклик тиланади. Боланинг тиши тушганда, уни ерга ташламайдилар. Тиш — гўдак вужудининг аъзоси, уни ерга ташлаш эса фарзандни оёқ ости қилиш билан тенг-лаштирилади. Бу ўринда тақиқлар маълум бир ахлоқий-маънавий тарбия воситаси сифатида (кишилар турмуш фаолияти) хизмат қилади.

Тақиқлар замирига сингиб кетган иримларда баъзан кишиларнинг ўз турмушларини фаровон кўриш ист-агини ифода этганликларини кўрамиз, масалан, нон энг мўътабар ризқ-рўз сифатида эъзозланиб келинган. У мўл-қўлчиликнинг рамзи ҳам. Шу боисдан нонга оид табуларда кишилар ўзларининг бу неъматга муносабат-ларини ирим воситасида ифода этганлар. Дастурхонда нонни тескари қилиб қўйиш, очик дастурхондаги ноз-неъматларни емай, уларга шунчаки қараб ўтириш мумкин эмас, гўё ризқ-рўз учиб кетармиш. Дастурхонни нонсиз қўйиш ҳам увол, акс ҳолда уйдан хайр-барака кетармиш. Бу учала тақиқ моҳият эътибори билан бир-

бирига яқин, уларда нон ризқ-рўз рамзи сифатида талқин этилади ва у билан дастурхон доимо тўлиб туриши ният қилинади.

Иримларнинг тақиқларда мавжуд бўлиши ва улар замирига сингиб кетишида яна бир муҳим асос бор: кишилар маълум бир нарсаларнинг шаклий тузилиши ва улардаги баъзи хусусиятларни ўзларининг фаолиятларидаги айрим жиҳатларга ўзаро ўхшашлик асосида нисбат қилиб оладилар. Ўтмишда қайчида икки томон бўлганлиги сабаб кишилар уни оила бошлиқларига ўхшатганлар. Шунинг учун қайчини очиқ қўйиш увол саналган. Акс ҳолда ўша хонадонда айрилиқ бўлади, деб ирим қилинади. Қайчини қуруқ очиб ёпиш ҳам тақиқланган. Буни эр-хотин орасида жанжал чиқишига йўйиб, ирим қиладилар.

Игна ва ипда ҳам рамзий ифодавийлик асосида тақиқлар талқин этилган. Масалан, бирор кийим тикиб бўлингач, игнани ипсиз қолдириш мумкин эмас, акс ҳолда киши жудоликка учрар эмиш. Игнани бировга бермоқчи бўлганда қўлига тутқизмаслик лозим, бу ўша одамга ёмонлик тилаган ёхуд озор етказиш ниятини ошкор қилган бўлар экан. Ёки киши эгнидаги кийимнинг бирор чоки ёки чети тикилаётганда, огизда нимадир тишлаб туриши шарт, чунки ўлганда кафан киши танасида тикилади. Бу тақиқда одамнинг ўлмаслиги исталиб, шундай ирим қилинади.

Иримларда маълум бир нарсанинг хусусиятини асос қилиб олиш пичоққа оид тақиқларда ҳам яққол намоён бўлади. Маълумки, пичоқ — ўтқир ва кесувчи асбоб. Шунинг учун ундан фойдаланиш эҳтиёткорликни талаб этган. Ана шу мақсадда кишилар пичоққа дахлдор тақиқларни ўйлаб чиқарганлар, дуо ўқиш пайтида дастурхонда пичоқ ёки бирор аччиқ нарса қўйилмайди, у олқиш-дуони кесармиш. Пичоқни силкитмайдилар — бу ўлим келтирармиш. Унинг тигини юқорига қаратиб қўйиш ҳам хосиятсиз саналади, гўё бундай қўйилган пичоқ одам жонига суқилгандай бўлади, дея шундай ирим қилинади.

Бундай тақиқлар ибтидоий фикрлашнинг натижаси саналиб, ҳозирги кунда бидъат сифатида яшаб келмоқда. Булар бирор-бир ахлоқий-ижтимоий аҳамиятга

эга эмас. Лекин баъзан иримга алоқадор тақиқларда кишиларнинг эстетик диди, гигиеник нормаларга хос талаблари ифодаланадики, бу бугунги кун, умуман, ҳамма давр учун зарурдир. Масалан, супургига хорлик келтирувчи, ифлосликларни ўзида сақловчи нарса сифатида қараш етакчи таомилдир. Шунинг учун супурги қўлдан-қўлга берилмайди. Уни қўлга бериш ўша одамга ёмонлик тилаш билан барабар, деб тушунилади. Шунингдек, супургини бирор кишига тегизиш мумкин эмас, акс ҳолда ўша одамга ифлослик, ёмонлик юқтирилади, дея ирим қилинади. Ҳовлида супургини тикка қўйиш ҳам гуноҳ. Тикка қўйилса, кимдир ўлармиш. Ўлим маросимидаги ҳасса тутишга ишора қилиб шундай ирим қилинади. Умуман олганда, бу ҳодиса киши руҳиятига, эстетик дидига зид жараён бўлмаганлиги сабабли, супургини иложи борича киши кўз ўнгидан четроққа қўядилар. Бунда гарчи ирим шаклидаги ҳодисалар ҳақиқат бўлмаса-да, улар тақиқлардаги ҳукмнинг амал қилинишида таъсир кучини оширишда муҳим восита саналади.

Иримларнинг табулар таъсир кучини оширишдаги ролини ўлим маросимида хос тақиқларда ҳам учратиш мумкин. Бунда ҳам иримларнинг яратилишига асос — нарса ва нарса, нарса ва жараёнларнинг ўзаро ўхшашликларини нисбат қилиб олишдан иборатдир. Киши ўлгандагина ҳассани тикка тутадилар. Бу тақиқда ўша аламли кунни эслатмаслик кўзланиб, таёқни тик тутган ҳолда олиб юришга йўл қўйилмайди. Бировларнинг ҳовлисидан кетмонни елкага қўйиб ўтилмайди, акс ҳолда ўлим келтиради, деб ирим қилинади. Ўликни чиқариш ҳолатини эслатганлиги сабабли. Худди шунга ўхшаб нарвон супада ётқизиб қўйилмайди. Иримларнинг эслатмалилик хусусияти ўлик бўлган хонадонда пишириладиган таомларга оид табуларда ҳам ўз ифодасини топган: ўлик чиққан уйда уч кунгача олов ёқиш, яъни овқат пишириш мумкин эмас, дейилади. Мабодо олов ёқилса, ўлган одамнинг жони куярмиш. Бунга киши руҳининг ўлмаслиги тўғрисидаги ишонч асос бўлган. Ўлик чиққан уйда қирқ кунгача қовурма овқат пиширилмайди, акс ҳолатда эса ўликнинг жони қовурилар эмиш. Шу важдан азали хонадонда фақат қайнатма таомлар пишириш

расмиятга айланган. Угра оши ҳам кесилмайди, бунда ўликнинг кети чўзилади, дея ирим қилинади. Бу каби табуларда киши руҳининг абадийлигига ишонч асосида уларга озор етказмаслик мақсад қилиб олинади, шу мақсадга зид жараёнларни эслатувчи ҳодисалар эса ирим шаклида берилиб, уларнинг бажарилиши тақиқланади.

Юқорида қайд этилган ирим билан боғлиқ барча тақиқларнинг характеридан келиб чиқиб, иримларнинг табулардаги ўрни ва вазифасини таъкидлаш муҳимдир. Дастлаб ирим билан боғлиқ тақиқларнинг таркибини тавсифламоқчи бўлсак, уни қуйидаги формула асосида тушунтириш мумкин: Табу = қатъий ҳукм + ирим.

Табуларнинг асл моҳияти ҳукмда (бирор-бир нарсани ман этишда) ифодаланган бўлса-да, бироқ ирим ана шу ҳукмга келишнинг асосидир. Бунинг сабаби тарихий манбалардаги маълумотлардан аёнлашади. Чунончи, «...Зардуштийлар учун энг муқаддас нарса олов, сув ва ер ҳисобланган. Уларда ахлатни куйдириш тақиқ этилган. Овқат пишираётганда унинг бир томчиси ҳам оловга тушмаслиги лозим.

Зардуштийларда Ахура Мазданинг рамзи олов бўлган ва унинг иштирокисиз бирор-бир маросим ўтказилмаган»¹. Кўринаётирки, олов зардуштийларда эзгулик кучлари ҳомийси — Хурмуз (*маъноси*: донишманд подшо ва яратувчи ақл эгаси) нинг рамзи ҳисобланган.

Кишиларнинг оловга нисбатан эътиқодий қарашлари табуларда ҳам кейинчалик ўз ифодасини топган бўлиб, ҳозирги кунда тўй маросимларида гулхан ва машъал ёқиш удуми ўша анъананинг архаик қолдиқларидир.

Никоҳ кечаси ҳеч вақт тоқ шам ёқилмайди, у, албатта, жуфт бўлиши шарт. Чунки шам, биринчидан, рўшнолик рамзи бўлиб, кечаси шам ёқилиши келинкуёв ҳаётларининг доимо рўшнолик билан ўтиши, ёруғ кунларда яшашлари истагини билдирган. Иккинчидан, жуфт шамни ёқиш эса икки ёшнинг турмуш қураётганларининг рамзий ифодасидир. Борди-ю шам тоқ ёқилса, улардан бири тоқ ўтади дея ирим қилинади.

Никоҳ кечаси ёндирилган шамни то ўзи ёниб туга-

¹ И. А. Дорошенко. Зороастрийцы в Иране. 54-6.

магунича пуфлаб ўчириш мумкин эмас. Бу келин-куёвларнинг умрбоқий яшаши истагини билдиради. Ҳатто шунгача эътибор қилинадики, ҳар иккала шам ҳам битта гугурт донаси билан ёқилиши шарт. Бунда ҳам биргаликда ажралмай яшашлари рамзий ифодаланган. Бу тақиқларнинг замирида кишиларнинг эзгу тилаклари ифодаланганлиги ўз-ўзидан равшан бўлиб, улар ирим-сирим воситасида тасвир этилади.

Тўй кечаси куёв йўлида ёқилган гулханни сув сепиб ўчириш мумкин эмас. То ўзи ўчгунча ёниб туриши керак. Бунда ёшларнинг бахти шу гулхандек ёруғ, ўчмас бўлиб, умрларининг охиригача барқарор яшашлари тиланади. Бу тақиқ, бир томондан, оловнинг муқаддаслиги тўғрисидаги халқ ишончи асосида шаклланган бўлса, иккинчи томондан, қадимги кишиларнинг табиат ҳодисаларини дуалистик тасаввур этишларига бориб тақалади. «Кўпгина халқларда сувни оловга қуйиш тақиқланган. Бурятларда овчи ўтга сув сепмаслиги керак. Овнинг руҳи ўчади, дейдилар. Иккинчи томондан сув ва олов бир-бирига қарма-қарши кучлардир»¹. Лекин ҳозирча бу табу кишилар ниятини ифодалашнинг бир ифодасидир, холос. Олов эса ёшларнинг ҳаёт йўли, ёруғ келажак рамзи сифатида қадрланади. Ана шу келажак рамзига таҳдид солувчи кучга нисбатан қаршилик табуларда ўз ифодасини топади.

Рўшнолик рамзи сифатида оловга сиғинишга оид яна бир ирим бор: бу бахтли бўлишни истаган келин тўй кечаси куёв ёқиб келган машъалага, албатта, қарashi шартлигида кўринади.

Тўй маросимидаги олов билан боғлиқ табуларни характерлайдиган бўлсак, уларда, бир томондан, кишиларнинг оловга оид азалий эътиқоди ўз ифодасини топган, иккинчидан, бу тақиқлар шу маросим хусусиятларидан келиб чиқиб, кишиларнинг яхши орзу-истак, ниятларини ифодалашга хизмат қилади. Уларнинг худди шу иккинчи хусусияти турмушимизда кенг татбиқ этилишини таъминлаган.

Оловга дахлдор тақиқларда маълум бир ахлоқий

¹ Д. К. Зеленин. Табу слов у народов Восточной Европы и Северной Азии, 70-б.

нормалар ҳам ифодаланади. Дейлик, тандирнинг устига чиқилмайди, акс ҳолда нон оёқ ости қилинган саналади. Бунда, биринчидан, нонни эъозлаш, иккинчидан, оловнинг муқаддаслиги кўзда тутилган, ахлоқий аҳамияти беқиёс бўлганидан бу тақиқ ҳамон амалиётда кенг қўлланиб келинади. Худди шу нуқтада — табуларнинг реал ҳаёт нормаларига айланиш жараёнида эътиқод ва ахлоқнинг муштарак хусусиятлари намоён бўлади. Улар ўртасидаги алоқа яна шунда кўринадики, бир томондан, ахлоқий талаб, нормалар кишилар эътиқодининг мустаҳкамланиши учун замин бўлса, иккинчидан, эътиқоднинг ўзи ахлоқ категорияларининг такомиллашувига таъсир қилувчи муҳим омил вазифасини ўтайди. Табулар эса улар ўртасидаги ана шу алоқаларни кўрсатувчи материал, восита сифатида намоён бўлади. Уларнинг шаклланиши ҳам бевосита ахлоқий-эътиқодий қарашларга боғлиқдир. Масалан, чақалоқнинг тирноғини биринчи бор олганда, қиз бўлса — бармоғи супрага, ўғил бўлса — ёғли идишга ботирилмасдан олинмайди. Улар улғайганда ризқ-рўзлари кўпайсин, деб яхши ният билдирилади. Худди шу эзгу ниятларда халқнинг маънавий-ахлоқий қарашлари ўз ифодасини топади.

Айтайлик, қиз бола эркаклар кийимини (чопонини) киймаслиги керак. Акс ҳолда у айрим эркаклар каби кўпол ва такаббур бўларкан. Бу ўринда шакл орқали мазмунга ишора қилиняпти. Шу асосда қизларнинг мулойим, ҳаёдорлик ва ширинсўзлик фазилатлари соҳибаси бўлишлари кўзланган. Табуларда айнан ана шу ахлоқий нормаларнинг ифодаланиши уларнинг ҳаёт талаби, нормаси даражасига етиб, турмушга чуқур илдиз отишига сабаб бўлган. Дейлик, халқимиз қозонни кечаси ювиқсиз қолдиришни тақиқлайди, акс ҳолда уйдан хайру барака кетармиш. Бу тақиқнинг аҳамияти шундаки, бир томондан, қизларни озодаликка, саранжом-саришталикка ўргатса, иккинчидан, ҳар бир ишни ўз вақтида қилиш кераклиги уқтирилиб, меҳнатсеварликка ўргатилади.

Овқат аввал кичикка эмас, доимо каттага, яъни оила бошлиғига сузилади. Ушбу тақиқда эса болаларга ўздан катталарни, айниқса, ота-онани ҳурмат қилиш ақидаси ифодаланган.

Халқ ахлоқий қарашлари унинг меҳмондўстлик урф-одатларида ҳам ўз аксини топгандир. Халқимизда «меҳмон отангдан улуғ», деб уни эъзозлашга алоҳида эътибор бериш азалий одатдир. Худди шу ахлоқий талаб табуларда ҳам ўз ифодасини топган. Масалан, меҳмоннинг орқасидан уй супурилмайди. Акс ҳолатда, меҳмон келмасин, дея ирим қилинади, бу унга нисбатан ҳурматсизлик саналади. Ёки уйга келган меҳмоннинг ковушини эшикка қаратиб қўйиш мумкин эмас. Бу ҳам меҳмон қайтиб келмасин, деган маънони билдиради.

Шунингдек, ўтирган кишининг бошида тик туриш ёки атрофидан айланиш мумкин эмас. Бу ўлим чақирармиш. Кўринадикки, халқ ўзининг турмуш тарзидаги оддий ҳолат, жараёнларга ҳам чуқур маънони ифодаловчи ахлоқий тадбирларни сингдира олади. Ахлоқ меъёрлари ва категориялари табуларнинг шаклланишида таъсир кўрсатган бўлса, айти пайтда тақиқлар ана шу ахлоқий талабларнинг турмуш тарзига айланишида муҳим восита вазифасини ўтаган. Табуларнинг ахлоқий моҳиятини белгилашда унинг ана шу алоқадорлик хусусияти ҳисобга олинади.

Умуман, жамиятдаги барча ҳодисаларнинг ўзаро муносабатлардагина яшай олиши мумкинлигини ҳисобга олсак, эътиқод-ахлоқ муносабатларини белгилашда табулар ҳам зарур дастуриламал бўлади. Чунки улар бир-бирисиз, алоҳида яшай олмайди: уларнинг ривожланиш омили ҳам ўзаро барқарор муносабатларнинг мустақамлигига боғлиқдир. Жамият ҳодисалари ўртасидаги ана шу алоқадорлик тақиқларнинг келиб чиқиш сабабларини, уларнинг ўзига хос хусусиятларини ва ривожланиш омилларини белгилай олади. Дейлик, жамиятнинг илк даври ва ҳозирги ривожланиш давридаги маънавий тафаккур бир-биридан тамомила фарқ қилса-да, бироқ улар ўртасида алоқадорлик мавжуд. Ўзбек халқ тақиқларининг шаклланишида ибтидоий қарашларнинг таъсири мавжудлиги бу алоқадорликнинг ёрқин мисолидир. Бироқ бу алоқадорлик тақиқларнинг жамиятдаги ўрни ва ролини белгилашда муҳим саналмайди. Бунда бевосита табуларнинг бошқа реал муносабатлар билан алоқадорлиги — кишиларнинг ишончи, эътиқодий ва ахлоқий қарашлари билан боғлиқлиги

аҳамиятлидир. Ана шу алоқадорлик тақиқларнинг кишилар турмуш фаолиятида чуқур сингиб кетишида муҳим омил саналади.

Табулар таркибидаги иримда эса, ҳар иккала алоқадорликнинг намоён бўлганлигини кузатамиз: иримлар, бир томондан, ибтидоий одамларнинг ибтидоий фикрлаш маҳсули сифатида кўринса, иккинчи томондан, янги даврда улар кишиларнинг маълум бир ахлоқий-этиқодий қарашларини ифодалаб келиши жиҳатидан аҳамиятлидир. Шунинг учун ҳам ўзбек халқ тақиқларини характерлашда мавжуд ҳар иккала алоқадорликни, шунингдек, тақиқларнинг шаклланиш ва ривожланиш омили бўлган — уларнинг этиқод ва ахлоқ билан ўзаро муносабатларини ҳам ҳисобга олиш жоиздир.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, табулар тараққиётида исломий-диний қарашлар ҳам кучли таъсир кўрсатиб келди ва шу асосда ўзига хос ҳаётбахш омилга айланди. Зеро, «Ислом диний таълимотининг асослари унда муқаддас деб танилган манбалар — Куръон ва ҳадис тўпламларида ўз ифодасини топган.

...Илоҳиётда ислом дини уч элементдан — имон, ислом ва эҳсондан иборат деб эътироф этилган. Имон талаблари еттита ақидани — Оллоҳга, фаришталарга, муқаддас китобларга, пайгамбарларга, охират кунига, тақдирнинг илоҳийлигига ва ўлгандан кейин тирилишига ишониш талабларини ўз ичига олади. Ислом талабларига диний анъанада, «дин асослари» деб ном олган бешта амалий маросимчилик талаблари — калима келтириш, намоз ўқиш, рўза тутиш, закот бериш ва имконият топилса, ҳаж қилиш талаблари киради. Эҳсон илоҳиётда сидқидилдан ақидаларга ишониш ва маросимларни адо этиш мазмунида талқин қилинади»¹. Шу диний талабларга риоя этмаслик исломда гуноҳ саналади. «Гуноҳ» ва «савоб» — исломда маълум бир категория даражасига кўтарилган. Ислом гуноҳ ишларни қилишни тақиқлайди. Бу тақиқ кўпинча диний тақиқ моҳиятини ифодаловчи «увол» категорияси орқали изоҳланади. Увол асосида ҳам кишиларнинг маълум бир

¹ Ислом (справочник). 11-б.

нарсаларга бўлган ишонч-эътиқодлари ётади. Дейлик, ерни тепиш увол, дейилади бир тақиқда. Исломий ривоятларга кўра, Оллоҳ инсонни тупроқдан яратган, у яна тупроққа қайтади. Ерни тепиш эса кишиларнинг ўзлигини оёқ ости қилиш билан баробардир. Шунинг учун бу қатъиян ман этилади. Айни пайтда увол маълум бир ишни қилиш эътиқодга зидлигини, шунинг учун уни бажармаслик кераклигини, борди-ю амал қилинмаса, бу ҳалокатга олиб бориши мумкинлигини кўрсатиб келади. Дейлик, ҳавони, шамолни сўкиш увол, дейилади бир тақиқда. Бунда маълум бир жараёни қилиш тақиқланади, шунингдек, айни шу жараёнинг эътиқодга зидлиги ифодаланади (шамолни Оллоҳ яратган, уни сўкиш эса Худога нисбатан эътиқодсизликдир), айни пайтда тақиқни бузиш ҳалокатга олиб боришига ишора қилинади (шамолни сўккан Оллоҳ ғазабига учрайди). Келтирган шу уч мисолдаги мантиқ увол моҳиятини ифодалаб келади.

Ислом динида ҳалол ва ҳаром нарсалар ҳам белгилангандир. Ислом дини ўз йўлини тутган кишиларни ҳаром нарсалардан йироқлашишга ундайди. Бу қонунқоидалар Қуръони карим ва ҳадиси шарифда ўз ифодасини топган.

«Дарҳақиқат, биз Одам болаларини азиз-мукаррам қилдик ва уларни барру-баҳрда — қуруқлик ва денгизда чиқариб қўйдик ҳамда уларга ҳалол-пок нарсалардан ризқу рўз бердик ва уларни Ўзимиз яратган жуда кўп жонзотлардан афзал-устун қилиб қўйдик»¹, — дейилади Қуръони каримда. Худди шу барчадан «афзал-устун қилиб яратилган» инсон учун зид хусусиятлар (инсонийликка ёт ҳодисалар, ишлар) исломда ҳаром, мукаррам инсонликни сақлаб қолмоқ учун эса ҳаромдан сақланиш фарз саналади. Ҳаром исломда кенг моҳиятга эга бўлиб, у ҳам шаръий, ҳам ахлоқий талабларга зид нарса деб тушунилади.

«Айтинг: «Парвардигорим фақатгина ошкор ва яшин бузуқликларни, барча гуноҳ ишларни, ноҳақ зулм қилишни ва Оллоҳга шерик эканлигига ҳеч қандай ҳуж-

¹ Қуръони карим («Ал-исро» сураси). Тошкент, «Чўлпон», 1992, 79-б.

жат туширмаган нарсаларни Унга шерик қилиб олишингизни ҳамда Оллоҳ шаънига билмайдиган нарсаларни гапиришингизни ҳаром қилган, холос» («Аъроф» сураси, 33-оят). «Ошкор ва яширин бузуқликлар», «ноҳақ зулм қилишлар» ахлоқий нормаларга ҳам зид жараёндир. Бинобарин, шу нуқтада инсонларни ахлоқий баркамолликка ундаш масаласида эътиқод — ахлоқий тақиқларнинг муштарак хусусиятлари намоён бўлади. Масалан, бир тақиқда «дастурхон бошида бировнинг ғийбатини қилиш мумкин эмас, увол» дейилади. Инсон табиатидаги бу иллатлар норасолик Қуръони каримда ҳам алоҳида таъкидланган: «Эй мўминлар, кўп гумонлардан четланинглар! Чунки айрим гумонлар гуноҳдир! Ўзгаларнинг айблари ортидан жосуслик қилиб юрманглар ва айримларингиз айримларни ғийбат қилмасин! Сизлардан бирон киши ўзининг ўлган биродарининг гўштини ейишни яхши кўрурми?! Ана, ёмон кўрдигизми?! Бас, гуноҳи бундан-да ортиқ бўлган ғийбатни ҳам ёмон кўрингиз! Оллоҳдан кўрқингиз!» («Хужурот» сураси, 12-оят) Бунда ғийбат ҳам гуноҳ ишларнинг энг ёмони эканлиги айтилади ва ундан четлашишга ундалади. Тақиқларда маълум бир нарсани бажармаслик кераклиги уқтирилиб, ирим воситаси, кўпинча, унинг сабаби ё оқибати изоҳланишини юқорида айтиб ўтган эдик. Исломда ҳам шариат қонун-қоидалари, Оллоҳ буюрган ишларга зид жараёнлар баёни айтилибгина қолмай, балки уларнинг оқибати ҳам кўрсатилади. Гуноҳ ишларнинг жазоси, оқибати Оллоҳ изнига боғлиқлиги таъкидланади: «Барча (кишиларга дилозорлик қилиб, уларнинг обрўларини тўкиб борадиган) бўҳтончи-ғийбатчига ҳалокат бўлгай!» («Ҳумаза» сураси, 1-оят) Қуръондаги диний тақиқларнинг табулар ривожига аҳамияти, таъсири каттадир. Халқдаги эътиқоднинг кучлилиги, шариат талабларига риоя қилиш улар назарида тақиқларнинг (умуман табулар назарда тутилади) ҳам таъсир кучини оширди. Ҳозир халқимиз орасида кенг тарқалган «етимнинг ҳақини ейиш увол» деган тақиқ ҳам бевосита Қуръон ҳикматлари асосида кишилар онгига чуқур сингиб қолгандир. «Етимларнинг молларини зулм йўли билан ейдиган кимсалар, ҳеч шак-шубҳасиз,

қоринларига олов еган бўлурлар. Ва албатта дўзахга киражақлар» («Нисо» сураси, 10-оят).

Кўринадики, исломда ҳам эътиқод мустаҳкамлиги, имон комиллиги билан бирга, ахлоқий хусусиятлар ҳам тарғиб қилинади. Табулардаги «қатъий ҳукм» кўриниши Қуръонда ҳам мусулмонлар учун фарз бўлган ишларни бажаришга ундовчи оятларда ўз аксини топгандир: «Фақат Оллоҳагина ибодат қиласизлар. Кишиларга чиройли сўзлар сўзлангиз ва намозни тўқис адо қилинг, закотни беринг» («Бақара» сураси, 83-оят).

Исломдаги гуноҳ ишлар, ҳаром деб саналган нарсалар тақиқларнинг характериға (қилиниши мумкин бўлмаган ишлар бўлганлиги жиҳатдан) тенг келади. Айниқса, Муҳаммад пайғамбар ҳадислари билан табулардаги хусусиятлар ўртасидаги муштаракликда бу яққол намоён бўлади. Ҳадислардан бирида «ҳалол билан ҳаром бор нарсадир». «...Оллоҳнинг ердаги чегараси ҳаром қилинган нарсалардир...» дейилади. Демак, Оллоҳ назари тушган жой — ҳалол ва муқаддасдир. Шу чегарадан чиққан жамики нарсалар ҳаромдир. Ёки: «Иймон дарахт янглиг 60 дан ортиқ шохга эгадир. Гуноҳ қилмоққа Оллоҳ ва бандалардан уялмак ўша шохлардан биттасидир»¹. Кўринадики, иймонли мўмин киши бўлишнинг бир шарти — гуноҳ ишлардан сақланиш экан. Ҳадисларда гуноҳ ишлар ва ҳаром қилинган нарсалар қандай талқин этилган? Улар тақиқлар ривожига қандай таъсир этмоқда? Масалани шу тариқа қўйиб, табулар ва ҳадисларнинг муштарак томонларини очишга ҳаракат қиламиз.

Халқимизда шундай тақиқ бор: «Ота уйда ўтирган бўлса, боласи шу уйнинг томига чиқмаслиги лозим». Бу отага нисбатан ҳурматсизлик белгиси сифатида талқин этилади. Ушбу тақиқда инсоният ибтидоий қарашларининг таъсири кўринади. Д. Фразернинг таъкидлашича, кўпгина халқлар бошни таннинг муқаддас қисми деб ҳисоблашаркан. Гўё бошда инсон руҳи яшармиш. Шунинг учун ҳам Камбоджа халқида бир-бировининг бошига қўл тегизиш қаттиқ тақиқ этилган. Ява оролида эса кишиларнинг бошларига бирор нарсани кўтариб

¹ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис. 1-том. Тошкент. Қомуслар бош таҳририяти. 1991, 14-бет.

этишлари табу саналган. Уларда бир-бирларининг бошида юрмаслик учун ҳатто кўп қаватли бино қуриш ҳам тақиқланган¹. Демак, юқорида келтирганимиз боланинг ота ўтирган уйнинг томига чиқмаслигига оид тақиқ ҳам, бир томондан, бошнинг муқаддаслиги билан боғлиқ қадимий ишонч асосида вужудга келган. Иккинчи томондан эса, ҳадисларда умуман шарқ дидактик адабиётида талқин этилган отани ҳурматлаш, эъзозлаш кераклиги ҳақидаги фикрлар шу тақиқ замирига чуқур сингиб борган, натижада унинг мазмуни, тарбиявий таъсир доираси кенгайган. Масалан, ҳадисларда шундай дейилади: «Отага итоат қилиш — Аллоҳга итоат қилишдир. Отага осий бўлиш — Аллоҳга осий бўлишдир». «Кимки ота-онасига яхшилик қилса, унга қандай яхши: Аллоҳ унинг умрини зиёда қилади»². Шубҳасиз, ушбу фикрлар мусулмонлар учун муқаддас саналган ва улардаги ишонч, эътиқоднинг мустаҳкамлиги шу мазмундаги ушбу муштарақ гоёлар кейинчалик дидактик адабиёт, халқ педагогик қарашларининг ривожига ҳам таъсир кўрсатган. Бу муштарақлик уларнинг ҳар иккаласида маълум бир ахлоқий-тарбиявий гоёнинг ифодаланганлигида кўрилади.

Ислом ақидасига кўра, Оллоҳ олами, жами мавжудотни олти кунда яратган экан. Энг охири куни эса тупроқдан инсон яратилган; унга Оллоҳ ўзи дастлаб яратган бойликларини инъом этган. Бироқ инсоннинг ўз тасарруфидаги бойликларга озор беришга ҳаққи йўқ, чунки уларнинг ҳам ягона яратувчиси — Оллоҳ. Ҳадисларда шундай дейилган: «Одам боласидан ташқари ҳамма нарса одам боласидан кўра Худога итоатлироқдир»³. Шу боисдан «итоатлироқ» нарсаларга озор бериш тақиқланган. «Агар ҳайвонларга бераётган азобларингиз кечирилса, сизларнинг кўп нарсаларингиз кечирилган бўлади»⁴. Ҳайвонларга озор бермасликнинг илдиzlари қадимги эътиқодларга — уларни маъбуд — топинч даражасига

¹ Д. Фразер. Золотая ветвь. 223-б.

² Муҳаммад пайгамбар қиссаси: ҳадислар (Минг бир ҳадис), Тошкент, «Камалак», 1991, 93-б.

³ Юқорида эслатилган манба 203-б.

⁴ Юқорида эслатилган манба 101-б.

қўтариб, тотем сифатида эъозланишига ҳам бориб тақалади. Шу ишонч ва ҳадислардаги фикрларнинг таъсирида халқ бир қатор тақиқларни яратган: қалдирғочнинг уясини бузиш мумкин эмас, чунки у одамнинг дўсти саналаркан.

Мусичанинг уйини бузиш ман этилган, чунки у беозор қуш; акс ҳолда унинг қарғиши тутиб, одамнинг уйини бузармиш.

Ҳайвонларни тепиш мумкин эмас, акс ҳолда уларнинг қарғиши тутаркан.

Ушбу тақиқлар (улар қайси асосда шаклланган бўлишидан қатъи назар) жамиятдаги кўпгина ҳодисаларга дахлдорлиги билан характерланади. Булар экологик муҳитни асрашнинг зарурий талаби, болаларни атроф-муҳитни, табиатни, жонли мавжудотни севишга ундовчи зарурий эҳтиёж сифатида беқиёс ахлоқий-амалий аҳамият касб этган. Айни пайтда ҳайвонларга нисбатан меҳр уйғотиш талаби одамлар ўртасидаги муносабатларнинг ҳам яхшиланишига олиб келади. Масалан, эртақлардаги ҳайвонларнинг жонли ҳаётини тасаввур этган бола одамлар ўртасидаги муносабатларга маълум маънода ўзича баҳо бера олади. Шунга ўхшаш тақиқларда ифода этилган беозор жониворларга озор етказмаслик кераклиги ҳақидаги фикр бола тасаввурида меҳр-муҳаббат, дўстлик тушунчаларини уйғотади ва чуқурлаштиради. Бунда табуларнинг тарбияловчи роли бениҳоя каттадир. Буни яна ўсимлик (дарахт)ларни асраш мазмунида айтилган тақиқлардан ҳам англаш мумкин.

Мевали дарахтни кесмайдилар, чунки ризқ-рўз камаяди. Яна ирим қилинади: мевали дарахтни кесиш — фарзанднинг бошини кесиш билан тенг.

Д. Зеленин «Тотемы деревья в сказаниях и обрядах европейских народов» номли тадқиқотида қадимги кишиларнинг дарахтлар, ўсимликлар ҳақидаги тасаввурларини таҳлил қилиб берган. Уларнинг тасаввурича, уй қуриш учун кесилган дарахтнинг руҳи ўша хонадон эгалари учун катта хавф-хатар ҳисобланади, ҳатто дарахт кесувчи тез вақтда ўлиши мумкин¹, деб ишонишган.

¹Д. Зеленин. Тотемы деревья в сказаниях и обрядах европейских народов. 39-б.

Масалан, поляклар мевали дарахтни кесмаслик керак-лиги тўғрисидаги тақиқни шундай изоҳлайдилар: мевали дарахт кесилганда йиғлайди, унинг кўз ёшлари дарахт кесувчининг қўлига тушади ва у тез орада ўлиши мумкин. Барнес оролида эса уй қургандан сўнг уч йил давомида ўша хонадон эгалари энг яхши истеъмол таомларини ейишдан ўзларини тийганлар, гўё бу билан кесилган дарахтлар руҳи олдида ўз гуноҳларини ювган бўлиб саналганлар¹.

Мевали дарахтни фарзандга ўхшатиб, ирим қилиш ҳодисаси эса бевосита халқимизнинг урф-одатларига боғлиқдир. Республикамизнинг кўпгина ҳудудларида, айниқса, Фарғона водийси шаҳар ва қишлоқларида ҳар бир туғилган фарзанд учун ниҳол ўтқазишади. Уни ўз фарзандларининг насибаси эканлиги сабабли алоҳида эътибор бериб парвариш қилишади. Бундай тақиқлар дарахтлар тўғрисидаги дастлабки тасаввурлар, халқимизнинг урф-одатлари замирида шаклланган. Ҳадислар бунга ўхшаш тақиқларнинг ривож топишида, кишилар онгида чуқурроқ мустаҳкамланишида илоҳий куч-қувват берди. Ва ўзига хос эътиқод даражасига кўтарди: «Кишиларга соя берувчи дарахтни кесган киши боши билан дўзахга ташланади», — дейилади Муҳаммад пайгамбар ҳадисларида. Булар бари бир бўлиб, тақиқларнинг турмушда тарбияловчи восита сифатидаги ролини оширган. Бундай тақиқлар кишиларни ташқи олам гўзаллигини асраш, ерни кўкаламзорлаштириш, табиат неъматларини қадрлашга ундаган, тақиқлар бу ўринда эстетик ва экологик тарбия воситасига айланган.

Яна бир қатор тақиқлар мавжудки, уларда маълум бир ҳодиса ирим сифатида талқин этилса-да, муҳим ахлоқий-тарбиявий мақсадни ифода этади.

Эрталаб уйқудан кеч туриш хосиятсиз, уйдан хайру барака кетармиш.

Одами бор ҳовлида эрталаб дарвозани ёпиб қўйиш хосиятсиз саналади. Дарвоза очик бўлса, уйга хайру барака киради, деб таъбир қилишади. Бу тўғрида ҳадис

¹ Д. Зеленин. Тотемы деревьев в сказаниях и обрядах европейских народов, 44-б.

ҳам бор: «Тонгги уйқу ризқни қисқартиради» («Ахлоқ-одобга доир ҳадис намуналари»дан, 102-бет).

Кўринаётирки, тақиқда ҳам, ҳадисда ҳам кеч туриш хосиятсизлиги баён этилиб, унинг оқибати ҳам деярли бир хил изоҳланган: «Хайру бараканинг кетиши», «ризқнинг қирқилиши»дан огоҳлантириш асосида муштарак ғоя — кишиларни меҳнатсеварликка ундаш, яхшиликка етаклаш ғояси илгари сурилади.

Баъзан табулар ва ҳадислар шаклий жиҳатдан ўхшашликка асосланган бўлса-да, уларнинг моҳияти ҳар бирининг характеридан келиб чиқиб, маълум бир ҳажм-кўлам касб этган. Дейлик, ҳовлида униб чиққан тиканни юлиб ташлаш керак, акс ҳолда хорлик келтиради, дейилади бир тақиқда. Бунда кишилар тикан (хор)ни хорлик келтирувчи нарса деб тасаввур этишлари асосида шундай ирим қилинган. Ҳадисларда эса ушбу тақиқ асосида чуқур мазмун ётади: «Ҳовли саҳнларини тоза тутинглар...», «одамларнинг юрадиган йўлидан тиканни олиб ташлаган кишининг ўтган ва кейинги гуноҳларини Оллоҳ мағфират қилсин», — дея уқтирилади. Бу ўринда тиканни тор маънода — ўсимлик маъносигагина тушунмаслик лозим. Тикан, умуман — кишилар ҳаёт йўлидаги ғов, қийинчиликлар, бахтсизликлар келтирувчи рамзий тимсолдир. Шуларни енгиб ўтмоқ учун инсон болаларининг бир-бирига дўст-биродар бўлмоғи таъкидланади. Демак, тақиқдан келиб чиқадиган хулоса кишиларнинг хорлик-зорликни истамасликларини ифода-далаб берса, ҳадис бу орқали хорликка, қийинчиликларга қарши курашмоққа ундайди.

Маълумки, нон, сув каби истеъмол қилинувчи неъматлар барча халқларда муқаддас саналади. Уларнинг муқаддаслиги кишиларни тўқ тутиши билангина белгиланмайди, нон ва сув, айни пайтда мўл-кўлчилик, ҳаётбахшлик, софликнинг рамзи сифатида талқин этилади. Халқ афсоналарида эса Ҳубби, Эрхубби образлари сув маъбуди ва нажоткори сифатида улуғланади.

Халқимизнинг нон ва сувни эъзозлаши тақиқларда ҳам ўз ифодасини топган. Нон ушоғи ерга ташланмайди, бу ишни қилган киши кўр бўлармиш. Бунда ҳар қандай мўътабар нарсани оёқ ости қилувчи киши қаттиқ жазога ҳукм этилиши — олам гўзаллигини туйишдан ҳам маҳ-

рум бўлажаги тарзида огоҳлантирилиш шаклида алоҳида таъкидланади. Гарчи бу ирим воситасида берилса-да, бироқ айнан шу ирим ноннинг мўътабарлик қудратини ифодалаб келган.

Нопок нарсаларни сувга ташлаш мумкин эмас, ай-никса, оқар сувга...

Сувни кўп тўкиш увол, хайру барака кетармиш...

Ушбу тақиқлар асосида ҳаётий ҳақиқат ётади: одам ичадиган сувга нопок нарсаларни ташлашнинг ўзи инсонийликка тамомила зиддир. Аксинча, халқ атроф-муҳитнинг тоза, осуда бўлишини ҳамиша истаб келган, сувнинг софлик рамзи даражасига кўтарилишида айнан шу ҳаётий ҳақиқат сабаб бўлган.

Ҳадисларда ҳам ҳаётий ҳақиқат талаблари ўз ифодасини топгандир: «Нонни эъзозланглар!», «...кимки дастурхондан тушган ушоқларни териб еса, мағфират қилинади». Кўринадик, нон, сувни эъзозлаш инсонийликнинг ҳам, мўминликнинг ҳам муҳим шартидир. Айни пайтда бундай тақиқ ва ҳадисларга ишонч, уларга амал қилмоқ жамиятнинг иқтисодий, экологик ва маънавий тараққиётининг гаровидир.

Тақиқ ва ҳадисларда инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар – дўстлик, самимийлик улуғланади, сахийлик қадрланади. Масалан, ўтмишда хирмон кўтариш пайтида уни дарҳол уйга ташиш тақиқланган. Хўжай Хизр назари тушсин деб, анча вақт чошлаб қўйилган. «Чошга барака» деган кишига эса «Умрингизга барака» деб 1–2 коса буғдой бериш шарт ҳисобланган. Бундай тақиқларнинг шаклланиши бевосита халқ амалий фаолияти билан боғлиқ бўлиб, улар одамлар ўртасидаги барқарор муносабатларнинг такомиллашувига хизмат қилган. Ўзаро биродарликнинг ҳаётий зарурийлиги кишиларни сахийликка ундаган. Айни пайтда бундай инсонийлик хусусиятига эга кишиларга эзгулик йўли очилади деб ишониш мумкин. «Аллоҳ таоло айтади: Мен учун ўзаро дўстлашганлар, бирга суҳбатлашганлар, бир-бирига хайр-эҳсон қилганлар ва зиёфатлашиб турувчиларга муҳаббатим ҳақдир». Кўринаётирки, бир-бирига мазмунан оҳангдош тақиқларда ҳам, ҳадисларда ҳам кишиларнинг маънан гўзал бўлишларининг зарурийлиги алоҳида уқтирилган ва шунга ундалган.

Урф-одатларга ва эътиқодга садоқат халқимиз маънавий тараққиётининг муҳим омилидир. Айни пайтда улардаги муштарак ният ва ғоя — ҳар иккаласининг ривож топишига, мустаҳкамланишига олиб келган. Ҳатто шундай тақиқлар мавжудки, уларда бевосита пайғамбар ҳадисларининг мазмуни сингиб кетган, бунда тақиқ ва ҳадислар ўртасидаги чегара сезилмайди.

Юқорида Қуръонда ҳам етим ҳақини ейишдан сақланиш зарурлиги айтилганлигини таъкидлаган эдик. Шунингдек, бу талаб ҳадисларда ҳам ўз ифодасини топгандир: «Икки заиф тоифа, яъни етим ва аёл ҳақини емоқликни сизларга ҳаром қиламан» («Ахлоқ-одобга доир ҳадис намуналари»дан, 56-бет).

Халқимизда яна шундай тақиқ бор: «Чақалоқ ёки ёш боланинг ўлимида кўп йиғланмайди. Агар она кўп йиғласа — боласи у дунёда балчиққа ётармиш». Бундай тақиқларнинг яратилишига ҳадислар таъсир этган бўлиши мумкин. Чунки исломда, умуман, додлаб йиглаш тақиқланали. «Майит қабрида додлаб йиғланган йиғи сабабидан азобланади», дейилади ҳадислардан бирида («Минг бир ҳадис»дан, 16-бет).

Исломи эътиқоднинг халқ қалбига чуқур сингиб бориши натижасида оятлардаги ҳикматлар ва ҳадислардан таъсирланиб, кишилар турли-туман тақиқларни яратганлар. Гап шундаки, улар бу ҳадисларга кўр-кўрона эргашмаганлар. Ҳадислар замирида ҳаётий ҳақиқатга яқин жиҳатлар уларнинг тақиқларга сингиб боришини таъминлаган. Масалан, яқин пайтларгача эътиқод эркинлиги, дин таҳқир этилган бир пайтда ҳам ҳадислар халқнинг юрагида бор эди, улар тақиқ шаклида яшаб юрарди. Дейлик, марҳум орқасидан ёмон гап айтиш увол, деб айтишарди ёки уни ҳурматлаш, азали хонадон эгаларининг қайгуларини баҳам кўриш учун кишилар, албатта, ўликни охирги йўлга кузатадилар. Ҳатто йўловчи етти ёт бегона бўлса-да, тобутни етти қадам елкалаш савобини олишга интилади.

Ушбу ишнинг зарурлиги ҳадисларда ҳам ўз ифодасини топган эди: «марҳум (ўлик)лар орқасидан ҳақорат қилувчи киши ҳалокатга юкланаётган одамга ўхшайди» («Минг бир ҳадис»дан, 38-бет). «Ўлим даҳшатли ҳо-

дисадир. Қачонки тобутни кўрсанглар дарҳол (ҳурмат юзасидан) ўринларингиздан туринглар».

Бу ҳолат тақиқлар ва ҳадисларнинг кишиларни тарбияловчи восита сифатидаги хусусиятларини фарқловчи жиҳатларига келсак, тақиқлар ва ҳадислар жамиятда алоҳида категорияларга дахлдорлиги билан ажралиб туради, яъни ҳадисларни ҳар бир мўмин-мусулмон одам пайғамбарнинг муборак сўзлари сифатида қабул қилади; булар айни пайтда диний-ахлоқий нормалар саналади. Тақиқларни эса халқ ўз ҳаётининг барқарор бўлишини ният қилиб яратади: уларни иримларга ўраб берса ҳам, негадир ўзи шуларга ишониб, унга амал қилишга интилади. Табулар одамларнинг кундалик ахлоқий нормалари саналади. Ҳадислар — диний-ахлоқий нормалар бўлса, табулар — халқона ахлоқий-тарбиявий нормалардир. Биринчиси — илоҳий руҳнинг устуворлиги билан характерланади, иккинчисида эса халқона руҳ тажассум топган.

Халқ табулари турмуш тажрибасида синалган, ҳаётий эҳтиёж натижасидир. Уларнинг замирида маълум бир ахлоқий талаблар мавжудки, бу асрлар давомида шаклланган этнопедагогика — халқона ахлоқий-тарбиявий қарашлар мажмуи ҳисобланади. Худди шундай ахлоқий талаб исломий-диний қарашларда ҳам мавжудлиги сабабли, уларнинг ҳар иккаласи биргаликда халқ тасавурида ҳаётий талабга айланган.

Тақиқлар ҳаётий талабга айландими, демак, улар маълум маънода ижтимоийлик касб этади. Табунинг ижтимоий-ахлоқий моҳияти — этнопедагогик моҳиятидир. Демак, табулар халқнинг ахлоқий-тарбиявий қарашлари мажмуидир. Уларга амал қилмоқ эса табуларнинг ижтимоий аҳамияти, аввало, улардаги ахлоқий-тарбиявий моҳият мавжудлиги билан боғлиқдир.

Ахлоқ нормалари жамият кишиларининг ҳар бири учун хос хусусиятларни белгилаб беради. Бу нормалар турли категорияларда (дейлик, тақиқлар воситасида, диний норма сифатида, таълим-тарбия жараёнида, ҳаётий зарурият сифатида) жамиятда кенг тарқалиб иш кўради. Айнан шу категориялар кишиларни тарбиялаш мақсади атрофида бирлашганда уларнинг ҳар бири ижтимоийлик

касб этади, умумманфаатларга хизмат қилади. Бунда тақиқлардаги хусусий жиҳатлар иккинчи даражали бўлиб қолади. Бу хусусиятлар нималардан иборат?

1. Тақиқларнинг ирим билан боғлиқлиги.

2. Уларнинг маълум бир маросим (тўй, аза) характерини ифодалаши.

3. Табуларнинг илк тасаввурларнинг таъсири асосида «қолдиқ» сифатида мавжудлиги. Бу кўпинча шаклан, янги даврда мазмунан янги маъно касб этганлигини юқорида — олов билан боғлиқ тақиқларда кўриб ўтган эдик.

Ушбу хусусий жиҳатлар ҳар бир табуни характерлашда муҳим ҳисобланса-да, тақиқларнинг тарбияловчилик ва ижтимоий вазифаси — этнопедагогик моҳияти, умуман, табу ҳодисасини баҳолашда асосий омил саналади. Бинобарин, шу ўринда табулар ҳақидаги фикрларимизни умумлаштириш асосида тақиқни баҳолашга муносабат билдирмоқни лозим топдик. Профессор А. Абдуазизов ва бошқаларнинг «Тилшуносликка кириш» дарслигида табу қуйидагича таърифланади:

«Табу» сўзи полинезия (тинч океанидаги оролларда яшовчи кўчманчи элатлар тили) тилидан олинган бўлиб, шахсий ва диний одатлар жиҳатидан бирор нарса-ни ман этиш, жумладан, маълум ҳайвонни ов қилиш ёки ўсимликни синдиришни ман этиш билан боғлиқдир...

...Табу этник тушунча бўлиб, қандайдир предметнинг, ҳаракатнинг номини айтишни ман этишдир. Бундай одатнинг тилга татбиқ қилиниши билан лингвистик табу юзага келган». Бу таъриф табуларни хусусий жиҳатдан баҳолаганлиги билан характерлидир, яъни бунда табунинг келиб чиқиши, унинг қандай ҳодиса сифатида жамиятда намоён бўлганлиги қайд этилган. Бунда табуларнинг ахлоқий-ижтимоий вазифа бажариши ҳисобга олинмаган. Бинобарин, тақиқларнинг умумий жиҳатларини белгилаб, уларни шундай таърифлаш ҳодиса моҳиятини тўлароқ акс эттирармиш.

Табу ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида амал қиладиган, кишилар фаолиятининг маълум бир томонини чеклаб қўйиш, ман этиш асосида ҳаётни регламентлаштирувчи, тартибга солувчи восита сифатида хизмат қилувчи, маълум бир ижтимоий-ахлоқий моҳиятга эга бўлган ҳодисадир.

Ҳозирги кунда табулар, айниқса, кишиларнинг эзгу ниятини ифодалаш жиҳатидан характерлидир. Худди шу ниятнинг ўзида халқнинг ахлоқий-маънавий қарашлари ўз ифодасини топади. Зеро, пайғамбар ҳадисларида айтилганидек, «мўминнинг нияти қилган ишидан афзалроқдир. Мунофиқнинг амали ниятидан яхшироқдир. Ҳар бир киши ниятига қараб иш тутади. Мўмин киши бир амали солиҳ қилса, қалбида нур пайдо бўлади».

Ўзбек тақиқларининг аксарияти мана шу холис ниятни ифодалайди. Уларнинг таъсири эса инсонларни «амали солиҳ» қилишга ундашида бўлганлигидан қалбларга маънавий-ахлоқий нур янглиғ тароват бахш этиб туради. Қолаверса, тақиқлар халқимиз миллий руҳини ифодаловчи ҳодиса сифатида ҳам алоҳида қимматга молик. Уларда халқимизнинг ахлоқий-тарбиявий, ижтимоий-ҳуқуқий қарашлари асрлар давомида амалий-ҳаётий тажрибалари ҳулосаси сифатида зухур топган ва шу асосда табулар оилавий муҳит доирасида кишилар учун ўзликни тарбиялаш ва назорат қилиш воситасига айланган.

Қуйида биз шундай тақиқлар намуналарни айтилиш ўрни ва мавзусига кўра хиллаб келтирмоқдамиз. Улар орасида тўй маросими, оналар ва болалар ўртасидаги муносабат, кун ва вақт, рўзғор ашёларига, қушлар, ҳайвонлар, дарахтларга, кишилар турмушининг турли соҳаларига оид тақиқларга ҳозир ҳам кўп ҳолларда амал қилиниб келинмоқда.

Яна бир нарсани алоҳида таъкидламоқчимиз, бу тақиқларга амал қилиш ёки қилмаслик ҳар кимнинг кўнгил иши. Бироқ улардан хабардор бўлиш халқимиз миллий қиёфасини кенгроқ тасаввур қилишга имкон яратади.

Тўй маросимига оид тақиқлар:

Никоҳ кечаси ҳеч вақт тоқ шам ёқилмайди, у, албатта, жуфт бўлиши шарт.

Никоҳ кечаси ёндирилган шамни то ўзи ёниб тугамагунча пуфлаб ўчириш мумкин эмас. Бу келин-куёвларнинг умрбоқийлиги истагини билдиради.

Тўй кечаси куёв йўлида ёқилган гулханни сув сепиб ўчириш мумкин эмас. То ўзи ўчгунича ёниб туриши керак. Бунда ёшларнинг бахти шу гулхандек ёруғ ва ўчмас бўлиб, умрларининг охиригача барқарор яшашлари тиланади.

Келин-куёвни никоҳ кечаси гўшангага киритишдан олдин дастурхонга, албатта, шарбат тортилган бўлиши шарт. Чунки шарбат ширин-шакар, бахтли, осуда ҳаёт рамзи саналади.

Келин сарполарини тескари ўраш мумкин эмас, акс ҳолда унинг бахти қайтар эмиш.

Тўй куни келин-куёв хонасига совуқ сув киргизилмайди. Бу билан улар орасида совуқлик тушмаслигини тилайдилар.

Оналар ва болалар ўртасидаги муносабат ҳамда уларга атаб ўтказиладиган маросимларга оид тақиқлар:

Ҳомиладор аёл кўйлагига тўғнағич тақмаслиги керак.

Чақалоқ чилласидан чиққунча ёлғиз қолдирилмайди.

Янги тугилган чақалоқли уйга азадор уйдан киши келиши тақиқланади.

Чақалоқ чилласидан чиқмагунча она уни бировникига олиб бормайди.

Чақалоқ тугилган уйда 40 кунгача кечаси чироқни ўчириш мумкин эмас, боланинг келажаги ёруғ бўлсин, дея шундай қилинади.

Бола ёшига етгунча кечаси уни қоронгида олиб юрилмайди, акс ҳолда бола учинар эмиш.

Боланинг бешиги қуруқ тебратилмайди.

Бола бешигининг усти очиқ қўйилмайди. Гўё бешик усти очиқ қолса, инсу жинслар кириб ётармиш.

Болани бешикка солганда, у ётган кўрпача остига, албатта, ё нон, ёки пичоқ қўйилади. Нон ё пичоқ унга келадиган ҳар қандай бало-офатни даф ётармиш.

Чақалоқни ёстиқ устида ётқизмайдилар.

Болага испурч (талоқ) гўшти берилмайди, акс ҳолда унинг юзига доғ чиқади, деб ирим қилинади.

Бола қўлига гул берилмайди, чунки унинг ўзи гул.

Боланинг қўлидан ўпмайдилар, акс ҳолда у дардчил бўларкан.

Бола оёғини чалиштириб ётса, дардчил бўларкан. Бунга йўл қўйилмайди.

Ёш болани бирор жойга олиб борсалар, унинг қўндоғига нон қўйиб борадилар. Шунда бола учинмас эмиш.

Боланинг тушган тишини оёқ остига ташламайдилар. Тишининг эгаси оёқ ости бўлармиш.

Қиз бола эркаклар кийимини (чопонини) киймас-

лиги шарт. Акс ҳолда у айрим эркаклар каби қўпол ва такаббур бўларкан.

Қиз бола синган ойнага қарамаслиги керак, акс ҳолда бахти синармиш.

Нон ёпаётганда ўзгалар тандирга қарамаслиги керак, акс ҳолда нон оқиб тушармиш.

Барака учмасин учун болаларни (одамларни) санаш тақиқланади.

Чақалоқ қўйлакчасининг этагини буклаб тикиш мумкин эмас. Бу билан келажакда чақалоққа йўли очиқлик тиланади. Тез оёқ чиқарсин деб шундай ирим қилинади.

Кунлар ва вақтга доир тақиқлар:

Эрталаб қуёш чиққандан сўнг чироқ ёқиш мумкин эмас, Худо шундай ёруғликни юборганда, яна чироқ ёқиш бу кишиларнинг унга нисбатан этиқодсизлиги саналаркан.

Одам яшаб турган ҳовлида дарвозани эрталаб ёпиб қўйиш хосиятсиз саналади. Дарвоза очиқ бўлса, унга хайру барака киради, деб таъбир қилишади.

Офтоб қўнғач, уй ёки ҳовлини супуриш хосиятсиз саналади, чунки ўша пайтда фаришталар келармиш. Бинобарин, ҳеч қанақа ифлос жойга қўл тегизмаслик керак, деб ирим қилинади.

Намозшомда игна билан бирор нарсани тикиш увол саналади, арвоҳларга игна суқилармиш.

Айём кирганда бош ювмаслик лозим, акс ҳолда киши лақма бўлармиш.

Рўзғор ашёлари ва турли хил предметларга оид тақиқлар:

Уйда, ҳовлида супургини тикка қўйиш увол. Тик қўйилса кимдир ўлармиш.

Супургининг устидан сакрамайдилар, акс ҳолда у хорлик келтирармиш.

Ҳовлини дарвозага қараб супуриш керак, чунки нимаики ёмонлик бўлса, очиқ дарвозадан чиқсин, дея ирим қилинади.

Супурги қўлдан-қўлга берилмайди, бировга берилмоқчи бўлган тақдирда ерга ташланади. Супургини қўлга бериш ўша одамга ёмонлик тилашдир, дея тушунилади.

Бирор кишига супургини тегизиш мумкин эмас.

Башарти ногаҳоний текизилса, супургидан бир неча чўпини синдириб ташлаш керак, акс ҳолда ўша одамга ифлослик, ёмонлик юқтирилади, дея ирим қилинади.

Нон ушоғи ерга ташланмайди, бу ишни қилган киши кўр бўлармиш.

Дастурхонда нонни тўнкариб қўйиш мумкин эмас, акс ҳолда ризқ-рўз қайтар эмиш.

Очиқ дастурхондаги ноз-неъматларни емай, уларга шунчаки қараб ўтириш мумкин эмас, гўё ризқ-рўз учиб кетармиш.

Дастурхонни нонсиз қўйиш увол, акс ҳолда уйдан хайру барака кетармиш.

Дастурхон бошида аксириш увол. Акс ҳолда, ризқ-рўзнинг хайру баракаси учармиш.

Биров еяётган нон-насибани биров емаслиги лозим, акс ҳолда улар ўзаро уришармиш.

Дастурхон қора матодан тикилмайди. Акс ҳолда қора кунларни олиб келармиш.

Нонсиз дастурхонни қиз бола бошига қўймаслиги лозим, акс ҳолда у бахтсиз бўларкан.

Зувала қилинган хамир саналмайди, акс ҳолда баракаси учиб, ризқ-рўз камаярмиш.

Супрани унсиз ўраб қўймайдилар, акс ҳолда хайру барака кетади, дейишади.

Сувга ахлат ташлаш гуноҳ, айниқса, оқар сувга.

Сувни кўп тўкиш, аниқроғи, исроф қилиш увол саналган, акс ҳолда баракаси учармиш.

Кишилар бир-бирига совуқ сув сепмаслиги керак, акс ҳолда орага совуқчилик тушармиш.

Бировга пиёла ёки косада сув ё чой қуйиб узатганда, уни ҳаддан зиёд тўлдириб бермаслик лозим, акс ҳолда сабр косаси тўлсин, деган маънони англатармиш.

Тузни босмаслик керак, акс ҳолда одам кўр бўлармиш.

Қозонни кечаси ювмасдан қўйиш мумкин эмас, акс ҳолда уйдан хайру барака кетармиш.

Қозон ерга қўйилмайди, акс ҳолда шу уйнинг эркаги қарздор бўлар эмиш.

Овқат қолдигини коса тагида қолдириш увол.

Овқат аввал кичикка эмас, доимо каттага, яъни оила бошлиғига сузилади.

Қозонни тўнкариб қўйиш мумкин эмас, акс ҳолда ризқ-рўз учармиш.

Дуо вақтида дастурхонда пичоқ ёки бирор аччиқ нарса қўйилмайди, у олқиш-дуони кесармиш.

Қайчини очиқ қўйиш мумкин эмас, акс ҳолда ўша хонадонда айрилиқ бўлади, деб ирим қилинади.

Қайчи қуруқ очиб ёпилмайди. Буни эр-хотин орасида жанжал чиқишига йўйиб, шундай ирим қилинган.

Бирор кийим тикиб бўлингач, игнани ипсиз қолдириш мумкин эмас, акс ҳолда киши жудолукка учрар эмиш.

Дўппини тескари кийиш мумкин эмас, акс ҳолда давлат қайтармиш.

Ўз бош кийимингни бошқа бировга бериш мумкин эмас, чунки у ўзинг учун давлат рамзи ҳисобланади.

Қиз болалар ва аёлларнинг сочларини ёйиб юришлари хосиятсиз саналган.

Бировнинг уйида тирноқ олиш мумкин эмас. Акс ҳолда бундай киши шу хонадон душмани ҳисобланади.

Тирноқ кечқурун олинмайди.

Ўсган тирноқ қирқилгач, уни кўйдириш мумкин эмас.

Тирноқ уй ичида олинмайди.

Ўтмишда ифлос нарсаларни оловга ташлаш тақиқланган.

Ўчоқ усти супурги билан супурилмайди, чунки у пок жой саналади.

Кулни босиш ва унинг устидан сакраб ўтиш мумкин эмас.

Товуқ тухумининг пўчоғини ёқиш қатъий ман этилади.

Кишилар турмуш фаолиятининг турли соҳаларига оид тақиқлар:

Меҳмоннинг орқасидан уй супурилмайди. Акс ҳолат эса меҳмонга нисбатан ҳурматсизлик саналиб, у яна қайтиб келмасин, деган маънони англатар экан.

Уйдан бирор киши сафарга чиқса ҳам, орқасидан уй супурилмайди, акс ҳолда унинг изи йўқолармиш ва қайтиб келмасмиш.

Ётган кишининг устидан сакрамайдилар. Акс ҳолда унинг бўйи пакана бўлиб қолармиш.

Ота қизининг бошига урмаслиги лозим, акс ҳолда қизи бахтиқаро бўлармиш.

Рапида билан бошга урилмайди, акс ҳолда бошига рапида билан урилган кишининг бўйи ўсмасмиш.

Синган буюм уйда сақланмайди. Акс ҳолда уй эгасига бахтсизлик келтирармиш.

Синган ойнага қарамаслик лозим. Акс ҳолда киши бахтиқаро бўлармиш.

Қиз бола кечаси ойнага қарамаслиги керак. Акс ҳолда узоқ жойга келин бўлиб тушармиш.

Эрталаб қўл-бетни ювмасдан ойнага қараш мумкин эмас, чунки одам ўзини доимо пок кўриши керак экан.

Кўпикни ерга ёки йўлга сепиш мумкин эмас, кимки бунга амал қилмаса, гўё у дунёга сирғаниб тушармиш.

Чопонни киймай, елкага ташлаб юриш гуноҳ.

Етим ҳаққини ейиш увол.

Ҳавони, шамолни сўкиш мумкин эмас. Акс ҳолда одам Худонинг газабига учрармиш.

Эрталаб уйқудан кеч туриш хосиятсиз, уйдан хайру барака кетармиш.

Ҳовлида чиққан тиканни юлиб ташлаш лозим, акс ҳолда хонадонга хорлик келтирармиш.

Бировнинг ғийбатини қилиш гуноҳ.

Тишни бир-бирига тегизиб, ғижирлатиш мумкин эмас, акс ҳолда, уруш бўлармиш.

Сочиққа бир вақтда икки киши қўл артиши мумкин эмас, акс ҳолда, улар ўзаро урушиб қолармиш.

Аллоҳ абадиятини обод этсин.

Халқона дуо

Инсон умри боқий эмас, у бир кун туғилибдими, демак, муайян ёшда ёруғ дунё билан хайрлашиши табиий ҳодисадир¹.

Ҳаёт ширин. жозибали ва гўзал бўлганлигидан ҳар қандай ёшда ҳам одамнинг уни тарк этгиси келмайди. Бироқ ўлим барҳақ. Ҳеч ким бундан қочиб қутулолмайди. Қўшиқда айтилганидек: Дунёда ўлимдан бошқаси ёлғон.

Ҳаёт инсонга ўз авлодлари ишларини садоқат билан давом эттириб, орқасида яхши ном, эзгуликлар қолдириш учун берилган бениҳоят қимматли бир имкониятдир. Чунки одам ўлса-да, унинг эзгу ишлари қолади. Инсоннинг тириклигида қилган хайрли ишларига қараб, ўтган умри мазмунига баҳо берилади. Номи абадий сақланиб қолади. Ҳаёти давомида ҳеч нарса қилмай, ўзи билан ўзи ўралашиб юрганлар эса аста-секин унутилиб кетади. Ҳаётини эл-юрт хизматига бағишлаган, эзгу ишлари билан дунёда нурли из қолдирган кишиларнинг номи эса ҳеч қачон унутилмайди, балки уларнинг порлоқ хотиралари миннатдор авлодлар қалбида абадий сақланиб, яшаб қолади. Донолар айтмишларки:

Жаҳонда икки иш қолар абадий,
Дононинг сўзи-ю, ботирнинг иши.

Чиндан-да, инсондан қоладиган бебаҳо ёдгорлик эзгу ишлари туфайли топган яхши номидир. Шундай экан, ҳар бир инсон яхшилик деб туғилиб, яхшилик

¹ Бу қисмни ёзишда филология фанлари доктори Дармоной Ўраева ҳам иштирок этди.

деб яшаши лозим! Бу йўлда «ҳаёт» деб берилган улуг неъматдан унумли ва самарали, мазмунли фойдалана олмоғи шарт!

Яқин кишисини сўнгги йўлга кузатиш одамларга қаттиқ руҳий таъсир этади. Чунки кечагина ҳамдам ва ҳамнафас бўлиб юрган кишининг бугун орадан мангуликка кетиши дилни эзиб, қайғу ва изтироб келтиради. Шунинг учун ўлган одам хотирасига бағишлаб аза очилади. Азада ёрқин рангли либослар кийилмайди. Тўй-ҳашамларга борилмайди. Куй-қўшиқ тингланмайди. Телевизор томоша қилинмайди.

Аза тутиш марҳум хотирасига бағишлаб ўтказиладиган уч, йигирма, қирқ, йил каби маросимлар билан боғлиқ. Одатда, марҳумнинг яқин кишилари уч кун, ёшлар, узоқроқ қариндошлари, ёру дўстлари йигирма ёки қирқ кун, ота-онаси, эри ёки хотини, фарзандлари то йилгача аза тутадилар.

Аза ёки мотам — жуда катта, изтиробли оилавий маросим. У оилавий-маиший маросимларнинг ғамгин тури. Азада марҳум хотирасини ҳурмат-эҳтиром қилишдан иборат азалий, анъанавий одат-ақида давом этиб келмоқда.

Мотам маросимида инсоннинг анимистик тасаввурлари, руҳнинг барҳаётлиғига ишонч туйғуси ёрқин акс этиб туради.

Мотам маросимининг ўзига хос қатъий талаб-қоидалари, урф-одатлари ва ирим-сиримлари мавжуд. Бу инсоннинг табиат қонунлари олдидаги ожизлигидан, ўлим даҳшатидан чўчишидан келиб чиққан.

Инсоннинг жони узилгач, нафас олиши ва барча аъзолари ҳаракат қилишдан тўхтаб қолади. Шунда марҳумнинг кўзи юмилади, оёқлари жуфтланиб, бош-малдоқлар бир-бирига мато билан боғлаб қўйилади, ияги танғилади. Аксинча, марҳумнинг кўзи очиқ қолса, у дунёдан тўймай ёки яқинларидан кимнингдир дийдорига муштоқ бўлиб кетяпти, шунинг учун орқасидан ё дунёни, ё ўша кишини тортиб кетади деган маънода ирим қилинади. Ёхуд бошмалдоқлар боғланмай, улар бир-бири билан минғашиб ё чалкашиб қолса ҳам мар-

хум ўз орқасидан яна кимнидир тортиб кетади, деб ирим қилинади. Ияк боғланмай, огзи очиқ қолса ҳам шундай ирим қилинади.

Мархум дафн қилинишидан олдин махсус ювгич¹ ходим (аёлга аёл, эркакка эркак) томонидан поклик сувига солинади, яъни сўнгги йўл олдидан ўлик ювилиб, поклантирилади. Сўнгра абадий кийими — кафанга ўралади. Мархумни кафанга ўрашда ҳам эҳтиёткорликка риоя қилинади. Кафанни иложи борича огиздан пастроқ тушириб ўрайдилар. Бўлмаса, ўлик кафанни ямлаши (чайнаши) мумкин деб тасаввур қилинади ва бунинг оқибати ҳам яна бир ўлимга сабаб бўлади деб тушунилади. Борди-ю хонадонда устма-уст икки-уч ўлим содир бўлса, у ҳолда иккинчи ва ундан кейинги ўликларни қабристонга кузатгунча ўлик эгаларидан бирови тобуткашлар олдида юриб, йўлдан қўшилиб тобутга елкадошлик қилганларга нон улашиб бормоқ удумига амал қилинган ва шу удум билан бу хонадонда ўлим қайта соя солмаслиги тиланган.

Таомилга кўра, кафан оқ пишиқ сурпдан бўлиб, мурда бошдан-оёқ шу сурпга ўралади.

Хуллас, инсон ҳаётда хоҳ шоҳ бўлсин, хоҳ гадо — охиратда ҳар иккаласи ҳам бир хил кийим кияди.

Кафан — икки чорси чойшабдан иборат мато бўлиб, мархумнинг чап елкасидан ўнг биқинига тортиб «кўйлак» ва лунги ўрнидаги «иштон» кўринишида ўралади.

Мотам маросими ўзига хос кўринишга эга. Маросим жараёнида, одатда, мархум ҳовлисида хотин-қизлар овоз чиқариб, аза очади. Улар мархум ётқизиلىб қўйилган сўри устига энгашиб, доду фарёд кўтариб, айтиб-айтиб йиглайдилар.

Эркаклар эса тўн кийиб, бел боғлаб, бошга дўппи ёки телпак кийиб, ҳўл повдадан ҳасса тутиб, келганга овоз солиб йиғи қиладилар. Ҳассакашлар, одатда, мархумнинг энг яқин қариндошлари бўлади. Ҳассакашларнинг ҳассаси рамзий маънода тайёрланади. Яъни

¹ Баъзи жойларда ғассол, мурдашўй ёки покшўй ҳам дейилади. Ўтмишда наҳвагар ҳам дейилган.

марҳум ували-жували киши бўлса, ҳасса учун мевали ёки тол дарахтидан новда олинади. Агар марҳум ҳаётда бефарзанд ўтган бўлса, ҳасса терак ёки бошқа мевасиз дарахтдан тайёрланади. Бу ҳассалар марҳум қабрга қўйилиб қўмилгач, унинг қабри атрофига суқилиб, экилади.

Бирор киши ҳаётдан қўз юмса, аввало, узоқ-яқин қариндошларига хабар қилинади, қўшниларга овоз чиқариб йиғлаб маълум қилинади, сўнгра тезда қабристон ходими — гўрковга хабар етказилади.

Гўрков марҳум учун мангу уй — қабр тайёрловчи, қабристонда унинг қабрига жой ажратиб берувчи кишидир.

Қабр, одатда, икки «қават» ҳолида қазилиб, тайёрланади. Биринчи қават «гўр», иккинчи қават эса ёриб ўйилган ички лаҳатдан иборат бўлади.

Мотам маросимида тириклар махсус кўринишда кийинадилар. Азадорларнинг махсус устки кийимлари бўлади. Айниқса, азадор хотин-қизларнинг кийимлари қатъийдир. Улар ёшларига яраша оқ, кўк, қора кийинишади. Аза кийими — мотам маросимининг асосий белгиларидан бири. Аза кийимини кийиш ва ечиш марҳум хотирасига бағишлаб ўтказиладиган маросимлар билан боғлиқдир.

Азадорлар киядиган мотам либосларининг ранглари ибтидоий инсоннинг «дунё» тўғрисидаги қадимий тушунча-тасаввурларига биноан танланган. Бинобарин, ибтидоий инсонлар дунёни икки қисмдан — нариги ва бу дунё, янаям аниқроғи, ўликлар ва тириклар дунёсидан иборат деб англаб, ўликлар дунёси оппоқ — бамисоли йўқлик, шунинг учун биз ўлганларни кўролмаймиз, тириклар дунёси эса ранг-барангдир деб изоҳлаганлар. Шунинг учун азада оқ рангли кийим — ўликлар ранги, икки дунё ўртасидаги алоқачи тимсолида кийилган.

Қора рангдаги кийим эса одам ўлган кун — ёмон кунда шу ёмонликнинг рамзи сифатида кийилади. Чунки аждодларимиз ёмонлик ва қоронгиликни қора рангда тасаввур қилганлар.

Қолаверса, оқ-қора кийимларни аралаштириб кийиш — яқин кишимнинг жони қора ерга, руҳи ёруғ ос-

монга сингиб кетди деб тушуниш натижаси ҳисобланади. Шунингдек, халқ диний тасаввури ва тушунчаси асосида яратилган жаҳаннам (яъни ер остининг энг чуқур қатлами бўлиб, ундан ёруғ дунёга чиқиб бўлмайди) ҳам қора рангда тасаввур қилинади.

Кўк ранг эса ер ости илоҳий қудрат эгаларининг макони билан рангдош деб тушунилгани боис ҳамда қора рангга яқинлиги туфайли салбий маъно касб этиб, изтиробли кунда шу аламнинг рамзи бўлиб келади.

Демак, оқ, кўк, қора рангдаги кийимлар ўликнинг руҳини тириклар руҳи билан боғлаб турувчи, алоқачи воситалардир.

Аза тутган аёллар кўпинча эл олдида марҳумнинг номини тилга олиб, унинг хизматларини, яхши фазилатларини хотирлаб йиғи қиладилар. Кўпинча йиғичилар марҳумнинг яқин қариндошлари бўлади. Шунинг учун бўлса керак, халқ орасида «Ҳар ким ўз ўлигига йиғлар» деган гап юради. Йиғламасликни эл ҳатто гап-сўз қилади.

Аслида эса ислом дини ўликка йиғи қилишни қоралайди ва тақиқлайди. Чунки у: «Жон инсонга берилган омонатдир. Бир кун у олинади», — деб сабоқ беради. Умматимда жоҳилият ишларидан тўрттаси борки, уларни ҳеч ташлай олмайдилар: «Ўлимда дод солиш» ёки «Мен мусибатга соч юлиб, ёқа йиртиб бақириб йиғлагандан безорман», — дейилади Муҳаммад пайгамбар ҳадисларида¹.

Ҳолбуки, кўпинча мотам маросимларида аёллар сочини ёйиб ёки юлиб, юзларини тимдалаб, ўзларини уриб то ҳушидан айрилгунича дод-фигон солиб йиғлайдилар. Дунёнинг ёлғиз ҳақиқати бўлмиш туғилиш ва ўлиш барҳақлигини руҳий изтироб остида унутиб қўядилар. Бироқ вақт ўтиши билан улар бу ҳақиқатни тан олишга кўникма ҳосил қиладилар.

Мотам маросими бевосита ҳар бир халқнинг ўз урф-одатлари, ирим-сиримлари, фольклор айтимлари асосида ўтади.

¹ Муҳаммад пайгамбар қиссаси. Ҳадислар. Тошкент, «Камалак», 1991, 58 ва 73-бетлар.

Хусусан, ўлимдан ҳамиша хавотирланиб яшовчи инсон ундан иложи борица узоқроқ юриш, туриш мақсадида халқ тажрибасида синалиб, анъанавий тарзда яшаб, бажарилиб келинаётган ирим-сиримларга жуда қаттиқ риоя қилади. Жумладан, ўлик чиққан хонадонда угра (хамир оши) кесиб пиширилмайди. Бу билан ўлимнинг орқаси узаяди деган тасаввур англашилади.

Марҳум — хоҳ у эркак бўлсин, хоҳ аёл бўлсин — сўнгги йўлга уни фақат эркаклар кузатиб, кўмиб келишади. Аёллар эса мазорга боришмайди.

Марҳум қабристонга тобутга солиб олиб борилади. Марҳум поклик сувида ювилиб, кафанга ўралгач, тобутга солинади. Баъзи жойларда марҳумнинг ёр-биродарлари майитни тобутга олишдан аввал чўбин отни даст кўтариб, унинг остига учовлон ё бешовлон бир-бирларининг бўйинларига қўл солишиб жар қилишади. Бу билан марҳумнинг ўз хонадони, аҳли оиласи, қавму қариндошлари билан видолашуви ва руҳнинг Оллоҳ ёрлақашидан иборат истак изҳор қилинади. Сўнгра тобут ерга қўйилиб, майит унга олинади ва жарчилар уни илк бор қўлма-қўл олишиб жаноза майдонигача элтадилар. Шуниси ҳам борки, жаноза ўқилмагунича тобут елкада кўтарилмайди. Тобут, одатда, қора тол ёғочидан тайёрланади¹. Тобутни кўтарувчилар тобуткашлар дейилади. Тобуткашликнинг ҳам ўз одати бор. Таомилга кўра, ҳамма одам, ҳатто бегона йўловчилар ҳам марҳум тобутига бир елка теккизиб, икки томонидан камида етти қадамдан кўтариб бориши талаб қилинади. Кўпчилик бу таомилни савоб деб билади. Бу одатнинг аслида икки реал маъноси бор. Биринчиси — бу ҳол жамики инсон фарзандининг бир-бирига дўст-биродар, қон-қариндош эканлигини англатса, иккинчиси — бу кун ҳар бир кишининг бошида бор ҳақиқат эканлигидан огоҳлантириб туради.

Марҳум қабрга қўйилиб, мазор билан боглиқ барча расм-русумлар бажарилиб бўлингач, маросим иштирокчиларидан эътиборли бирор киши марҳумнинг исмини

¹ Ўзбек фольклори очерклари. 1-том. Тошкент, «Фан», 1988, 211–220-бетлар.

айтиб, «Фалончи қандай одам эди?» деб жамоадан сўрайди. Албатта, халойиқ: «Яхши одам эди» ёки «Жаннати одам эди» дея жавоб беради. Чунки одатга кўра, ўлган одам тириклигида гарчи дилозор, бемаъни, ёмон, бузуқ кимса бўлган эса-да, унинг ҳақида ёмон гапирилмайди. Шу тариқа марҳумнинг йўқлик, абадийлик дунёсига кетганлигига ишора қилинади.

Ислом динига сиғинувчи халқлар ҳаётида вафот этган кишига бағишлаб жаноза маросими ўтказилади. Жаноза маросими, одатда, «нариги дунёга», кишининг руҳи ўлмаслигига ишонишни тарғиб қилади. Шу сабабли бу маросим дин аҳлларининг фаол иштироки билан ўтказилади. Маросим чоғида Куръондан оятлар ўқилади. Диний қоидага кўра, жаноза ва дафн чоғида хотин-қизлар қатнашмайди, уларнинг марҳум уйдан ташқарига чиқишларига рухсат берилмайди. Бунга сабаб, шўро мафкураси тушунтирганидек, ислом динининг хотин-қизларни камситиши эмас, балки поклик сувига олиниб, поклик либоси — кафанга ўралган, яъни покланган марҳумни пок ва нопок кўзлардан ҳимоя қилиш мақсадининг назарда тутилишидир. Чунки аёллар орасида ҳайз кўрганлари бўлиши мумкин. Бу ҳолатда эса улар нопок ҳисобланадилар ва таҳоратли бўлмайдилар (Шундай кезларда аёллар учун намоз ўқиш, рўза тутиш, ҳаж қилиш каби мусулмончилик фарзларини бажариш ҳам тақиқлаб қўйилади). Шунинг учун эҳтиёткорлик юзасидан аёллар жаноза ва дафн маросими чоғида қатнаштирилмайди.

Жаноза ҳар қандай марҳумга ҳам ўқилавермайди. Жумладан, ўз жонига ўзи қасд қилган: осган, ўт қўйган, сувга чўккан, баландликдан ўзини ташлаган, асосий қон томирини кесган ва ҳоказо каби усулларда ўз-ўзини қасддан ўлдирган кишилар, одатда, жанозасиз кўмилади. Чунки улар Оллоҳ (Худо)нинг берган омонатига хиёнаткорлар ҳисобланади. Бундай инсонлар исломда қораланади.

Шунингдек, жангу жадалларда, Ватан озодлиги ва мустақиллиги учун ўлганлар ҳам жанозасиз кўмилаверади. Бундай инсонлар жаннатга борадилар деб тасаввур қилинади ва улар «шаҳидлар» деб юритилади.

Ўзбекчилигимизда ўлган киши учун бир йил давомида йиғи-сиғи қилиб аза тутилади. Ўлик бўлган хонадонда бир йилгача тўй-томоша ўтказилмайди ёки хонадон соҳиблари ўзгаларнинг тўй-томошаларида ҳам иштирок этишмайди.

Ўлган кишини иззат-ҳурмат билан дафн қилиш ва бундай маросимда қариндош-уруғлару ёр-биродарларининг фаол қатнашуви ўзбек халқининг энг инсоний, олижаноб илғор анъаналаридандир. Маҳалла аҳолиси, ҳамқишлоқлар, қўшнилари, қариндош-уруғлар, дўстлар, ўртоқлар, таниш-билишлар марҳум билан муносиб равишда видолашмоқ учун ўзларининг қимматли вақтларини сира аямайдилар.

Маҳалла аҳолиси бирор ҳовлида оила аъзоларидан бири вафот этганлигини эшитиб қолса, марҳумни таниш ёки танимасликларидан қатъи назар, унинг уйига келиб, қариндош-уруғларига, яқинларига ҳамдардлик изҳор қилишни, уларга қўлдан келган ёрдамни аямасликни ўзининг инсоний бурчи деб ҳисоблайди. Бу эса чинакам инсоний ҳис-туйғулар, самимий таъзия ва аламли ҳодисага чин юракдан бўлган муносабатни кўрсатади.

Марҳумни дафн қилиш билан боғлиқ урф-одатлар жуда кўпдир. Улардан яна бири: марҳум лаҳатга етказилиб, устидан чим ёпилгач, тупроқ тортишдан олдин қабрдан ўйиб олинган тупроқдан бир киши этагига солиб, ҳаммага бир ҳовучдан тарқатади ва улар бу тупроқни ўша марҳум қабрига сочадилар. Шу билан ҳамма барабар савоб ишда — марҳумни кўмишда иштирок қилган ҳисобланади. Шундан сўнг қабрга кетмон ва белкуракларда тупроқ ташлаб кўмишади.

Одатда, агар марҳум тириклигида бировдан қарз олиб, уни беролмай кетган бўлса, унинг тўловини бош фарзанд (ўғил) ёки қариндош-уруғларидан энг яқини ўз зиммасига олади. Акс ҳолда марҳумнинг руҳи безовта бўлади деб тасаввур қилинади.

Аза маросими уч кунгача давом этади. Уч кунгача ўлик чиққан уйдан одам аримайди. Бу кунларда азадорлар оғир айрилиқ, туганмас қайғудан қаттиқ изтиробга тушиб, ҳам руҳан, ҳам жисман қийналаётган бўлсалар-

да, марҳум ҳурмати учун таъзияга келиб-кетадиганларни одоб-эҳтиром билан кутиб олиб, кузатиб қўядилар.

Мотам маросими ўтказилаётган ҳовлида марҳумни қабристонга дафн қилиш учун олиб кетишда ўралган кўрпа, ёпғич, тобутга солинган кўрпача (фақат болиш бўлмайти. Марҳум тобутга болишсиз ётқизилади. Бу ҳам унинг ҳаётда ўз ёстиғини, ўрнини йўқотганлигига рамзий бир ишорадир) офтобга ёйиб қўйилади. Шунингдек, марҳумнинг кийим-кечаклари ҳам худди сепга ўхшатиб ёйиб қўйилади. Кейинчалик, асосан, маросим тугагач, бу кийим-бошлар ювғичларга, марҳумнинг энг яқин қариндошларига ёдгорлик сифатида тарқатилади.

Мотам маросими ўтказилаётган ҳовлида уч кунгача овқат пиширилмайди, ис чиқарилмайди. Қозон тескари қилиб тўнкариб қўйилади. Бу билан марҳумнинг яқин қариндошлари худди марҳум сингари бу ҳаётнинг лаззатларидан воз кечиб, унинг руҳи билан яқин бўлишга интиладилар. Бироқ қўни-қўшнилари, яқин қариндош-уруғлар бу огир лаҳзаларда уларга ҳам руҳий, ҳам моддий мадад берадилар. Ўлик эгаларини ёлғиз ташлаб қўймайдилар. Иссиқ таом билан таъминлаб турадилар. Хафа бўлмасликка, «бандалик»ни тан олиб, еб-ичиб туришга ундайдилар. Уч кундан сўнг мотам маросими тугайди. Шундан кейин марҳумнинг ёди етти, йигирма, қирқ, йил деб номланувчи тадбирларда оммавий йиғилиб, хотирланиб турилади.

Етти маросими марҳум вафотига етти кун тўлганда ўтказилади. Йигирма ва қирқ маросими эса, гарчи жуфт сонлар номи билан юритилса-да, марҳум вафотининг ўн тўққизинчи ва ўттиз еттинчи ёки ўттиз тўққизинчи куни ўтказилади. Бу маросимларда, одатда, элга ош бериб, марҳум ёди эсга олинади. Хусусан, қирқ маросими жуда эътибор билан ўтказилади. Чунки бу куни марҳум қабрда ёрилиб, тупроққа синга бошлайди деб тасаввур қилинади. Энди унинг ўлганига ва бошқа қайтиб келмаслигига ишонч мустаҳкамланиб, кўпчилик азадан чиқади ва аза кийимини ечиб «қизил кияди». «Қизил кийган»ларнинг аза кийимлари эса бир жойга йиғилиб, бир киши томонидан, битта совунда секин-аста ювиб

ёйилади. Сўнгра унинг магзаваси оёқ босилмайдиган, тоза ҳисобланган маълум жойга секин, шалоплатилмасдан, сачратилмасдан оқизиб қўйилади. Чунки агар бу сув қўпол ҳаракатлар билан, зарб ила тўкиб юборилса, ўлик ҳам ётган жойида худди шундай «тарсиллаб» ёрилиб кетади деб тасаввур қилинади. Секин тўкилса, ўлик ҳам секин ёрилиб, оҳиста тупроққа сингади деб фараз қилинади. Шунингдек, маросимга пиширилган овқатнинг қозони, таом ейилган идишлар ювилган сув ҳам худди шундай тўкилади.

Марҳумнинг энг яқин қариндошлари, онаси ёки хотини, бувиси, опаси ёки синглиси, аммаси ёки холаси сингарилар то унинг йил ошисигача аза кийимларини ечмайдилар. Йил маросими эса марҳумнинг ёшига, орқасида қолган фарзандлари миқдорига қараб, ҳар хил муддатда — 7, 9, 11 ойда ўтказилади. Одатда, кекса кишиларга кўп ва қаттиқ аза тутилмайди. Чунки кекса кишининг вафоти муайян табиий ҳодисадир. Шу боисдан кўпинча кекса киши азасида «Тўйлари экан, биз ҳам шу кишининг ёшларига етайлик» деган тилак айтилади. Ҳатто ёш-яланглар рамзий маънода ясантириб, кийинтириб қўйилади. Бунда фақат марҳумнинг хотини, қизлари, опа-сингиллари, келинлари аза кийими киядилар, холос. Кекса кишиларга етти ёки тўққиз ойга йил синдирадилар. Ёшроқ марҳумларга эса 11 ойгача аза тутадилар. Белгиланган маълум муддат етгач, элга яна ош берилиб, азадорлар мотам либосларини ечадилар ва рангли кийим киядилар.

Мотам либосини ечиш ҳам ўзига хос кичик бир маросимдир. У баъзи жойларда «оқ кияр» дейилса, айрим ҳудудларда «қизил кияр» деб номланади. Бу маросим қоидасига кўра, марҳумнинг мотам либоси кийиб юрган яқин қариндошлари ўзаро бир-бирларига сарпо улашадилар. Марҳумнинг хотирасини шунча ҳурмат қилиб, эъзозлаб юрганлари учун, сабр-тоқат кўрсатганликлари учун ўзаро миннатдорчилик билдирадилар.

Марҳум хотирасини ёд қилиб туришнинг 7, 20, 40, йил каби йирик маросимларидан ташқари ҳар пайшанба ва якшанба (бозор) кунлари, шунингдек, ҳайитларда ўтказилиб турувчи кичик маросимлари ҳам бор. Бу ма-

росимларда марҳум ёди учун ис чиқарилиб, Куръондан оятлар ўқиб, ош-сув қилиб турилади. Унинг иштирокчилари давраси торроқ бўлади. Одатда, унда мулла ёки отинойи, яқин қариндошлар, ён қўшнилар иштирок қилади.

Дафн маросимида борганлар, одатда, марҳумнинг яқин қариндошларига «Истаманг», «Соғинманг», «Бандалик», «Кўнглингизга қорлар ёғилсин» каби рамзий тушунчали ифодалар билан далда ва таскин берадилар. Бу билан улар «ўлганнинг руҳини безовта қилманг, абадий уйқусида тинч ором топсин», — демоқчи бўладилар. Айни пайтда, хонадон соҳиблари эса келганларни «Хуш келибсиз, (марҳумнинг номини айтиб) давраларига, (агар кекса киши бўлса) тўйларига» деб кутиб оладилар ва уларга ўз миннатдорчиликларини изҳор қиладилар.

Аза маросимида йиғи берувчи аёллар, одатда, кўзларини юмиб, оғизларини дока рўмолча билан тўсиб туриб, йиғи ва йўқловларни ижро қиладилар. Бу ҳолатга кириб куйлашнинг маъноси «бу ҳолни кўзларим кўрмасин, айтаётган гапларимни қулоқлар эшитмасин, айни чокдаги ҳолат ёлғон тушдир» деганидир. Бундай ҳолда куйлаётган аёлга то бошқа аёллар унинг исмини айтиб, «қўйинг энди, бандалик экан, ўлим — барҳақ, очинг кўзингизни» деганларигача, у ўз аҳволини ўзгартирмайди.

Хотин-қизлар орасида мотам маросимида турли мавзулардаги йиғи ва йўқловлари, ўлим аллалари (марҳумнинг абадий уйқусидаги оромини таъкидловчи), мотам ёр-ёрлари (турмуш кўрмай, пок, беғубор кетган қиз-йигитларга нисбатан) каби фольклор намуналари кенг ижро қилиниши кузатилади.

Инсониятнинг моддий ва маънавий маданияти тарихи, археологик қазилмалар турли халқлар тараққиётининг турли босқичларида дафн қилиш одатлари жуда ҳам хилма-хил бўлганлигини кўрсатади. Бу одатлар эса турмуш шароити билан белгиланади, одамларнинг ўлим тўғрисидаги турли диний тасаввурларини ифодалайди.

Бундан 1500 йил илгари марҳумлар махсус тўқилган сават — кажавасифат қути — тобутларга солиб қўмилган.

Бу қутилар орадан шунча асрлар ўтса ҳамки ҳозиргача оҳори тўкилмай сақланиб қолибди. Демак, ўзбек халқи жуда қадим замонлардан буён марҳумлар ёдига ҳурмат-иззатда бўлиб келганлигига бу бир ашёвий далилдир¹. Ёки аксаран ҳолларда марҳумлар мумлаб дафн қилинган. Мумланган майит эса узоқ вақтгача тўкилмай-сочилмай тураверади.

Марҳум ёдини ҳурмат-иззат қилиш замирида эса ибтидоий инсонларнинг руҳнинг барҳаётлиги тўғрисидаги ишонч-этиқодлари ётади. Уларнинг қадимги ишонч-тасаввурларига кўра, жон танани ташлаб кетсада, руҳ бўлиб осмонга учиб яна қайта яшайверармиш. Зеро, жон руҳга эврилади. Жоннинг руҳга эврилишини турли даврларда турлича тасаввур қилишган. Жумладан, зардуштийлик этиқодича, майит чўп-ёғочлар ўртасига ётқизиблиб ёқиб юборилган ва бу билан «инсоннинг жисми оловдан пайдо бўлгану, у вафот этгач, яна ўз-лигига қайтсин, олов бағрига сингиб кетсин» деб тасаввур қилинган. (Бу тушунча-тасаввурнинг излари ҳозир ҳам Ҳиндистоннинг айрим халқлари орасида сақланиб келмоқда.)

Ўзбеклар орасида зардуштийлик динининг сарқити сифатида ўлик чиққан уйда унинг ётган ўрни бош тепасига (уч, етти, қирқ кунгача) шам ёки нукча² — бир қаришча келадиган қамиш ғарови учига пахта ўраб, уни ўсимлик ёғига шимдириб, ёқиб қўйиш одати сақланиб қолган. Бу билан руҳнинг барҳаётлигига ишонч янада тасдиқланади.

Марҳумни ёғоч тобутга солиш одати ҳам қадимги инсонларнинг ибтидоий тотемистик тасаввур-тушунчалари билан боглиқдир. Мазкур тасаввурга кўра, инсон ўзини дов-дарахтлар билан қон-қариндош деб тушунган. Дов-дарахтларнинг фаслларга хос ўзгариб туришида тириклик белгиларини кўрган ибтидоий аجدодимиз уларни ўзига руҳан яқин деб тахмин қилган. Шунинг учун қадимги инсонлар ўликнинг руҳи безовта бўлмасин, ўз макон-манзилини топиб, тинчгина ётсин, деган маънода уларни ёғоч идишларга, тўқима саватларга, ёғоч

¹ М. Сатторов. Ўзбек удумлари. Тошкент, «Фан», 1993, 214-б.

² Баъзи жойларда лукча ҳам дейилади.

тобутларга солиб дафн қилганлар. Бироқ ислом дини кейинчалик буларга чек қўйган бўлса-да, бари бир, бу тасаввурнинг излари ижтимоий турмушда сақланиб қолаверади. Айни пайтда марҳумни сўнгги йўлга кузатишда уни тобутга, махсус ёғоч тахтага солиб олиб кетиш ҳам шу тасаввур-тушунчаларнинг изларидир.

Қадимда яна марҳумлар у дунёда ҳам тирик бўлади деб тасаввур қилиниши натижасида ўлган кишининг эр бўлса – хотинини, хотин бўлса – эрини, от-уловини, турмуш эҳтиёжи учун зарур бўладиган асбоб-анжомларни, кийим-кечак, озиқ-овқатларни қўшиб кўмганлар. Булар у дунёда марҳум учун асқотади деб тушунилган.

Инсоннинг ўлгандан кейин ҳам тирик бўлиши, яъни жисман ўлса-да, руҳан ҳаёт бўлиши ҳақидаги тасаввурларнинг излари ҳам сақланиб келмоқда. Жумладан, марҳумни тоза кийимлар билан махсус кийинтириб дафн этиш славян халқи орасида ҳозир ҳам сақланган. Ёки Ҳиндистонда Бобур давригача эр-хотинлардан бирови ўлса, ёнига турмуш ўртоғини қўшиб кўмиш ёки ёқиш одати сақланиб қолинган эди. Бобур бу ибтидоий сарқитга чек қўйдирди.

Айни кунларда ҳам ўлган киши руҳига ис чиқариш, шам ёки нукча ёқиб қўйиш одатлари марҳум хотирасини анъанавий ёдлаш ва унинг руҳи тириклигига ишонч кўринишларидан биридир.

Ўлганларни хотирлаш энг қадимий анъаналардан биридир. Бу ҳақда буюк ўзбек олими Абу Райҳон Беруний ўзининг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» китобида: «Х-ш-в-м ойининг охирида суғд аҳолиси ўтган авлодларини эслаш, улар хотираси учун йиғлаш, юзларини тимдалаш, ўлганлар қабрига овқат ва ичимлик қўйиши» ҳақида ёзиб қолдирган¹. Қолаверса, буюк ва атоқли ажлодларимизга атаб қурилган мақбаралар ҳам бу маросимнинг асрий гувоҳларидир. Чунки мақбара марҳумнинг «мангу уйи» деб тасаввур қилинади.

Қадимги инсонлар оламни ҳамиша ўликлар ва тириклар олами, у дунё ва бу дунё кўринишидаги иккита

¹ **Беруний.** Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. I-том. Тошкент, «Фан», 1988.

олам деб тушуниб келганлар. Ислом дини ҳам қадимги инсонларнинг ана шу тасаввур-тушунчаларини ўзлаштириб олган ҳолда, ундан унумли фойдаланади ҳамда дунёни боқий ва фоний олам шаклида ажратиб тушунтиради. Ислом таълимотига кўра, фоний бу дунё бўлиб, ўткинчи ва ёлғончидир. Ҳақиқий дунё эса боқий дунёдир. Шу боисдан ислом одамларни бу дунёга ҳирс-ҳавас қўймай, ҳақиқий дунё — боқий дунёни эслаб, унда яшашга тайёргарлик кўриб, турмуш кечиришни маслаҳат беради, боқий дунёнинг «жаннат» ва «дўзах»дан иборат эканлигини алоҳида таъкидлайди. Ҳалол, пок яшаган инсонлар охиратда жаннатдан, ёмон, ёвуз кишилар эса дўзахдан қўним топадилар, деб уқтиради. Шу орқали инсонларни бир-бирига фақат яхшилик қилиб, пок, ҳалол яшашга ундайди.

Қабристонлар ҳар бир халқнинг ўзига хос тарихини ва маданиятини намоён этиб туради. Чунки қабристон қиёфасига қараб, ҳар бир халқнинг ўз аجدодларига ҳурмати ва эҳтиромини тез илғаш мумкин.

Қабр — ҳар бир инсоннинг сўнгги макони, абадий уйи. Қабристон эса марҳумлар шаҳарчаси. Эртами-кечми — ҳар бир киши ана шу шаҳарга келиб, абадий қўним топади. Шундай бўлгач, дунёдаги буюк ҳақиқат — туғилиш ва ўлимни ҳис қилган ҳар бир одам бу «шаҳарча»нинг ободончилиги учун астойдил ҳаракат қилмоғи лозим.

Айни пайтда, қабрларга инсон хотирасини эъзозлаш, унинг номини абадийлаштириш мақсадида қабр тошлари, мармар ёдгорликлар, битиклар ўрнатилмоқда ва уларга марҳум ҳақидаги маълумотлар, хотира лавҳалар ёзиб қўйилмоқда.

Қабрларга ёдгорлик тошлари ўрнатиш қадимий анъанадир. Дарвоқе, таниқли тарихий шахсларга бағишлаб қурилган ҳашаматли мақбаралар ҳам шу қадимий анъанадан дарак бериб туради. Марҳум таниқли шахсларга ўрнатилган қабр тошлари бизнинг давримизгача ҳам сақланиб қолган. Жумладан, Ўрхун-Енисей ёдгорликлари, Кул Тагин, Тўнйукүк, Билга Қоонлар хотирасига бағишлаб ўрнатилган битиктошлар фикримизнинг ёрқин далилидир.

Ислом дини қабрларга ёдгорлик тоши ўрнатишни маъқулламайди. Ислом инсоннинг тупроқдан, ердан пайдо бўлганлигига урғу беради. Шунинг учун тупроқдан пайдо бўлиб туғилган инсон ўлганида яна қайта тупроққа топширилиши кераклиги уқтирилади. Токи унинг жисму жони руҳга айланганида қисм сифатида бутун таркибига сингиши лозим. Акс ҳолат эса, унинг руҳи ўзи келган маконини тополмай чирқиллаб қолиб, сарсону сарсари кезиб, оқибатда аччиқланиб, орқасида қолганларга зиён-заҳмат етказиши мумкин, деб тушунилади. Бинобарин, тупроқдан яралган инсон яна қайта тупроққа қорилиб, унга сингиб кетмоғи лозим. Қабр тоши эса ўликни босиб, оғирлаштириб қўяди, тан билан руҳнинг ўзаро алоқасини, боғланиб туришини чеклайди. Руҳ эса бундан безовталанади, аччиқланади, охир-оқибат ўч олишга интилади, деб тушунтиради ислом. Бироқ бу ақида ва талабларга айрим ҳолларда риоя қилинмаган, қолаверса, ислом намояндаларининг ўзлари азизлар, авлиёю анбиёлар, валийлар даражасидаги улуғлар қабрларига оятлар билан зийнатлантирилган тошлар ўрнатиб, ўша жойларни муқаддаслаштириб, зиёратгоҳларга айлантиришдан манфаат топганлар. Рост, қабрларга қабр тоши, ёдгорликлар ўрнатиш исломгача бўлган қадимий анъанадир. Қолаверса, бу анъана жаҳондаги жуда кўп халқлар турмушида учрайди.

Мотам маросими ўзига хос тарихий тараққиёт босқичларини кечириб келмоқда. Ижтимоий ҳаёт ўзгаришлари табиий равишда унда ўз аксини топаётир. Натижада унинг ўтказилиши жараёнида нималардир тушириб қолдирилса, нималардир давр тақозосига кўра қўшилаётир. Қадимда кишилар ўртасида кучли очарчилик юз берган, натижада очликдан одамлар қирила бошлаган. Ўликлар шундай кўпайиб кетибдики, тириклар уларни кўмишга улгурмай қолибди. Бир томони, очликдан ўзларининг ҳам тинка-мадори қуриб бораётган одамлар энди юз-хотирни йиғиштириб қўйиб, кўмиш маросимларига бормаи қўйибдилар. Шунда кексаларнинг маслаҳати билан ўлик чиқаётган хонадонга келганларга нон улашиладиган ёки тангами, дастрўмолми бериладиган бўлибди, шу қўйи одамларнинг бу маросимга

иштироклари рағбатлантирилиб, қўмиш маросимиға бо-риш қайта тикланибди. Шунинг учун ҳозир ҳам ўша анъ-анаға биноан, жаноза ўқилиб, марҳум қўмишға олиб кетилгач, ҳовлида қолган хотин-қизларға учта нон дас-талаб тутиб чиқилади. Аёллар эса ундан бир бурдадан синдириб олиб оғизларига саладилар. Шундан сўнг, аввало, ўлик руҳига, кейин нон шаъниға махсус олқиш айтилиб, марҳум орқасида қолганларға узоқ умр, бар-дамлик, ризқ-рўз тилаб, хотинлар аста-секин тарқала бошлайдилар.

Таассуфки, бу анъанавий одат ҳозир керагидан ортиқ дабдабалаштириб адо қилинаётир. Ҳатто у баъзи жой-ларда ўта бузиб бажарилаётганидан эзгулик маъносини йўқотиб, зарарли одатга айланиб қолган. Бинобарин, «йиртиш» деб элга латта-путталар тарқатиш ёки «хай-рот» деб пул тарқатиш каби бемаъни удумлар сифатида айрим жойларда кўр-кўрона давом эттириб келинмоқда.

Дафн маросимида аслида маҳобатли сарф-харажат қилиб, обрў-иззат кетидан қувиш маънавий кўрликдан бошқа нарса эмас. Ислом тушунтирганидек, бундай ор-тиқча исрофгарчилик «гуноҳ»дир.

Аслида марҳумға бўлган ҳурмат-эҳтиромни, бой-ликни «кўз-кўз қилиш», исрофгарчилик, мақтаниш би-лан эмас, камтарона эслаш, унинг қабрини зиёрат қилиб туриш, ўт-ўланлардан тозалаш, атрофига гуллар экиб ободонлаштириш билан билдирмоқ даркор.

Айрим жойларда бундай ишлар бевосита маҳалла қўмитаси аъзоларининг бошчилигида, улар ёрдами ва назорати остида тартиб билан ўтказилаётирки, бу таҳ-синга лойиқдир.

Дарвоқе, ҳозир маҳалла қўмиталарининг талаби ва таклифи туфайли мотам маросимлари анча ихчам-лаштирилмоқда, ортиқча сарф-харажатларға чек қўйил-моқда. Жумладан, ҳозир кўп жойларда марҳумнинг хо-тирасини ёд этиш учун фақат уч ёки етти, ундан сўнг қирқ ва кейин йил маросимлари ўтказиляпти, холос.

Албатта, ҳозирги «хотира кун» қадимгига ўхшаш эмас. Бироқ хотирлаш, қайси даврда бўлмасин, инсон учун энг зарур эҳтиёж заминиде яратилган анъаналардан биридир.

Президентимиз 9 май — Ғалаба кунини Хотира ва

қадрлаш куни сифатида нишонлашни таклиф этиб, мамлакат аҳлини Ватан озодлиги йўлида ҳамда Иккинчи жаҳон урушида шаҳид кетганлар руҳини эъзозлашга даъват этди. Эндиликда Хотира ва қадрлаш кунида жумҳуриятимизда яшовчи ҳар бир киши, миллатидан қатъи назар, ўзларининг вафот этган яқин қариндош-уруғлари дафн қилинган қабристонларга бормоқни инсон руҳини эъзозлаш деб тушунадиган бўлди. Қабристонларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда иштирок этишда юксак маъсулият билан қараладиган бўлди.

Хусусан, Хотира ва қадрлаш куни юрт озодлиги ва мустақиллиги, ободлиги йўлида ширин жонини қурбон қилган кишиларнинг порлоқ хотирасига алоҳида ҳурмат кўрсатиш ўзига хос анъанага айланди. Чунки элу юрт бахти ва фаровонлиги йўлида ҳаётини бағишлаган инсонлар хотираси ҳамиша азиз ва муқаддасдир!

Хотира ва қадрлаш кунининг ўтказилиши, аввало, авлодлар боғлиқлиги ва давомийлигини янада мустаҳкамлаш, ўтганлардан ўрнак олиб яшаш учун беҳад муҳимдир.

Хотира ва қадрлаш кунида жойларда митинг маросимлари ўтказилади. Бундай митинглар халқ қаҳрамонларига ўрнатилган ҳайкаллар ёнида, Ватан мудофааси ва мамлакат равнақи йўлида хизмати сингган кишилар ҳаёти билан боғлиқ жойларда, уй-музейларда, муқаддас кўчалару майдонларда, умумий қабристонларда ташкил қилиниб, марҳумлар ёдга олинади, хизматлари эсланиб, гуллар ва гулчамбарлар қўйилади. Шуниси ҳам эътиборлики, марҳумлар хотирасини ёдлаш удумлари турмуш тарзидаги ўзгаришлар таъсирида тобора такомиллашиб, янги шакл ва янги маъно касб этиб бораётир. Жумладан, мамлакатимиздан Иккинчи жаҳон урушида қатнашиб, унда ҳалок бўлганлар номини абадийлаштирган Хотира китоби, қолаверса, Ватан ва мамлакат шарафини эъзозлаган фидойилар яшаган ҳовли ёки ишлаган масканларга ёдгорлик лавҳалари ўрнатиш кабилар шу хилдаги янги анъаналар саналади. Бундай анъаналар аслида ёш авлодни аجدодлар хотирасига ҳурмат билан қарашга, уларнинг жасорати ва ўрнагидан сабоқ ўқишга ўргатиши билан беқиёс аҳамиятга эга.



ЁН ҚЎШНИМ – ЖОН ҚЎШНИМ

Ховли олма — қўшни ол.

Мақол

«Қўшним» сўзи нимани англатади? Қўшничилик сўзи-чи? Нега қўни-қўшни деймиз? Қўшничиликнинг чегараси борми? «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да «қўшни» сўзи уйлари, ҳовли-жойлари ёнма-ён ёки яқин бўлган кишилар, оилалар, хонадонлар (бир-бирига нисбатан) ҳамда «ёнма-ён турган, жойлашган, бир-бирига яқин, чегарадош» маъноларига эга дея изоҳланса, «қўшничилик» сўзи «қўни-қўшнилари ўртасидаги борди-келди муносабатлари» тарзида изоҳланади¹. «Қўни-қўшничилик» сўзига ҳам худди шу изоҳ такрорланади². Аслида-чи, «қўшни» ва «қўшничилик» сўзлари маъноларини тўлароқ англатишда «қўни-қўшничилик» сўзининг бош қисми муҳим. «Қўни» сўзи ўзак «қўн» — буйруқ феъли ва «-и» эгалик қўшимчасидан ҳосил бўлган», «қўнмоқ» ва «қўним» сўзлари маъноларини ҳам ўзида тажассум этган, аниқроғи, маълум бир жойга қўнгач, ўша ерда турғун яшаб қолмоқ, муқим қўним топмоқ маъноларини англатгани ҳолда жуфтлик ҳосил қилган, «қўшничилик» сўзи мазкур маъноларни тўлдириб, кучайтириб бир жойда муқим қўним топган қўшнилари ораларидаги маънавий-ахлоқий негизда содир бўлувчи ўзаро борди-келдилар, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар мажмуини англатади. Бундай муносабатлар асрлар давомида чуқурлашиб борган ва қўшнилари ўзаро ҳамкорликларига, ўзаро мададкорликларига масъуллик

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томлик, 2-том. Москва, «Русский язык» нашриёти, 1981 й., 644-б.

² Ўша манба, 637-б.

туйғуларини шакллантирган ҳамда кучайтирган. Шу асосда қўшнида қўшнининг ҳақи туйғуси пайдо бўлган.

Қўшни ҳақи — қўшнининг қўшниси олдида масъулияти ва бурчлари йиғиндиси бўлиб, фақат эзгуликка қаратилган хатти-ҳаракатларидан иборат. Бу хусусда ҳазрати Ойша Расулуллоҳдан шундай ҳадис келтирилганлар: «Ҳазрати Жаброил қўшни ҳақиға риоя қилиш тўғрисида менга шу қадар кўп васият (топшириқ) қилдиларки, мен уни ҳатто молимга ҳам меросхўр қилиб қўйсалар керак деб ўйладим»¹. Қўшни ҳақи — шу қадар эъзозли. У, аввало, қўшнининг қўшнисини кўрганда очиқ юз билан кўришмоғи, саломлашиши, хасталигида ҳолини сўраши, муҳтожлигида моддий ёрдам бериши, ҳайитларда, байрамларда, шахсий ё оилавий шодиёналарида қутлаши ва ҳадялар бериши, молига, жонига қасд қилмаслиги, хотинига, қизларига ёмон ниятда қарамаслигидан иборат. Шу боисдан ҳам Расулуллоҳ ўғрилиқ ва зинони ҳаром санаб, хусусан, қўшни хонадонида ўғирликка кирмоқ ўнта бегонанинг уйини урмоқдан қабиҳроқ гуноҳ бўлса, қўшни хотинини зино қилмоқ бундан ҳам огирроқ гуноҳ эканлиги ҳақида махсус ҳадис келтирилганлар². Яна бир бошқа ҳадисда эса «шўрбо қилсанг, сувини кўпроқ қилиб қўшнилариинг аҳволига қараб шундан миннат қилмай уларга ҳам бер»³, — деб таъкидланган.

Расулуллоҳ қўшни ҳақи амал қиладиган хонадонлар миқдорини белгилловчи махсус ҳадис келтириб, қўшничилик чегарасини ҳам ойдинлаштирилганлар. Ўша ҳадиси шарифга кўра: «Ховлининг олд томонидан қирқ ҳовли, орқа томонидан қирқ, ўнг томонидан қирқ ва чап томонидан қирқ ҳовлилар ҳаммаси қўшни ҳисобланади»⁴. Бунда қирқ рақамининг магик хусусияти ҳам қўшничилик муносабатларини муқаддаслаштиришда маълум роль ўйнаганлигини унутмаслик даркор.

Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллаллоху алайҳи

¹ **Имом Исмоил ал-Бухорий.** Ал-адаб ал-муфрад (Адаб дурдоналари). Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1990, 47-б.

² Ўша жойда, 47-б.

³ Ўша жойда, 49-б.

⁴ Ўша жойда, 48-б.

васаллам саҳобалари Абу Ҳурайрининг: «Ё Расулulloҳ, қўшнининг қўшнига қандай ҳақлари бор?» деган саволига жавоб бера туриб, булар тубандаги ўн ҳақдан иборатлигини бир-бир санаб айтганлар: «Биринчи ҳақ — агар қўшни қарз сўраса беришлик. Чунки қўшнига энг яқин киши сиз бўласиз. Иккинчи ҳақ — қўшни агар бирор тўйми, йиғинми, маъраками ўтказса, чақирганда бошқа ишларни ташлаб, уникига чиқасиз. Учинчи ҳақ — қўшнингиз бетоб бўлиб қолса, ҳолидан хабар оласиз. Бирор дори-дармон зарурати туғилса, уни топиб, ёрдам бера-сиз. Тўртинчи ҳақ — қўшни уйида бирор ҳашарми ё бошқа юмуши бўлса, ёрдам сўраганида кўмаклашасиз. Бешинчи ҳақ — қўшнингиз бошига мусибат тушганда ташвишига шерик бўласиз. Олтинчи ҳақ — яхшиликка эришганида уни қутлайсиз, дуо қиласиз, хурсандчили-гига шерик бўласиз. Еттинчи ҳақ — қўшнингиз оламдан ўтса, жанозасида иштирок этишингиз шарт. Саккизинчи ҳақ — қўшни йўқлигида уйига қараб турасиз. Агар қўш-нининг бошлиғи бўлмаса, унинг бола-чақасидан хабар-дор бўлиб турасиз. Тўққизинчи ҳақ — қўшни дилига озор беришдан тийилиш. Ўнинчи ҳақ — қўшнининг рози-лигини олиб, қарши бўлмаса, иморатни баланд қилиб қурасиз».

Чиндан-да, ҳар бир оила ўз иқтисодий имкониятла-ри ва маънавий даражаси доирасида мустақил яшаса-да, қўшничилик робиталари орқали жамиятга боғланганлиги туфайли унинг шу хилдаги амалий низомларига амал қилишга мажбурият сезади. Зеро, оила оила билан қўш-ни яшар экан, қўшничилик муносабатлари доирасида бир-бириникида нималар содир бўлаётганидан, оила аъзолари орасидаги ўзаро муносабат қанақалигидан, бо-лалар қандай тарбияланаётганлигидан, қариндош-уруғлар билан қандай муомала қилинаётганлиги, хонадонларига қанақа кишилар келиб-кетаётганлигидан, фарзандлари-нинг ота-оналарига, ўқишга, меҳнатга, касб-корига муно-сабатларидан, кексаларга, ногиронларга, хасталарга, қу-да-андаларга муруввату мурувватсизликларидан муттасил воқиф бўладилар. Шу маънода «қўшнининг билгани — оламнинг билгани»га, оилалар ўртасидаги муносабат «қўш-

ни — қўшнининг кўзгуси» нақлида ифодаланган ҳақиқат даражасида эл кўзи ўнгида аксланиб турган. Бу ҳол ҳар бир оилани қўшни оилалар олдида икки жиҳатдан масъуллик низомига амал қилиб яшашга мустаҳиқ этган.

Биринчи жиҳати — «қўшни қўшнининг бозори» нақли асосида юзага келган иқтисодий масъуллик шакллари силсиласи. Бундай масъулликка кўра қўшни оилаларнинг ўзаро олди-бердиси ҳал қилувчи роль ўйнайди. Одатда, бу хилдаги олди-бердилар ё маънавий-ахлоқий, ё соф иқтисодий зарурият тақозоси замирида амалга ошган.

Соф иқтисодий зарурият туфайли қай бир оила пулга, озиқ-овқат масаллиқларига ёки бошқа маҳсулотларга эҳтиёж сезса, вақтинчаликка эҳтиёжга яраша қўшнисилан қарз олиб турган ва муддати тугаган ҳамда имконияти туғилган заҳотиёқ шу қарзни дарҳол қайтарган. Бундай муносабат жараёнида оилалар бир-бирини камситувчи шартлар қўймаган, аксинча, бир-бирининг эҳтиёжига яраётганидан мамнунлик туйган. Натижада оилалардаги иқтисодий имкониятлар қай даражалигидан қатъи назар улар орасида тенглик ва ихтиёрийликка асосланган маънавий-ахлоқий зарурият тақозо этувчи олди-бердилар ҳам юзага келган. Айтайлик, қайси хонадонда ис чиқаётса — қўшнисиникига қўшни оши, тандирда ётилган: нон ҳиди анқиса — етти қўшнисиникига иссиқ нон узатиш, мол сўйганда гўштидан илиниш, хирмон кўтарганда, узум узганда, полиз йиғганда қўшни ҳақи улашиш удумлари ана шу заминда асрлар давомида ўзбек оилаларида шаклланган анъанавий тамойиллар сифатида қарор топган. Қўни-қўшнилари ўзаро келишиб, икки-уч косадан ун ёки ёрма йиғиб, ўзаро ҳамжиҳатликда Наврўз ва ҳайитлар муносабати билан сумалак ёки ҳалиса (ҳалим) тайёрлаб ошаш анъанаси ҳам шу асосда юзага келган. Бу анъанага аксарият шаҳар ва қишлоқларимизда ҳозир ҳам амал қилинади. Халқнинг ўзи эса қўшничиликка дахлдор бундай муносабатлар мазмун-моҳиятини «Қўни оши — қорин тўйдирмас, меҳр-оқибатни оширар», «Қўшни оши — қўшнига қарз», «Қўшнига айтсанг — қўшар», «Қўшнида пишар, бизга ҳам тушар», «Қўшнининг оши тотли» сингари ўнлаб мақолларда акс эттирган.

Қўшнининг бирор жисмоний қусуридан, ноғиронлигидан ёки камбағаллигидан кулиш ҳам қўшничилик одобига зиддир. Аксинча, бундай вазиятда халқнинг «Қўшнинг кўр бўлса — кўзингни қис, чўлоқ бўлса — сен ланг бўл», «Қўшнингга кулма, ўзингга қайтиб келар» мақолларига амал қилиб, кўнглига малол олмаслигини кўзлаб, беҳад эҳтиёткорлик билан янада мурувватлироқ бўлиб қўшнига муомала кўргазмоқ фарзи айн саналади. Ана шунда, ҳадиси шарифда айтилганидай: «Киши ўз қўшнисини, ака-укаларини ва ҳатто отасини ўлдирадиган вақт келмагунча қиёмат-қойим бўлмайди»¹. Ҳаётдаги инсофу диёнат қўшничиликдаги инсофу диёнатдан сув ичиб яшнайди.

Бироқ ҳамма нарасада меъёр бўлганидек, қўшничилик олди-бердиларида ҳам меъёр бор, бундай меъёрнинг тамал тоши — ҳалоллик, бегаразлик ва тантилиқдир. Шу мезонга амал қилингандагина қўшничилик ҳам татийди, қўшничилик муносабатларида самимият балқийди, шундагина қўшни қўшнининг кўмакчисига, мададкорига айланади, қўшни қўшнининг эҳтиёжини ҳис қилиб, ҳамкор бўлиб яшайди. Халқ ана шу синалган ҳаётий тажрибасини «Қўшни келди — кўмак келди, эт келди — суяк келди», «Қўшнингнигина — киноя сўз доғ этар, қурбинг етса кўмаклаш — эшигингни боғ этар», «Гилямнингни сотсанг қўшнингга сот, чеккасида ўзинг ўтирасан» сингари мақолларида сабоққа айлантирган. Бинобарин, қўшничилик муносабатларида салгина димоғдорлик, фирромлик, беписандлик сезилса борми — қўшничилик иморатига дарз тушади, дарз чегаланганида ҳам изи қолаверади. Айтайлик, биров қўшничилик таомили деб юқорида эслатган олди-бердиларга амал қилаверса-ю, бошқа бир қўшни оилавий имкониятлари бўла туриб, унга яраша жавоб қайтармаса, орада нохушлик юзага келмай қолмайди. Чунки бу таомил ҳам «қарс икки қўлдан чиқади» ёки «бор товогим, кел товоғим» мақолларида ифодаланган мезон негизида кўрилган. Бу мезонга риоя этмаслик қўшничиликда нораводир. Халқ шу

¹ Ўша жойда, 50-б.

мезонни бузишга сабаб бўладиган ҳолатларни ҳисобга олиб «қўшнига қўшни товуғи кўркли кўринар», «қўшнинг товуғи ғоз кўринар, келинчаги қиз» дея огоҳлантирар экан, «қўшнингга қарама, ўнгингга қара», «қўшнингга қасд этма, бас эт», деб қайта-қайта уқтиради, инсофга, иймонга чорлайди.

Иккинчи жиҳати — «Қўшнинг тинч — сен ҳам тинч» ҳикмати замирида туғилувчи ижтимоий-ахлоқий масъуллиқ шартлари силсиласи. Бунда қўшнинг қўшни олдидаги андишаси, меҳр-оқибати, масъуллиги каби маънавий омиллар муҳим аҳамият касб этади. Худди шу омиллар туфайли қўшни тўй қилса — қўшни камарбаста бўлиб хизмат қилишини шараф деб билади; қўшникида аза бўлса — қўшни бел боғлаб ҳамдардлик билдиради; қўшни иморат қура бошласа — қўшнилари унинг усталарини галма-гал чақириб зиёфат беради ёки иморат бошига дастурхон тузаб бориб: «Ҳорманг, бор бўлинг» қилади, қўшникига огринмай ҳашарга чиқади, қўшни қиз чиқарса — қўшни аёлини янга-қудаликка сайлаб қудасиникига юборади, ҳатто келин-қудалар куёвникига ёки куёв-қудалар келинникига келишганида етти қўни-қўшни уларни ўз уйига чорлаб меҳмон қилишади. Самарқанднинг бир неча туман ва қишлоқларида, шунингдек, Қашқадарё ва Сурхондарё томонларида хатна ва никоҳ тўйларига таклиф қилинганларни қўшнилари уйларига тарқатиб зиёфат қилиш анъанасига ҳозир ҳам амал қилинадиги, буни қўноқ дейишади. Қолаверса, бу жойларда қўшникига келган меҳмон ҳам шу хилда қўноқ қилиниб эъзозланади. Буларнинг барчаси қўшничилик муносабатларини барқарор этган, қўшнилари ўртасида ўзаро ҳурмат асосидаги ҳамкорликни таъминлаган ғоят қадимий эзгу анъаналардир. Шу анъаналар туфайли қўшнилари келишувчанлик асосидаги осойишта ҳаёт асрлар оша давом этиб келаётир.

Демак, қўшнилари муносабатларда маънавий омил етакчилик қилади, негаки, қўшнилари муносабатларидаги аҳиллик, осойишталик пировард-оқибатда маҳалла — қўшнинг, қолаверса, бутун юрт ёки мамлакатнинг тинчлиги, омонлиги ва осойишталиги гаровига айла-

нади. Шу боисдан қўшнилари маънавий ҳақ ҳам беҳад муқаддасдир. Бу хусусда халқнинг ўзи яратган тубандаги ривоят гувоҳлик беради. Унда айтилишича, ҳовлидаги ток ёнидаги тут дарахтига чирмашиб кетган бўлсаю, шунда токка толор — сўри боғлаш ниятида тутни халал бераётгани боис кесиб ташлаш зарурияти туғилиб қолса, уй эгаси, аввало, етти қўшнидан розилик сўрамоғи, башарти улар кўнган тақдирдагина ўша тут дарахтини кесмоқ раво саналармиш. Чунки ўша тутда етти қўшнинг ризқи-ҳаққи бор эмиш. Шунданмикин, қўшни қизини сўраб келишдан аввал унинг қанақалигини, оила-сидагиларга муомаласини, хулқу одобини етти қўшнисидан сўраб билишса, бўлажак куёв ҳақида ҳам қиз томонидагилар унинг қўни-қўшнисидан суриштириб маълумот олишади. Шунда қўшниларга муносабат келинликка ёки куёвликка танланаётган қиз ёки ўғил ҳақидаги ахлоқий баҳони белгилайди. «Қўшнинг яхши бўлса, кўр қизинг ҳам эрга тегар» мақоли ана шу ҳолатни акс эттирувчи ҳаёт сабоғидир.

Қўшни қўшнига озор етказмаслиги, ёмонликни соғинмаслиги, ҳасад ва қасд қилмаслиги шарт. Рост, мақолда айтилганидай «қўшнинг кирдорини қўшни билиб турар». Шунда у «қўшнинг кўр бўлса — тилингни тий» мақолига амал қилиб яшаса, муроса-мадора йўлини тутган бўлади.

Қўшни билан душманчилик хонадонлардан файзу баракани кўтаради, тишга теккан коса лабидай арзир-арзимас баҳоналарда уриш-жанжал чиқаришга йўл очади. «Қўшнинг яхши бўлса — берди Худо, қўшнинг ёмон бўлса — урди Худо», «Қўшнинг ёмон бўлса — ёмонлик келар, қўшнинг яхши бўлса — омонлик», «Қўшнинг ёмони — жонингнинг эгови», «Қўшнинг ёмон бўлса — қонун ўрганарсан, экканинг ёмон бўлса — нимани ўрасан» сингари мақолларда бундан огоҳлантириш мотиви устувор. Қўшни билан чиқишмоқ учун, аввало, ўзинг яхши бўлмоғинг шарт. Ўзингда қўшнига нисбатан ғайирлик бўлса, ундан яхшилик кутиш талбадан ўзга нарса эмас. Бунга маънавий ҳуқуқинг ҳам йўқ. Ахир «Қўшнини кўзғасанг — кўчар, ўтни кўзғасанг

ўчар»да! Чиндан ҳам қўшни билан жанжалкашлик ё қонунбозлик, қонунталашлик, ё кўчиш билан якунланадиган нохушликдир. Шу боисдан халқимизда қўшни танлашга алоҳида аҳамият бериш анъанага айланган. Шу ақидасини у «ҳовли олма, қўшни ол» мақолида лўнда қилиб ифодалаган.

Қўшничиликда болаларнинг ўзаро муносабатлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Қўшни болалар ўзаро аҳил-тотув, ҳамкор ва мадакор бўлиб улғайсалар, оилалараро қўшничилик муносабатлараро ҳам узоқ муддатларга чўзиладиган ҳамжиҳатлик ва осойишталик имкониятларига эга бўлади. Шу сабабли қўшни ота-оналар ўз фарзандларининг бир-бирига ҳурмат-иззат ва мурувват кўргазга билиш руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор бермоқлари шарт. Шундагина қўшни қўшнининг биродарига айланади, қўшнилари биродарлик, бирдамлик, жипслик, бир-бирларини англаб яшаш вазияти юзага келади.

Оилавий қўшничилик маънавиятининг асосий фазилатлари ва шартлари ана шулардан иборат. Бинобарин, уларга амал қилиб яшамоқ оилалараро соғлом муносабат ва ишонч руҳини қарор топтиради. Қўшничилик фароғати ва саодати ана шуларда. Мақолда айтилганидай: «Қўшничилик кўрмасанг — роҳат қадрига етмайсан».

МАҲАЛЛА ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ, ВАТАН МАҲАЛЛАДАН...

Отанг — маҳалла,

Онанг — маҳалла.

Мақол

Аслида ҳаммамиз маҳалла фарзандларимиз. Ҳар биримиз қайсидир бир маҳаллада туғилганмиз. Ҳа-ҳа, ёруғ оламга келганимиз ҳақидаги мужда шу маҳалла бўйлаб илк бор тарқалганда маҳалла аҳли ўз сафининг яна бир инсон эвазига тўлишганидан нечоғли хушнуд бўлиб, ота-оналаримизни қутлашган. Ҳар биримизнинг мавжудлигимизни ва муқаддас ўзликка эгаллигимизни англатувчи ва эътироф этувчи исм қўйиш ва муслимликни қабул қилишдан иборат ақидамиз маҳалла масжиди имоми, маҳалла оқсоқоли ва маҳалла кайвониси иштирокида ўтган. Бешиктўйимиз, хатна ва никоҳ тўйларимиз шу маҳаллада кечган. Тетапоя оёқ чиқариб, ҳовлимиздан ташқарига қўйган илк қадамимиз маҳалла кўчаси бўлган. Маҳалла кўчасини чангитиб зум-бале ўйинига чопганмиз, копток тепганмиз, ошиқ ўйнаганмиз, алифбе солинган жилдни елкага осиб, қўлда гулдаста билан илк бор мактабга маҳалла кўчасини тўлдириб борганмиз. Илк мучалимизни қаршилаганда оппоқ кийиниб маҳалладага қўни-қўшниларга улуш тарқатганмиз. Сал бўй етганимизда маҳалламиздаги қай бир сулув қизалоқ кўнглимизни илитган, борди-ю унга бошқа маҳаллалик бирор йигит кўз олайтирса ёки тегажоғлик қилса, нафсониятимизга теккан, гуруримиз қўзиб ўша йигитчанинг таъзирини берганмиз. Маҳалладаги ҳар бир тенгқуримиз — бизнинг дўстимиз, сафдошимиз, ҳар бир ёши каттароғи — акамиз ва опамиз, ҳар бир ёши кичикроғи — укамиз ва синглимиз бўлган.

Маҳалладаги барча улуглар қай биримизга бобо ва момо, қай биримизга ота ва она, қай биримизга тоға ва амаки, қай биримизга амма ва хола, қай биримизга янга ва эгачи бўлган. Маҳалла ҳар биримизни шу хилда ўзаро боғлаган. Шу боисдан хонадонларда кечадиган ҳар бир тўю маърака бутун маҳалланикига айланган. Ахир беҳудага «маҳалла қозон ярлақаганникига кирар» дейилмайди-ку! Кимдир иморат курса — маҳалла «ҳорма-бор бўл»га, баҳамжиҳат бўлиб ҳашарга чиқишган; кимдир тўй қилса — маҳалла аҳли ғалвир билан сув ташиган; кимдир қазо қилса — маҳалла аҳли бел боғлаб аздорлик қилган, олам билан видолашганнинг қавму қариндошлари кўнглини сўраган, уларга тасалли берган. Натижада маҳалла аҳли бир забардаст муштдай бўлиб тугилган, бирлашган, биродарлашган, қуда-қудағайлашиб, ўзаро чатишиб кетган. Қандай уруғ ёки қавмга, қандай миллат ёки диний эътиқодга мансубликларидан қатъи назар бундай ҳамжиҳатлик уларга куч-қувват бағишланган, ўз навбатида, бу ҳолат маҳалланинг маънавий шаън-шавкатига айланган. Халқимиз маҳалла турмушида синалган ана шу тажрибасини «отанг — маҳалла, онанг — маҳалла» мақолида чинакам ахлоқий сабоққа айлантирган.

Маҳаллаларнинг маънавий бир бутунлиги шу заминда асрлар давомида шаклланган. Маҳалладан чиққан бирор улуг зот бутун маҳалла номини элу юртга танитиб, унинг ифтихорига айланган, қолаверса, ҳатто маҳалла ҳам шу улуг инсон номи билан атала бошланган. Шунданмикин, халқимизда бир боланинг чинакам инсон сифатида камол топишига етти маҳалла масъул деб қараш қадимдан расмиятга айланган. Чунки бола туққанники эмас, тарбиялаганники. Бола онадан ўғри, товламачи, каззоб, безори, алдамчи, қаллоб, ишёқмас ва сотқин бўлиб туғилмаслиги аён ҳақиқат. У шундай иллатларга ота-она, мактаб, маҳалла-кўй ва жамиятнинг тарбияда йўл қўйган нуқсонлари, тарбиявий жараёнга бепарволик, лоқайдлик билан қараганликлари, талабчанликни сусайтирганликлари туфайли гирифтор бўлиши ҳам аниқ. Бунда бола мансуб оиланинг маҳалладан ажралиб қолиши, аниқроғи, маҳалладаги тартиб-интизомни четлаб яшашга интилиши ҳам сабаб бўлиши мумкин. Шу вайдан маҳалла аҳли ўз болалари юриш-

туришига кўз-қулоқ бўлиб турмоғи, ҳар қандай нохуш хатти-ҳаракатни содир этган боланинг ота-онасини огоҳлантириши зарур. Энг муҳими, маҳалла болаларнинг ҳам, катталарнинг ҳам ўзаро аҳил-тотув ва биродар бўлиб яшайдиган маскани. Шундагина маҳаллада осойишталик, тинчлик, ўзаро ҳурмат, ҳамкорлик қарор топади. Маҳалланинг тинчлиги эса элу юртнинг, қолаверса, бутун бошли мамлакатнинг тинчлиги, фаровонлиги, кучқудрати ва омонлигининг гарови ҳисобланади.

Одатда шаҳарларда ҳар бир маҳалла бир неча гузар ё кўчалардан ташкил топса, қишлоқларда, гарчи бундай ички тузилиш бўлмаса-да, аксар ҳолларда каттароқ қишлоқлар икки ёки уч маҳаллага бўлиниб, маҳаллаи боло — юқори маҳалла, маҳаллаи поён — қуйи маҳалла ва миёнмаҳалла — ўрта маҳалла тарзида номланган ва албатта, ҳар бир маҳалланинг ўз масжиди бўлган. Ўтмишда масжидсиз маҳалла мустақил маҳалла сифатида эътироф этилмаган, чунки масжид маҳалла учун иймон тимсоли, болалар учун сабоқхона — мактаб, мусулмончилик аҳкомлари ижро ва ташвиқ этиладиган саждагоҳ, ҳаётдан кўз юмган ҳар бир маҳалладошга ҳурмат кўрғазиб, жаноза ўқиб, видолашадиган энг сўнгги муқаддас маскан саналган.

Шу зайдда маҳалла Туркистон давлатчилигининг пойдевори, шарқ халқлари тафаккурининг ноёб маҳсули сифатида унда яшовчи аҳоли учун ўз-ўзини бошқарув тизимига, энг муҳими, турмушнинг ёзилмаган, лекин ҳаётий тажрибаларда синалиб, инсонийликни шарафлайдиган, қадриятларни, илғор анъаналарни эъзозлайдиган, юрт тинчлиги, ободлиги, жамият тараққиётига ва инсонни шакллантиришга хизмат қиладиган низомларга амал қилиб яшашни мажбуриятга айлантириб борган, шу асосда маҳалла асрлар оша ахлоқий-маънавий тарбияни оғишмай амалга оширувчи халқ дорилфунуни вазифасини ўтай бошлаган.

Маҳалла — турмуш кўзгуси. Маҳалла аҳлининг ҳар бир хатти-ҳаракати бир-бирининг кўз ўнгида кечади. Маҳалладошлар бир-бирлари олдида масъуллик билан яшаганликлари боис бир-бирларига назоратчи ҳам ҳисобланадилар. Бинобарин, эзгуликка хизмат қилувчи хатти-ҳаракатлар маҳалла аҳлининг олқишига сазовор бўлса, ножўя, номақбул хатти-ҳаракатлар уларнинг қо-

ралашларига маҳкум этилади. Чунки маҳаллада яшамоқ — унда амал қилинаётган тартиб-қоидаларга барча маҳалладошлар қатори риоя этишни заруриятга айлантиради. Кимда-ким маҳаллада яшаса-ю, унда амал қилинаётган тартиб-қоидаларни назар-писанд қилмаса, маҳалла аҳли иродасини ҳисобга олмай, ўзича худбинлик, кибру ҳаво ва қинғирлик билан яшашга уринса, маҳалла аҳли ҳам ундан юз ўгирган, на тўю маъракаси, на азасига боришган, ундайларни «маърака берун» — маъракадан ташқари кимсалар қаторига қўшиб, маҳалладаги тadbирларга чақиришмаган. Бу маҳалла аҳлининг олий маънавий жазоси саналган. Бундай жазога лойиқ кўрилган кимса ё хатосини англаб, маҳалла аҳлидан узр сўраб, унга қайтадан қайишган, ё сигдирилмаганлигидан маҳалладан буткул кўчиб кетишга мажбурият сезган. Халқнинг «маҳалладан чиқсанг ҳам элдан чиқма» деган доно мақолида маҳаллада яшашнинг ана шу аччиқ сабоғи ифодаланган.

Ўзбекистон Республикаси ўз истиқлолини эълон қилиб, мустақил давлат сифатида бошқаришнинг демократик йўлини танлаганидаёқ маҳалланинг ана шу асрий тажрибасига суяниш зарурлиги равшанлашди. Бу Бош Қомус — Конституциянинг 105-моддасида шундай ифодаланди: «Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғилишлари ўз-ўзини бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди». Бу модданинг қабул қилиниши мамлакатимизда маҳаллий бошқарувнинг янги демократик тизимининг қарор топишига, аниқроғи, маҳалланинг ота-боболаримиз ақлу идроки билан яратилган асрий қадрият сифатида қайта тикланишига йўл очди. Бунда, айниқса, Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг шахсий ташаббуслари билан 1992 йилнинг 12 сентябрида қабул қилган Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 480-сонли қарори асосида Ўзбекистон Республикаси «Маҳалла» хайрия жамғармасининг ташкил этилганлиги ва бу жамғарма ҳисобига давлат захирасидан 25 миллион сўм маблағ ажратилганлиги, 1993 йилда «Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариши тўғрисида» қабул қилинган

қонуннинг 1999 йили янги таҳрирда такомиллаштирилганлиги, ҳатто унинг мустақил минбари сифатида «Маҳалла» газетасининг 1995 йилнинг 1 декабридан эътиборан нашр этила бошланиши, қолаверса, Республика Мустақиллигининг бир йиллиги шарафига маҳаллаларга 3 миллион сўмлик буюмлар ҳадя қилинганлиги муҳим аҳамият касб этди. Натижада Республика «Маҳалла» жамғармаси маҳаллий ўз-ўзини бошқарув тизими тарзида кенг тармоқ ёза бошлади, шу тариқа давлатни бошқаришда оммани кенгроқ миқёсда жалб қилиш йўли топилди. Ҳозирги пайтда Республика «Маҳалла» жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикасида, Тошкент шаҳрида ва барча вилоятларда, шунингдек, барча шаҳар ҳамда туманларда ўз бўлинмалари ташкил қилинган бўлиб, улар ихтиёрида 10004 та маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолият кўрсатаётир. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида 350 та, Андижон вилоятида 957 та, Бухоро вилоятида 541 та, Жиззах вилоятида 396 та, Наманган вилоятида 856 та, Навоий вилоятида 338 та, Сирдарё вилоятида 349 та, Самарқанд вилоятида 1208 та, Сурхондарё вилоятида 818 та, Тошкент вилоятида 1446 та, Фаргона вилоятида 1003 та, Хоразм вилоятида 675 та ва ниҳоят, Қашқадарё вилоятида 593 та, Тошкент шаҳрида 474 та маҳалла фуқаролар йиғинлари аҳоли тинчлиги ва осойишталиги, ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, келажакимиз умиди — ёш авлодни тарбиялаш, қўли қисқалигидан ўзини таъминлашга қийналаётган кўп болали оилалар, ногиронларга имкон қадар мададкорлик қилиш йўлида ҳормай-толмай хизмат қилаётир. Бу билан Ўзбекистон Республикаси «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳукуматимиз белгилаб берган:

- Ўзбекистон аҳолисининг тарихан таркиб топган удум ва анъаналарини авайлаб асраш ва бойитишга ҳар томонлама кўмаклашиш;

- кам таъминланган оилалар, ногиронлар, етимларга ва ёлғиз қолган қарияларга нисбатан инсонпарварлик ва меҳр-шафқат муносабатида бўлиш ғояларини тарғиб қилиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш;

- бозор иқтисодиёти шароитида маҳаллаларни ижтимоий, иқтисодий ва маданий ривожлантиришга кў-

маклашишдан иборат вазифаларни адо этиш йўлида маълум натижаларга эришилаётганини таъкидлаш жоиз.

Мамнуният билан айтиш мумкинки, ҳозирги мураккаб иқтисодий шароитда маҳалла фуқаролар йиғинлари халқ билан ишлаш, унинг дардини эшитиш, оилавий келишмовчиликлар, ишсизлик, маҳсулотлар тақчиллиги, аҳолининг чекланган миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотларини ўз вақтида олишларини ташкил этиш, маҳалла аҳлидан тушадиган ҳар хил арзу шикоятларни ечиш, мақаллалар ҳудудларини газлаштириш, водопроводлаштириш, телефонлаштириш, маҳаллада маиший хизматнинг сартарошхона, нонвойхона, чойхона, ошхона, сабзавот ва гўшт дўконлари сингари турларини йўлга қўйиш, маҳалладаги тўй ва маъракаларни рўйхатга олиш, тартибли ўтказиш, маҳалла ҳудудида ободончилик ишларини йўлга қўйиш мақсадида шанбаликлар уюштириш, кўчат ўтқазиш, кўкаламзорлаштириш, тозалик-озодалик ойлариини ўтказиб туриш соҳасида эътиборга сазовор ишларни амалга ошира бориб, бирмунча тажриба тўплашга ҳам улгурди.

Маҳалла фуқаролар йиғинлари, айниқса, етим-есирлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, афгон жанги ва Чернобиль ногиронлари, кўп болали, таъминоти кам оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишда алоҳида ғамхўрлик қилаётир. Бунда ҳукуматимизнинг 1994 йил 1 сентябрдаги «Кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида» ҳамда 1997 йил 1 январдаги «Болали оналарни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги қарорларига оғишмай амал қилиб, моддий ёрдам кўрсатишнинг адолатли ва хилма-хил кўринишларидан фойдаланиш аъъанаси юзага келаётгани ва бу ишда маҳалла фуқаролар йиғини ташаббускор бўлаётгани қувонарли ҳолдир. Эндиликда етим болаларни хайрия йўли билан хатна қилиш, уйлантириш ва турмушга чиқариш, якка-ёлғиз қариялар, ногиронлар ҳолидан хабар олиб турувчи меҳр-шафқат ёрдамчилари воситасидан уларнинг уй-жойларини тоза тутиш, экин-тикинига қараш, бозор-ўчарини қилиш, овқат ва корига қараш, қолаверса, корхоналар ва жамоа хўжаликлари кўмагида уларнинг уй-жойларини таъмирлаш, ногиронларни арава-чалар билан таъминлашда маҳалла фуқаролар йиғинлари-

нинг «Нуроний», «Соғлом авлод учун», «Камолот» ва «Қизил яримой», «Болалар» жамғармалари билан баҳамжиҳат фаолият кўрсатаётганлиги таҳсинга лойиқ.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш жоизки, 2003 йилнинг «Обод маҳалла йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан бу жараён янада чуқурлашди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 7 февралда қабул қилган «Обод маҳалла йили» дастури ҳақидаги қарори бунда айрича қиммат касб этди.

«Обод маҳалла йили» дастуридаги ана шу вазифаларни тўла-тўкис амалга ошириш мақсадида давлат бюджетидан 375,9 миллиард сўм пул ажратилди, шунингдек, қўшимча тарзда корхоналар буюджетдан ташқари жамғармалар, нодавлат ташкилотлари, халқаро ташкилотларнинг грантлари, кредит маблағларини жалб этиш ҳам кўзда тутилди. Қолаверса, Президентнинг «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида» ва маҳалла фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган кейинги қатор қарор ва фармойишларнинг барчаси маҳалла фуқаролар йиғинларини мустаҳкамлашга, уларнинг омма ўртасидаги нуфузини кўтаришга қаратилганлиги билан ҳаётийлик касб этиб келмоқда.

Маҳалла фуқаро йиғинлари ўз ҳудудидаги маданий ёдгорликларни асраш, ҳашар йўли билан атрофини озода тутиш, таъмирлаш ишларига ҳам бош қўшаётир. Айниқса, маҳалла ёшлари ўртасида ишсизликнинг олдини олиш ва ўғил-қизларнинг касб-ҳунар ўрганишларини йўлга қўйишда алоҳида жонбозлик кўрсатиб, маҳалла шароитлари ва имкониятлари доирасида дуррадгорлик, бешиқсозлик, уйсозлик, сандиқсозлик, электр асбоблари, радио ҳамда телевизорларни тузатувчилар, машина-механизмлар устачилиги, зардўзлик, гулдўзлик, кўрпадўзлик, патдўзлик, жиякдўзлик, ёқадўзлик, тўр ва жемперлар тўқишни ўргатадиган кичик корхоналар ёки тўғарақлар ташкил этиб, ишлаб топилган маблағ ҳисобига шу кичик корхоналарни кўпайтириш ва ижтимоий ёрдамга муҳтожлар бошини силашда фойдаланаётганини айтмайсизми?

Маҳалла фуқаро йиғинлари, айниқса, омманинг маънавий-ижтимоий турмушида муҳим саналган Наврўз,

Мустақиллик куни, 9 май — Хотира ва қадрлаш куни, Ўзбекистон Конституцияси куни, Рамазон ва Қурбон ҳайитларини тантанали нишонлашда ташаббускорлик кўрсатаётир. Маҳалла аҳли ижодкорлик истеъдодини уйғотиш мақсадида «Ватан остонадан бошланади», «Маҳалла — Ватан устуни», «Маҳалланинг энг намунали тадбиркори», «Энг обод маҳалла», «Маҳалланинг ибратли оиласи», «Энг назокатли келин», «Она, келин, қайнона» мавзуларида ўтказилаётган кўрик-танловлар ўзига хос анъанага айланиб бормоқда. Хуллас, бугунги маҳаллани унинг аҳли ташвишидан айри тасаввур этиш мумкин бўлмай қолди.

Маҳалла — аҳиллик оиласи, меҳр-шафқат маскани сифатида том маънода қайта тикланаётир. Маҳаллаларда катталарни ҳурмат қилиш, кичикларга шафқат кўрсатиш, етим-есирларга, хасталарга, ногиронларга мурувватли бўлиш, оила ва фарзандларга гамхўрлик қилиш, очикқўнгиллилик, саховатпешалик, миллатидан, диний эътиқодидан қатъи назар, одамларга хайрихоҳлик кўрсатиш, ўзгалар кулфатига ҳамдард бўлиш, ҳамиша ўзаро ёрдам туйғуси билан яшаш ўзига хос турмуш мезонига айланаётир. Шу тариқа оиладан бошланган маҳалла Ватан ичра Ватан тимсолида миллатимиз қиёфасига айланиб бораётир. «Маҳалла ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг кўзгусидир», — деган эди мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов маҳалла оқсоқоллари билан учрашувида. Халқимизнинг энг яхши анъаналари, урф-одатлари, хусусан, меҳр-шафқат, мурувват, тўйда ҳам, азада ҳам эл-улуснинг ҳамжиҳатлиги маҳалла ҳаётида ёрқин намоён бўлган ва бўлмоқда. Маҳалла — тарбия ўчоғидир. Юриш-туриш, одоб-ахлоқ, жамики фазилатларни ёшлар, аввало, маҳалладан, аниқроғи, ота-оналари, қўни-қўшнилари, табаррук отахонлари, дуоғўй онахонларидан ўрганадилар. Шунинг учун биз маҳаллий бошқарувнинг дастлабки ва муҳим бўғини бўлмиш маҳалларга катта эътибор бермоқдамиз. Шундай доимий эътибор туфайли мамлакатимиздаги маҳаллалар бугунги кунда обод ва озод Ватанимизнинг бир бўғини сифатида уларда истиқомат қилаётган миллионлаб каттаю кичикнинг ҳар бири учун шунчаки яшаш масканларигина эмас, балки тинч-осуда, тўқ ва фаровон, бахт ва сао-

датга эш ҳаётга эришмоқ йўлида шижоат кўрсатиш, ўз ўрнини кашф этиш ва ғурурини англаш, ўз ҳақ-ҳуқуқини таниш ва ўз қадр-қимматини топишга имконият яратаётган Ватан ичидаги Ватанга айланиб қолаётир. Бинобарин, маҳалла таъриф-тавсифига оид мулоҳазаларимизни мухтасар қилиб, бухоролик шоир Исомиддин Жумаевнинг «Маҳалла мадҳияси» шеъри билан фикримизни яқунлаймиз:

Ватан ичра жон Ватан — маҳалладир, маҳалла,
Халқи бир жону бир тан — маҳалладир, маҳалла.

Донишманд алломалар меҳри билан йўғрилган
Пурҳикмат жой азалдан — маҳалладир, маҳалла.

Қўни-қўшни, ҳамсоя — аҳил, иноқ, ҳамжиҳат,
Орада йўқ «сану ман» — маҳалладир, маҳалла.

Тўй, маърака, маросим ўтар қизғин, батартиб,
Бахту иқболи кулган — маҳалладир, маҳалла.

Оилалар тинч-тотув, саранжому саришта,
Бир манзилга бириккан — маҳалладир, маҳалла.

Хизмат қилар сидқидил ҳар вакила, оқсоқол —
Эл ишида чиниққан — маҳалладир, маҳалла.

Мусибат тушса бошга бўлур дардкаш, албатта,
Тобуткашим маҳаллам, дилкаш дўстим маҳалла.

Ўзбек, тожик, рус, қозоқ — чин қадрдон, биродар,
Дўстликдан ёруғ, равшан — маҳалладир, маҳалла.

Кўча-кўйлари обод, бағри сўлим, хушҳаво,
Жаннатмакон бог-чаман — маҳалладир, маҳалла.

Мустақиллик гаштидан тобора яшнаётган,
Ҳатто олган дунё тан — маҳалладир, маҳалла.

Маҳаллангни олқишла, мадҳ айла, Исомиддин,
Илҳомбахш она маскан — маҳалладир, маҳалла.

ХОТИМА

Оила — инсониятнинг ўз-ўзидан кўпайиш, ўз-ўзини бошқариш ва яхлит бир жамиятни бунёдга келтирган ҳолда яшаш ниятида юзага келтирган илоҳий ва мўъжизавий кашфиёти. Жаҳонда оила қурмай яшайдиган халқ ёки элатнинг ўзи йўқ, бироқ улар муносабатларига кўра бир-бирларидан фарқ қилишади. Айтайлик, қай бир халқда оила фақат зурриётни давом эттириш воситаси, қай бирида эса эркин муҳаббатдан лаззатланиш кафолатини бериб, асосан, мулкий муносабатни ифода этадиган эр-хотин иттифоқи. Яна қай бир халқда эса ҳам кўпайиш, ҳам яратиш, ҳам яшашнинг олий маскани.

Зеро, ҳар биримиз оилада дунёга келамиз, оилада яшаб улғаямиз, оилани бунёд этамиз. Қайга бормайлик — оилага қайтиб келамиз, ким бўлмайлик — оила аъзосимиз. Кувончимизу дардимиз ҳам оилада. Шунда эр-хотин сифатида муҳаббатимизни эъозлаб оламда борлигимизни туямиз, шунда ота-оналаримиз маслаҳатларидан сабоқ олиб турмушни англай борамиз, шунда ака-укаларимизу опасингилларимиз билан талашиб-тортишиб ҳаётни ўрганамиз, ҳаёт сурурини туямиз, шунда қариндошлар билан кенгашиб меҳру оқибат дарсини ўқиймиз, шунда фарзандлар кўриб ўз-ўзимиздан кўпаямиз, фарзандлар орзу-ҳавасини кўриш иштиёқида меҳнат қилишни саодат деб англаймиз, шулар асосида жамиятга боғланамиз, жамият бағрида — унинг аъзосига айланган ҳолда Ватан фуқаролиги, демакки, шахс нуфузини касб этамиз. Шунда оилавий муҳитда қай биримиз ақлу фаросат соҳиби — қай биримиз ғуру анқов, қай биримиз тўғри — қай биримиз эгри, қай биримиз зикна — қай биримиз саховатпеша, қай биримиз кўрқоқ — қай биримиз ботир, қай биримиз тўнгу кўпол — қай биримиз самимий ва мулойим бўлиб улғаямиз. Бундай қарама-қарши табиатдаги кишиларнинг бир том остида бир-бирлари билан муросаю мадора қилиб яшашлари оиланинг ижтимоий-ахлоқий моҳиятида сабру бардош

туйғусининг устувор мавқеда туришини белгилайди. Шу маънода оила бир-бирини сева билиш, бир-бирини тушуна билиш, бир-бирига содиқ ва оқибатли бўлиш, бир-бирини кечира билиш маскани саналади. Ҳар бир инсон, даставвал, оилада ўз ўрнини топади, оилада ўрин тополмаса — жамиятда ўрин топиши қийин; оилада ўз қадрини туяди, оилада қадр тополмаса — жамиятда қадрланиши даргумон; оилада меҳрибонлик кўради, оилада меҳрсиз улғайса — жамиятда ҳам бегоналардай яшайди. Оила шундай маънавий ришталар билан Ватанга боғланади ва ҳар бир инсон учун Ватан ичра Ватанга айланади. Оила ва Ватан тушунчалари шу нуқтада ўзаро сингишади. Натижада оила аъзоси Ватан фуқаросига айланади, оилалар жамиятни, аъзолар халқни бунёдга келтиради, халқ эса, ўз навбатида, бутун бир мамлакат аҳлига айланиб яратади, қуради, ўз давомийлигини таъминлаш йўлида курашади. Шу жараёнда оиланинг маънавий олами шаклланади.

Оила маънавияти қанчалик бой, теран ва чуқур бўлса — жамият ҳам шу қадар бой бўлади, оила маънавиятида жамият маънавий олами тажаллий топган бўлади. Сирасини айтганда, у ёки бу халқнинг миллат сифатидаги ўзига хослиги ҳам аслида шу маънавиятида жилоланиб туради. Бинобарин, оила маънавияти миллийликнинг барча аломатларини ифодаловчи кўзгу; турмушнинг миллийлик асослари ҳам шунда.

Оиланинг миллий руҳи — халқнинг миллий руҳиятини белгилайди. Шу маънода оила ҳар бир аъзосида миллий психологияни шакллантирувчи муқаддас ижтимоий институтдир. Бу институт неча минг йилликлар давомида жаҳон халқларининг бир-бирларига ўхшамайдиган турфа миллий-маънавий қиёфаларини тарбиялаб келаётир. Инсоният оламининг бойлиги ҳам аслида худди шу миллий-маънавий бетакрорлигида. Шундай бетакрорлиги туфайли истиқлол ўзбек оиласи қадр-қимматини ўз ўрнига қўйиш ва жаҳон афкор оммаси наздидаги эътиборини юксалтиришга киришди. Чунки оила бахти, Президентимиз И. Каримов таъкидлаганидек: «Юртимизнинг тинчлиги ва осойишталиги гарови». Бинобарин, ўзбек оиласи маънавият асосларини ҳар тарафлама мукамал ўрганиш ҳам халқимизда миллий ўзлигини англаш ва миллий ифтихор туйғуларини тарбиялашда беқиёс аҳамият касб этади.

МУНДАРИЖА

Муаллифлардан	4
Муқаддима	6
Оила — саодат сарчашмаси	13
Оила салтанати султони	40
Эр вазири	54
Болалик уй — бозор	70
Никоҳ тўйи — қисматларни пайвандловчи аҳд	101
Оила ҳаётида халқ байрамларининг ўрни	143
Китобхонлик — маънавият калити	165
Оила ҳаётида мезонга айланган ахлоқий низомлар	176
Хотира абадияти	211
Ён қўшним — жон қўшним	228
Маҳалла оиладан бошланади, Ватан маҳалладан	236
Хотима	245

ОХУНЖОН САФАРОВ
МЭЛС МАҲМУДОВ

ОИЛА МАЪНАВИЯТИ

Тошкент «Маънавият» 2009

Муҳаррир *У. Қўчқоров*
Мусаввир *Р. Зуфаров*
Техн. муҳаррир *Т. Золотилова*
Мусахҳиҳ *О. Бозорова*
Компьютерда тайёрловчи *Г. Отаскевич*

Босишга 16.02. 2009 й. да рухсат этилди. Бичими 84×108/₃₂. Times гарнитура-
си. Офсет босма усулида босилди. Шартли б. т. 13,02. Нашр т. 11,49. 5000
нуса. Буюртма №09-537. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти. Тошкент, Буюк Турон, 41-уй. Шартнома 37—08.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «Ўзбекистон» нашриёт-мат-
баа ижодий уйида чоп этилди. 100129 Тошкент. Навоий кўчаси, 30-уй. 2009.